

ТИББИЁТ ИНСТИТУЛари ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН ЎҚУВ АДАБИЁТИ

О. С. МАҲМУДОВ

БОЛАЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирлиги
тиббиёт институтлари талабалари
учун дарслик сифатида
тасдиқлаган

Тошкент
Абу Али ибн Сино
номидаги тиббиёт нашриёти
1995

Тақризчилар:

II Тошкент тиббиёт институти юқумли қасалликлар кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ш. Н. НАЗАРОВ

Тошкент тиббиёт педиатрия институти II болалар юқумли қасалликлар кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Д. Б. Мұхамедов

Маҳмудов О. С.

М 37 Болаларнинг юқумли қасалликлари: Тиббиёт институтлари талабалари учун дарслік.— Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашириёти, 1995.— 223 б.— (Тиббиёт институтлари талабалари учун ўқув адабиёти).

Дарслік тиббиёт институтларининг юқори курсларида таълим олаётган галабаларга мұлжалланған ва ўқув дастурнiga мувофиқ түзилған.

Ұнда асосан білалар орасыда әңг күп учрайдиган юқумли қасалликларнинг нозоологиялық турлари берілған, шунингдек болаларнинг ёшиға қарал қасалликларнинг кечиш хусусиятлари, уларға ташкис қўйиш усуллари, кўргина ҳасталикларни даволашда замонавий усулларни қўялаш йўлларни батағсил ёртілған.

57.33я73

**M 4108170000—032 —95
M 354 (04) 95**

© Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашириёти, 1995.

ISBN 5-638-01079-3

СУЗ БОШИ

Кейинги йилларда республикамизда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий туб ўзгаришлар болалар ўртасида учрайдиган юқумли касалликларнинг бир мунча камайишига олиб келди. Шу билан бир қаторда бу касалликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга тўғри ташхис қўйиш ҳамда касалликларга қарши профилактик чора-тадбирларни кўришда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Болалар орасида бу касалликларнинг атипик (ноаниқ), субклиник шакллари учрамоқда.

Бу келтирилган далиллар юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни ўз вақтида даволашни тақозо этади.

Кейинги йилларгача бу соҳага багишлиланган адабиётлар асосан рус тилида чоп этилар эди, ҳозирги кунда эса тиббиёт олийгоҳларида талабаларни ўқитишининг давлат тили — ўзбек тилига ўтиши ўқув қўлланмалар, монографиялар, рисолаларни ўзбек тилида чоп этишини талаб қиласди.

Бу асарларда бизда учрайдиган касалликлар кечишининг ўлка ва регионал хусусиятларини инобатга олган ҳолда бериш лозим. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф кўплаб адабий, илмий манбаларни ва ўзларининг кўп йиллик тажриба билимларини жамлаб (шу касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, уларнинг олдини олиш борасидаги), жиддий қўлланма ёзишдек зарур меҳнатни ўз зиммасига олди.

Ушбу дарслинка болаларда кўп учрайдиган юқумли касалликларнинг нозоологик шакллари киритилган. Бу касалликларнинг болаларнинг ёшига қараб кечишидаги хусусиятлари келтирилган. Касалликларга эрта ташхис қўйишга, уларни даволашда замонавий усулларни қўллашга алоҳида аҳамият берилган.

Муаллиф дарслинда баъзи кўрсаткичларни келтиришини лозим жўрди, бу эса шифокорлар учун

кундалик иш жараёнларида маълумот учун фойдаланиш имконини беради. Ўндан ташқари, болалар ўртасида учрайдиган юқумли касалликларнинг ташихиси ҳам жадвал тарзида берилган.

Ушбу дарслик ўзбек тилида биринчи бор чоп этилаяпти, шу туфайли муаллиф болаларнинг юқумли касалликлари тўғрисидаги барча муаммоларни ёритишнинг иложини тополмади. Айrim қисмлар касалликларнинг қисқа мазмунини шарҳлаш билан чегараланган, шунинг учун ҳам баъзи камчиликлар ва нуқсонларга йўл қўйилган.

Дарслик инфекционист шифокорлар, педиатрлар, эпидемиологлар, интернлар, соғлиқни сақлаш бўлимлари мутахассислари, тиббиёт институтларининг юқори курс талабаларига тавсия этилади.

АМЁБИАЗ (AMAEBIASIS)

Ичакларнинг протозой касалликлари га мансуб бўлган, бошқа аъзо системаларнинг заарланиши билан кечадиган инфекцион касалликдир. Амёбиаз ёки «амёбали дизентерия» асосан иссиқ иқлими тропик минтақаларда, шунингдек, ифлос жойларда кўпроқ тарқалади.

Этиологияси. Кўзғатувчиси — гистологик амёба. Гистологик амёбанинг диаметри 10—18 мкм бўлиб, паст ҳароратга чидамлидир. 55°C гача бўлган ҳароратда қиздирилганда ҳалок бўлади. Амёбанинг З асосий а) тўқимали (*forma magna*); б) оралиқ (*forma minite*); в) цистали (*forma cystica*) тури мавжуд.

Эпидемиологияси. Амёбиазга учраган бемор ёки дизентерия амёбалари ташувчиси — заарланиш манбайдир. Одам ифлосланган сувни ичганда, озиқ-овқат маҳсулотларини ювмасдан истеъмол қилганда, шунингдек, ифлос қўллар орқали касалликка чалинади. Касаллик ёз-кузда кўпаяди.

Патогенези. Ичак шиллиқ қаватига тушган амёблар бир мунча яллиғланиш билан кечадиган деструктив (ярали) ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Кўндаланг-чамбар ва сигмасимон ичакларда, кўпроқ кўр ичакда яра ҳосил бўлади. Амёба қон оқими билан жигарга тушар экан, у ерда некротик жараёнлар (абсцесслар)ни келтириб чиқаради, баъзан эса амёбалар бошқа аъзо ва системаларга, аксарият ўпкага ҳам тушиши мумкин.

Клиникаси. Амёбиазнинг яширин даври 20 кундан 45 кунгача давом этади. Иситма бўлмаслиги, геморрагик колит симптомлари ва ахлатнинг малина желеси ҳолида бўлиши касалликка хос бўлган белгилардан ҳисобланади. Йўғон ичакда ректороманоскопия йўли билан аниқлаш мумкин бўлган чуқур яралар ҳосил бўлади. Қон текширилганда, кўпинча эозинофилия аниқланади. Ахлат микроскопда текширилиб кўрилганда, унда амёба ёки унинг цисталарини топса бўлади. Йў-

ғон ичак шиллиқ қаватининг кўчиб тушиши ва кейинчалик перитонит ривожланиши билан кечадиган ичак перфорацияси бу касалликнинг асоратларидир. Болаларда жигар заарланганда унинг катталашганилиги (кўпинча унинг ўнг бўлаги пайпасланганда оғриқ, иситма кўтарилиши) кузатилади. Периферик қонда лейкоцитлар сони ошиб кетади, ЭЧТ тезлашади, ўртача ифодаланган камқонлик юзага келади. Жигар ультратовуш билан текширилганда, кўпчилик ҳолларда абсцесс ўлчамлари аниқланади. Жигарнинг амёба билан заарланиши, инфекциянинг у ердан бошқа аъзоларга тарқалишининг энг жиддий аломатларидан бири ҳисобланади. Кўпинча амёбали инфекция симптомсиз кечади, паразитнинг ахлатда топилиши унинг биттаубитта белгиси ҳисобланади.

Ташхиси. Лаборатория усулида эритроцитлар томонидан ютилган амёбалар катта вегетатив шаклининг аниқланиши ичаклар амёбиази ташхисининг тасдиғи бўлиб хизмат қиласди. Бемор зардобидаги махсус анителоларни аниқлашга имкон берувчи билосита иммунофлюресценция реакцияси ёрдамида (ПГАР) гемагглютинация серологик реакциясидан (зардоб титри 1:80 ва ундан юқори) фойдаланилади. Ректороманоскопия ёрдамчи усул бўлиб ҳисобланади. Шигеллёzlар, носпецифик ярали колит, балантидиаз, йўғон ичак ўсмаси билан дифференциал ташхис қўйилади.

Давоси. Махсус комплекс даво — эметин, дегидроэмедин, ятрен, хингамин, метронидазол, тетрациклин, мономицин билан биргаликда фақат касалхона шаротларида олиб борилади. Эметин б ёшга тўлмаган болаларга буюрилмайди. Бундай болаларга метронидазол, ичиш учун 10 кун давомида 50 мг/кг дан тинидазол тайинланади. Беморларга дезинтоксиқациоn, қувватга киритувчи даво қилинади. Жигар абсцесси юз берган ҳолларда жарроҳлик давоси қўлланади. Бемор бутун даволаниш давомида касалхонада бўлади. У билан контактда бўлган кишилар бактериологик текширувдан ўтказилади, касаллик қўзғатувчилари топилгудек бўлса, ятрен билан санация қилинади.

ҚУТУРИШ (LYSSA, RABIES)

Марказий нерв системаси (МНС) нинг юқумли касаллиги бўлиб, қутурган ҳайвонлар тишлаб олганда юқади.

Этиологияси ва патогенези. Қутуриш ёки сувдан қўрқиш касаллигини махсус фильтрланувчи вирус келтириб чиқаради. Унга одам ва барча иссиқ қонли ҳайвонлар бериувчан бўлади. Қасаллик қўзғатувчиси рабдо вирусига мансубдир. Қутуриш вируси антиген, иммуноген ва гемагглютинациялаш хоссаларига эга бўлади. Вирус нерв системаси ҳужайраларида махсус киритмалар — Бабеш Негри таначаларининг ҳосил бўлиши билан кўпаяди. Бу киритмалар бир нечта вакуолалари бўлган турли шаклдаги тузилмалар ҳолида бўлади. Вирус қутурган ҳайвоннинг нерв тўқинмасида ва сўлагида тўпланади. Пастер томонидан бошқа ҳайвонга интрацеребрал экма орқали ажратиб олинган ёввойи ёки табиий вирус фарқ қилинади. Вирус совуққа жуда чидамли бўлиб, қиздирилганда аксинча, жуда чидамсиз бўлиб, тезда патоген фаоллигини йўқотади. Амалда қўлланиладиган дезинфекцияловчи эритмалар (лизол, хлорамин) вирусни тезда заарсизлантиради.

Юқорида айтилганидек, одамга касаллик қутурган ҳайвон тишлигандан ёки сўлаги теккандан юқади. Натижада вирус тери ости ёғ қаватига ёки шиллиқ парда ичига тушади. Вирус нейротроп хусусиятга эга бўлгани учун периневрал ретикулоэндотелиал ҳужайраларга сўрилиб, марказий нерв системасига қараб ҳаракат қила бошлайди. У марказий нерв системасига етиб бўлганидан кейин бош мия ва периферик нервлар йўли бўйлаб ҳаракатланади. Вируслар марказий нерв системасида энг кўп миқдорда йигилса, касаллик авж олади. Қутуриш вируси сўлак безларига нисбатан муайян тропизмга эга бўлиб, гоҳо инкубацион даврининг охирида, клиник симптомлар ривожланишидан 7—8 кун олдин сўлак билан ажралади.

Эпидемиологияси. Қутуриш касаллиги иссиқ қонли ҳайвонлар орасида кенг тарқалган бўлиб, итлар, мушуклар, бўрилар, тулкилар ва чия бўрилар касаллик вирусининг асосий манбай ҳисобланади. Қасаллик барча ёшдаги одамларда, кўпроқ ёш болаларда қайд қилинади.

Клиникаси. Қутуришда инкубацион (яширин) давр ўрта ҳисобда 3—8 ҳафта давом этади. Бу давр болаларда, шунингдек катталарда ҳам (қутурган ҳайвон уларнинг боши, юзи ва бўйнини тишлиб олганда) нисбатан қисқа бўлади. Кўпчилик беморларда инкубацион давр клиник алломатларсиз кечади. Баъзан бу даврининг охирида ҳарорат кўтарилади ва қонда ўзгариш-

лар (лейкопения) пайдо бўлади. Кейинчалик касалликнинг кечишида З давр: бошланғич (продромал), қўзғалиш ва фалажланиш даврлари фарқ қилинади. Бошланғич давр 1—2 ёки 3—4 кун давом этади. Ҳарорат субфебрил рақамларгача кўтарилади. Тишланган жойда оғриқ пайдо бўлади, юза нафас чуқур нафас олиш билан алмашинади, кўнгил айнийди, бемор қайт қиласи, қувватдан кетади, боши оғрийди ва асаби бузилади, қўрқув ҳисси пайдо бўлади.

Қўзғалиш даври беморнинг бетоқатланиши, сув ичишга урингандаги мушакларининг тортишишуви, умумий психомотор қўзғалиш хуружлари пайдо бўлиши билан кечади (мушаклар тонуси ошиб, аэрофобия кузатилади). Эшитиш ва ҳидлаш галлюцинациялари пайдо бўлиб, бемор қўз қорачиглари кескин кенгайиб, томир уриши тезлашади. Зўр бериб сўлак ажралиши, кўп терлаш қайд этилади. Организм сувсизланади. Баъзан қўз ва тилни ҳаракатлантирувчи мушаклар фалажи кузатилади. Кучли қўзғалиш даври типчланиш даври билан алмашиниб туради, бунда беморнинг эсҳуши жойида бўлади. Қўзғалиш даври 1—4 кун давом этади. Беморларнинг аксарияти бу даврда апоплексиядан, талваса тутишидан ёки асфиксиядан ўлади.

Фалажланиш даври 2—18 соат давом этади. Бунда талваса аста-секин камайиб боради, сувдан қўрқиш йўқолади, бемор қимирламай қолади ва тез орада зўрайиб борувчи фалаждан ўлади. Касаллик 4—8 кун давом этади. Болаларда касаллик жуда оғир ва клиник симптомлар ниҳоятда кучли бўлиб, тезда ўлим билан тугайди. Кўпинча қутуришга қарши қилинган эмлашлар кор қилмайди ва касаллик даволаш тугандан сўнг, узоқ вақтдан кейин ривожланади.

Ташхиси. Қутуришга ташхис қўйишда лаборатория усуллари билан текшириш комплекси катта аҳамиятга эга: мия суюқлигидан олинган суртмалар ва гистологик препаратларни микроскоп орқали текшириш (Негри таначаларини топиш) ва ҳайвонларда биологик синама ўтказиш усуллари шулар жумласидандир.

Шунингдек, қонда ва орқа мия суюқлигига вирусни нейтралловчи антителолар ҳам аниқланади.

Дифференциал ташхиси. Энцефалит билан бирга давом этадиган барча касалликлар билан дифференциал ташхис қўйилади. Қутуришининг паралитик турини Гийон—Барре синдроми, полиомиелит ёки талвасадан, энцефалит, қоқшол, турли дорилар (атропин) дан заҳарланишдан ажрата билиш зарур. Пухта ўтказил-

ган неврологик текширув ва орқа мия суюқлигини анализ қилиш тўғри ташхис қўйишга анча ёрдам беради. Қутуришда прогноз ноxуш бўлади.

Давоси. Касаллик бошланганда фақат симптоматик даво қилинади, у психомотор қўзғалишларни камайтириш ёки тамомила бартараф этишга, шунингдек, сувсизланишга қарши курашдан иборат. Бемор ёруғлик тушмайдиган алоҳида хонага ётқизилади ва ҳар хил уйқу дорилар буюрилади. Сувсизланишга қарши курашиш мақсадида физиологик эритма венага ёки ичакка ҳуқна ёрдамида юборилади.

Профилактикаси. Қутуришга қарши курашиш икки йўналишда олиб борилади.

1. Инфекция манбани бартараф этиш йўли билан касалликнинг олдини олиш, карантин тадбирларини амалга ошириш, шунингдек эпизоотик кўрсатмалар бўлганда итларни эмлаш.

2. Қутурган ҳайвонлар тишлаган ёки сўлаги теккан одамларни касалликдан сақлаб қолиш мақсадида қутуришга қарши иложи борича эртароқ эмлаш керак. Фаол иммунитет пайдо қилиш учун Пастер вакцинаси, кучсиз иммунитет ҳосил қилиш учун эса (0,25—0,5 мл/кг дан) иммуноглобулин юборилади.

Қутурган ёки қутуришга гумон қилинган ҳайвон қачон тишлаганидан қатъи назар, қутуриш белгилари аниқланмаса ҳам, барча одамларни эмлашга кўрсатмалар бўлади. Вакцина тери остига, қорин олд деворига юборилади. Даволаш муддати 14 кундан 20—30 кунгacha давом этади. Вакцина ва даволаш курси давомлилиги bemornинг ёшига, ҳайвон тишлагандан кейин қачон шифокорга мурожаат қилгандигига, тишланган ернинг жойига ва унинг оғир-енгиллигига боғлиқ. Болаларга 0,5 дан 8 мл гача вакцина юборилади. Вакцина қутуриш касаллиги ривожлана бошланганда ижобий таъсир кўрсатмайди.

БРИЛЛ ҚАСАЛЛИГИ (BRILLUS MORBUS)

Қайталанадиган тошмали терлама бўлиб, ўткир циклик юқумли касаллик ҳисобланади ва кўп йиллар ўтгандан сўнг намоён бўлади. У битлаш, вақти-вақтида қўзиш, инфекция ва ўчоқлик манбан бўлмаслиги, эпидемик тошмали терламага қараганда бир қадар енгил ўтиши, лекин типик клиник симптомокомплекси билан таърифланади.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчиси — Провацек риккетсиясидир.

Эпидемиологияси. Бунда касалликнинг спорадиклиги ва асосан катта ёшдаги кишиларниң касалланиши ҳамда беморлар анамнезида тошмали терламанинг бошидан кечирганлиги характерлидир. Бемор битлаганда инфекция манбай бўлиши эҳтимол.

Патогенези. Бирламчи тошмали терламани бошдан кечирганда Провацек риккетсиялари реконвалесцент организмида узоқ муддат мобайнода ҳеч қандай клиник белгиларсиз сақланиб туради. Иммуногенезни сусайтирувчи турли хил омиллар (шамоллаш, бошдан кечирилган грипп, зотилжам ва бошқа касалликлар) таъсири остида тошмали терлама қайталанади. Қасаллик патогенези тошмали тифнинг патогенези билан бир хилдир.

Клиникаси. Касаллик кўпгина ҳолларда эпидемик тошмали терламанинг енгил турига ўхшаш бўлади. Касаллик ўткир эт увишиши ва жунжиши билан бошланиб, тана ҳарорати кўпроқ 2—3- куни, гоҳо 1- куннинг охирида жуда баланд бўлади. Иситма 8—11 кун, баъзан 4—6 кун давом этади. Анча ифодаланган умумий заҳарланиш белгилари: бош оғриши, терининг қизариши, уйқусизлик, мушак оғриши, руҳан қўзғалиш, баъзан менингеал симптомлар кузатилади.

Касалликнинг 5—7- кунидан бошлаб тошма пайдо бўлади. Кўпчилик bemорларда бу жуда кўп бўлиб, петехиал (майда қон қўйилган нуқталардан иборат) бўлади. Беморларнинг учдан бир қисмida гоҳо унча кўп бўлмаган фақат розеолалар қайд қилинади. Энантема кам ҳолларда учрайди. Юрак томир системасининг зарарланиши унча кучли бўлмаган тахикардия, гипотония, атриовентрикуляр ўтказувчанликнинг секинлашуви ва ЭКГ да тишчаларнинг бир оз пасайиши билан намоён бўлади. Беморларнинг учдан икки қисмida жигар ва талоқнинг катталашуви аниқланади. Касаллик камдан-кам ҳолларда асорат (асосан ўчоқли зотилжам) қолдиради. Баъзан кейинчалик ўпка артериялари тромбоэмболиясига сабаб бўладиган веналар тромбози ривожланиши эҳтимол.

Ташхиси ва давоси. Тошмали терламанинг оқибати яхши.

Олдини олиш. Ишлаб чиқилмаган.

Касаллик ўчоғида олиб бориладиган чора-тадбирлар тошмали терламада бўлгани сингари.

БОТУЛИЗМ (BOTULISMUS)

Токсинлар билан заарланган, бузилиб қолган, айниқса консерва күринишидаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган оғир овқат токсикоинфекциясидир. Клиник жиҳатдан ботулизм асосан марказий ва вегетатив нерв системалари заарланиши билан ифодаланадиган оғир заҳарланиш билан таърифланади.

Этиологияси. Ботулизм қўзғатувчиси *Clostridium botulinum* оиласига мансуб бўлган анаэробидир. У ҳаракатчан, иссиқликка чидамли, споралар ҳосил қиласидиган, терминал ҳолда жойлашган, теннис ракеткасига ўхшаган йўғон таёқчадир.

У гўшт, балиқ ва ўсимлик маҳсулотларида (қон қўшилган агар, озгина жигар ёки гўшт қўшилган гўштпептонли бульонларда) ҳаво бўлмаса ҳам ўсаверади.

Ботулизм бактериялари A, B, C, D, E, G, Q турларига бўлинади. Республикада асосан A, B, E турлари учраб туради. Микробинг вегетатив шакллари 80°C ҳароратда 15—30 минут давомида ҳалок бўлади. Унинг споралари чидамли бўлиб, қуритилган ҳолатда ўн йиллаб тирик қолади. 5 соат мобайнида қайнатилган ҳатто 180°C ҳароратда ҳам ҳалок бўлмайди.

Ўзидан барча бактерия токсинлари ва кимёвий моддалар ичида энг заҳарли бўлган ($0,000001$ мл суюлтирилган токсин дengiz чўчқачасини ўлдиради) экзотоксин моддасини ишлаб чиқаради.

Унинг одамни ўлдирадиган миқдори $0,3$ мкг дир. Айниқса A туридаги токсин кучли ҳисобланади. Ботулизм қўзғатувчиси ҳисобланган токсин физикавий ва кимёвий омиллар таъсирига нисбатан аинча чидамли. Консерваларда токсинлар қўёш нури ва ҳаво таъсиридан парчаланмайди, улар қоронғи ва совуқ жойларда 6—8 ой мобайнида оз-моз кучсанланади.

Эпидемиологияси. Ботулизм деярли дунёнинг ҳамма мамлакатларида учрайди. Ботулизм қўзғатувчиси сапрофит кўринишида одам, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар, қисқичбақалар, балиқлар организмида яшайди. Тупроққа тушганда спора ҳолида узоқ вақт сақланиши, лекин муайян шароитда (ҳарорат, намлиқ бўлганда) ўсиши ва кўпайиши мумкин.

Спораларнинг озиқ-овқат (гўшт, балиқ, ўсимлик) маҳсулотларига, терининг яраги юза жойларига тушибиши, ҳали хавф туғдирмайди, чунки спораларда заҳар бўлмайди. Айни пайтда улар ўсиб, анаэроб шароитла-

рида микробларнинг вегетатив шакллари ҳисобланган токсин маҳсулотларида пайдо бўлади.

Ҳозирги пайтда гўшт маҳсулотларидан касалланиш камдан-кам учрайди. Бу касаллик билан асосан сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган консервалар, айниқса уйда тайёрланган консервалардан касалланиш мумкин.

Қасаллик кўпроқ консерваланган қўзиқорин, бодриинг, помидор ва бақлажонлар истеъмол қилингандан юқади.

Ботулизм учун мавсумийлик хос бўлиб, касаллик кўпроқ қиш, баҳор ойларига ва ёзнинг бошларига тўғри келади.

Мазкур хасталикнинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган учта тури: чақалоқларда учрайдиган, озиқ-овқатдан ва яра орқали юқадиган турлари мавжуд.

Ботулизмнинг 99 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларида бўладиган токсинлар туфайли келиб чиқади. Жароҳат туфайли юзага келадиган ботулизмдаги токсин микроборганизм орқали, чақалоқларда учрайдиган ботулизмдаги токсин эса меъда-ичак орқали ишланиб чиқади.

Патогенези. Касаллик клиник симптомларининг ривожланишида 3 та омил: токсинли, инфекцияли ва организмнинг заҳарга нисбатан индивидуал сезирлиги аҳамиятлидир. Овқат ҳазм қилиш йўли инфекциянинг кириш дарвозаси ҳисобланади.

Ботулизм патогенезида токсинли омил муҳим аҳамият касб этади. Бузилиб қолган овқат истеъмол қилингандан организмга асосан споралар кўринишидаги ботулизм токсинлари ва бактериялари тушади. Споралар овқат ҳазм қилиш йўли орқали ички органларга киради. Организм овқат ҳазм қилиш йўли ва тўқималар орқали у ерга токсин тушиши сабабли ҳам заҳарланади. Токсин меъда-ичак йўлига тушар экан, ҳаракатлантирувчи нерв толалари охирларига танлаб ташсир кўрсатади. Ацетилхолин ҳосил бўлишига тўққинлик қиласи ва ичакларнинг паралитик ҳолатини келтириб чиқаради. Токсин овқат ҳазм қилиш йўлидан қон томирларига нисбатан тез сўрилиб уларнинг торайишига сабаб бўлади. Тери рангпарлиги, бош айланиши, артериал босимнинг ошиши, оғиз қуриши кабилар касалликнинг эрта симптомлари ҳисобланади.

Капилляр эндотелийлар ва прекапиллярлар шикастлангандан уларнинг бутунлиги бузилади, ўтказувчанилиги ошади. Натижада токсинлар органларга тушади ва бу ерда токсин турли системалар ҳужайраларини, асо-

сан нерв системасини заарлантариади. Бош миянинг ўзакли қисми ҳужайралари, асосан унинг ганглиоз ҳужайралари, шунингдек, бульбар қисми марказлари айниқса кучли шикастланади. Бульбопонтин ва миостеник синдроми бўлган ўзига хос полиэнцефалит (кўришнинг хиралашуви, нафас фаолиятининг издан чиқиши) бош мия ўзакли қисми заарлантанлигининг клиник аломати бўлиб ҳисобланади. Бунда скелет мушаклари ва диафрагманинг ҳаракатлантирувчи нерв охирлари ҳам заарланаади. Мия ва мия пардалари, ўпка, жигар, меъда-ичак йўли қонга тўлиб кетади. Кўпроқ мия қон томирларида тромбозлар, томирлар эндотелийсининг дегенератив некротик ўзгиришлари кузатилади. Ганглиоз ҳужайралар кўпроқ шикастланади.

Клиникаси. Ботулизмнинг клиник манзараси жуда специфик бўлиб, қуйидаги асосий синдромлар: паралитик, гастроинтестинал ва умумий заҳарланишдан иборат бўлади.

Ботулизмда ҳамма орган ва системалар заарланади, лекин уларнинг симптомлари бульбар бузилишлар юзага келишидан сезилмай қолади.

Ботулизмнинг инкубацион даври 2—4 соатдан 10—14 кунгача, кўпинча 6—24 соат давом этади.

Касаллик кўпгина ҳолларда ўткир, ботулизмга хос бўлмаган белгилар: умумий ҳолсизлик, бош оғриши, бош айланиши, безовталаниш, уйқунинг бузилиши, қатор беморларда меъданинг ачишиши, кўнгил айниши, 2—4 марта қайт қилиш ва ич кетиши билан бошланади. Ботулизмда ич кетиши ва қайт қилиш узоқ давом этмайди (6—24 соат) ва неврологик белгилар пайдо бўлиши билан ич кетиши қабзият билан алмашади.

Тана ҳарорати асоратлар рўй берганда (стоматит, зотилжам ва бошқалар) кўтарилади.

Касаллик симптомлари жуда тез зўрайиб боради. Касаллик бошлангандан бир неча соатдан кейин ёки биринчи куннинг охирига бориб, оғир ҳолларда бошланишдаёқ касалликка хос белгилар: сўлак безлари, бурун-ютқин ва юз мушаклари фаолиятини бошқарувчи бульбар нерв марказлари фаолиятининг бузилиши каби белгилар пайдо бўлади.

Кўз олдида тўр пайдо бўлиши ёки кўзининг хиралашиши, жисмларнинг ноаниқ кўриниши, кўз олдида қора доғларнинг пайдо бўлиши, нарсаларнинг иккита бўлиб кўриниши (диплопия), ўқиганда ҳарфларнинг қўши-

либ кетиши каби белгилар беморнинг дастлабки шикоятларидан ҳисобланади.

Бемор қовоқларининг осилиб тушиши (птоз), қорачиқларининг кенгайиши (мидриаз), уларнинг ҳаракатсизлиги, ҳар хил катталикда бўлиши (анизокория), ёруғликка аккомодациясининг бузилиши, горизонтал нистагм, филайлик (стробизм) аниқланади.

Ютиш актининг бузилиши, кўзнинг хиралашганлиги кабилар илк белгилардан бири ҳисобланади. Кўпинча қаттиқ, қуруқ ва суюқ овқатни ютиш (томуқда спазм туфайли) қийинлашади, кўпинча суюқ овқат қисман трахеяга тушиб, bemorлар қалқиб кетадилар, қисман эса овқат бурундан қайтади.

Беморлар оғиз қуришидан ва кўп чанқашдан шикоят қиласидар. Оғиз бўшлиғи кўздан кечирилганда оғиз ва ютқин шиллиқ қавати қизаргани, тилнинг караш бойлагани, юмшоқ танглайнинг ҳаракатсизлиги, ютқин ва танглай рефлекси сусайгани ёки бўлмаслиги кузатилади. Дисфазия билан бирга бирга bemorларнинг товуши ҳам ўзгаради, у пасайиб, хириллаб, сўзлар (ҳатто афониягача) тушунарсиз чиқади.

Юмшоқ танглай заарланганда товуш ёқимсиз, тил ва томоқ мушаклари парезида bemorларнинг гапи тушунарсиз бўлиб қолади.

Қасалликнинг бошланғич даврида bemorнинг мушаклари кучсизланиб қолади, у тез чарчайди, тўғри юра олмайди, боши оғиб кетаверади. Оёқлари худди ўзиники эмасдек туюлади, гандираклаб юради, қўллари худди жонсиздек осилиб туради, бирор нарсани ушлаб тура олмайди. Симптомлар эс-хуш жойида бўла туриб ривожланади. Сезувчанликнинг бузилиши кузатилмайди. Бемор кўздан кечирилганда мушаклари бўшашган, худди хамирга ўхшаб қолгандек бўлиб қолади. Қасалликнинг охирги даврида кўпроқ нафас функцияси бузилади, бу диафрагма ва бошқа нафас мушаклари парези билан боғланган бўлади. Беморлар қийналиб, тез-тез, юза нафас оладилар. Улар кўкракда оғриқ туришидан, ҳаво етишмаслигидан шикоят қилишади, ўринда алаҳиравшади. Кислород етишмаслиги, цианоз ривожланиб, нафас бузилишининг зўрайиб бориши ўлимнинг асосий сабабидир.

Қатор bemorларда аспирацион зотилжам ривожланади. Юрар чегараларининг кенгайиши, юрак уришининг паст эшитилиши, брадикардияга мойиллик, қон босимининг нормада бўлиши, ЭКГ да токсик миокардит белгилари аниқланади. Жигар ва талоқ каттала-

шади, диурез камаяди, сийдик ажралиши тұхтаб қолади. Сийдикда альбуминурия, цилиндроурия ва буйрак эпителийси ұжайралари кузатилади. Қонда айтарлы ўзгаришлар бўлмайди, лейкоцитоз бир оз чапга сурилганлиги, нейтрофилёз ва ЭЧТ тезлашганлиги аниқланади.

Бемор аста-секин тузалиб боради. Енгил турида 2—3 ҳафтадан кейин, оғир турида 2—3 ойдан кейин соғаяди.

Асоратлари. Аспирацион зотилжам, инфекцион миокардит, йириңгли паротит, миозитлар, невритлар, стоматитлар.

Касалликнинг яширин, енгил, ўртача оғир ва оғир турлари фарқ қилинади.

Яширин турида дисфония туфайли кўз хирадашади, лекин бу ҳол узоқ давом этмайди, зўраймайди, тезда йўқолиб кетади.

Кўкрак ёшидаги болаларда ботулизм. Касаллик ич қотиши билан бирга парезлар ва фалажлар рўй беринши билан таърифланади, булар мия-чаноқ нерв толалари орқали бошқарилиб бутун танага, шунингдек, нафас мушакларига ҳам тарқалади. Касал бола бошини тутиб тура олмайди, бўғиқ овоз билан йиғлади, яхши эма олмайди.

Гуруҳий касалликлар кузатилмайди.

Касаллик қўзғатувчиси ёки токсин касалларнинг ахлатидан ажралиб чиққани ҳолда, қон зардобида токсин излари бўлмайди.

Ярали ботулизм камдан-кам учрайди, яра соҳасида қўзғатувчининг вегетатив формалар томонидан токсин ишлаб чиқариши натижасида пайдо бўлади.

Ярали ботулизмнинг клиник манзараси касалликнинг классик кечиши каби бўлса-да, лекин касалликнинг биринчи кунидан ҳарорат кўтарилиши қайд қилинади, меъда-ичак йўли бузилиши (қайт қилиш, ич кетиши) симптомлари кузатилмайди.

Асоратлари. Зотилжам, сепсис, токсик миокардит, миозит, невритлар, зардоб касаллиги.

Ташхиси. Ботулизмни одатдаги неврологик симптомлар (юз, бурун-ютқин, бўйин, қизилўнгач мушакларини иннервациялайдиган кўриш органлари, бульбар марказ бузилишлари) орқали эпидемиологик анамнез маълумотлари ёрдамида (консерваланган маҳсулотлар овқатга ишлатилганда) аниқлаш қийин эмас.

Гуруҳий касалликларда ботулизмга ташхис қўйиш бир мунча енгил бўлади.

Дифференциал ташхиси. Ботулизмнинг клиник манзараси бошқа касалликларнинг клиник манзарасидан яққол ажралиб туришига қарамасдан, айрим белгила-ри бошқа касалликларда ҳам учраб туриши мумкин.

Ботулизмни овқатдан заҳарланиш, полиомиелит, Ги-йен — Барре синдроми, бўғма, энцефалит билан қиёсий ташхислашга тўғри келади.

Касалликнинг эт увишиши ва ҳароратнинг юқори бўлиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, тез-тез сийиш билан ўткир бошланиши сальмонеллёз учун хосдир. Бунда тез-тез ич кетади, ахлат суюқ ва бадбўй ҳидли бўлади. Бемор талvasага тушиши туфайли ҳушдан ке-тиши мумкин.

Ботулизмдан фарқли ўлароқ, бунда кўриш, ютиш акти бузилиши ва овознинг хириллаб қолиши аниқлан-майди.

Страфилококк келтириб чиқарадиган озиқ-овқат тоx-сикоинфекциялари кўпроқ сифатсиз овқат ва сут маҳсулотлари истеъмол қилганда юзага чиқади. Бу касалликда заҳарланиш тахикардия туфайли қон босими камайиб кетиши билан таърифланади, касаллик оғир кечганда bemор талvasага тушади ва бунда коллапс ривожланиши эҳтимол.

Бўғмада, одатда юқори танглайнинг ўнг томони фалажланади, касалликнинг охирига бориб кўз хира-лашиб қолади. Ботулизмда эса булар касалликнинг бошланишида намоён бўлади. Шунингдек, бу касал-ликда бўйинда шиш, юмшоқ танглайда эса дифтерик қараишлар пайдо бўлади. Бўғмада кузатилган асабий бузилишлар бўйин шиши йўқолгандан кейин юзага ке-лади.

Фалажлар миокардит ривожланганда аниқланади.

Ги-йен — Барре синдромида фалажланишнинг локал-ланиши (кўчиб юриши), мушак гурухларининг фалаж-ланиши ботулизмни эслатиши мумкин. Лекин бунда мушаклар фалажланиши кучайиб, сенсор нуқсонлар кўпайиб боради, мушаклар номутаносиб равишда куч-сизланади, мия-чаноқ нервларининг заарланганилиги, кейинчалик фалажлар энг кучайган пайтда билинади. Ботулизмдан фарқли равишида Ги-йен — Барре синдро-мида орқа мия суюқлигида оқсил миқдори анча ошиб кетади.

Полиомиелитнинг бульбар шаклида худди боту-лизмнинг бошланғич давридагидек, мия-чаноқ нерв-лари заарланади. Бу касалликда кўплаб сўлак ва шиллиқ моддалар ажралиб чиқади, мушаклар ва бў-

ғимларда эрта ривожланадиган мускуллар гипотрофияси ва мушакларнинг маҳсус электромиографик кўрсаткичлари билан кечадиган фалажлар ботулизмдан фарқ қиласди.

Мнастенияниң оғир тури секин ривожланиб боради ва ҳаракат қилганда мускулларнинг бўшашиши кузатилади.

Энцефалитлар аста-секин проромал давридан бошланади. Иситманиң баланд бўлиши, тўсатдан бошланадиган бош оғриғи, уйқучанлик бу касалликка хос белгилардир. Касаллик гиперкинезия, сезиш бузилишлари, гиперестезия билан бирга кечади.

Бемор ҳушидан кетиши, алаҳсираши мумкин.

Мингdevона ўсимлигидан заҳарланганда беҳоллик, уйқу босиши, тоғо қайт қилиш, юз ва гавда териси гиперемияси (баъзан скарлатинадагидек тошмалар тошади), руҳият бузилиши қайд қилинади. Беморлар бесаранжом бўлиб қолишади, ўз ҳаракатларини бошқара олмай қоладилар, алаҳсирайдилар. Қамдан-кам ҳолларда тоник-клоник талваса тутади.

Лаборатория усулида ташхис қўйиш. Ботулизмга тўлиқ ташхис қўйиш учун бактериологик текширишлар талаб қилинади. Лабораторияда текширишдан мақсад, токсин ва унинг серологик хилини аниқлашдан иборат.

Бунинг учун bemордан олинган қон, ахлат, қусуқ, моддалари ёки bemорниң меъдаси ювилган сув, сийдик ва шубҳа қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари текширилади. Ўлим юз берган ҳолларда патологик анатомия йўли билан олинган материалдан фойдаланилади.

Ботулизмга шубҳа қилинганда, текшириш учун материал bemорга ботулизмга қарши зардоб юборишдан олдин олиниади. Материал бирон нарсага яхшилаб ўралади, устига аниқ қилиб ёзувлар ёзилиб лабораторияга жўнатилади.

Токсин мавжудлигини аниқлаш учун биологик синама ва уни сичқонларда нейтраллаш реакциясидан фойдаланилади.

Давоси. Ботулизмниң асосий даволаш усули ботулизмга қарши антитоксик зардоб юборишидир. Зардоб касаллик бошланган заҳоти юборилиши керак. Бунинг учун А, В, Е турдаги поливалент зардоблардан ёки шу зардобларнинг моновалент аралашмаларидан фойдаланилади. А, В зардобларининг ҳар бир тури 10000 ТБ дан ва Е турдаги зардобдан 5000 ТБ дан юбори-

лади. Поливалент зардбларнинг умумий миқдори 25000 ТБ ни ташкил қиласи.

Ботулизм енгил кечганда зардоб бир марта юборилади. Ўртacha оғирликдаги беморларга 3—4 кун давомида мушак орасига 1—2 доза зардоб юборилади. Ботулизм оғир кечган ҳолларда бириинчи кунлари суткасига 4 мл миқдорда зардоб буюрилади, унинг ярми 5% ли глюкоза ва натрий хлориднинг изотоник эритмаси билан томчилаб венага, қолгани мушаклар орасига юборилади. Керак бўлган тақдирда зардоб 3—4 кун давомида юборилиб турилади. Ботулизмга қарши зардоб асосан Безредка усулида юборилади.

Қўзғатувчининг тури аниқлангандан сўнг моновалент зардоб юборилади. Зардобни юбораётганда зардоб касаллиги ривожланиши мумкин эканлигини эсда тутиш зарур. Беморда аллергик реакциялар ривожланганда димедрол, промедол, эфедрин, преднизолон тайинланади.

Меъда-ичак йўлларини бузилган овқат маҳсулотларидан, касаллик қўзғатувчилари ва токсинлардан ҳоли этиш учун меъданни ювиш, кейин эса бемор активланган кўмир, ични юмшатувчи ҳабдори қабул қилиши ва унга ҳуқна қилиш лозим.

Касаллик вегетатив шаклининг олдини олиш учун антибиотиклар тайинланади. Ботулизмда энг яхши наф берадиган антибиотиклардан бири левомицетидир.

Касалликнинг оғир турларида катта ёшдаги болаларга бир кеча кундузда 2,0—2,3 литр кристаллоидлар ва 300 мл гача коллоидлар берилади.

Бундай катта миқдордаги суюқлик bemor организмига лазикс ёрдамида диурез яхшиланиб турган ҳоли юборилади.

Беморларга кўп-кўп витамин тайинланади (венага аскорбинат кислота юборилади, В гуруҳ витаминлари буюрилади), шунингдек, юрак-томир воситалари ҳисобланган стрихнин, прозерин, дифазол бериш керак.

Касаллик оғир кечганда глюкокортикоидлар тайинланади.

Беморнинг нафас олиши бузилган тақдирда сунъий нафас олдиришга ўтилади. Сўнгги йилларда терапевтик чора-тадбирлар комплексига гипербарик оксигенация киритилган.

Асоратлар авж олганда антибактериал даво тайин қилинади.

Касалликнинг олдини олиш. Озиқ-овқат маҳсулотларини ташишда ва сақлашда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш зарур. Консерва ишлаб чиқариш саноатида санитария назорати алоҳида аҳамият касб этади.

Консерваларнинг усти кўтарилиб қолганлиги уларни йўқотишга асос бўлиб хизмат қилади. Махсус профилактика аҳолини З маротаба (биринчи билан иккincinnинг орасидаги муддат 1,5 ой, иккинчиси билан уччинчисининг орасидаги муддат З ой) А, В, Е, С турдаги полианатоксин билан эмлашдан иборат.

Заарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилган болаларга шошилинч чоралар кўрилади (мушак ичига 5000 ТБ гача миқдорда ботулизмга қарши зардоб юборилади). Касал болалар 10—12 кун давомида кузатиб турилади.

БРУЦЕЛЛЁЗ (BRUCELLOSIS)

Ретикулоэндотелиал, асаб, юрак-томир системалари, таянч-ҳаракат аппарати ва бошқа аъзо ҳамда системаларнинг заарланиши билан давом этади, шунингдек, ўткир ва сурункасига ўтади.

Этиологияси. Бу касалликнинг қўзғатувчиси одам ва ҳайвонларда учрайдиган бруцеллалар деб аталадиган патоген микроблар бўлиб, улар З турга бўлинади.

Бруцеллалар шарсимон (чўзинчоқ) ёки таёқчасимон шаклда бўлади. Микроблар ҳаракатсиз, спораларни эмас, балки капсулаларни ҳосил қилиши мумкин.

Бруцеллалар паст ҳароратга чидамли бўлиб, қайнатилганда дарҳол ҳалок бўлади. Улар дезинфекцияловчи эритмалардан ҳам тезда нобуд бўлади. Бруцеллалар жуда кам юқумлидир.

Турли хилдаги бруцеллалар юқумлилиги ва патогенлиги жиҳатидан одамга турлича таъсир кўрсатади. Улар одамга жуда тез юқади ва патогенли бўлади.

Эпидемиологияси. Бруцеллёз одамларга ҳайвонлардан юқадиган типик зооноз инфекциядир. Одамларнинг бруцеллёздан касалланиши қишлоқ хўжалик ҳайвонлари (ассосан майда ва йирик шохли ҳайвонлар) орасида (эпизоотия) бруцеллёз тарқалиши туфайли кузатилади. Бруцеллёз тарқалишида ёввойи ҳайвонлар кам аҳамият касб этади. Одамларга бу касаллик заарланган ҳайвонларнинг чиқиндилари, сути ва гўшти орқали юқиши мумкин. Шунингдек, бруцеллёз касал ҳайвон-

ларнинг чиқиндиларидан ифлосланган жуни, тेриси орқали ҳам юқиши мумкин.

Одамга инфекция овқат орқали (алиментар йўл билан), бевосита контактда бўлганда ва ҳаво орқали юқади, касаллик айниқса қиши-баҳор фаслларида кўпаяди. Бруцеллёз асосан ўрта ёшдаги одамларда кузатилади. Эмизикли болаларга бу касаллик онга сути орқали ва она қорнида ҳам юқиши мумкин.

Патогенези. Бруцеллёз патогенези жуда хилма-хилдир. Бруцеллалар меъда-ичак йўли, оғиз, тери ва шиллиқ парда қопламлари орқали организмга тушар экан, лимфа ва қон оқими бўйлаб тарқалиб, регионар лимфа тугунларида чўкади ва бирламчи бруцеллёз комплексини ҳосил қиласди.

Регионар лимфа тугунларида бруцеллалар жадаллик билан кўпаяди ва гематоген йўл билан бирламчи генерализация (инфекцияларнинг йигилиши) ни келтириб чиқариб, бутун организмга тарқалади. Кейинчалик бруцеллалар лимфа ва қон томир тизимларига ўтиб, у ерда касаллик зўрайгандага яна кўпаяди. Бруцеллёзнинг патогенезида аллергик омиллар ҳам аҳамиятлидир.

Бруцеллёз юққандага бруцеллёз антигенига нисбатан организмнинг ўта сезгирилиги ривожланиб боради. Бу жараённинг бориши организмда бруцеллаларнинг кўпайнишига боғлиқ. Бемор организми агглютинлар, бактериолизинлар, опсониллар, преципитинлар ва комплемент боғловчи антителолар ишлаб чиқариб, бруцеллёз инфекциясига қаршилик кўрсатади. Инфекция организмнинг касалликка қарши тура олиши туфайли худди ҳайвонлардаги каби одамда ҳам ўз-ўзидан ўйқ бўлиб кетиши, яъни организм ўзини-ўзи даво-лаши ҳоллари ҳам учрайди. Организм ўзини-ўзи даво-лашининг муддати касалликнинг фаоллигига қараб бир неча ойдан бир йилгача чўзилиши мумкин.

Клиникаси. Бруцеллёзнинг яширин даври бир ҳафтадан уч ҳафтагача давом этади. Касаллик ҳар хил бошланади. Ҳарорат 38—40° гача кўтарилиб, беморни титроқ босади, боши оғрийди, умумий беҳоллик сезади, бўғимларда, мушакларда, суюкларда оғриқ пайдо бўлади. Лекин касаллик кўпинча аста-секин ривожлана-ди, ҳарорат аста ошиб боради, фақат касалликнинг 5—7-кунига келиб юқори бўлади. Бруцеллёзда ҳароратнинг кўтарилиши энг дастлабки ва барқарор симптомлардан биридир. Иситманинг қуйидаги реакциялари кузатилади: тўлқинсимон, узоқ давом этувчи, суб-

фебрил иситма, нотўғри интэрмиттирловчи иситма ва ремиттирловчи иситма шулар жумласидандир. Бруцелләз билан оғриган болаларда күпинча узоқ давом этувчи субфебрил иситма кузатилади. Асаб системасининг турли бузилишларида беморнинг боши оғрийди, у тажанг, кайфияти ўзгарувчан бўлиб қолади. Бруцелләзниң оғир турларида уйқусизлик алаҳсираш, хотиранинг хиралашуви кузатилади. Баъзан асаб системасининг бузилишлари сероз менингит, менингзоэнцефалит ёки миелитлар ҳолида намоён бўлади. Бруцелләзда күпинча терининг оқариб кетиши ёки сарғайиши, турли пигментациялар ва уларнинг локаллиги (кўчиб юриши), трофик бузилишлар, турли характердаги тошмалар, геморрагиялар кузатилади. Лимфатик тугунлар одатда катталашади, ўзига хос тараанг бўлади, қаттиқлашади, кўпинча тери билан биринкиб кетади. Бруцелләзга хос бўлган белгилардан бирин биринкирувчи тўқималар бўлган барча жойларда ривожланиши мумкин бўлган инфильтратлар ёки фиброзитлардир, булар кўпинча бўғимлар ва бел, думғаза атрофида, шунингдек, бўйин, бош ва юзда кўчиб жойлашган бўлади. Бруцелләз фиброзитининг кечишида икки босқич ажратилади: биринчиси ҳаддан ташқари оғриқли, чегараланган ёки ёйилган инфильтратлар пайдо бўлиши; иккинчиси — инфильтратлар соҳасида тугунлар, боғламлар ва турли зичликдаги пиликчалар ҳосил бўлиши билан таърифланади. Касалликинг ўткир даври ўтиб кетгандан кейин инфильтратлар ном-нишонсиз йўқолиб кетади. Кўпинча бруцелләз билан оғриган беморларда ҳа деганда босилмайдиган оғриқлар бўлади, бўғимлар шиншади. Касаллик бошланишида оғриқлар йирик бўғимлар соҳасида, кейинроқ эса майда бўғимларда қайд қилинади. Юракнинг паст уриши, товушларнинг аниқ эшитилмаслиги, юрак чўққисида систолик шовқин, ифодаланган артериал гипотония қайд этилади. Меъда-ичак йўлида ҳам қатор ўзгаришлар аниқланади, иштаҳа пасаяди, қорин оғрийди, қабзият кузатилади. Кичик ёшдаги болаларда аксинча ич кетади. Касаллик илик бор бошланганда аксари жигар, камроқ қораталоқ анча катталашади. Болалар сийинига қийналади, баъзан қорин пастида қайталаниб турадиган оғриқдан шикоят қилишади. Периферик қонда камқонлик, лейко-ва тромбоцитопения, лейкоцитар формуланинг таёқча ядроли нейтрофиллар, лимфоцитлар ҳисобига чалга сурилиши, моноцитопения, эритроцитлар чўкиш тезлигининг ўртача ошиши қайд қилина-

ди. Бруцеллөз турлича кечади. Қасалликнинг ўткир босқичи тугаганидан сўнг, ўртacha ўткир ёки сурункали даврига ўтади. Бруцеллёзниң сурункали турларига ташхис қўйиш қийин, шунинг учун у кечикиб белгиланади. Беморлар толиқишдан, мушак ва бўғимларда оғриқ туришидан, кўп терлашдан, асабийлашишдан, иштача йўқлигидан шикоят қиласидар. Баъзи bemорлар терисига тошмалар тошиши мумкин. Бруцеллёзниң бу турлари кўпинча увеит, эндокардит, гепатит, эцидидимит, остеомиелит, энцефалит, миелит, аксари камқонлик билан бирга кечиши мумкин.

Ташхиси. Бруцеллёзга ташхис қўйиш учун қўйидаги усувлар қўлланилади: Қондан қўзғатувчи экмаларни ажратиб олиб, бактериологик усуlda текширилади. Серологик диагностика усувлари қаторига: Райт ва Хедельсон агглютинация реакциялари, ПГАР (пассив гемагглютинация), тери остига Бюрне реакциясига қилинадиган аллергик синама киради.

Дифференциал ташхиси. Бруцеллёзниң ўткир даврида унга тиф-паратиф касаллклари, туляремия, риккетсиоз, грипп, соxта сил, юқумли мононуклеоз, бод, сепсис, токсоплазмоз ва бошқа касаллклар билан дифференциал ташхис қўйишга тўғри келади. Бруцеллёзни (сурункали турлари бўлган) ревматоидли артрит, лимфогранулематоз, септик эндокардит, сурункали ўчоқли инфекция, сурункали зотилжам ва клиники каси шу хасталикларга ўхшаш касаллклар билан қиёсий ташхис қилиш зарур.

Давоси. Бруцеллёзни комплекс даволаш жуда са-маралидир, у bemорнинг бутунлай тузалиб кетишига олиб келади. Бруцеллёзни даволашда антибиотиклар (стрептомицин, левомицетин, рондомицин, гентамицин, тетрациклин) ва сульфаниламид препаратлар (витаминлар билан бирга) дан фойдаланилади. Шунингдек, ҳозир стероид гормонлар ҳам кенг кўламда қўлланади. Бруцеллёз касаллги чўзилиб кетса ёки сурункали тус олса, қон қўйиш, десенсибилизациялаш ва симптоматик даво каби усувлардан ҳам фойдаланилади. Диатермия, ультрабинафша нурлар (УФО), ионогальванизация, УВЧ каби физиотерапевтик воситалар даволашнинг қўшимча тадбирлари ҳисобланади.

Илгари иммунотерапиядан кенг фойдаланиларди, ҳозир эса росмана сенсибилловчи хусусияти бўлганилиги учун бу усул кам ишлатилади. Болаларда бу усулни имкон борича камроқ қўллаш лозим. Бруцеллёз билан касалланган bemорлар ўрин-кўрпа қилиб ётишла-

ри; уларга осон ҳазм бўладиган сифатли парҳез таомлар тайинлаш лозим.

Касалликнинг олдини олиш. Бруцеллёзга қарши кураш деганда, бунда касалликнинг кўчиб юришига, унинг ўчоқларини заарсизлантиришга ва йўқотишига йўналтирилган кураш тушунилади. Бу касалликнинг олдини олишда санитария қоидаларига риоя қилиб тўғри хўжалик юритишнинг ҳам аҳамияти катта. Шу билан бирга бруцеллёз билан оғриган ҳайвонларнинг сутини, сутидан тайёрланган маҳсулотларни ҳамда гўштини овқатга ишлатмаслик лозим. Бу касаллика қарши олиб бориладиган қўшимча тадбирлардан яна бири тирик бруцеллёз зардobi билан эмлашдир. Эмлаш эпидемиологик кўрсаткичларга биноан 18 ёшдан катта бўлган аҳоли ўртасида ўтказилади, жиҳдий эпидемиологик вазиятларда маҳсус эмлаш тадбирлари яром миқдорда 10 ёшдан ошган болаларга ҳам ўтказилади.

ҚОРИН ТИФИ (TYPHUS ABDOMINALIS) ва А ва В ПАРАТИФЛАРИ

А ва В паратифлари иситма, организмнинг умумий заҳарланиши, бактериемия, ичак лимфа тугунларининг заарланиши билан кечадиган ўткир юқумли касалликдир.

Этиологияси. Ич терлама қўзғатувчиси ич терлама таёқчасидир. А ва В паратифларини D груҳи салмонеллаларига мансуб бўлган паратифоз таёқчалар келтириб чиқаради. Булар грамманфий ҳаракатчан таёқчалар бўлиб, одатда озиқли муҳитда яхши ўсади. Уларнинг қуйидаги соматик, иссиқ муҳитга чидамли бўлган O-антигени, вирулент антигени мавжуд. Қўзғатувчи ўзидан эндотоксин ишлаб чиқаради. Қорин тифи қўзғатувчисида 72 фаготип бўлади. Қорин тифи таёқчаси ташқи муҳитга чидамлидир. У тупроқда ва сувда 1—5 ойгача, ахлатда 25 кунгача, ич кийимида 2 ҳафтагача яшай олади. Қиздирилганда тезда ҳалок бўлади. Одатдаги концентрациядаги дезинфекцияловчи воситалар қўзғатувчини бир неча дақиқада нобуд қиласиди. Тиф паратифоз бактериялар левомицетин, ампициллин, цефалоспоринлар, бисептолларга жуда сезувчандир.

Эпидемиологияси. Инфекция манбалари — беморлар ва бацилла ташувчилардир. Бацилла ташувчилар ахлат ва сийдик орқали узоқ муддат (3 ой ва ундан ортиқ) ўзидан микроблар ажратиб туради. Болалар-

да бацилла ташувчилик кўпинча узоқ давом этмайди. Айниқса озиқ-овқат корхоналарида ва боғчаларда ишлайдиганлар бацилла ташувчилар бўлганда катта хавф туфилади.

Паратиф В да бактериал ташувчилик ич терламага қараганда тез шаклланади. Қорин тифи касаллигидан даволанган беморларнинг 4—5 фоизи сурункали ташувчилар, паратиф В ни бошидан кечирган беморларнинг 7—8 фоизи эса сурункали ташувчилар ҳисобланадилар. Сурункали ташувчилик турли ёшдаги одамларда, жумладан 14 ёшгача бўлган болаларда ҳам кузатилади.

Бу касалликнинг эпидемиологиясида касаллиги яширии ёки атипик шаклда кечаётган беморлар катта роль ўйнайди. Ич терлама ва паратифнинг атипик шаклда кечиши кўпинча кекса одамларда, айниқса ёш болаларда аниқланади. Қорин тифи ва паратифларнинг тарқалиши йил бўйи бир хил бўлмайди. Бу касалликлар кўпинча йилнинг ёз-куз ойларида кўпаяди, чунки ёз ойларида об-ҳавонинг иссиқ бўлиши микробларнинг кўпайиши учун қулай шароит туғдиради. Бутун йил бўйи касалланишининг 75 фоизи касалликнинг мавсумий кўпайиш даврига тўғри келади. Касаллик асосан оғиз орқали юқади. Шунингдек, бу касаллик қайнатилмаган сув ичилганда ва тарқибida шу касалликнинг қўзғатувчиси бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилинганда юзага келади. Сув манбалари касалликнинг узоқ масофаларга тарқалишида асосий омил бўлиб ҳисобланади, чунки сувда ич терлама ва паратиф қўзғатувчилари узоқ яшай олади. Ич терлама микроблари сувда шарт-шароитга қараб 2—3 ой яшави мумкин. В паратифи микроблари эса бундан ҳам кўпроқ сақланиб туради. Қорин тифи ва паратифнинг сув орқали тарқалиши ўткир эпидемияга сабаб бўлиши ва узоқ муддат давом этиши мумкин.

Инфекция тарқалишида пашшаларнинг ҳам аҳамияти катта. Бу касалликка ҳамма ёшдаги болалар (эмизикли болалар ҳам) берилувчан бўладилар, лекин кўпинча мактаб ёшидаги болалар касалланади. Баъзи минтақаларда, жумладан Ўзбекистонда касалланишининг 60 фоизи 14 ёшгача бўлган болаларга тўғри келади. Бунда кўрсаткичларнинг талайгинаси 4—14 ёшли болаларга, энг ками эса 1 ёшгача бўлган болаларга тўғри келади. Қорин тифи ва паратифни бошидан кечирган беморларда анча турғун бўлган маҳсус иммунитет пайдо бўлади.

Патогенези. Ҳазм йўллари инфекциянинг кириш жойи бўлиб хизмат қилади. Қўзғатувчи ичакда кўпайиб, шиллиқ парда ва лимфа йўллари орқали ичакнинг лимфа тизимларига (Пейер, пиликчалари, солитар фолликулалар, регионар лимфа тугунлари) ўтади. Кейинчалик қисман ҳалок бўлган микроблар ва ҳоли бўлмаган токсинлар туфайли кечадиган бактериемия юзага келади. Микроблар кўплаб ўт қопида йиғилади, у ердан ичакларга тушиб, маълум дараҷада интоксикацияга сабаб бўлади ва қон томирларга ўтади. Қасаллик ичакда ривожланганда қўйидаги босқичлар: Пейер пиликчалари ва фолликулаларнинг бўкиш босқичи, лимфа тугунларининг катталашуви ва ичак шиллиқ қаватининг яллиғланиши (1-ҳафтада), Пейер пиликчаларининг чириш босқичи (2-ҳафтада), қайта пайдо бўлиши (3-ҳафтада) ва яраларнинг чандиққа айланиши босқичи (4—5 ҳафталарда) фарқ қилинади. Ёш болаларда ичакдаги маҳаллий ўзгаришлар кучсизроқ ифодаланади.

Клиникаси. Ич терламанинг яширин даври 7 дан 23 кўнгача, ўрта ҳисобда 14 кун давом этади. Паратифда яширин давр бир мунча қисқа (6 кундан 10 кунгача) давом этади. Ич терламада аксарият қисқа яширин продромал давр (1—3 кун) кузатилади. Қасаллик аста-секин бошланади, ҳарорат 5—7 кун мобайнида босқичма-босқич кўтарилиб, 39—40° га етганда эт жунжикади, иштаҳа пасайиб, уйқу бузилади, қабзият пайдо бўлади, жигар ва талоқ катталашади, тилни караш боғлайди, нисбий брадикардия пайдо бўлади, ҳарорат юқорилигигча сақланиб туради. Тифоз ҳолат ривожланади, уйқу босади, карахтлик, алаҳсираш кучаяди. Қорин текширилганда ўнг томонда қулдираш эши билади. Қўлинча бронхит кузатилади. Қасалликнинг 9—11-кунида қорин терисида, кўқракда, елкада озгина бўртиб чиққан, диаметри 3—4 мм бўлган, босгандага йўқолиб кетадиган розеолалар — пушти ранг доғлар пайдо бўлади. Қасалликнинг биринчи кунларида ўртача лейкоцитоз, кейин лейкопения, нисбий лимфоцитоз, анэозинофилия кузатилади. Қасалликнинг ҳамма симптомлари тўлиқ юзага чиққандан 1—2 ҳафта ўтгач, розеолалар аста-секин йўқолиб, қасалликнинг реконвалесценция даври бошланади. Ҳарорат эрталаб баъзан вақтинча тушиши, баъзан қасалликнинг қисман ёки барча симптомлари юзага келган ҳолда қайталаниши ҳам мумкин. Қасаллик иситма чиқиши даврининг 1—2 ҳафтагача қисқариши билан абор-

тив (тұхтаб-тұхтаб) кечиши мүмкін. Касалликнинг енгил, ўртача ва оғир турлари фарқланади. Ич терлама-нинг яққол манзараси мактаб ёшидаги болаларда кузатилади. Еш болаларда касаллик баъзан атипик (интоксикация, диспептик ҳолаттар, менингизм, септик асоратлар билан) кечади.

Касаллик асоратлари камдан-кам ҳолларда ичакдаги ярали (ичакдан қон оқиши ва ичак перфорацияси) жараёнларга боғлиқ ҳолда, катта ёшдаги болаларда кузатилади. Ичакдан қон оқаётгандығына хос белгилар: ахлатнинг мойсимон бўлиши (кўпинча касалликнинг З-ҳафтасида), бемор рангининг оқариб кетиши, бош айланиши, қоринда тўсатдан оғриқ пайдо бўлиши, бемор қайт қилиши, ҳарорат ва қон босими пасайиб кетиши ҳисобланади. Болаларда иккиламчи инфекциялар билан боғлиқ бўлган асоратлар (отит, зотилжам, стоматит ва бошқа) юзага келади. Паратиф А клиник кечиши бўйича қорин тифига ўхшаш бўлсада; ўзининг ўткир бошланиши, ҳароратнинг бир текисда бўлмаслиги, бирмунча енгил кечиши, камдан-кам асорат қолдириши билан ундан фарқ қиласди. Паратиф В да кўпинча қон кетиши, баъзан эса қабзият, розеолаларнинг кўплаб тошиши, баъзан герпес, қонда лейкопения билан бирга лейкоцитоз кузатилади. Паратифларда касаллик қорин тифига қараганда қисқароқ давом этади, кам ҳолларда асорат қолдиради ва ўлим билан тугайди.

Тифга қарши әмланганларда бу касаллик ғайри-табиий ҳолда, кўпинча яширин кечади.

Шунингдек, касаллик ўткир бошланиб, унинг тўсатдан юзага чиқадиган abortiv шакли ҳам мавжуд. Касаллик кўпинча бўғимларда, мушакларда оғриқ ва узоқ субфебрил ҳарорат билан кечади. Лекин әмланганларда касаллик хавфли асоратлар билан оғир кечиши мүмкін. Сўнгги йилларда қорин тифи ва паратифлар оғир турининг камайиши, енгил, атипик турининг кўпайиб бориши натижасида, айниқса касалликнинг бошлангич даврида унга ташхис қўйишда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Ҳозирги пайтда қорин тифи ва паратифларнинг клиник кечиши касалликни эрта аниқлаш учун клиник лаборатория усулларидан фойдаланишини талаб этади.

Асоратлари. Қорин тифида ичак ярасининг тешилиши, ичаклардан қон кетиши, менингит, пиелонефрит ва бошқалар.

Ташхиси. Бу касалликни айниқса ёш болаларда

аниқлаш қийинчилик туғдиради. Бир ҳафтадан узоқ давом этадиган, доим иситма ва лейкопения билан кечадиган, пенициллин яхши таъсир этмайдиган касалликлар қорин тифига шубҳа туғдириси мумкин. Бундай пайтларда уларни дарҳол бактериологик текишириш зарур. Шошилинч ташхис қўйиш учун (касалликнинг биринчи ҳафтасида) венадан 5—10 мл қои олиниб, қон экмаси (гемокультура) тайёрланади ва 10% ли ўт суюқлигига экилади. Биринчи ҳафтанинг оқири, иккинчи ҳафтанинг бошида Видал реакциясини ўтказиш (ташхислаш) учун унинг титри 1:100 дан кам бўлмаслиги зарур, керак бўлганда бу реакцияни қайта ўтказиш (бунда агглютинация титри ошиб боради) лозим. Иккинчи ҳафтанинг оқири, учинчи ҳафтанинг бошида ахлатдан ва сийдикдан экма олиш керак. Касалликнинг 2—3 ҳафтасига бориб экма учун ўи икки бармоқ ичакдаги суюқликдан (биликультура) фойдаланиш мумкин. Антибиотикларни эрта тайинлашда лаборатория текширишлари ижобий натижা беради.

Хозирги пайтда Видал реакциясини соматик (жисмоний) О-ва Н-антителлари билан ўтказиш тавсия этилмоқда. О-антителлар билан ўтказиладиган ижобий натижага қўзғатувчиси номаълум бўлган тиф-паратифоз касалликларидан дарак беради. О-ва Н-антителлари билан ўтказиладиган реакциялар биргаликда ижобий натижага берганда, О-агглютинация титри ошиб борганда қорин тифига тахмин қилиш мумкин. Видал реакциясига қараганда аниқроқ натижага берадиган реакция пассив гемагглютинация (ПГАР) реакциясидир. ПГАР (пассив гемагглютинация реакцияси) нинг эритроцитлар О-ва Н-антителлари билан ўтказиладиган титри 1:660—1:320 га teng. ПГАР махсус реакция бўлиб, юқори аниқ кўрсаткичларга эга бўлганлиги учун касалликнинг 4—5-кунлари қўйилади, титрнинг кўпайган миқдори 3—4 ҳафталарда кузатилади. Эрта ташхис қўйиш усуllibаридан бири — иммунофлюресценциядир. Бунда касаллик бошлангандан кейин 10—12 соат мобайнида қўзғатувчилардан экма олмасдан туриб касалликни аниқлаш мумкин. Бу усульнин касалликнинг яширин атипик хилларида қўллаган маъқул.

Қорин тифи ва паратифларни грипп, тошмали тиф, пневмония, менингитли сил, сил, сепсис, бруцеллёз, Күиситмаси, юқумли мононуклеоз, ўткир аппендицит, безгак, сальмонеллёз, ўткир дизентерия ва сохта сил касалликлари билан дифференциал ташхис қилишга тўғри келади.

Оқибати. Қасаллик одатда болаларда енгил ўтади.

Давоси. Бемор иситмаси тушгандан кейин 1,5—2 ҳафта ўрин-кўрпа қилиб ётиши шарт. Бунда тўла сифатли парҳез тутиш, яъни сут, қатиқ маҳсулотлари, мастава, бўтқалар, қирилган мевалар, сабзавот пюре-си, кисель, буғда пиширилган котлет, илитилган тухум, қотган оқ нон тавсия этилади. Кўпроқ суюқлик бериб турилади. Антибиотиклардан левомицетин, тетрациклин (ёшга қараб) тайинланади. Даволаш иситма тушгандан кейин ҳам давом эттирилади. Қасаллик қайталаганда такрор антибиотиклар билан даволаш чоралари кўрилади.

Интоксикация юз берганда организмга альбумин, плазма, гемодез (20—50 мл), глюкоза (20% ли эритмасидан 20—40 мл), тетиклаштирувчи воситалардан иммуноглобулин (кунига 3 млдан 2—3 марта), гемотрансфузия (1 кг тана вазнига 5—10 мл) ишлатилади. Қасалликнинг бошланғич даврида гормон тутадиган дорилар билан даволаш (10—12 кун давомида сутка-сига 5—10 мг дан преднизолон, ичишни тўхтатишдан олдин миқдори камайтирилади) яхши натижা беради. Ичакдан қон кетганда bemорга тинч шароит яратиб бериш, қоринга муз қўйиш, плазма, кальций хлорид, витамин K (ёшга қараб) қўйиш, оз-оздан совитилган овқат бериб туриш керак. Ичакдаги яралар тешилганда зудлик билан операция қилиш зарур.

Олдини олиш. Ичиладиган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини яхшилаб текшириб туриб қатъий санитария хизматини ўрнатиш, қасалликнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади. Қасаллик симптомлари батамом йўқолгач, bemор ахлатини ва сийдигини бактериологик текширганда уч марта манфий натижалар олингунча уни алоҳида ётқизиш лозим. Қасаллик ўчофида кундалик ва якунловчи дезинфекция ўтказилади.

Реконвалесцентлар — бактерия ташувчилар қасалхонадан чиқарилганда кейин поликлиника ва санитария-эпидемиология станцияси назоратида бўладилар. Мактаб ва мактаб интернат ўқувчиларида қорин тифи ва паратиф бактерияларни ташувчанлик ҳоллари кузатилганда, бундай болаларга ўқишига қатнашга рухсат этилса-да, уларга озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ишларга қатнашишга рухсат этилмайди. Умумий овқатланиш муассасаларида бактерия ташувчи ходимларни изчил аниқлаш ва уларни заарарсизлантириш чораларини кўриш лозим.

Мактаб ёшдагиларни фаол эмлаш тадбирлари фақат эпидемик күрсаткичларга мувофиқина амалга оширилади. Эпидемик күрсаткичларга мувофиқ эмлаш тадбирлари ахоли пунктларида касаллик күплаб тарқалганды ва узоқ давом этгандагина амалга оширилди. Болаларни қорин тифига қарши эмлаш учун ҳозирги пайтда қорин тифига қарши А-антиген билан бойитилган спиртли вакцина қўлланилади.

ВИРУСЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ (HEPATITIS VIROSA)

Турли вируслар келтириб чиқарадиган умумий касаллик бўлиб, унинг юқиши йўллари хилма-хиллар. Бу касаллик ўткир ва сурункасига кечади. Ҳозирги вақтда вирусли гепатитнинг А ва В, шунингдек С ва D турлари маълум.

Касаллик қўзғатувчи омил. (Вирусли жигар хасталигининг А шакли). Бу касалликни қўзғатувчи вирус таркибида РНК (рибонуклеин кислота) бўлиб, ўз хосасига кўра энте ровируслар гуруҳига мансубдир. Вируслар 100°C ҳароратда 5 минут мобайнида ҳалок бўлади. Гепатит В ни қўзғатувчи вирус таркибида ДНК бўлиб, у мураккаб антиген тузилишига эга бўлади (юза қобиқли марказлашган). Вируслар ташқи муҳитга чидамли бўлиб, 30 минут қайнатилганда нобуд бўлади.

Эпидемиологияси. Вирусли гепатитнинг А шакли жуда юқумли бўлиб, (инфекцион гепатит, Боткин касаллиги) у оғиз, ичак ва ҳазм йўллари орқали юқади.

Вирусли гепатит В билан касалланганларнинг 70—80 фоизида касаллик манбай бемор бўлиб, касаллик яширин даврининг охирида, сариқлик даври бошланган ва касаллик ўткир даврининг дастлабки 12—15 кунидаги беморларнинг юқумлилиги энг юқори ҳисобланади.

Гепатитнинг А шакли билан асосан 3—14 яшар болалар касалланадилар. Касалликнинг маълум цикл бўйича ривожланиши қайд қилинган. Инфекция кўпинча болалар муассасаларида тарқалади. Бу касалликни бошидан кечирган одамлар организмида турғун иммунитет пайдо бўлади.

Вирусли гепатит В. Вирусли гепатит В да касалликнинг ўткир ва сурункали тури билан оғриган беморлар, шунингдек, гепатит В вирусининг юза антигенини ташувчи соғлом одамлар касаллик манбай бўлиб ҳисобланади. Гепатит В вируси бемор қонида узоқ

вақтгача сақланиб туради. Гепатит В парентерал йўл билан, вирус терига ва шиллиқ қаватга тушганда юқиши мумкин. В вирусининг юза антигени сўлак, ахлат ва организмнинг бошқа суюқликлари билан ажралиб чиқади. Касаллик, кўпинча гепатит В вируси ташувчиларининг қонини ва плазмасини билмасдан соғлом одамга қуиши орқали ҳам тарқалади.

Вирусли гепатит В билан оғриган ҳомиладор аёлларда бу касаллик ҳомилага ҳам ўтиши мумкин. Гепатит В билан асосан бир ёшгача бўлган болалар оғрийди. Чақалоқларга касаллик (туғруқ пайтида) таркибида В вирусли бачадон суюқлигини ёки қонни ютиб юборганда ҳам юқиши мумкин.

Беморлар соғайиб кетгандан сўнг, уларда турғун иммунитет ривожланади. А ва В гепатитлари серологик алоқаси бўлмаган агентлар орқали юзага келади. Ҳозирги кузатишлар гепатит А ва В га сабаб бўладиган маҳсус агентлар борлигидан далолат бермоқда. Гепатит А ва В ҳамма ерда тарқалиши мумкин бўлса-да, лекин бу касалликлар посттрансфузион гепатитлар орасида бир мунча кўпроқ учрайди. Касаллик асосан қондан ёки уни ўрнини босадиган дорилардан ўтади, шунингдек, инфекция табиий йўл билан ҳам ўтади, деган тахминлар ҳам бор.

Гепатит А ва В учун касалликиниг ҳамма ерда бир хил тарқалмаслиги хос бўлиб, бу касаллик сув таъминоти яхши бўлмаган жойларда кўплаб тарқалади, катта ёшли кишиларга касаллик камроқ юқади, касаллик ўчиги бўлган ҳоллар кам учрайди.

Патогенези. Гепатит А вируси организмга меъданичак йўлининг шиллиқ пардалари орқали ўтади. У ингичка ичак шиллиқ қаватларида ва мезентериал лимфа тугунларида кўпаяди. Кейин вирус қонда йифилади ва касаллик яширин даврининг иккинчи ярмида, клиник манзараси юз бергунча бирламчи вирусемия (вирусларнинг кўпайиши) ривожланади. Вирус қон билан бутун организмга тарқалса-да, аммо жигар инфекция кўпайиши учун энг қуялай жой ҳисобланади. Бу даврда умумий заҳарланиш белгилари пайдо бўлади, жигар ва талоқ катталашади.

Гепатит В вируси терининг заарланган жойи орқали организмга тушганда регионар лимфаденит юзага келади. Гепатит В вируси билан заарланган қон қуйилганда эса вирусемия (яъни вируслар қон томирларида айланиб юради) пайдо бўлади, бу касаллик патогенезининг кейинги босқичлари худди ви-

русли гепатит А даги сингари. Вирусли гепатит В да цитолиз ҳодисаси жигар ҳужайраларида иммунологик жараёнларининг кечиши билан изоҳланади. Вирусли гепатит В билан оғриган бир қанча беморларда Т-лимфоцитлар камайиши ва функционал фаолиятнинг пасайиши сабабли, Т-системали иммунитет фаолияти йўқолиб кетади. Вирус таъсирида касаллик яширин давриниш охирига бориб, ҳужайра мемброналарининг ўтказувчанилиги ошиб боради ва қон зардобидаги ферментлар фаоллигининг ошишига сабаб бўлади.

Касаллик авж олган даврда гепатоцитлар цитолизи, холестаз ва мезенхиманинг яллиғланиш реакциялари туфайли жигар заарланади. Цитолизда жигар тўқималарининг парчаланиши натижасида оқсилининг синтез қилиниши пасайиб кетади, гипопротеинемия ривожланади, альбуминлар даражаси пасайиб, глобулинлар миқдори кўпайиб кетади.

Касалликнинг оғир турларида қон ивиши системаси бузилади, қоннинг томир ичидаи ивиш синдроми ривожланиши мумкин. Витаминлар яхши ўзлаштирилмайди, ҳужайра ва ҳужайрадан ташқаридағи суюқликлар нисбати, пигмент алмашинуви анча бузилади.

Жигар дистрофияси ривожланишида (тўқималарининг парчаланишида) ҳужайра мемброналари, лизосомалар ўтказувчанилиги ва улардаги протеолитик ферментлар фаоллиги ошишининг ҳам аҳамияти катта. Булар жигар ҳужайраларининг тез емирилишига ёрдам беради, бу жигар функциясини сусайтиради. Жигар дистрофиясида марказий нерв системаси фаолияти бузилади ва ҳ. к.

Жигарнинг ўткир дистрофиясида марказий нерв системаси фаолиятининг бузилиши, жигарнинг қаршилик кўрсатиш фаолиятининг сусайиб кетиши билан боғланган. Бундай ҳолларда қонда аммиак, феноллар, баъзи аминокислоталарининг тўпланиши аҳамиятлидир. Жигарнинг парчаланган тўқималари ҳам организмга заҳарли таъсир қиласди. Гепатит дуруст кечган ҳолларда организм вирусдан батамом ҳалос бўлиб, унда иммунитет шакллана бошлайди. Гепатит В билан оғришнинг баъзи ҳолларида организм вирусдан батамом ҳалос бўлмасдан, вирус ташувчанлик шаклланади. Гепатит В билан оғриган қатор беморларда касаллик сурункали тус олади.

Клиникаси. Вирусли гепатит А нинг инкубацион даври 7 кундан 50 кунгача, вирусли гепатит В да эса 50 кундан 150 кунгача давом этади.

Бу вируслар оғиз орқали юққанды инкубацион давр 14 кундан 50 кунгача давом этади. Касалликнинг кечиши уч даврга: сариқликдан олдинги давр, касалликнинг ўткир сариқлик даври ва соғайиш (реконвалесценция) даврига бўлинади. Сариқликдан олдинги давр 3—10 кун давом этиб, дармонсизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши, кўпинча яллиғланиш билан кечадиган диспептик бузилишлар, баъзан жигар ва талоқнинг катталашганлиги билан характерланади. Ҳолсизлик, бош оғриши, кўнгил айниши, қайт қилиш, қоринда оғриқ кузатилади. Вирусли гепатит В да касаллик аста-секин бошланади. Беморларнинг маълум қисмидаги артрагия, бўғимларда оғриқ сезилади. Вирусли гепатит А ва В ларга сийдикнинг тўқ сариқ рангда бўлиши, ахлатнинг эса рангизланиши хосdir. Ҳар хил дарражали сариқлик аста-секин ривожланади, у аввало кўз склераларида, танглайди, тери юзасида пайдо бўлади. Баъзан тери бир оз қичишади. Сийдик тўқ-сариқ рангга киради, ахлат рангизланади, жигар катталашиб, пайпаслаганда оғриқ сезилади. Сариқлик даври 10 кундан 20 кунгача давом этади, шундан сўнг сариқликка хос белгилар йўқолиб кетади ва реконвалесценция даври бошланади. Болаларда касаллик кўпинча ўткир бошланади, яъни иситма кўтарилали, бола қайт қиласи, жигар соҳасида оғриқ сезилади, тери қопламларида ва кўз склерасида жуда эрта сариқлик пайдо бўлади. Касаллик турли клиник формаларда — сариқлик юзага келмайдиган ва сариқлик жуда тез пайдо бўладиган формаларда ўтади. Вирусли гепатитларнинг сариқликсиз юзага келган тури енгил кечади. Беморлар билан мулоқатда бўлганда бу касаллик айниқса ёш болаларда чўзилиб кетиши мумкин. Жигар ва талоқнинг катталашиниши, пайпаслаганда оғриқ сезилиши касалликнинг бу турига хосdir. Касалликнинг бу тури клиник-эпидемиологик асосда лаборатория усулида текшириб аниқланади. Сурункали гепатитлар қайталаниб турадиган ва фаол турда кечиши мумкин. Сурункали гепатит билан оғриган болаларда жигар ва талоқнинг катталашганлиги, сариқлик, қоринда оғриқ, кўнгил айниши, иштаҳанинг пасаёниши, анорексия, озиб кетиш, терида томирларнинг кўкариб қолган жойлари, кафтлар ва тирноқларнинг ўзига хос ўзгариши, гипертензия, ичак фаолиятининг бузилиши, камқонлик ҳоллари қайд қилинади.

Ташхиси. Гепатитнинг сариқлик росмана ифодаланган турида, касалликни аниқлашда унчалик қийинчи-

ликлар бўлмайди. Касаллик сариқликдан олдин ва сариқликсиз кечадиган ҳолларда ташхис қўйиш мушкуллик туғдиради. Касаллик сариқ касаллиги бор беморлардан юққанда унинг биринчи белгилари 7 кундан 50 кунгача, организмга дори игна орқали юборилганда юққанда эса 50—150 кунгача бўлган муддатда билинди. Ташхис учун умумий дармонсизлик, ҳароратнинг субфебрил бўлиши, иштача йўқолиши, кўнгил айниши, кекириш, қабзият, ўнг биқинда оғриқ, жигарнинг каталашиши, сийдик, айниқса кўпиги тўқ рангда бўлиши, нажаснинг рангсизланиши муҳим белгилардан ҳисобланади. Болалар муассасаларида бу касалликни эрта аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу касаллик кечикиб аниқланганда кўпчиликка юқиб қолиши мумкин. Касалликни аниқлашда қонда билирубин борлинни кузатиш, сийдикни эса сариқлик пигментлари—уробилинга ва бошқа синамаларга текшириш зарур. Ферментлар, трансаминазалар (АЛТ миқдори 0,68 ни ммолъ/л бўлиши керак) фаоллигини аниқлаш ҳам ташхис қўйишда катта аҳамиятга эга. Вирусли гепатитлар грипп ва бошқа шамоллаш касалликлари, механик сариқлик, озиқ-овқатдан заҳарланиш, сариқ лептоспироз, кўричак, юқумли мононуклеоз, лейшманиозларнинг висцерал тури, ангioxолецистит, токсинли гепатит, ўт йўли атрезияси, каратинли сариқлик билан дифференциал ташхис қилинади.

Оқибати. Касаллик баъзан енгил турда кечади. Ўлим ҳоллари камдан-кам рўй беради. Бу ҳол асосан вирусли гепатит В нинг фульминант тури бўлиши мумкин. Касаллик цирроз билан тугайдиган сурункали турига айланиши мумкин.

Давоси. Бемор бутун касаллик давомида кўрпа-тўшак қилиб ётиши, парҳезга риоя қилиши, берилётган овқати таркибида туз, ёғ, зираворлар кам бўлиши керак. Беморга творог, сабзавотлар, хўл мевалар, ёшига қараб витаминлар (аскорбин кислота, никотин кислота, В гуруҳи витаминлари ва бошқалар) берилиши керак. Магнезиянинг олtingугуртли бирикмаси ҳам фойдали (25% ли эритмасидан чой, ош қошиқдан кунига 3—4 маҳал берилади). Минерал сувлар (17-сон Ессентуки боржоми, Тошкент, Славян минерал сувлари) овқатдан олдин 1/4—1/3 стакан миқдорда илитиб берилади.

Касалликнинг оғир турида интоксикацияга қарши тадбирлар кўриш, озиш учун парҳез тутиш, тозалик ҳуқнаси, глюкозанинг 20% ли эритмасидан 20—40 мл

юбориб туриш, пазма (20—50 мл) қўйиш, В гуруқ витаминлари (айниқса В₆ витамини) юбориш, гормонал даво ўтказиш лозим.

Қасалликнинг олдини олиш. Вирусли гепатит В нинг олдини олишда вируснинг меъда-ичак йўли орқали ўтишининг олдини олиш лозим. Аҳолини сифатли озиқовқат маҳсулотлари ва сув билан таъминлаш, пашшаларга қарши курашиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш шулар жумласига киради.

Гепатит А билан оғриган беморларни дарҳол ажратиб қўйиш зарур. Ноқулай шароитларда яшайдиган (коммунал турар жойларда, ётоқхоналарда) беморларни касалхонага ётқизиш керак. Яшаш шароити дуруст бўлган, шахсий хонадонларда турадиган беморлар уйларининг ўзида алоҳида хонага ётқизилади. Уйлар албатта дезинфекция қилиниши шарт.

Бемор билан алоқада бўлган ёш болалар орасида (бемор билан охирги контактдан бошлаб 50 кунгача) тиббий назорат ўрнатилади. Иммунопрофилактика тадбирлари бу касаллик билан кўпроқ заарланган аҳоли ўртасида ўтказилади. Иммуноглобулин ёшга қараб қўйидаги миқдорларда: 1—6 ёшдагиларга — 0,75 мл; 7—10 ёшдагиларга — 1,5 мл ва катта ёшли бола вазнига қараб 3 мл гача юборилади.

А ва В вирусли гепатит қўзғатувчилариининг өғиздан ташқари йўл билан ўтиши, гепатит вируси тарқалишининг олдини олишда кўриладиган чора-тадбирлар касалликнинг табиий ва сунъий тарқалиш йўлларини бартараф этишдан иборат. Беморга қон ва унинг ўрнини босувчиларни қўйиш учун бир марта қўлланадиган воситалардан фойдаланиш керак. Гепатит В юқинининг олдини олиш учун донорларни яхшилаб текшириш, барча даволаш ва муҳофаза муассасаларида гемотрансфузияни чеклаш, иложи борича, бир марта ишлатиладиган тиббий ва таҳлилхона ускуналаридан фойдаланиш, тери қопламлари ва шиллиқ қаватлар шикастланганда ишлатиладиган муолажа жиҳозлари ва ускуналарни стерилизацияядан олдин тозалаш, стерилизация қилиш қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда дезинфекция ўтказиш зарур бўлади.

Вирусли гепатит В га қарши маҳсус профилактика тадбирларини ўтказиш мақсадида 1990 йилдан бошлаб гепатит В антигенининг юқори вирус ташувчанлигини ҳисобга олиб, чақалоқлар, 1—2 ёшли болалар ва тиббий хизматчилар орасида профилактик эмлаш чоралари ўтказилмоқда. Бу инфекцияга қарши эмлашнинг

түләү курсы «гепатит В га қарши эмланиши лозим бўлган болаларни эмлаш тартибига» мувофиқ 4 марта амалга оширилади.

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН ОГРИБ ЎТГАН БОЛАЛАРНИ ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

Вирусли гепатитни бошдан кечирган барча болалар касалликнинг сурункали тус олиши ва хунук оқибатларини бартараф этиш мақсадида доим врач назоратида бўлишлари лозим.

Биринчи текширувда клиник-лаборатория кўрсаткичлари яхши чиққан болаларни поликлиникада инфекционист ёки гастроэнтеролог (улар йўқ бўлганда участка педиатри) ҳар 3—6 ойда текшириб туради. Клиник-лаборатория кўрсаткичлари яхши бўлган беморлар б 6 ойдан кейин диспансер ҳисобидан чиқариб ташланади.

Гепатит В, дельта-инфекция билан оғриб ўтганлар, А ва В гепатитлари вирусли гепатит билан дифференциалланмаган bemорлар кузатув мобайнида касалхонада даволаниш билан бирга амбулатория текширувидан ўтадилар. Биринчи маротаба текширилганда клиник-лаборатория кўрсаткичлари яхши чиққан болалар 3, 6, 9 ва 12 ойлардан кейин қайта текширилади. Ҳамма клиник лаборатория кўрсаткичлари яхши бўлган bemорлар касалхонадан чиққанларидан 12 ой ўтгач ҳисобдан чиқарилиб юборилади.

ГЕМОРРАГИК ИСИТМАЛАР

Булар табиий ўчоқли вируслар қўзғатадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, заҳарланиш, иситма ва геморрагик синдромлар билан характерланади. Бу гуруҳга 10 дан ортиқ касаллик турлари кириб, улардан геморрагик иситма (буйрак синдромлари билан) ёки узоқ шарқ геморрагик иситмаси, Қрим иситмаси (унинг турларидан бири Марказий Осиё хили) ва Омск иситмаси учрайди.

ГЕМОРРАГИК ИСИТМА (БОШЛАНГИЧ СИНДРОМ БИЛАН)

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчиси арбовируслар гуруҳига мансубдир. Вирус ташқи муҳитга унча чидамли бўлмайди.

Эпидемиологияси. Ҳозирги вақтда ёввойи сичқонсиз мөн кемирувчилар (ондатралар ва бошқалар) ни қасаллик тарқатувчилар деб ҳисоблаш расм бўлган. Қасаллик кемирувчилар билан бевосита алоқада бўлганда қандай юқса, бўйвосита алоқада бўлганда ҳам шундай юқади. Қўзғатувчилар трансмиссив (қон сўрувчи бўғим оёқлилар), алиментар, аспирацион йўл ва бевосита кемирувчилар орқали юқади.

Геморрагик иситма билан барча ёшдаги кишилар касалланади. 7 ёшгача бўлган болалар ва 50 ёшдан ошган қариялар камдан-кам оғрийди. Қасалликдан сўнг мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади.

Патогенези. Вирус тери ёки шиллиқ пардалар орқали организмга тушиб, ретикулоэндотелиал ҳужайраларда кўпаяди, сўнгра қонга ўтиб, вирусемия — умумий заҳарланишни келтириб чиқаради.

Вирусларнинг вазотроп хусусиятлари шунда намоён бўладики, яъни бунда қон томири деворларининг ўтказувчанлиги ошиб кетади, бу қасаллик учун патологик ҳисобланган тўқимадаги плазморреянинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Натижада периваскуляр шиш, кўплаб қон қўйилиши ва некробиоз ўчоқларининг пайдо бўлиши кузатилади.

Қасалликнинг патогенези капилляротоксикоз, геморрагик тошмалар, кўплаб қон қўйилиши, ички аъзо тўқималари ва марказий нерв системасининг заарланиши, шиш кўринишида намоён бўлади. Қасаллик авж олганда, кўпинча гипоталамогипофизар, буйрак усти бэзи етишмовчилиги ва инфекцион токсиили шок ҳолати юзага келади.

Капиллярлар ва майда қон томирлари деворларининг заарланиши билан кечадиган вирусемия қасаллик бошланғич даврининг (1—3 кун) белгиларини келтириб чиқаради. Буйракнинг сийдик ажратиш қобилиятининг ўткир бузилиши вирусларнинг буйрак томирларига бевосита таъсири билан боғланган.

Олигурия, оғир ҳолларда эса ануриянинг келиб чиқиши буйрак етишмовчилигининг белгилари бўлиб, бу электролит ва азот алмашинувининг бузилишига ҳам олиб келади.

Полиурия даврида буйрак патологиясини келтириб чиқарувчи функционал бузилишлар асосида каналчалар эпителийсининг сийдикни реабсорбция қилиш қобилиятининг пасайиши ва буйрак тугунларида фильтрланишининг камайиши ва афтидан эндокрин безлар иш фаолиятининг бузилиши ётади.

Клиникаси. Қасалликнинг яширин даври ўрта ҳисобда 15 кунни ташкил этиб, 10 кундан 25 кунгача ўзгариб туриши мумкин. Қасаллик одатда ўткир бошланади. Қасаллик бошланишининг олд даври 2—4 кун давом этиб, беморни кўнгил айниши, беҳол бўлиш, тез чарчаб қолиш, бошнинг пешона, чакка қисмида ва кўз косаларида оғриқ безовта қилади, иштаҳа пасайиб, сёқ-қўлларда ва бутун танада оғриқ пайдо бўлади, уйқу бузилиб, томоқ қичишиади.

Қасалликнинг бошланғич даврида бирданига ҳарорат 38—40—41°C га кўтарилиб, юз, бўйин, кўкракнинг юқори қисми кўкариб кетади, склерага — кўз оқига қон қўйилади.

Қасалликнинг 2—4-кунида олигурия даври кузатилиб, у буйрак ва геморрагик белгилар билан ўтади. Ҳарорат тушгандан сўнг МНС ва буйрак заарланиши натижасида bemornining умумий аҳволи яхшиланмайди. Узоқ Шарқ минтақаси учун терида петехиал ёки майда нуқтасимон тошмаларнинг пайдо бўлиши хос бўлиб, бу нарса оғир геморрагик асоратларнинг келиб чиқишидан дарак беради. Бундай асоратлардан энг оғири буйракдан қон кетишидир. У гоҳо макрогематурия, баъзан эса микрогематурия кўринишида намоён бўлади.

Нафас олиш аъзолари камдан-кам ҳолларда зараланади. Меъда-ичак йўлининг заарланиши, кўнгил айниши ва қайт қилиш, чириётган қон ҳидининг келиши, қоринда метеоризм ва оғриқнинг пайдо бўлиши, оғриқ асосан қориннинг ўнг қисмида, ўнг қовурғалар остида ва киндик атрофида кузатилади. Абдоминал белгиларга яхши эътибор бермаслик, меъда ярасининг тешилиши — перитонит, аппендицит каби қасалликларга тахмин қилиб, потўғри ташхис қўйиши натижасида кераксиз операцияларни ўтказишга ҳам баъзан сабабчи бўлади.

Геморрагик иситманинг асосий белгиларидан бири чанқоқлик бўлиб, полиурия даврининг охирига бориб чанқаш жуда кучаяди.

Кўришининг бузилиши, кўзнинг қичиши, кўриш ўткирлигининг пасайиши ва кўзнинг хиралашиши — қасалликнинг одатий белгиларидан ҳисобланади. Оқ қон танаҷаларида сезиларли ўзгаришлар юз бериб, дастлабки кунлар бир оз лейкопения ёки нормоцитоз аниқланади. Тромбоцитлар сони камайиб кетади. Бундан ташқари, қонда гипокоагуляция ва гиперкоагуляция кузатилади.

Соғайиш даври 3—12 ой. Қасаллик енгил, ўртача оғирликда ва оғир кечади. Қасалликнинг оғир тури буйракнинг сийдик ҳосил қилиш ва сийдик ажратиш функциясининг бузилиши билан характерланиб, уремия белгилари, азот қолдиқларининг кўрсаткичлари (65,2 дан 142,8 ммоль/л гача, анурия ёки олигурия, суткалик диурез 200—300 мл дан кам бўлади), кучли геморрагик белгилари ва МНС заарланиши билан кечади. Баъзан ўткир томир етишмовчилиги ва меъда-ичак йўлларининг кучли заарланиши билан кечадиган хиллари ҳам кузатилиши мумкин.

Бир оз уремия белгиларининг пайдо бўлиши қасалликнинг ўртача оғирликда кечадиган турига хосdir.

Қасаллик енгил кечганда азот қолдигининг миқдори нормада бўлиб, уремиянинг клиник белгилари кузатилмайди, суткалик диурез миқдори нормада бўла-ди ёки озгина камайиши мумкин.

Асоратлари. Азотемик уремия, буйрак пўстлоқ қисмининг ёрилиб кетиши, зотилжам, паротитлар, отитлар ва бошқалар.

Ташхиси ва қиёсий ташхиси. Клиник белгиларга асосланиб қасалликка хос ташхис қўйилади (буйрак, етишмовчилиги белгилари билан иситма чиқиши, оғир ҳолларда геморрагик ҳолатларнинг кузатилиши). Сийдикда юз берадиган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш керак. Оқсил, эритроцитлар пайдо бўлганда баъзан каналчаларнинг дегенератив ҳужайраларини ва фибринли цилиндрларни кўриш мумкин. Қасалликни дифференциал ташхис қилишда грипп, тошмали тиф, сариксиз лептоспироз, ўткир нефрит, ўткир қорин оғриғи, тошмали терлама, Ку-иситмаси, сепсис, капиллярлар токсикози каби қасалликларни ҳисобга олиш керак. Қасалликнинг 19-кунидан бошлаб полиурия бошланади, суткалик диурез миқдори 3—5 литрга ётади. Нерв системаси заарланишининг белгилари миянинг инфекцион-токсик шишишига боғлиқdir.

Давоси. Даво лаборатория, «Сунъий буйрак» билан жиҳозланган маҳсус бўлимларда олиб борилиши зарур. Оғир ҳолларда 3—4 ҳафта давомида бемор кўрпа-тўшак қилиб ётиши лозим. Қасаллик оғир кечганда 2—3 ҳафта сутли ва ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган парҳез таомлар ейиш, кўп-кўп суюқлик ичиш зарур.

Иситмалаш даврида катта миқдорларда аскорбин кислота, В₁, В₁₂, Р, РР витаминлари ёки мушак йичига

натрий никотинат (охиргиси геморрагик белгилар ривожланган вақтда) тавсия этилади.

Этиотроп дори-дармонларнинг йўқлиги сабабли асосий ўринни патогенетик терапия эгаллайди, у буйрак етишмовчилигини даволаш ва профилактика қилишга, сув ва туз алмашинувини созлашга, юрак-томир фаолиятини қувватлаб туришга, томирлар девори резистентлигини сақлашга, асоратларнинг олдини олишга йўналтирилган бўлади.

Антигистамин препаратлари (димедрол, пипольфен) ни қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир, булар капиллярлар ўтказувчанигини пасайтириши натижасида буйрак оралиқ тўқималари жадаллигини камайтиради. Натрий хлориднинг изотоник эритмаси, глюкоза, гемодез тавсия этилади. Томирлар етишмовчилиги ривожланган вақтда 5% ли альбумин плазмаси, реополиглюкин қўйилади. Инфекцион-токсик шок ҳолатининг келиб чиқиши хавфи туғилган вақтда преднизолон, гидрокортизон буорилади. Юрак етишмовчилиги юз бергандага венага коргликон ёки строфантинни бўлиб-бўлиб юборилади, оғриққа қарши аналгин, промедолдан укол қилинади. Йккиласмачи инфекция қўшилган вақтда антибиотиклар тайинланади.

Касалликнинг олдини олиш. Профилактик чоратадбирлар одамларни кемирувчилар билан контактда бўлишининг олдини олишга қаратилган.

ҚРИМ ГЕМОРРАГИК ИСИТМАСИ

Этиологияси. Қрим геморрагик иситмасининг қўзғатувчиси арбовирусларга мансуб вируслар бўлиб, тажриба ҳайвонлари учун юқумли ҳисобланади.

Эпидемиологияси. Қасаллик қўзғатувчинининг диссеминациясида қон сўрувчи каналарни озиқлантирувчи ҳайвонлар (қуёнлар, африка типратиконлари, қўйлар, сигирлар, эчкилар) катта аҳамият касб этади. Вируслар киши организмига трансмиссив йўл, кана сўлаги, контакт, ўзида вирусларни тутган бемор ажратмалари орқали тушади.

Атрофдаги кишилар учун беморлар қасалликнинг биринчи кунлари, айниқса қон кетиши бошлангандан сўнг жуда хавфли ҳисобланади. Қрим геморрагик иситмаси контакт йўл билан юққанда, қасалликнинг қечиниши бир мунча оғирроқ бўлиб, бу нарса вируснинг тирик тўқималар орқали юққанда патогенлик хусусиятининг

ортиб кетиши билан боғлаб тушунтирилади. Қасаллик баҳор ва баҳор-ёз фаслида күпроқ учраб, мавсумийлиги билан характерланади. Күпроқ қишлоқ аҳолиси қасалланади. Қасалланиш ёшга боғлиқ бўлмасада, лекин кўк-рак ёшидаги болаларнинг қасалланган ҳоллари кузатилган.

Патогенези. Тери орқали организмга тушган вирус ретикулоэндотелиал ҳужайраларда йиғилиб, сўнг қонга ўтади ва вирусемияга сабаб бўлади. Вируслар қон томирлар эндотелийсига вазотроп таъсири этиш орқали ва гипоталамик марказларни ҳамда бўйрак ости бези пўстлоғини зарарлаб, томирлар парези пайдо бўлишига ва ўтказувчанликининг ошиб кетишига сабаб бўлади.

Клиникаси. Қасалликнинг инкубацион даври 7—10 кунни ташкил этади. Қасаллик беморнинг эти увишиб, қалтираши билан бошланади. Тана қизиб, ҳарорат биринчи суткада юқорига кўтарилади.

Геморрагик олди даври бир неча соатдан 6—8 кунгача давом этади ва умумий заҳарланиш белгилари пайдо бўлади: қаттиқ бош оғрийди, бўғимлар ва мушакларда, бутун танада оғриқ пайдо бўлади. Беҳоллик ва тез чарчаб қолиш ҳоллари кузатилади. Баъзан бош айланиши, оғизнинг қуриб қолиши, чанқаш, енгил шамоллаш аломатлари пайдо бўлиб, бемор алаҳлайди, баъзан ҳушидан кетади, болдир, мушакларда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Исимта катта турғунликка эга бўлиб, 7—8 кун давом этиши мумкин. Кўпгина ҳолларда «икки тўлқинли» босқичли иситма чизиги кузатилиб, 3—5 кун ҳарорат бир оз паствга тушади. Геморрагик белгилар турли даражада бўлиб, ҳарорат тушиши билан бу белгилар ўтиб кетиши мумкин.

Қрим геморрагик иситмасида тошмалар петехиал характерда бўлади. Кўпинча беморларда буйракнинг зарарланиши кузатилади, лекин буйрак синдроми билан кечадиган геморрагик иситмада буйракнинг ифодаланган функционал этишмовчилиги аниқланмайди.

Периферик қонда лейкопения, нейтропения, тромбоцитопения каби ўзгаришлар бўлиб, ЭЧТ ортиб кетади. Болаларда лейкопения ва тромбоцитопения эртароқ пайдо бўлади.

Узоқ давом этиши билан характерланадиган реконвалесценция даврида қон ва сийдикдаги ўзгаришлар аста-секин нормага кела бошлайди.

Асопатлар. Заҳарланиш ва кўплаб қон кетиши натижасида ўткир юрак ва қон томирлар етишмовчилиги, зотилжам.

Ташхиси ва қиёсий ташхиси. Касалликнинг ўткир бошланишига, эпидемиологик анамнезни пухта йиғишга эътибор бериш лозим. Ҳозирги вақтда касалликнинг вирусологик ва серологик (КБР, ПГАР) аниқлашусулларидан фойдаланилади, лекин булар асосан ретроспектив диагностик мақсадларга хизмат қиласди.

Дифференциал ташхис қилишда хирургик ва гинекологик касалликларни назарда тутиш керак, лекин бу хасталикларда иситмага хос бўлган циклик кечиш кузатилмайди. Нотўри ташхис қўйиш, кўпинча эҳтиёт бўлиш чора-тадбирларини кўрмасдан туриб, тезда операция ўтказишга олиб келади. Касалликнинг турли даврларини лептоспироз, вабонинг септик тури, куйдиргининг ичакда учрайдиган тури, бошқа геморрагик иситмалар ва сепсисдан ажратса билиш зарур.

Даволаш. Геморрагик иситма билан сегиран беморларни умумий қоидалар бўйича даволаш асосида олиб борилади. Иситмани тушириш учун 60—180 мл миқдорда гипериммун иммуноглобулин ва иммун зардоби тавсия этилади. Беморларни касалхонага қабул қилишда касалхона ичи инфекцияси, ҳатто парентерал йўл билан юқиши мумкинлигини эсда тутиш зарур. Касаллик ўчоғида дератизациян ва дезинсекцион чора-тадбирлар ўтказилади.

УРТА ОСИЕ ГЕМОРРАГИК ИСИТМАСИ (УОГИ)

Касалликнинг яширин даври 2—4 кун давом этади. Касаллик ўткир бошланиб, касаллик олди даври бўлмайди. Ҳарорат бирданига 39—40°C га кўтарилиб, қалтираш пайдо бўлади, кучли бош оғриғи ва уйқуянлик кузатилади. Баъзан менингизм ҳолатлари қайд қилинади. Касалликка хос белгилар: юз териси, бўйин ва тана қисми гиперемияси, кўз склераларига қон күйилиши, тез-тез, кучли қайт қилиш. Касалликнинг одатий белгилари: бурундан тез-тез ва кўплаб қон оқиши, қон қусиши, ичаклардан кўплаб қон кетиши, қон туфлаш (бу аломатлар баъзан беморнинг ҳаётига хавф тудиради). Қонда лейкопения, нейтрофил ядроларининг чапга сурилиши, анэозинофилия, тромбоцитопения кузатилиб, ЭЧТ ортади. Иситма авжида, кўп қон йўқотиши натижасида гипохром камқонлик келиб чи-

қади. Ҳарорат 7—10 кун давомида баланд бўлади, 2—4 ҳафта давом этадиган реконвалесценция даврида организмдаги барча ўзгаришлар ўз ўрнига қайтади. ӮГИ да ўлим, хусусан унинг буйрак синдромлари билан ўтадиган турида Қрим геморрагик иситмасига нисбатан юқорироқдир.

Қасалликка ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика ҚГИ да қандай бўлса, бунда ҳам худди шундай бўлади.

ОМСК ГЕМОРРАГИК ИСИТМАСИ (ОГИ)

Қасаллик унча кўп тарқалмаган, кам учрайдиган юқумли қасалликлар қаторига киради.

Этиологияси. ОГИ вируси иммунологик жиҳатдан кана энцефалити вирусига жуда ўхшаб кетади.

Эпидемиологияси. Ондатралар, сув қаламушлари ва бошқа кемирувчилар, қушлар инфекция манбалариридан. Қасаллик одамга иксода, гамаз каналари ва бошқа турдаги каналар чаққанида, одам қасал ҳайвонларга қараб турганда, лаборатория шароитларнда респиратор йўл билан юқади.

Патогенези. Қасаллик капиллярлар эндотелийси, вегетатив нерв системаси, буйрак усти безлари ва қон яратувчи аъзоларга вирус таъсир этиши натижасида келиб чиқади.

Клиникаси. Яширин даври 2—4 кун давом этади. ОГИ нинг клиникаси ҚГИ нинг клиникасини эслатади. Лекин ОГИ да геморрагик экзантема доимо бўлмайди, меъда-ичак йўллари ва бошқа аъзолардан қон кетиши кам учрайди. Нерв системаси томонидан бўладиган ўзгаришлар кучли намоён бўлади. Беморларнинг бир қисмида атипик пневмония ёки бронхит кузатилади. Иситма 4—5 кундан 12 кунгача давом этиши мумкин. Периферик қонда лейкопения, нейтрофилёз, тромбоцитопения ва анэозинофилия кузатилади.

Ташхис қўйиш, даволаш ва профилактикаси ҚГИ сингари олиб борилади.

ГРИПП ВА ГРИППСИМОН ҚАСАЛЛИКЛАР (УТКИР РЕСПИРАТОР ВИРУСЛИ ҚАСАЛЛИКЛАР)

Бу гуруҳга вирусли грипп, адниовируслар, парагрипп вируслари ва риновируслар сабаб бўлган қасалликлар, синцитиал-респиратор вируслари ва бошқа қасалликлар киради.

ГРИПП (GRIPPE, INFLUENZA)

Үткір распиратор касаллік бўлиб, уни турлі хил вируслар келтириб чиқаради. Касаллік үткір бошланади, иситма чиқади, умумий заҳарланиш кузатилади ва респиратор йўллар заарланади.

Этиологияси. Касаллік қўзғатувчиси фильтрланувчи вирусdir. Грипп вируслари нисбатан йирикроқ бўлиб, ўзида РНК моддасини тутади. Бу РНК моддаси көмилемент боғлаб олиш қобилятига эга бўлиб, у антиген тузилиши, антигенлик хусусиятини тезда ўзгартира олиш билан таърифланади (айниқса грипп А вируслари). Аҳоли ичидаги гриппга нисбатан иммун гурӯҳининг ўсиши вирусларнинг антигенлик хоссаси ўзгарган мутант штаммларининг пайдо бўлишига имкон яратади.

Эпидемиологияси. Бемор одам, айниқса касаллік авж олган даврда, кўпинча гриппнинг белгиларсиз кечадиган турини бошидан кечирган bemor инфекция манбай ҳисобланади. Касаллік асосан ҳаво-томчи йўли билан юқади. Касаллікка чалиниш ҳавфи барча ёшдагилар учун юқори ҳисобланади. Бундай грипп касаллікни чақирган вирусга нисбатан иммунитет ҳосил бўлиши билан якунланади. Ҳосил бўлган иммунитет кўпинча омилларга боғлиқ равишда (ёшга, организмнинг индивидуал реактивлигига ва бошқ) бир неча вақтгача сақланиб туриши мумкин.

Касаллік катта эпидемияларга, ҳатто пандемияларга сабаб бўлиши мумкин.

Патогенези. Вирус организмга юқори нафас йўлларининг шиллиқ қаватлари орқали тушиб, қон орқали тарқала бошлайди ва (йўлида учраган) нафас йўлларининг эпителиал қобиғини, шунингдек, нерв, юрак ва қон томир системасини заарлантитади. Грипп вируси умумий заҳарланишга сабаб бўлиб, организм резистенслигини сусайтиради, иккиламчи инфекциянинг (бактерия) қўшилишига имкон яратади.

Клиникаси. Инкубация даври бир неча соатдан бир-икки кунгача давом этади. Касаллік кўпинча ўткір, юқори ҳарорат билан бошланиб, бунда баъзан касаллік олди белгилари ҳам кузатилади. Касаллікка умумий заҳарланиш (бош оғриғи, аднамия, мушакларда оғриқ, гиперестезия) белгилари хосдир. Айни пайтда шамоллаш белгилари ҳам пайдо бўлади. Шу билан бирга сохта круп, астма хуружи, абдоминал

(қоринда оғриқ, қайт қилиш, тез-тез ич кетиши), геморрагик (бурундан қон оқиши), церебрал (қалтираш, ҳушдан кетиш) бузилишлар юз беріб, уларни рентген текшируви орқали аниқлаш мүмкін, бунда ўпка бўлмаларининг бирламчи заарланиш синдромлари кузатилади. Қасаллик бошланишида қонда қисқа муддатли лейкоцитоз, кейинчалик эса лейкопения, лимфоцитоз, моноцитоз ва нормал ёки бир оз тезлашган эритроцитларнинг чўкиши аниқланади. Ҳароратнинг эгри чизиги кўпинча икки тўлқинли эгриникдан иборат бўлади. Исимта 2—3, баъзан 5—6 кун, қуруқ йўтал 4—7 кун давом этади. Умумий заҳарланиш, бош оғриши, ҳолсизлик, бош айланиши, иштаҳанинг йўқолиши А вируслар тарқатган гриппда нисбатан кўпроқ кузатилади. Нимжон, гўдак болаларда кўпроқ учрайдиган конъюнктивит, бурун, ютқун шиллиқ пардаларида, бурун йўлларида бўладиган катарал ўзгаришлар В вируслар тарқатувчи грипп учун характерлидир. Гўдакларда кўпинча ларинготрахеит, бронхит, бронхиолит, зотилжам каби асоратлар ривожланади. Йиккиламчи микрофлора қўшилган вақтда круп синдроми узоқ муддат давом этиб, баъзан тўлқинсимон кечади. Бунда юмшоқ танглайнинг шиллиқ қаватида, трахеяда шиш ва геморрагик ўзгаришлар, шунингдек, йирнингли ва некротик яллигланиш кузатилади. Янги туғилган болаларда грипп нисбатан енгилроқ кечади (онадан ўтган иммунитет ҳисобига). Баъзан хасталик суст иммунитетнинг бўлмаслиги сабабли оғир ҳолда ўтиб, бактериал сепсисни эслатади.

Асоратлари. Аксари ёш болаларда учраб туради. Оғир асоратлардан бири — зотилжамдир. Шунингдек, синуситлар, стоматитлар, ларингит, отит, гоҳо энцефалит ҳам кузатилади.

Ташхиси. Гриппни ўткир респиратор, шунингдек, қизамиқ, кўййўтал, қорин тифи каби қасалликлар билан дифференциал ташхис қилиш лозим. Лаборатория усуулларида гемагглютинация реакцияси, гемагглютинацияни тўхтатиш реакцияси ёрдамида (жуфт зардобларда вирусни іёттравалловчи антителолар титрининг ўсишини аниқлаш, риноцитоскопия, шунингдек, вирусни ажратиш усуулларидан фойдаланилади.

Оқибати. Қасаллик ёш болаларда бир қадар оғирроқ кечади. Асоратларнинг қўшилиб қолинши прогнозни қийинлаштиради.

Даволаш. Асосан симптоматик (кўрина-тўшак қилиб ётиш, иссиқ қилиш, тўла қимматли овқатланиш, азё-

тилсалацил кислотаси, амидопирин бериб) даво қилинади. Антибиотиклар ва сульфаниламидлар ёш болаларда асоратларнинг келиб чиқини хавфи туғилганда ва улар пайдо бўлганда тайинланади.

Профилактикаси. Умумий санитария-профилактика тадбирларини кўриш, bemорларни барваҳт ажратиб қўйиш, болаларни мунтазам чиниқтириб бориш.

Грипп касаллиги авж олган ҳолларда, ўчоғда барча болаларга профилактика мақсадида интерферон бурун йўлларига 2 томчидан 1 кунда 4 маҳал томизилади. Бу тадбир эпидемиологик кузатиш даврининг бошидан охиригача ўтказилади. Бундан ташқари, болаларга эпидемиологик кўрсатмалар асосида вирусларга қарши синтетик дорилардан ремантадин гидрохlorид бериш мумкин. 1—9 ёшгacha бўлган болаларга 4 мг/кг ҳисобидан, 9 ёшдан катта болаларга суткасига 150—200 мг дан берилади. Профилактика мақсадида кўкрак ёшидаги нимжон ва кўпинча bemор болаларга гриппга қарши иммуноглобулин (0.15 мг/кг) тайинланади.

ПАРАГРИПП (PARAGRIPPE)

Ўткир вирусли, юқумли касаллик бўлиб, қисқа муддатли иситма ва заҳарланиш, юқори нафас йўлларининг зарарланиши билан характерланади.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчиси думалоқ шакли парагрипп вируслари бўлиб, таркибида РНК тутган бўлади. Парагрипп вирусларининг 4 хил серотипи ажратилган.

Эпидемиологияси. Инфекция ҳаво-томчи йўли билан юқади. Bемор одам касаллик манбани бўлиб ҳисобланади. Касаллик йилнинг совуқ вақтларида кўпаяди. Кўпроқ 2—3 ёшдаги болалар касалланадилар. 5 ёшга яқинлашган болаларнинг 90 фоизидан ортиғида парагрипп вирусига қарши антителолар бўлади.

Иммунитет специфик бўлиб, нисбатан турғун бўлади.

Патогенези. Парагрипп вируслари бола организмига юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардалари орқали тушиб, нафас йўллари эпителийсини зарарлантиради. Инкубация даври қисқа, 2—3 кун бўлиб, қисқа муддатли вирусемия кузатилади, бунда организм заҳарланишининг бир қатор белгилари аниқланади.

Клиникаси. Касалликнинг асосий аломатлари юқори нафас йўлларининг зарарланиши белгиларидан

иборат бўлади. Касаллик ўткир, тана ҳароратининг кўтарилиши билан бошланади. Умумий заҳарланиш аломатлари камдан-кам ҳолларда кузатилиб, унчалик кучли бўлмайди.

Болаларда биринчи навбатда ташқи нафас йўлларининг катарал ўзгаришлари намоён бўлиб, жумладан кучли йўтал, бурун йўлларининг бекилиб қолиши, ларинготрахеит, бронхит ва баъзан бронхиолит эниқланади. Енгил склерит, конъюнктивит кузатилиши мумкин. Круп кўпроқ 1 ёшдан 2—3 ёшгacha бўлган болаларда ифодаланади. Касаллик узоқ давом этмайди, кам ҳолларда асоратлар (отит, синусит, пневмония) қолдиради, оқибати ёмон тугамайди. Парагриппнинг клиник маълумотларга қараб унга ташхис қўйиш анча мушкулдир. Кўпинча энг кўп тарқалган ва қулай бўлган серологик усулдан фойдаланилади. Яни зардоблардаги КБР ва ГАТР дан 7—10 кун оралитиб фойдаланилади. Ўсиб бориш давомида титр миқдорининг 4 марта ва ундан ошиши ташхис титри ҳисобланади. Парагриппни грипп ва вирус этиологияли (адено-рино, респиратор-синцитиал вируслар ва бошқи) бошқа респиратор касалликлар билан дифференциал ташхис қилинш зарур.

Давоси. Махсус даволаш усули йўқ. Даволаш симптоматик воситаларини тайинлашдан иборат. Асоратлар ривожланиб борган ҳолларда антибиотиклар қўлланади. Одатда қисқа даволаш курси давомида ампилин ва бошқа синтетик антибиотиклар, шунингдек, яллигланишга қарши воситалар, десенсибилловчи препаратлар, витаминлар, ингаляциялар тайинланади.

Профилактикаси. Грипп ёки бошқа шамоллаш касалликлари каби.

АДЕНОВИРУС ҚАСАЛЛИКЛАРИ

Аденовирус касалликлари иситма, юқори нафас йўллари, конъюнктивит, регионар лимфа безлари зарарланиши билан кечадиган ўткир юқумли касалликлар қаторига киради. Аденовируслар шамоллаган болаларнинг 5—10 фоизида кузатилади. У ДНК сақлайдиган вируслар туркумига кириб, умумий махсус антигенлар гуруҳига эга. Аденовирусларнинг кўп қисми каламуш ва резус маймунларнинг эритроцитларини агглютинация қиласиди. Болалар кўпинча 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 14, 21 турдаги аденовирусларга чалинадилар. Аденовирус инфекцияси давомида ривожланадиган

иммунитет ўзига хос бўлиб, организмда узоқ сақланмайди.

Эпидемиологияси. Қасал одам инфекция манбани ҳисобланади. Қасаллик асосан ҳаво-томчи йўли билан, баъзан ҳазм органлари орқали ҳам юқиши мумкин. Болалар муассасаларида баъзан қасалликнинг авж олиш ҳоллари кузатилади.

Болаларнинг бу қасалликка мойиллиги ҳамма ёшда, айниқса б ойликдан З ёшгача бўлган даврда кузатилади. Клиникаси хилма-хилдир, қасаллик нафас йўлларининг турли қисмларини, шунингдек, кўз конъюнктивасини ҳам қамраб олади. Ҳасталик асосан нафас йўлларининг ўткир яллиғланиши, фарингит, пардали конъюнктивит, фаринго-конъюнктивитли иситма, атипик пневмония ҳолларида намоён бўлади.

Қасаллик иситманинг юқори бўлиши, гоҳо икки тўлқинли ўтиши, баъзан эса интоксикация, юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, ичнинг суюқ келиши, кўпинча кўз конъюнктиваси (бир ёки икки томони) нинг зарарланиши билан кечади. Кўпинча дард чўзилиб кетиши мумкин. Гўдак болаларда бу қасаллик ўпка хириллаши билан кечадиган пневмония билан оғир атипик ўтиши мумкин.

Аденовирус қасалликларига эрта ташхис қўйиш усулларидан бири иммунофлюоресценциядир. Шунингдек, вирусларни нейтраллайдиган ва комплемент боғловчи антителолар титрини аниқлашдан фойдаланилади, бунда антителоларнинг 4 марта ва бундан кўпроқ ошиши ташхис титри ҳисобланади.

Қасаллик асоратлари ривожланган тақдирда ёшга мувофиқ микдорда антибиотиклар тайинланади.

РЕСПИРАТОР-СИНЦИТАЛ ИНФЕКЦИЯ (РСИ)

Болаларда нафас олиш аъзоларининг зарарланиши билан кечадиган ўткир юқумли қасаллик бўлиб, у эмнизикини ва ёш болаларда кўпинча бронхопневмония ва пневмония ривожланланиши билан бирга давом этади.

РСИ вируси таркибида РНК тутадиган вирусларга мансуб бўлиб, парамиксовируслар оиласига киради. Вируслар ташқи муҳитга чидамсиз бўлиб, эфирнинг 20% ли эритмаси билан ишланганда парчаланиб кетади. Қиздирилганда инактивланади, дезинфекцияловчи воситалар таъсирида тезда ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. РСИ вируси ҳаво-томчи инфекциялари туркумига киради. Қасаллик жуда юқумли

бўлиб, касал одам инфекция манбаи ҳисобланади. Бу касалликка мойиллик гўдак болаларда кучли бўлиб, уларнинг инфекцияга кўплаб чалиниши асосан қиши ойларида кузатилади. Она организмидан болага плацента орқали ўтган антителолар ҳимоя аҳамиятига эга эмаслиги аниқланган. Ҳимоя механизмида асосан нафас йўлидаги шиллиқ қаватнинг маҳаллий механизмлари муҳимдир. Бемор организмидан ўзига хос маҳсус антителолар ишлаб чиқарилади.

Шиллиқ қаватнинг шишиши ва бронхиоланинг спазм бўлишидан нафас олиш қийинлашади, натижада эмфизема ривожланади. Шу билан бирга иккаламчи инфекция ҳам юзага келиши мумкин.

Клиникаси. Инкубацион давр 2 кундан 7 кунгача. Касаллик тумовдан, фарингитдан, аксиришдан бошлиниб, бунда интоксикация белгилари умуман бўлмаслиги мумкин. Иситма субфебрил кечади. Боланинг бурин тешикларидан мўл сероз суюқлик келади, у оғиздан нафас олади, чақалоқлар жуда бесаранжом бўлиб, эммай қўядилар ва яхши ухлай олмайдилар. Ўпка эшитиб кўрилганда (нафас олинганда) қисқа нам хириллашлар эшитилади. Бурун-лаб оралиғида цианоз пайдо бўлиб, шамоллаш учуклари пайдо бўлади. Қўйрак қафаси рентген орқали текширилганда унчалик ўзгаришлар кузатилмайди, баъзан эмфизема бўлганилиги аниқланади. Респиратор-синцитиал инфекциянинг клиник тури унинг қандай кечишига боғлиқ. Бу касаллик катта ёшдаги болаларда кичик ёшдаги болаларга қараганда енгилроқ кечади. Периферик қонда лейкоцитлар миқдори ўзгармайди. ЭЧТ (эритроцитларнинг чўкиш тезлиги) нормал ҳолда бўлади.

Ташхиси. Ташхис клиник ва эпидемиологик кўрсатичларга асосланиб қўйилади. Янги қон зардобидаги вирусни нейтраллайдиган титрнинг ошиб боришини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳалқумдан олинган суртмани антителоларнинг флюресцирланиш усули орқали ҳам маҳсус антителолар аниқланади.

Дифференциал ташхис турли этиологияли УРК гуруҳи билан ҳам аниқланади.

Давоси. Қасалликнинг енгил турида кислород билан ингаляция қилиш, овқатланиши тўғри ташкил этиш, бронхоспастик ҳолатларда ва асоратлар ривожланганда одатдаги терапевтик миқдорларда антибиотиклар ва спазмолитик воситалар тайинлаш зарур. Маҳсус даволаш усули йўқ.

Риновирус инфекция

Үткір юқумли тұмов касаллиғи бўлиб, ринит билан харakterланадиган риновируслар гуруҳи орқали юзага келади, умумий интоксикация ҳоллари кучсиз намоён бўлади.

Риновируслар таркибида РНК тутадиган вируслар туркуминг киради. Уларнинг З серологик тури мавжуд. Бемор ва вирус ташувчилар инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади. Инфекция ҳаво-томчи йўли билан юқади.

Бактериал дизентерия (шигеллөз)

Үткір юқумли касаллик бўлиб, турли хилдаги шигеллалар орқали юзага келади, умумий интоксикация билан кечади, қорин тутиб-тутиб оғрийди, ахлат шилимшиқ ва қон аралаш бўлиб, суюқ келади.

Этиологияси. Қўзғатувчиси тўрт асосий кўринишга эга бўлган шигеллалар гуруҳига мансуб бактерия бўлиб, уларнинг номи қуйидагичадир: Григорьев — Шига, Штуцер — Шмитц Флекснер ва Зонне. Турли кўринидаги дизентерия микробларининг солиширига оғирлиги, уларнинг этиологик тузилишига қараб, вақти-вақти билан ўзгариб туради. Қўзғатувчи ташқи муҳитда етарли даражада резистент бўлиб, маълум шароитларда бир неча ойгача яшай олади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи bemорлар ва ташувчилардир. Бемор касалланишининг биринчи кунидаёқ юқумли бўлиб қолади, чунки у ўз ахлати орқали кўп миқдорда микроблар ажратади. Дизентерия касаллиги бўлган bemор вақтида аниқланмаганда ҳам касаллик кўплаб тарқалиши мумкин. Худди шундай «Соғлом» ташувчилар ичагида камдан-кам ҳолларда патологик ўзгаришлар (касалликнинг симптомсиз тури) аниқланади. Инфекция қўзғатувчининг қандайдир йўл билан оғизга тушиши орқали юқади.

Шигеллалар айрим турларининг турли худудларда тарқалиши, асосан инфекцияларнинг турлича йўллар билан тарқалишига боғлиқ, инфекциянинг сув йўли орқали ўтишида Флекснер шигеллалари туфайли юзага келган дизентерия ўз аҳамиятини йўқотмайди, озиқ-овқат орқали ўтишида эса асосан Зонне шигеллалари дизентерияси юзага келади.

Ёш болаларга касаллик асосан бевосита контакт орқали юқади. Дизентерия учун ёзги-кузги мавсумий-

лик хосдир. Бу касаллик билан ёш болалардан тортиб катта ёшли болалар ҳам оғрийдилар.

Иммунитетнинг ўзига хослиги қўзғатувчининг кўришига қараб (серологик турда ҳам), унинг моноспецификациядидар.

Клиникаси. Дизентериянинг клиник тури организмнинг реактивлигига (сезувчанлигига), унинг қандай ҳолатда эканлигига ва дастлабки носпектифик сенсибилизациясига боғлиқ. Инкубацион даври 1 кундан 7 кунгача давом этади. Оғирлиги бўйича, касалликнинг енгил, ўртача оғирликда, оғир ва токсик турлари фарқ қилинади, типи бўйича маҳаллий (ичаклардаги) ўзгаришлар устун турувчи ва умумий (токсик) ўзгаришлар устун турувчиларга бўлинади. Қасаллик одатда ўткир бошланади, кўпинча ҳарорат кўтарилиб, ҳолсизлик, баъзан қайт қилиш, қоринда оғриқ ва тез-тез ич кетиши кузатилади. Ахлат суюқ бўлиб, яшил рангда, шилимшиқ ва кўпинча қон аралаш кетади. Оғир ҳолларда ичакдан келаётган суюқлик ахлат тусини йўқотади. Йўғон ичак (айниқса сигмасимон ичак)нинг спазми, ичакларнинг дам бўлиши, орқа чиқарув тешигининг бўшашиб қолиши ҳам характерли белгилардан ҳисобланади. Қасаллик енгил кечганда 3—5 марта, оғир ҳолларда 15—20 марта гача ич кетиши мумкин. Қасаллик бир неча кундан 2—3 ойгача ва ундан ортиқ (сурункали кечганда) давом этиши мумкин. Қасаллик енгил кечганда умумий интоксикация белгилари унчалик кучли бўлмасдан, умумий ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши кузатилади, касаллик оғир кечганда (айниқса токсик турида) умумий интоксикация белгилар кучли намоён бўлиб, иситма юқори бўлади, ҳушдан кетиш, аднамия, қайт қилиш, қалтираш, юрак томир фаолиятининг пасайиши аниқланади. Гўдак болаларда касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятларидан бири ичакларда бўладиган ўзгаришларнинг кучли намоён бўлмаслигидир. Уларда камдан-кам ҳоллардагина ахлат хусусиятини йўқотади, у кўпинча диспептик хусусиятга эга бўлиб, қон аралаш ич кетиши кўпинча кузатилмай, ўрнига унинг эквиваленти кузатилади (дефекция вақтида болалар йиглайдилар, юзлари қизариб кетади, анус атрофи қизариб, терлайди). Кўпинча дизентерияли илеит кузатилиб, бунда касаллик жуда оғир ўтади (юқори ҳарорат, кучли қайт қилиш, метеоризм кузатилиб, ич кетиш энтеритлардаги каби бўлади). Қасалликнинг токсик тури 1 ёшгача бўлган болаларда аниқланмайди, лекин уларда кўпинча иккиласм-

чи токсикозлар келиб чиқадики, уларнинг асосида моддалар алмашинувининг чуқур бузилиши ётади. Буларнинг ҳаммаси инфекцион ёки ионинфекцион таъсиirlарнинг оқибати бўлиши мумкин. Иккиласми токсикозларнинг клиникаси умумий аҳволнинг ёмонлашуви, теззет қайт қилиш, адинация, организмнинг сувсизланиб қолиши ва озиб кетишда намоён бўлади.

Дизентериянинг кечишида турли касаллик ва асоратларнинг қўшилиши сабабли касалликинг рецидивлари кузатилиши мумкин. Дизентерия ўткир турининг сурункали турига ўтиши камдан-кам кузатилиб (2--3 фоиз ҳолларда), баъзан бунда ташхис ўткир дизентерияни бошидан ўтказган болаларда келиб чиқадиган ичаклар дисфункцияси натижасида хато қўйилади.

Касаллик асоратлари (ичаклардан қон кетиши, тўғри ичакнинг тушиши, оқсилсиз шишлар ва бошқа) камдан-кам учрайди. Кўпинча иккиласми инфекциянинг қўшилиши натижасида келиб чиқадиган асоратлар (отит, пневмония, пиодермия, пиурия) кузатилади, бу асоратлар гўдак ёшдаги болаларда кўпроқ учрайди.

Ташхиси. Клиник белгилар асосида, эпидемиологик анамнезни ҳисобга олган ҳолда ва лаборатория усулларидаи фойдаланиб, ташхис қўйилади. Ахлатни бактериологик текшириш катта аҳамиятга эга. Дизентерия микробларини экма усулда олиш анча беқарордир. (15 дан 60 фоизгача). Агглютинация реакцияси (Видал) ҳам дизентерия таёқчалари культураси билан маълум диагностик аҳамиятга эгадир. Бу реакция Зонне учун 1 : 100, бошқа турлар учун 1 : 200 эритмасида исботловчи ҳисобланиб, унинг қайтадан қўйилиши аҳамиятга эгадир. Касаллик динамикасида ПГАР дан фойдаланилади. Натижасини копрологик усулда текшириш ҳам бевосита аҳамиятга эга (лейкоцитлар ва айниқса эритроцитларнинг ахлатда кўпайиб кетиши ҳисобга олинади). Катта ёшдаги болаларда ректороманоскопия қўлланиб, гўдак ёшдаги болаларда бу нарса ман этилади.

Дизентерияни келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган колитлардан, ичаклар колиинфекциясидан, токсик диспепсиядан, парентерал диспепсиядан, лямблиоздан, тўғри ичак колитларидан ва ичак инвагинацияларидан дифференциал ташхис қилиш лозим. Сальмонеллёзларда, ичаклар инвагинациясида, шартли патоген микроблар сабаб бўлган диареяларда, амёба дизенте-

рияларида, гижжа инвазиясида болаларда касаллик нинг бирдан бошланиши, бетоқатланиш кузатилиб, ахлат фақат шилемшиқ моддадан иборат бўлади.

Ташисга тўғри ичакни бармоқ билан текшириш (инвагинатни ушлаш, бармоқларда қон пайдо бўлиши) ҳам яхши ёрдам беради.

Прогнози. Дизентериянинг оқибати организмнинг ҳимояланиш кучига боғлиқ бўлади. Кўпинча касаллик енгил кечсада, лекин ўлим ҳоллари ҳам учраб туради.

Даволаш. Тўғри ташкил этилган кун тартиби, диққат билан беморга қараш, рационал парҳездан иборат. Беморларни госпитализация қўлгандан реинфекциянинг олдини олиш мақсадида реконвалесцентларни ўткир bemорлар билан бирга ётқизиш мумкин эмас. Парҳез bemор ёшини ҳисобга олган ҳолда тайинланиши лозим. Касалликнинг ўткир даврида овқат ичакларни авайлайдиган бўлиши, лекин bemор оч қоладиган даражада бўлмаслиги керак. Кўкрак ёшидаги болалар учун яхши даволаш таоми — бу кўкрак сутидир, овқат билан сутли аралашмалар (кефир) бериш керак. Каттароқ ёшидаги болаларга аралаш углевод-оксили парҳез таомлар бериш тавсия этилади.

Дизентерияни даволашда антибиотиклар кенг қўлланади (полимиксин, канамицин). Невиграмон, фуразолидон 5—7 кун давомида берилади. Дизентериянинг токсик турида дифференциал регидратация ўтказиласди. Масалан, биринчи ўринга нейротоксикоз синдромининг белгилари чиқиб олса, венага юқори осмотик концентрацияли эритмалар (10—20% ли глюкоза 20—40 мл, плазма 50 мл ва ундан кўпроқ поливинил пирролидон) юбориш лозим.

Токсикоз эксикоз билан биргаликда кечган bemорларда регидратация ўтказиласди. Организмнинг сувсизланиши билан кечадиган эксикозда (серҳаракатлилик, бетоқатлик уйқусизлик, чаңқоқлик, фонтансимон қайтқилиш, сийдикнинг камайиб кетиши, мия лиқилдоғининг пастга тушиб кетиши) вена ичига 5—10% ли глюкоза ва тузли эритмалар (Рингер эритмаси, физиологик эритма ёки 2 ёки 3 : 1 нисбатда) юборилиши лозим. Туз камайиб кетиши билан кечадиган эксикозда (бехоллик, адинамия, ҳушдан кетиши, цианоз, тахикардия, қон босимининг тушиб кетиши, жигарнинг шиниши) 1 ёшдан катта бўлган болаларда юқорида кўрсатилган нисбат аксинча бўлиб, 1 ёшдан кичик болалар учун тузли эритмаларнинг миқдори юбориладиган барча суюқликнинг 50 фонзини ташкил этиши, кейин-

чалик эса 20—30% гача камайтирилиши керак. Юбориладиган суюқликнинг умумий миқдори 1 суткада тананинг 1 кг оғирлигига 80—150 мл ни ташкил этиши лозим.

Токсикоз синдроми эксикиз билан биргаликда кечганда калий тузлари даволашининг зарур компоненти ҳисобланиб, 1 суткада тана оғирлигининг ҳар 1 кг вазнига 40—80—150 мг ҳисобида берилади.

Даволаш. 5—10 кунни ташкил этади. Токсикоз оғир кечган вақтида буйрак усти безлари пўстлоқ қисмининг гормонлари қўлланади. Преднизолон 1—3 мг ёки кортизон суткасига ҳар 2—3 кунда бу доза 30—50% га камайтирилади. Даволаш курси 4—7 кунни ташкил этади.

Физиотерапиядан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, турли ўсимликларнинг (мойчечак, сариқ чой) қайнатмалари ичилади, витаминлар, дисбактериознинг олдини олиш учун биопрепаратлар (лактобактерин, бифидум бактерин) қўлланади.

Дизентериянинг сурукали турнида стимулловчи терапия катта аҳамиятга эга (гемотрансфузия, гамма-глобулин, пентоксил, метацил, ферментлар, витаминалар, аскорбин, никотин кислоталар, В-гуруҳ витаминлари). Аллергияга қарши ва симтоматик даво қўлланади.

Асоратлар. Умумий қонунларга асосланиб даво қилинади. Ўtkүр дизентерияни бошидан кечиргандарни маҳсус санатория бўлимларига ўтказиш тавсия этилади.

Болаларни даволаш қўйидаги шартларга амал қилиган ҳолда, уйда ҳам олиб борилиши мумкин: касал болани бошқа болалардан ажратиб қўйиш, зарур санитария-тигиена қоидаларига амал қилиш, беморни тўғри парваришлиш, тўғри овқатлантириш ва врач кўрсатмаларини аниқ бажариш, врач-педиатрининг касалликнинг ўткир вақтида bemor олдига кундалик ташрифини ташкил этиш.

Профилактикаси. Санитария-профилактика чоратадбирлари умумий характерга эга бўлиб, турар жойларни ободонлаштириш, санитария назоратини ўрнатишиш (пашшаларга қарши кураш, ташиб юрувчиларни аниқлаш ва уларни даволаш, bemорларни эрта ажратиб қўйиш) дан иборат. Даволаш тугагандан сўнг 1—2 кундан кейин ўтказилган бактериал текшириш яхши натижада берса, bemорнинг касалхонадан чиқишига рухсат этилади. Болаларга касалхонадан чиққанларига

дан сўнг 1 ойдан кейин яслига боришга рухсат этилади. Улар орасида суст профилактика ўтказилмайди.

Ўчоғда ўтказиладиган чора-тадбирлар: а) bemorlarни аниқлаш ва изоляция қилиш; б) ташувчilarни аниқлаш ва даволаш; в) доимий дезинфекция ўтказиш; г) сурункали дизентерияли bemorlarни, реконвалесцентларни ва ташувчilarни диспансер назоратига олиш; д) санитария шароитларини яхшилиш; в) санитария ташвиқотини олиб бориш.

ДИФТЕРИЯ (DIPHTERIA)

Инфекциянинг кириш дарвозаси соҳасида фибриноз яллиғланиш аниқланадиган, юрак-томир ва асаб системаси заараланиши билан кечадиган ўткир юқумли касалликдир.

Этиологияси. Кўзғатувчи — дифтерия таёқчаси. Унинг асосий хусусияти ўсиш даврида ўзидан касаллик патогенезида муҳим аҳамиятга эга бўлган токсин ажратиб чиқаришидадир.

Эпидемиологияси. Касаллик манбай — дифтерия билан оғриган bemor ёки бактерия ташувчилир. Инфекция асосан ҳаво-томчи йўли билан ўтади. Кўзғатувчи бир мунча чидамлилиги туфайли ҳар хил буюмлар, шунингдек, камдан-кам ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотлари орқали ҳам ўтиши мумкин. Bemor инкубация даврининг охириги куиларидан бошлабоқ юқумли бўлиб қолади ва касалликнинг бошидан-охиригача ва баъзан ундан кейин ҳам ўзининг шу ҳолатини сақлади. Касаллик эпидемиологиясида унинг тоаник тури, яъни касалликнинг аниқланмай қолиши ҳам катта аҳамиятга эга. Дифтерия ташувчанликка инфекция ташувчilar каби касаллар билан бевосита контактда бўлиб турадиган соғлом одамлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Дифтерияга 1 ёшдан то 5—7 ёшгacha бўлган болалар бир мунча берилувчан бўлсалар-да, бу касаллик билан янги туғилган чақалоқлар ҳам оғриши мумкин. Дифтерияга берилувчанлик организмда дифтерия антитоксинининг етарли миқдорда бўлмаслиги билан изоҳланади. Бу Шик реакцияси орқали аниқланади: 1/40 бўлган дифтерия токсинидан тери остига 0,1 мл юборилади, терининг 1 см диаметрда қизариши ва инфильтрация пайдо бўлиши (мусбат реакция) организмининг бу касалликка берилувчанлигидан дарак беради. Касаллик ўтгандан сўнг организмда бошқа бо-

лаларда учрайдиган инфекцияларга қараганда беқапор махсус иммунитет пайдо бўлади.

Патогенези. Йнфекцияга томоқ, бурун, юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардалари кириш дарвозалари бўлиб хизмат қиласди, баъзан касаллик қўзғатувчиси кўз конъюнктиваси, ташқи жинсий аъзоларниң шиллиқ пардаси ва шикастланган тери орқали организмга тушади. Дифтерия микроби тушган жойда фибриноз яллиғланиш кузатилади ва у ердан организмга қон, лимфа ва бошқа йўллар орқали токсинлар тарқай бошлиди. Фибриноз яллиғланиш юзароқ, крупоз яллиғниш эса бирмунча чуқурроқ жойлашган бўлади. Бунда дифтерик характер қасб этиб, тўқималардан ажralадиган фибриноз парда ҳосил бўлади. Шу жараёнда қон тўлиб оқиши натижасида регионар лимфатик туғулар катталашади, ҳужайра элементларида баъзан тўсатдан тери ости клетчаткасини қоплаб оладиган шинш пайдо бўлади. Организмга яна токсинлар тушиби нерв системасини, юрак-томир ва эндокрин системасини заҳарлаб ишдан чиқаради, қон айланишини бузади, юрак мушакларини ва буйракни шикастлайди, фалажлик ривожланади.

Клиникаси. Инкубацион давр 2 кундан 10 кунгача давом этади. Патологик жараённинг қаерда ривожланishiга қараб, касалликнинг клиник тури хилма-хил бўлади. Дифтериянинг оғиз, бурун, ҳалқум, трахея ва бронх, кўз, ташқи жинсий аъзолар, тери, киндик ярлари (болаларда) пайдо бўлиши, шунингдек, оғиз ва бурун, ҳалқум ва ҳиқилдоқнинг шикастланиши билан бирга, кечадиган хиллари мавжуд.

Ҳалқум дифтерияси бирмунча кўп учрайдиган турларига киради ва бу ҳам ўз навбатида локализацияланган (оролсимон ва пардасимон), шунингдек, I, II, III даражали токсик турларга бўлинади. Эмлангани болаларда дифтериянинг кўпинча оролсимон (енгил) тури учрайдики, бунда бодомча безларининг юзасида оқ карашлар пайдо бўлади. Дифтериянинг локализацияланган турида пардасимон оқ карашлар бодомча безларидан бошқа жойларда кузатилмайди. Аввал улар қуюқ ўргимчак тўри кўринишида бўлади (бодомча безлари катталашган ва озгина қизарган бўлади), тез орада оқимтири-кулранг тус олади, тўқималарга ёпишиб кўчириб олинганда ўша жой қонаб туради. Беморларда озгина заҳарланиш белгилари пайдо бўлади, ҳарорат 38° гача кўтарилади, овқат ютганда томоқ бир оғрийди. Дифтериянинг тарқалган турида ин-

токсикация белгилари яққол юзага чиқади, ҳарорат юқори бўлади, карашлар зичроқ жойлашиб, бутун бодомча безларидан ташқари, ҳалқумнинг шиллиқ пардасини, танглай равоқларини, юмшоқ танглайнни, тилчани, ютқин деворларини қоплайди. Дифтериянинг токсик тури сенсибилланган организмининг гиперергик реакцияси билан намоён бўлиб, кенг маҳаллий шикастланишлар ва умумий аҳволининг ёмонлашуви билан кечади. Ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриши, эт увишиши, қайт қилиш, бўйин лимфа тугуналарининг катталашиши, яққол бодомча безларида чегараланмаган ва унча катта бўлмаган карашларнинг пайдо бўлиши унинг энг биринчи белгилари ҳисобланади. Кейинчалик караш тез тарқалиб кетади, ҳалқум шиллиқ қаватида ва лимфатик тугуналар соҳасидаги бўйин тери ости клетчаткасида шиш пайдо бўлади. Бўйиндаги шишнинг катта-кичиклигига қараб дифтериянинг I даражадаги токсик тури (шишнинг бўйин ярмигача тарқалиши), II даражаси (ўмровгача) ва III даражаси (ўмровдан пастгача) фарқ қилинади. Дифтериянинг токсик турида оғиздан чучмал-қўланса ҳид келиб туради, нафас ҳаракатлари қийинлашиб, шовқин чиқарадиган, хириллайдиган бўлиб қолади. Дифтериянинг турли кўринишдаги субтоксик, гипертоксик (жадал), геморрагик (шикастланган шиллиқ қаватлардан қон оқиши, қон қийилиши) ва гангреноз (офиз ва ютқин тўқималарининг парчаланиши билан кечадиган) турлари мавжуд бўлиб, булардан охиргиси камдан-кам учрайди.

Ҳиқилдоқ дифтерияси ёки чин дифтерия крупи кўпинча I ёшдан З ёшгача бўлган болаларда учрайди. Касалликнинг бу турида товуш бўғиқ бўлиб қолади, йўтал зўраяди, нафас олиш стенотик бўлади. Бу симптомлар иккиласми крупдан фарқ қилиб, тўсатдан пайдо бўлмасдан аста-секин 1—3 кун давомида пайдо бўлади. Стеноз нафас олиш аинча шовқинли, хириллаш билан кечади, бунга сабаб, ҳаво томоқнинг қисилган тешигидан чиқиб, кўкракнинг осон босиладиган соҳасининг нафас олиш вақтида ботишидир. Дифтерия крупининг турли кўринишларидан бирига ўзининг оғир кечинши билан ажралиб турадиган тарқоқ крупи ҳам киради.

Бурун дифтерияси. Бу касалликнинг пардали (бурун шиллиқ қаватида, бурун тўсигида, бурун чиғаноғида, бурун бўшлиғи деворларида фибриноз пардалар ҳосил бўлади) ва катарал-ярали (бунда бурундан олдин сероз, кейин эса сероз-қонли суюқлик ажралади

ва бурун тешиклари атрофидаги терини таъсиirlаб, натижада тери ёрилади) турлари мавжуд. Дифтериянинг локал (кўз, тери, жароҳат юзларида, жинсий аъзоларда учрайдиган) тури бирмунча камроқ учрайди.

Кўз дифтерияси. Қовоқнииг шишиши, қон аралаш йирииг ажралиши билан кечади. Конъюнктивада кулранг-оқимтири пардалар кўринниб туради.

Тери дифтерияси. Терининг шикастланган жойларида, бўйинда, бурун остида кузатилади. Терида гиперемия, шиш ва кулранг фибриноз пардалар пайдо бўлади.

Жароҳат дифтерияси. Жароҳат юзаси кулранг-қўнғир карашлар билан қопланади, сероз-йирингли, баъзан қонли ажралмалар пайдо бўлади.

Киндик яраси дифтерияси. Янги туғилган чақалоқларда типик фибриноз йирингли карашлар ва тез битиб кетмайдиган яралар пайдо бўлади.

Дифтериянинг асоратлари. Организмга токсинли таъсири этиши билан изоҳланади ва кўпроқ касалликнинг токсинли турида учрайди. Асоратларга қон айланнишининг бузилиши, миокардит, чегараланган фалажлар, полиневрит ва нефроз киради. Буларнинг ичида бирмунча хавфлироғи касаллик 1-ҳафтасининг оҳирида ва 2-ҳафтасининг бошида ривожланиши мумкин бўлган миокардитdir. Умумий аҳволнинг ёмонлашуви, ранг оқариши, тахикардия, юрак чегарасининг кенгайиши, юрак тоналарининг бўғиқ эшитилиши, аритмия, систолик шовқин, жигарнинг катталашуви миокардит симптомлари ҳисобланади.

Фалажлар. Қасалликнинг 1-ҳафтасида юмшоқ танглай ёки аккомодациянинг фалажланиши каби чегараланган, шунингдек, умуртқанинг суст фалажланиши турида намоён бўладиган полиневрит (бирмунча кечроқ — касалликнинг 3-ҳафтасида юзага чиқадиган) кўринишида бўлади. Унинг илк белгилари бўлиб, айниқса бармоқларда кўпроқ билинадиган пайлар рефлексининг пасайиб, кейинроқ эса умуман йўқолиб кетиши ҳисобланади. Баъзан буларга нафас мушакларининг (ҳиқилдоқ, қовурғалараро мушаклар, диафрагма) фалажланиши қўшилиб келиши мумкинки, бу ҳол беморларнинг ҳаётига катта хавф туғдириши мумкин. Оғир миокардит ҳолларида мия томирларида эмболия натижасида ҳосил бўладиган фалажланиш камроқ учрайди. Буйрак томонидан бўладиган асоратлар — токсик нефроз кўринишидаги (альбуминурия, цилиндру-

рия, оғына гематурия) етишмовчиликка сабаб бўлади. Круп ҳолларида энг кўп учрайдиган асоратларга иккиламчи (коккли) флора юзага чиқадиган пневмония киради.

Ташхиси. Дифтериянинг ташхиси клиник кўрсатмаларига асосланаб аниқланади. Дифтерияга шубҳа қилинган ҳар қандай беморни аниқ ташхис қўйиш учун касалхонанинг диагностика бўлимига ётқизиш зарур. Диагностикада бактериологик усул муҳим ёрдамчи усул бўлиб ҳисобланади. Бунда касалликнинг маҳаллий ўчоғида (кўпинча оғиз шиллиқ қаватидан) олинган экмани Леффлер муҳитига, шунингдек, қон қўшилган теллуритли агарга экиб текширилади. Бу усулда узул-кесил жавоб 24—28 соат, баъзан бундан кўпроқ муддатда олингани учун ташхис қўйиш чўзилиб кетади.

Манфий натижа дифтерия йўқ эканлигига далолат бўлавермайди. Ретроспектив ташхис қўйиш учун агглютинация реакциясидан фойдаланилади (янги зардобда антитело титрининг ошиб бориши). Дифтериянинг дифференциал ташхис қилишда скарлатина, турли этиологияли ангина ва энг аввал Симановский-Винцент ангинаси, инфекцион мононуклеоз, эпидемик қаротит, соxта круп, турли этиологияли ларингитлар (кўпинча вирусли), ютқин абсцесси, турли этиологияли пардали конъюнктивалар (кўпинча аденоvирусли) ни назарда тутиш лозим.

Прогнози. Эмлаш ишларини кенг миёсда олиб бориш касалликнинг анча камайишига олиб келади. Ҳалқум дифтерияси кўпинча катарал ёки лакунар ангина кўринишида кечади, асоратлари енгил ўтади, камдан-кам ҳолларда ўлим билан тугайди.

Давоси. Дифтерия, айниқса унинг токсик тури билан оғриган bemорлар ўрин-кўрпа қилиб ётишлари лозим. Бу касалликнинг қанча давом этишига, унинг оғир-енгиллигига, асоратлари бор-йўқлигига қараб белгиланиди. Дифтерияни даволашда bemорга иложи борича эртароқ антитоксик зардоб юборишнинг аҳамияти катта. Зардоб Безредко усулида юборилади. Зардобнинг бир марталик юбориладиган миқдори касалликнинг оғир-енгиллигига, жойлашувига, касалланган муддатига қараб 5000 дан 50000 ХБ гача бўлади. Ҳалқум дифтериясининг локализацияланган турида 10000 дан 20000 ХБ гача, тарқоқ турида 20000—30000 ХБ гача, II даражали токсик турида 60000 дан 80000 ХБ гача, III даражали ва геморрагик дифтерияда 100 000 дан

120 000 гача, I даражали токсик турида 20000 дан 50000 ХБ гача, крупда 40000 дан 50000 ХБ гача юборилади. Касалликнинг клиник кечишига қараб, зардоб касалликнинг кейинги кунлари қайта юборилиши мумкин. Токсик дифтерияда дезинтоксикация мақсадида плазманинг 10—20% ли эритмасини 30 мл дац 100 мл гача, глюкоза эса 15—30 мл дан юборилади. Шунингдек, бир гуруҳли қоннинг (40—50 мл) гемотрансфузиясини ҳам ишлатиш мумкин. Қатта миқдордаги қўйидаги витаминалар юборилади: аскорбин кислотаси кунига 300 дан 600 мг гача (никотин кислотаси кунига 2—3 маротаба 15—30 мг дан ва бундан кўпроқ).

Иккиласми стрептококк инфекциялари бўлган ҳолларда одатдаги миқдорда антибиотиклар (пенициллин, тетрациклин ва бошқ) тайинланади. Токсик дифтерияда 4—6 ҳафта мобайнида одатдаги миқдорда венага ёки тери остига стрихнин юборилади. Оғир интоксикация ҳолларида эса антибиотиклар билан бирга стероид гармонлар (кортизон, преднизолон, преднизон) тайинланади. Юрак дорилари кўрсатмага қараб берилади. Крупни даволашда нафас йўли стенозига қарши курашиб асосий ўринни эгаллади, бунда беморга тинч шароит яратилади. Иссик муолажалар (иссиқ вания, буғли ингаляция), тоза салқин ҳаво, кислород терапияси қўлланади. Терининг оқариб бориши, цианоз, бесаранжомлик ёки сустлик, кўп терлаш, нафас олинганда пульснинг пасайиши интубация ёки трахеотомия учун кўрсатма бўла олади. Интубация қилиш мақсадга мувофиқдир. Бемор касалхонадан тузалишига қараб, икки маротаба манфий натижали бактериологик текширишдан сўнг чиқариб юборилади ва поликлиника кузатувни остида туради. Бактерия ташувчанлик билан жадал кураш организм умумий резистентлигини ошириш ва оғиз бўшлигини тетрациклин гуруҳига оид антибиотиклар ёрдамида санация қилиш орқали олиб борилади. Сурункали тоизиллит ва аденоид билан оғриган болалар кўплаб бактерия ташувчиликка сабаб бўлишлари мумкин. Бундай болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш (тонзиллоэктомия ва аденоотомия) самарали бўлмоқда. Эмлаш ишларини кенг миқёсда ва сифатли олиб бориш ҳам бактерия ташувчиликнинг эпидемиологик хавфини бирмунча камайтиради.

Профилактикаси. Ҳамма болаларга дифтерияга қарши вакцина юбориш шартдир. Вакцинациялаш қўшма препарат — кўкйўтал-дифтерия-қоқшол зардоби билан

олиб борилади. Бирламчи вакцина З ойли болаларга юборилади. Вакцина 45 кундан оралатиб уч маротаба юборилади. Ревакцинация икки маротаба вакцинация тамомлангандан сүнг 1,5—2 йил ўтказиб ва бола З ёшдалигида ўтказилади. Моновакцина (дифтерия анатоксини) билан кўййутал билан оғриб ўтган болалар ва кўййутал зардоби билан эмланган болалар эмланадилар. Ўтказилган вакцинациянинг натижаси қандайлигини ПГАР орқали текширилади.

Ташкилий профилактика чора-тадбирлари бўлиб, дифтерияга гумон қилинган bemorларни дарҳол касалхонага ётқизиш, доимий ва якунловчи дезинфекция қилиш, bemor билан бевосита kontaktда бўлганларни бактериологик текшириш ҳисобланади.

КАМПИЛОБАКТЕРИОЗ (CAMPYLOBACTERIOSIS)

Касаллик зооноз табиатли ўткир хасталикдир. Турли хил серотиплари орқали юзага келади. Ўткир бошланади, иситма кўтарилиши, асосан меъда-ичак йўлининг заарланиши билан характерланади. Янги туғилган чақалоқларда кўпинча септик кўринишдаги касаллик билан бирга кечади.

Этиологияси. Кампилобактериознинг қўзғатувчиси бўлиб — *Campylobacter fetus* jejunii каби турли серотипдаги бактериялар ҳисобланади. Кампилобактериознинг ҳайвонлар орасида тарқалган бошқа турлари одам учун хавф туғдирмайди.

Кампилобактериялар эгилган тинни белгиси шаклидаги (вибрион), 5—2 мкм узунликдаги, 0,3—0,5 мкм қалинилукдаги хивчинли серҳаракат грамманфий таёқчадир. Уларнинг ишемон шаклдагилари ҳам учрайди. 1% глицерин қўшилган агар муҳитида ўсади. Усиш учун энг қулай шароит 37°C. Кон қўшилган муҳит гемолизга сабаб бўлмайди, ўзидан индол ва аммиак ажратмайди, желатинани қуюқлаштирумайди, сутни иштмайди, сероводород ҳосил қиласди. Термостабил (иссиқликка чидамли) O- антигени ва термолабил Н- антигенилари мавжуд. Бруцеллалар билан антиген боғланниши қайд этилган. Қўзғатувчи 23 серотипга (вариантга), бўлинса-да, одам патологиясида биринчи учтасигина аҳамиятга эга. Кампилобактериоз касаллигининг деярли ярмини шу қўзғатувчилар келтириб чиқаради.

Қўзғатувчи қиздирилганда тезда инактивланади. Хона ҳароратида 2 ҳафтагача, пичан, сув, гўнгда З

ҳафтагача, ҳайвонларниң музлаган танасида бир неча ойгача яшайды. Денгиз чүчқа찰ари ва олмахон учун патогендир. Эритромицин, левомицетин, канамицин, тетрациклин, гентамицинга сезгир, пенициллинға сезгирлиги камроқ. Сульфаниламид препаратларига, гри-метапримга деярли сезувчан бўлмайди.

Эпидемиологияси. Касаллик дунёнинг кўргина мамлакатларида, шу жумладан Марказий Осиёда ҳам учрайди. Асосан уй ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари инфекцияниң резервуари ва манбаи бўлиб ҳисобланади.

Кампилобактерияларни ташувчанлик қўёпларда, мушикларда ва ўрдакларда кўпроқ кузатилади. Кеми-рувчилик ҳам қўзғатувчи ташиши мумкин. Одамга қўзғатувчи асосан ҳайвон ажратмалари тушган сув ва маҳсулотлар орқали юқади. Қўзғатувчи одамдан ҳам юқиши мумкин. Бунга янги туғилган чақалоқларнинг касалланишини мисол қилиб келтириш мумкин. Соғлом одамларда ҳам бактерия ташувчанлик (1 фоиз атрофида) учраб туради. Ҳайвонлар билан ишлайдиган шахсларда касаллик касбий характерда бўлади. Касалланган ҳайвонлар билан бевосита контактда бўлган шахсларда касаллик (айниқса ҳайвонларнинг юпгини олиш ва улар болалаётган пайтда) кўпроқ аниқланиши мумкин. Инфекция билан заарланган ҳайвон гўштини яхши пиширмасдан истеъмол қилганида ҳам касаллик юқиши мумкин. Яхши пастеризация қилинган сутни ичганда ҳам касалланиш ҳоллари аниқланган. Қўпинча болалар (янги туғилган чақалоқлар ва мактабгача ёшдаги болалар), ҳомиладор аёллар, нимжон ва кекса одамлар бу касалликка берилувчан бўладилар.

Патогенези. Қўзғатувчи меъда-ичак йўлига асосан алиментар йўл орқали ўтади. Баъзи ҳолларда касал ҳайвонларга ёрдам берилаётганда қўзғатувчи терининг шикастланган жойи орқали ўтиши ҳам мумкин. Меъда-ичак йўлларида ва инфекция кирган жой соҳасида яллигланиш ўзгаришлари пайдо бўлади. Кейин бактериемия ва ургуланиш жараёнлари бошланади. Ҳомиладор аёлларда инфекцияниң трансплацентар йўл билан ўтиши туфайли бола тушиши ёки ҳомила заарланиши мумкин. Заифлашиб қолган одамларда касаллик турли аъзоларда иккиласми ӯчоқлар (эндокардит, менингит, энцефалит, перитонит ва бошқ) шаклланиши билан септик кечиши мумкин.

Кампилобактериознинг шундай кечиши жигар цир-

розида; қаҳексияда, шунингдек, янги туғилган чақалоқлар ва кексаларда ҳам кузатилади. Кўп қайт қилиш ва ичнинг мунтазам кетиб туриши организмнинг сувсизланишига, шок ҳолатига, буйрак етишмовчилигига олиб келади. Яхши иммун системасига эга бўлган, яъни кучини йўқотмаган шахсларда бу касаллик клиник жиҳатдан яққол юзага чиқмайди (субклиник тури, соғлом бактерия ташувчанлик).

Клиникаси. Инкубацион давр 1 кундан 6 кунгача (кўпинча 1—2 кун) давом этади. Клиник кечишига қараб касаллик қуидаги турларга бўлинади: 1) гастроинтестинал, 2) ёйилган септик, 3) сурункали, 4) субклиник (бактерия ташувчанлик).

Кўпинча гастроинтестинал тури кузатилади. Болаларда диарея касалликлари орасида кампилобактериоз З дан 31 фоизини ташкил қиласди. Касаллик кўпинча бола ҳаётининг биринчи йилида учрайди. Касалликнинг бу турлари спорадик ҳолат кўринишида катталарда ҳам учраб туради. Хасталик ўткир бошланиб, иситма, умумий интоксикация симптомлари ва гастроэнтерит синдроми пайдо бўлади. Беморлар кўнгил айнишидан, эпигастрал соҳада оғриқдан шикоят қиласдилар, кўпинча қайт қиласдилар. Йи суюқ, кўпикли, қон аралаш шилемшиқ бўлиб, кўп келади. Сувсизланиш симптомлари (тери ва шиллиқ қаватларнинг кўчиши, баъзи bemорларда қисқа вақт қалтираш) ривожланиши мумкин. Болаларда ҳарорат пайдо бўлиб, умумий интоксикация белгилари яққол сезилади, уларнинг ахлатида шилемшиқ ва қон қайд қилинади, организмнинг сувсизланиши ривожланади.

Касалликнинг тарқалган (генерализацияланган) тури бола ҳаётининг биринчи ойларida кузатилади. Касаллик ҳароратнинг юқори бўлиши, ҳарорат чизифининг сутка мобайнида ўзгариб туриши, озиб кетиш, анемия билан ифодаланади. Хасталик бактериемияли сепсис кўринишида, аъзоларнинг шикастланиши билан кечади. Кўпинча қайт қилиш, ичбуруғ, сувсизланиш, жигарининг катталашиши аниқланади.

Айни пайтда пневмония, перитонит, жигар ва бошмия абцесси ривожланади. Шунингдек, буйрак ва миокардларда микроабцесслар кузатилади. Баъзи bemорларда диссеминирланган томир ичи қон ивиш синдроми ривожланади. Шунингдек, инфекцион-токсик шок аниқланади. Кампилобактериознинг субклиник (симптомсиз) турининг ўчоғи асосан соғлом одамларни текширганда кузатилади. Бу ахлатдан кўзгатувчиларнинг

ажралиб чиқиши ва қон зардобида махсус антителоларнинг кўпайиб бориши билан характерланади.

Қасаллик бошиданоқ суст, хроник (қасалликининг ўткир босқичларисиз) турда кечади. Иситма субфебрил кечиб, беҳоллик, кўп терлаш, меҳнат қобилиятиниг, иштаҳанинг пасайиши, асабийлашиш, алоқ-чалоқ тушлар кўриш, озиб кетиш қайд этилади. Шу билан бирга айрим беморларда кўнгил айниши, баъзан қайт қилиш, ичнинг бузилиши, баъзан фарингит кузатилади. Қамдан-кам ҳолларда (инфекция суст кечаетганда) артрит, тромбофлебит, эндокардит, перикардит, плевра эмфиземаси кузатилади. Баъзан навбатдаги хуружларда менингит (сероз ёки йирингли) белгилари пайдо бўлиши мумкин.

Ташхиси. Кампилобактериоз клиник кўринишлариning турли-туманлиги, бу қасалликининг клиник жиҳатидан аниқлашни анча қийинлаштиради. Шунингдек, бунда эпидемиологик тахминларни (ҳайвонлар билан бевосита алоқада бўлиш, қасалликининг гуруҳли характерини) ҳам назарда тутиш лозим. Ташхис ахлатда, қонда, мия суюқлигига, абсцесслардаги йирингда, аборт қилинган ҳомила тўқималарида қўзгатувчи бор эканлиги аниқлангандан сўнг қўйилади. Экма учун таркибида тиогликолят, бриллиант яшили бўлган махсус селектив қаттиқ озиқали муҳитдан ёки таркибида антибиотиклар бўлган 5% ли қўй ёки от қони бўлган триптиказосояли бульондан фойдаланилади. Ретроспектив ташхис учун 10—14 кун оралатиб олинган янги зардоб ишлатилади. Антителолар борлигини аниқлаш учун турли реакциялардан (КБР, ГАТР, микроагглютинация, иммунофлюоресцент усулидан) фойдаланилади.

Дифференциал ташхис қилиш. Қасалликинг гастроинтестинал турини бошқа этиологияли гастроэнтеритлардан, салмонеллёз, Зонисе дизентерияси, стафилококк этиологияли озиқ-овқатдан заҳарланишлардан, организмда сувсизланиш бўлса, вабодан дифференциал ташхис қилинади. Кампилобактериознинг генерализацияланган (ёйилган) турини бошқа этиологияли сепсислардан дифференциалланади.

Қонда қўзгатувчи борлиги аниқлангандагина ташхис тасдиқланади. Хасталикни бошқа сурункали юқумли қасалликлар (брүцеллёз, токсоплазмозлар) дан ҳам ажратади.

Давоси. Этиотроп терапияда эритромиции ва гентамицин бирмунча яхши натижада беради. Бошқа анти-

биотиклар (канамицин, карбенициллин) дан ҳам фойдаланиш мүмкин бўлса-да, уларнинг нафи камроқ бўлади. Сувеизланиш синдромида регидратация ўтказилади. Касалликнинг сурункали турида 7—10 кун оралатиб, такроран умумий қувват берувчи даво билан бирга турли антибиотиклар билан даволаш курси ҳам ўтказилади.

Прогнози. Касалликнинг оқибати ёмон тугамайди. Унинг генерализацияланган (септик) турида, болаларда оқибати баъзан ёмон бўлиши мүмкин.

Профилактикаси ва касаллик ўчоғидаги чора-тадбирлар. Инфекцияни ҳайвонлар орасида тугатиш, шахсий гигиенага риоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ифлосланишдан сақлаш, гўшт маҳсулотларига иссиқ ишлов бериш касаллик тарқалишига қарши чора-тадбирлардан ҳисобланади. Махсус профилактика чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Бемор атрофидагилар учун алоҳида хавф туғдирмайди. Беморни клиник кўрсатмаларга мувофиқ касалхонага жойлаштирилади.

КОЛИИНФЕКЦИЯ

Ичак бактериялари авлодига мансуб бўлган ичак патоген микроблари келтириб чиқарадиган ўткир касаликдир.

Этиологияси. (011, 055, 026, ва бошқ) Соматик антигенлари бўйича фарқланадиган ичак таёқчалари энтероген штаммларининг турли серологик турлари бу касалликнинг қўзғатувчисидир.

Колииинфекциянинг қўзғатувчилари (ЭПЧТ) грамманфий ҳаракатчан таёқчалардир, улар мураккаб антиген таркибига эга бўлиб, қиздирилганда тез инактивланади. Ичак таёқчалари қуйидагича классификация қилинади: 1) энтеропатогенли — I гурӯҳ; 2) энтероинвазион — II гурӯҳ; 3) энтеротоксигенли — III гурӯҳ; 4) ўраб олувчи — IV гурӯҳ. Колииинфекция қўзғатувчилари ташқи мұхитга чидамлидир.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи бўлиб, ўзидан кўплаб қўзғатувчилар ажратадиган ва инфекцияни ташиб юрадиган bemor бола ҳисобланади. Касаллик bemor билан бевосита алоқада бўлганда юқади. Эндоген инфекция эҳтимоли ҳам мавжуд. Мазкур инфекцияга бола ҳаётининг биринчи ойларида ва янги туғилган чақалоқлар мойил бўлади.

Ичак таёқчаларининг маълум серотиплари болалар яслиларида, болалар соматик касалхоналарida ич-

бууруғ эпидемияси тарқалишида этиологик омил бўлиб хизмат қиласди. Қасаллик бутун йил мобайнида қайд этилади. Ёпиқ болалар муассасаларида қиш ойларида ҳам қасаллик тарқалиши мумкин. Бу ҳасталикка ёш ва нимжон, тез-тез қасал бўлиб турадиган болалар мойилроқ бўлади.

Патогенези. Коллиинфекция қўзғатувчилари ингичка ичакда жойлашиб, у ерда кўпаяди. Ичакда энтерит белгилари аниқланади. Коллиинфекция токсинлари (иссиқликка ўртacha чидамли бўлган фракцияси) вабо токсинларига яқиндир. Токсинлар ичак эпителий ҳужайралига боғланиб, аденилциклазани фаоллаштиради ва натижада кўплаб сув ва хлоридлар ажралиб чиқа бошлийди. Йессиқликка чидамли бўлган энтеротоксин меъда-ичак йўлининг секретор фаоллигини оширади.

Инвазион штаммлар ичак эпителийлари ҳужайралига ўтиб, худди шигеллаларга ўхшаб кўпайиш хусусиятига эга.

Клиникаси. Инкубацион даври 1 кундан 20 кунгача давом этади. Қасалликнинг клиник намоён бўлиши жуда хилма хилдир. Қасаллик иситма кўтарилиши, заҳарланиш симптомлари, ич кетиши, қайт қилиш каби белгилар билан ўткир бошланади.

Беморнинг ичи суюқ, сувсимон, оч-сариқ рангда, баъзан кўқимтири шилемшиқ бўлиб, тез-тез келади. Кўпинча метеоризм кузатилади. Ҳасталикнинг оғир шакларида эксикоз билан бирга токсикоз ривожланади. Қасалликнинг енгил, ўртacha оғир ва оғир, шунингдек, яширин ва абортив турлари мавжуд. Отит ва пневмония унинг кўп учрайдиган асоратлариdir.

Прогнози. Қасаллик натижаси боланинг ёшига, унинг преморбид ҳолатига, маълум даражада қўзғатувчининг серологик турига боғлиқ. 0111 туридаги серологик инфекция туфайли юзага келган қасаллик анча оғир кечади.

Ташхиси. Ташхисда ахлатдан, қусуқдан ёки меъданни ювилган сувдан ажратиб олинган ичак таёқчаларининг патоген штаммларини бактериологик текшириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, серологик усуслари (агглютинация ва гемагглютинация реакциялари) дан фойдаланилади. Бу реакциялар қасаллик авж олиб бораётганда, антителолар титрининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда ишлатилади. Қасалликни дифференциал ташхис қилганда дизентерия, сальмонеллёзлар, шунингдек, дею ва энтеровирус қасалликларни ҳам назарда тутиш лозим.

Давоси. Даволаш бөлалардаги бошқа ичак касалликтардың каби олиб борилади. Антибиотиклардан (колимицин, гентамицин, канамицин ва полимиксиин сульфаға бир суттада 1 кг тана оғирлигига 25—50 мг ҳисобида) юбориб 5—7 кун даво қилингандан яхши натижа беради.

Профилактикаси. Касалликкниң профилактикасида чақалоқтарни түғри эмизиш, кун тартибига амал қилиш, юксак турмуш гигиенаси, ўткыр ичак касаллиги билан оғриган беморларни диагностика бўлимига дарҳол алоҳида ётқизиш муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача болалар муассасаларига ва мактаб интернатига қатнайдиган болалар каслхонадан чиқарилишидан олдин патоген ичак таёқчаси бор йўқлигига бир марта текширилганда манфий натижа олиниши лозим. Бемор бола аниқланган болалар муассасалари дезинфекция қилинади. Бемор билан мулоқотда бўлган болалар бактериологик текширилади.

ҚЎҚИЙТАЛ (PERTUSSIS)

Этиологияси. Нафас йўллари, марказий нерв системаси зараарланиши ва спазматик йўтал билан кечадиган касалликдир. Қўқийтада ва паракўқийтада клиник кўришилари ўхшашибди.

Қўқийтада қўзғатувчи ҳаракатсиз, грамманфий таёқча бўлиб, глицерин-картошка-қонли агарда яхши ўсади. Қўзғатувчи ўсиш жараёни ва ҳаёти давомида ўзидан токсинли моддалар ажратиб чиқаради.

Эпидемиологияси. Касаллик манбай энг биринчи кунлардан то касалликкниң спазматик давригача, яъни 3—4 ҳафтагача инфекция тарқатиб юрадиган bemor одамлар. Касаллик яширин ва симптомсиз кечгандан катта эпидемиологик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. У ҳаво-томчи йўл билан, асосан bemорлар билан бевосита алоқада бўлганда юқади. Хасталикка мойиллик чақалоқлардан тортиб катта ёшли одамларда ҳам кузатилади. Касалланиши 1 ёшдан 5 ёшгacha бўлган болалар ўртасида кўпроқ қайд этилади. Қўқийтада билан оғриган bemор тузалиб кетгандан сўнг, унда турғун иммунитет пайдо бўлса-да, баъзан иккинчи маротаба касалланиши ҳоллари ҳам кузатилади.

Патогенези. Юқори нафас йўллари шиллиқ қавати инфекциянинг кириш дарвозаси бўлиб хизмат қиласи. Касаллик патогенезида ўз ҳаёти давомида токсин ажра-

тиб чиқарадиган күйіттал микробининг аҳамияти катта. Нафас йұлларидаги нерв рецепторларининг узоқ вақт мудом таъсирланиб туриши натижасыда нафас марказыда аста-секин домий құзғалиш үчоғи шаклдана бошлади. Шундай қилиб, йұттал талvasа тусини олади ва күйіттал учун характерли бўлган қатор синдромлар (артериал босимнинг ошиши, қайт қилиш, титраб-қақшаш) пайдо бўлади. Қасаллик жараёнида аста-секин гипоксемия ҳодисаси ривожланиб боради, ўз навбатида нафас олиш ва қон айланishi бузилиши кучайиб боради.

Клиникаси. Қасалликнинг инкубацион даври 3 кундан 15 кунгача, ўртача 5—8 кун давом этади. Қасаллик кечиши уч даврга бўлинади: катарал, спазматик ва тузалиш даври. Катарал давр қуруқ йұттал пайдо бўлиши, бошида типик бўлмаган, баъзан иситманинг озгина ошиши, озгина билинадиган катарал ҳодисалар билан характерланади. Қейинги кунларда йұттал бўғиқ тус олади, кейин эса хуружсимон тус олиб, 10—12 кундан кейин спазматик йұтталга айланади, бунда тез-тез йұттал силкинишларига хос бўлган қисқа-қисқа конвульсив йұттал тутиб, у нафас ичиға кетиб қоладигандек (реприз) чийиллаш билан кечади, улинг кетидан яна йұттал силкинишлари ва яна реприз бўлиб давом этаверади. Йұттал хуружлари ёпишқоқ балгам ажралиши ва кўпинча қайт қилиш билан давом этади. Беморларнинг юзи шишин-қираб қолади, терида ва склераларда қон қуйилиб қолиши кузатилади.

Тил юганчасыда оқ караш қопланган ярача (тиши чиққан болаларда) аниқланади. Қонда ЭЧТ (эритроцитлар чўкиш тезлиги), нормал ёки секинлашган лейкоцитоз қайд этилади. Спазматик давр 2 ҳафтадан 8 ҳафтагача ва ундан кўпроқ давом этиши мумкин. Хуружлар орасидаги даврда болалар ўзларини яхши ҳис этадилар. Қейин қасалликнинг тузалиш даври бошланади, йұттал камая бошлади. Қасаллик клиник жиҳатдан енгил кечадиган, ўртача оғир ва оғир кечадиган турларга бўлинади. Яширин ва абортив кечадиган, йўттал бўлмаган ёки кучсиз бўлган ҳолларда қасаллик спазматик босқичига етмасдан ўтиб кетиши мумкин. Қасаллик асоратлари, кўпинча ёш болаларда пневмония ёки нерв системаси заарланиши ҳолида намоён бўлади. Майда ўчоқли пневмония чўзилиб кетиши билан ажралиб туради, у сурункали бўлиб қолиши мумкин. Кўпинча хасталик күйіттал жараёнида ўпканинг маълум бир қисмида ҳосил бўлган ателектазлар фонида келиб чи-

қади. Энцефалопатия тұсатдан тутқаноқ талvasалари тутиши, ҳұшдан кетиш, баъзан нафаснинг тұхтаб қолиши билан намоён бўлади. Бош мия нервлари парези, эшитиш, сўзлаш, кўриш қобилиятининг йўқолиши кабилар кўййуталда нерв системаси томонидан бўладиган асоратлар жумласига киради.

Ташхиси. Касалликнинг катарал босқичида ва яширин даврида ташхис қўйиш анча қийин бўлади. Беморларни дикқат қилиб кузатиш билан бирга эпидемиологик анамнезни ҳисобга олган ҳолда йўталнинг кучайиб боришини (бемор ёки узоқ вақтдан бери йўталиб юрган bemor билан алоқада бўлиш) назарда тутиш, қон текширилгандаги кўрсаткичларни, йўтал пластинкасини бактериологик жиҳатдан текширишнинг ҳам аҳамияти катта. Тезда ташхис қўйиш учун бурун-ҳалқум йўлидан олинган материал флюоресциранган антителолар усули билан текширилади. Ташхис қўйиш мақсадида бошқа кўрсаткичлар билан бирга кўкрак қафасини рентгеноскопия қилиш ҳам лозим. Ўпка тўқимасида инфильтрат, ателектазлар ва эмфизема, шунингдек, лимфа ва лимфа тугуиларининг катталашганилиги ҳам аниқланади. Касалликнинг кейинги босқичаларида серологик текшириш усуллари (комплémentли боғлаш реакциясидан, агглютинация реакциясидан ва ПГАР) дан фойдаланиш мумкин. Кўййутални грипп ва бошқа шамоллаш касалликлари билан бирга, бронхoadенит сили, чин ва сохта круп, шунингдек, нафас йўлига ёт жисмнинг кириб қолиши ва паракўййутал билан дифференциал ташхис қилинади. Бола қанчалик ёш бўлса, касаллик шунчалик оғир кечади.

Прогнози. Профилактика мақсадида эмлаш ишларининг кенг миқёсда ўтказилиши натижасида кўййутал енгил, кам асоратлар билан кечади. Оқибати оғир бўлган ҳоллар кам кузатилади. Ўлимнинг асосий сабаблари — ўпка ва нерв асоратларидир.

Давоси. Тоза ҳавода кўпроқ бўлиш, кун тартиби ва овқатланишини тўғри ташкил этиш касалликни даволашда муҳим аҳамият касб этади. Антибиотиклардан левомицетин, ампициллин, эритромицинлар одатдаги миқдорда иложи борича эртароқ тайинлапиши зарур. Да-волаш курси 8—15 кун давом этади. Кўййуталга қарши маҳсус иммуноглобулидан 1—2 кун оралатиб 3 мл ва ундан ортиқ миқдорда берилиши ҳам яхши натижка беради. Касалликнинг кейинги босқичларида, яъни йўтал, қайт қилиш, бесаранжомлик, уйқунинг бузилиши ҳолларида нейроплегик таъсир этадиган дорилардан (сут-

касига 1 кг тана оғирлигига 2—3 ва 3—4 мл дан аминазин ёки пропазин) 10—15 кун давомида бериб борилади. Касаллик асоратларини даволаш умумий күрсатмалар, яъни кислород ускуналари ёрдамида ўтказида диган оксигенотерапиядан кенг фойдаланиш асосида олиб борилади. Касаллик сўрилиб кетганда стимулловчи терапиянинг турли кўринишлари тавсия этилади.

Профилактикаси. Йўтали аримаган bemорларни иложи борича алоҳида ётқазиш ва 14 кун муддат билан карантин белгилаш лозим. Болалар муассасаларида гўдаклар учун карантин гурухларини тузиш, б ёшгача бўлган болаларга гаммаглобулин юбориш, bemорлар билан мулоқатда эҳтиёт чораларини кўриш, кўкйўтал-дифтериекоқшол вакцинаси ёрдамида фаол иммунизация ишларини ўтказиш ҳам касаллик профилактикасида муҳим аҳамиятга эга. Кўкйўтал вакцинаси дифтерия, қоқшол анатоксини (АКДС вакцинаси) билан бирга юборилади. АКДС вакцинаси биринчи маротаба чақалоқ З ойлик бўлгандан бошлиб 0,5 мл ва 45 кун оралатиб уч маротаба юборилади. Ревакцинация эса бола 1—2 ёшдалигида амалга оширилади. Кўкйўталга қарши вакцинация 70—90 фоиз ҳолларда яхши натижа беради.

Касаллик бошланишидан 30 кун муддатга bemор алоҳида ётқизилиши лозим. Ўчоқда дезинфекция ўтказиш шарт эмас, лекин хоналарни албатта шамоллатиш ва ҳўл латта билан артиб туриш керак.

ПАРАКЎЙЎТАЛ (PARAPERTUSSIS)

Этиологияси. Кўзғатувчиси ўз хусусиятига кўра, кўкйўтал таёқчасига ўхшаш бўлиб, у кўкйўталдан фагат серологик йўл билан ажralиб туради. Эпидемиологияси худди кўкйўталники кабидир. Инфекция ҳавотомчи йўли билан юқади. Худди спорадик касалликдаги хусусиятлари кузатилади. Кўкйўтал билан оғригандар паракўйўтал билан кам ҳолларда касалланадилар, чунки баъзи иммунитет иккала касаллик учун ҳам бирдек таъсир этиши мумкин.

Клиникаси. Касалликнинг инкубацион даври 7 кундан 15 кунгача (ўртacha 10—11 кун) давом этади. Хасталик кўпгина ҳолларда енгил ўтади ва баъзан кўкйўталнинг енгил турларини эслатади. Иситма одатда нормал ёки субфебрил, йўтал эса худди кўкйўталдагидек бўлади, баъзи ҳолларда трахеал хусусият касб этади. Касаллик турлича давом этиб, 2—3 кундан 3 ҳафтагача

ва ундан күпроққа чўзилади. Қонда баъзан лейкоцитоз ва лимфоцитоз аниқланади. Қамдан-кан ҳолларда асорат беради. Кўйкўталдан бактериологик ва серологик текшириш орқали дифференциалланади.

Давоси. Симптоматик. Профилактикаси худди қўйкўталники каби.

ҚИЗИЛЧА (RUBEOLA)

Ўткир юқумли касаллик бўлиб, енгил интоксикация белгилари, доғли папулёз тошмалар, орқа бўйин, жағ олди лимфа тугунлари катталашиши билан характерланади.

Этиологияси. Қўзғатувчиси жуда кам юқумли, ташқи мұхитга чидамсизлиги билан ажралиб турадиган вирус. Юқори нафас йўллари шиллиқ қаватлари кириш дарвозаси бўлиб хизмат қиласди.

Эпидемиологияси. Ўзига инфекция юқтирган бемор болалар биринчи кунданоқ касаллик манбай бўлиб ҳисобланади. Касаллик авжига чиқсан давридан бошлаб, тошмалар йўқолгунча хавфли бўлади. Ҳаво-томчи йўли орқали тарқалади. Болаларда қизилчага мойиллик анча юқори бўлади. Кўкрак ёшидаги болалар камроқ касалланадилар. Касал бўлиб ўтган одамда турғун иммунитет пайдо бўлади. Қизилча эпидемияси кўпинча баҳор ойларида кузатилади.

Клиникаси. Инкубацион даври 11 кундан 22 кунгача, ўртача 15—20 кун давом этади. Касалликнинг продромал даври бир оз иситма кўтарилиши билан, баъзан билинмай ўтиб кетади. Касаллик энса ва орқа бўйин лимфа тугунларининг катталашиши билан бошланади. Касаллик бошлангандан 1—3 кун ўтгач, юзда, бўйинда тез орада (баъзан бир неча соатда) бутун танаға тарқаладиган қизил тошмалар пайдо бўлади. Тошмалар доғли папулёз кўринишида бўлиб, худди қизамиқ тошмаларига ўхшайди. Баъзи тошмаларнинг катталиги тўғноғичдек бўлса, баъзилари эса ясмиқ донидек келади. Улар асосан қўл-оёқларда, орқа ва думбада пайдо бўлади. Иситма нормал ёки кўтарилган (38° дан ошмайди) бўлиши мумкин. Оғиз шиллиқ қаватида энантема (тошма) кузатилади. Периферик қонда плазматик ҳужайралар миқдорининг ошганлиги қайд этилади. Асоратлари камдан-кан бўлади, асосан синовит, баъзан энцефалит кўринишида намоён бўлади.

Ташхиси. Клиник кўрсатмаларга асосланган бўлади. Қизамиқ, скарлатина, зардоб касалликлари, турли до-

рилар ва аллергиядан бўладиган тошмалардан дифференциалланади. Кўпинча қизилча қизамиқ билан адаштириб юборилади. Бу касаллик қизамиқдан продромал даври, Бельский — Филатов — Коплик симптомининг бўлмаслиги, тошмаларнинг босқичма-босқич тошиши ва уларнинг жойлашиши, лимфатик тугунларнинг мавжудлиги ва қондаги ўзгаришлар билан фарқ қилинади.

Прогнози. Ёмон эмас.

Даволаш шарт эмас. Бемор тошма тошган кундан бошлаб 6 кунгача алоҳида ётиши лозим.

ҚИЗАМИҚ (MORBILLY)

Иситма кўтарилиши, интоксикация, юқори нафас йўллари шиллиқ қаватининг заарланиши, терида қизил тошмаларнинг пайдо бўлиши характерланадиган ўткир юқумли касалликдир.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчиси жуда «учувчан», ташқи муҳитга чидамсиз бўлган фильтрланувчи вирусdir. Қизамиқ вируси парамиксовируслар оиласига кириб, таркибида РНК-полимераза, мураккаб антигенлар тутади. Вирионнинг асосий суббірликлари — гемагглютинин, гемолизин, нуклеокапсид ва мембрана оқсили иммуногенлиги даражаси бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Қўзғатувчи антибиотикларга анча чидамлидир.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи фақат қизамиқ билан оғриган bemor бўлиб, у касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлган даврдан бошлабоқ атрофдагилар учун хавфли бўлиб қолади. Аммо хасталикнинг бўкунига келиб (пневмония асоратлари бўлганда 11-кунидан бошлаб), юқумлилик хусусиятини йўқотади ва атрофдагилар учун хавфсиз бўлиб қолади. Инфекция асосан ҳаво-томчи йўли билан тарқалади. Касалликка мойиллик оналари қизамиқ билан оғриб ўтган, уч ойликача бўлган чақалоқлардан бошқа ҳамма ёшдаги одамларда ҳам жуда юқоридир. Юқумлилик даражаси 90—95% ни ташкил қиласди. Қизамиқ билан кўпроқ касалланиш 1 ёшдан тортоб 4—8 ёшгacha бўлган болаларда қайд этилади. Кейинги йилларда эмлашнинг турили камчиликлари сабабли, қизамиқ катта ёшли одамлар орасида ҳам қайд этиляпти. Қизамиқ билан оғришнинг катта қисми ўспирин ёшларга, озроқ қисми эса катта ёшли одамларга тўғри келади.

Касаллик билан оғриш йилнинг ҳамма фаслларида қайд этилсада, аммо куз-қиши ойларида кўпроқ кузатилиади. Касалликнинг қайталаниш ҳоллари камроқ уч-

райди, Қизамиқ билан оғриб ўтгандан сүнг одамда турғуы иммунитет пайдо бўлиши туфайли касалликнинг қайталаниши кам учрайди.

Патогенези. Юқори нафас йўллари шиллиқ қавати ва кўз инфекциянинг кириш дарвозаси бўлиб хизмат қиласди. Вирус организмга тушгач, қонда айланиб юради ва нафас йўллари эпителийси ва марказий нерв системаси ҳужайраларини заарлантариради. Қизамиқ вируси ўзгача тропизм ва МНС (марказий нерв системаси) ни заарлантариш хусусиятига эга. Қизамиқ организмни аллергия ҳолатига келтириб, уни кескин занфлаштиради, натижада иммункомпетент бўлган ҳужайралар емирилиб, периферик қонда Т-лимфоцитлар сони камайиб кетади. Т-иммун етишмовчилигининг кескин кўпайиши айниқса гўдак болаларда кузатилади. Қизамиқнинг тузалиши иммун жараёплар ўтишига боғлиқдир. Қизамиқ тошмаси инфекцион дерматитга ўхшаб кетади. Тошмалар тарқалиши, ўзида антиген сақладиган тери қоплами ҳужайралари билан иммун жавобгар лимфоцитлар ўртасидаги реакция натижасидир. Қизамиқ билан оғриш давомида бемор организмида чуқур реактив ўзгаришлар вужудга келадики, натижада унинг ҳимоя кучининг пасайиши сабабли бемор иккиламчи инфекцияга берилувчан бўлиб қолиши, касаллик асорат қолдириши мумкин.

Клиникаси. Касалликнинг инкубациоп даври 9—10 кундан 14 кунгача, камдан-кам 17 кунгача, пассив иммунизация олган болаларда 21 кунгача чўзилиши мумкин. Касаллик уч даврга бўлиниади. З кундан 5 кунгача чўзиладиган катта продромал даври, тошма тошиш (3 кун) даври ва 2 ҳафтагача чўзиладиган реконвалесценция ёки пигментация даври шулар жумласидандир. Касалликнинг бирначи даврига беҳоллик, иситманинг кўтарилиши, тумов, йўтал ва конъюнктивит хос бўлади. Яна муҳим ташхисий белгилардан бири лунж шиллиқ пардасида қизил рангли ингичка гардиш билан ўралган майда доғ — Бельский — Филатов — Коплик доғлари ва қаттиқ танглайдаг экзантемаларнинг пайдо бўлишидир. Тошма тошиш даврида қайтадан иситма кўтарилади. Тошма доғсимон папулёз кўринишида бўлиб, 1- куни қулоқлар орасини, 2- куни гавдани, 3—4- кунлари қўл-оёқларни қоплайди. Тошма тошишнинг 4-кунидан бошлаб тошма қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай йўқола бошлайди ва пигментация даврига ўтади. Тошма қайтаётганда тери қипиқсимон майда пўст ташлайди. Бу даврга келиб, иситма пасаяди, катарал ҳолат-

лар камаяди, беморнинг умумий аҳволи яхшилана боради. Қонда инкубацион даврнинг охирига бориб, озгина лейкоцитоз ва нейтрофилёз, продромал даврида эса — лейкопения ва нейтропения, тошма тошиш даврида лейкопения, эозинопения, тромбоцитопения кузатилади. Исимтанинг қайтадан кўтарилиши, айниқса гўдак ёшидаги болаларда кечиши мумкин бўлган пневмония каби асоратлардан дарак бериши мумкин. Шунингдек отит, ларингит, стоматит, кератит, диспепсия, терининг йирингли зарарланиши, нерв системасида оғир кечадиган энцефалит каби асоратлар ҳам кузатилади. Қизамиқ кўйиўтал, дизентерия каби касалликлар билан бирга ўтганда анча оғир кечади.

Митигирланган қизамиқ исимтанинг нормал бўлиши, қизамиқка хос белгилар яққол кўзга ташланмасдан озгина тошмалар билан ўтиши мумкин. Қизамиқнинг бу турида Бельский — Филатов — Коплик симптомлари ҳам бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолда касаллик қизамиқка учраган bemor билан алоқада бўлган-бўлмаганликка ва иммунопрофилактика мақсадида қизамиқка қарши қаҷон иммуноглобулин олинганилигига қараб белгиланади. Митигирланган қизамиқда асоратлар кузатилмайди.

Қизамиқка қарши тирик вакцина билан эмланган bemorларда касаллик ўртача оғир ёки енгил ўтади.

Ташхиси. Бу касалликка ташхис иложи борича эрта, катарал ҳолатлар ва эпидемиологик анамнезни ҳисобга олган ҳолда Бельский — Филатов — Коплик симптоми борлигига асосланиб, катарал даврда қўйишлиши керак.

Қизамиқка ташхис қўйишида вирусологик, иммунофлюоресцент ва серологик усуслардан фойдаланилади. Серологик усуслар вирус нейтраллайдиган ва гемагглютинация қилувчи антителолар сонини аниқлашдан иборат. Қон зардобидаги қизамиқ антителоларини аниқлаш учун комплемент боғловчи реакциядан (КБР), гемагглютинацияни тормозлайдиган реакциядан (ГАТР) кенг фойдаланилади.

Эгри гемагглютинация реакцияси (ЭГАР). Бу реакциялардан қизамиқ бошқа тошмали касалликлар билан бирга яширин, атипик кечаетганда фойдаланилади. Қўрсатилган реакцияларни касаллик авж олиб бораётган иайтда қўллаш лозим, чунки бу — қизамиқ инфекцияси бўлганда антителолар титри ошиб боришини қайд этишга имкон беради. Касалликни дифференциал ташхис қилаётганда ҮРК, қизилча, скарлатина, инфекцион эритема, Лайел синдроми, зардоб касаллиги ва аллергик хусусиятли турли тошмаларни назарда тутиш лозим.

Прогнози. Касаллик күпинча енгил кечади. Бу касаллик рахит, гипотрофия ва бошқа касалликлар билан оғриган гүдак болаларда оғир кечади. Үпка асоратлари бўлганда оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Асоратлари. Кўпинча асоратлари нафас аъзоларига, марказий нерв системасига (энцефалопатия, гўдак ёшидаги болаларда қизамиқ энцефалити) иккиласми инфекциялар қўшилганда қайд этилади. Заифлашиб қолган беморларда комплекс ва узоқ вақт даволашни талаб этадиган турли асоратларнинг бирга учраши (марказий нерв системаси, нафас йўллари, меъда-ичак йўли) кузатилади.

Давоси. Касалликни даволашда яхши ташкил этиланган гигиеник шарт-шароитлар, яхши парвариш, сифатли овқатлантириш ва беморни иккиласми инфекциялардан сақлаш кабиларнинг аҳамияти катта. Антибиотиклар фақат асоратлар (пневмония, отит) бўлган ҳолларда тайинланади. Антибиотиклар асоратларнинг қандайлигига ва уларнинг клиник жиҳатдан нафига қараб белгиланади.

Профилактикаси. Касаллик профилактикасида касални эрта аниқлаш ва ажратиб қўйиш, шунингдек, бемор билан алоқада бўлган З ёшдан 8 ёшгача бўлган болалар учун карантин тайинлаш муҳимдир. Карантин муддати серологик профилактика ўтказилиши лозим бўлган болалар учун 21 кун, бошқа болалар учун 17 кун тайинланади. Караптина бўлган болалар бемор билан алоқада бўлгандан бошлаб 8 кун ўтгандан сўнг болалар муассасаларига қўйилмайди.

Қизамиқ профилактикасида пассив иммунизация ёки серологик профилактика, яъни қизамиқ билан оғриган болалар билан алоқада бўлган болаларга соғлом одам зардобидан тайёрланган иммуноглобулин юбориш катта аҳамият касб этади.

Серологик профилактика қизамиқ бўлган болалар билан алоқада бўлган ва қизамиқ билан илгари касалланимаган З ойликдан 4 ёшгача бўлган соғлом (шунингдек, ёшидан қатъи назар касал ва нимжон) болалар ўртасида ўтказилади. Серопрофилактика учун иммуноглобулин қўлланади. Дори алоқада бўлган соғлом болаларга 1,5 мл миқдорда юборилади. 1 ёшгача бўлган, аралаш инфекцияли касал ва нимжон болаларга (шунингдек, препарат кеч юборилаётган бўлса) 3,0 мл миқдорда юборилади.

Пассив иммунизация бемор билан алоқада бўлгандан кейин 5—6 кун ичидаги ўтказилса, яхши самара беради.

Серологик профилактика ўтқазилған болалар қизамиққа мутлақо чалинмайдилар ёки уни енгил ўтқазадилар. Иммуноглобулин юбориш йўли билан ҳосил қилингани иммунитет 3—4 ҳафта давомидагина сақланиб турди. Шунинг учун ҳам бу вақт ўтгандан сўнг қайтадан алоқада бўлганда яна бир марта 1 мл иммуноглобулин юбориш лозим бўлади. Фаол иммунизация учун таркибида кучсизланган қизамиқ вирусини сақлаган (Л-16) вакцинадан фойдаланиб, бир марта тери остига юборилганда бола организмида қизамиққа қарши иммунитет ҳосил бўлади. Вакцина юборилгандан сўнг кўпинча қизамиқни эслатувчи реакция пайдо бўлади (ҳарорат кўтарилиб, тошмалар тошади), лекин бу бола саломатлиги учун унчалик хавфли эмас. Учоғда хона шамоллатилиб, ҳўл латта билан артиб турилади.

Болаларда қизамиққа қарши иммунизация Л-16 қизамиқ вакцинаси билан ўтқазилади. Тирик вакциналар билан қизамиққа қарши эмлашлар 10 ойликдан бошлаб 8 ёшгача ўтқазилади. Қизамиқ бўлмаган болаларга 12 ойлик бўлганда даволаш ёки профилактика мақсадида иммуноглобулин қилинганда ўзида қизамиққа қарши антителолар тутган қон препаратлари юборилади ёки қон қўйилганда вакцинация ўтқазилади. Қизамиқ вакцинасини қўллашга 3 ойдан кейингина рухсат этилади. Тирик вакцина билан вакцинация ўтқазилгандан сўнг 2 ҳафта ўтгач, иммуноглобулин қилиш мумкин.

Декретизация гуруҳидаги иммунизация қилиш графиги бузилган болаларга иммунизация қилишга рухсат этилгандан сўнгтина уни ўтқазилади. Бунда қизамиққа қарши антителолар бор-йўқлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир, агар антителолар сони юқори титрларда бўлса, бола эмланмайди. Баъзи ҳолларда эпидемик кўрсатмаларга қараб эмлашлар зудлик билан ўтқазилади.

Қизамиқ билан касалланмаган ва унга қарши эмланмаган 2 ёшдан ошган болалар тезда эмлашилари зарур. З ойликдан 12 ойликгacha бўлган болаларга 3,0 мл иммуноглобулин юборилади. Болаларда қизамиққа қарши иммунитетни аниқлаш мақсадида махсус ГАТР ва ПГАР антителолари аниқланади. Антитело титри ГАТР нинг 1:4 ва ундан юқори бўлиши, ПГАР нинг 1:10 ва ундан юқори бўлиши боланинг қизамиққа берилмаслигидан дарак беради.

«Хавфли гуруҳга» киравчи болалар учун, уларнинг ёшидан ва қизамиққа қарши профилактик эмлашларнинг ўтқазилиши даражасидан қатъи назар, ўзига хос

эмлашлар графигини тузиш лозим бўлади. Қизамиқقا қарши эмлашни ўтказишга рухсат этилмайди. Болаларда ўткир ва сурункали инфекцион касалликлар бўлганда, бундай болалар тузалганларидан сўнг 1 ойдан кейингина эмланадилар.

Клиник лаборатория ўзгаришлари билан сурункали касалликлари бўлган болаларни эмлаш масаласини ремиссиядан сўнг 1 ойдан кейин комиссия ҳал этади. Комиссия таркибида бўлим бошлиғи, участка педиатри, лозим бўлганда врач иммунолог ва маҳсус врачлар бўлади. Комиссиядан қон касалликлари ва ўсмалар билан оғриган, тухум оқсилига, мономицин ва аминогликозидлар гуруҳига мансуб (неомицин, канамицин, стрептомиции, дегидрострептомиции) антибиотикларга ўта сезувчан, иммунитет таңқислигига дучор бўлган болалар ўтказилиб, бундай болаларга тузалганларидан кейин камиди б ойдан сўнг эмлашга рухсат этилади.

ЛЕПТОСПИРОЗЛАР (LEPTOSPIROSIS)

Бу ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни лептоспираларниң турли серотиплари келтириб чиқаради. Хасталик иситма кўтарилиши, умумий интоксикация аломатлари, буйрак, жигар, нерв системасининг заарланиши билан характерланади.

Лептоспирозлар табиий ўчоқли инфекциялар гурухига киради.

Лептоспирозларниң турли типлари келтириб чиқарадиган, сариқлик билан ва сариқликсиз кечадиган лептоспирозлар фарқ қилинади.

Этиологияси. Лептоспироз қўзғатувчилари — патоген лептоспираларниң турли серотиплари ҳисобланади. Лептоспиралар ҳаракатчан, узунлиги 7—14 мкм бўлиб, сув ҳавзаларида 26 кунгача сақланади, овқат-маҳсулотларида 1—2 кун тирик қолади. Дезинфекцияловчи препаратлар таъсирида фаоллигини тез орада йўқотади. Пенициллин ва тетрациклинга нисбатан сезувчан бўлади.

Эпидемиологияси. Дала сичқонлари, каламушлар, бошқа ёввойи ва баъзи уй ҳайвонлари инфекция машбайдир. Касаллик инфекция тушган сув (чўмилганда, қишлоқ ҳўжалик ишларида) ва овқат орқали юқади. Спорадик, баъзан гуруҳли касалланиш, сариқлик бўлмасдан кечадиган лептоспирозларда жуда авж олиб кетиши (эпидемия) мумкин.

Патогенези. Ҳазм йўлиниң шиллиқ пардалари, конъюнктива ва тери инфекцияниң кирниш йўли бўлиб хизмат қиласди.

Организмга лептоспиралар тушгандан сўнг, улар қонда аниқланади. Қўзғатувчилар гематоген йўл билан РЭС аъзоларига тушиб, у ерда йигилиб кўпаяди, кейин қонга ўтади. Ҳафта охирига бориб қонда анителолар пайдо бўлади. Сариқликнинг келиб чиқишида гепатоцитларниң зааррланишидан ташқари, гемолитик омил ҳам катта рол ўйнайди. Буйракларниң зааррланиши ўчгли геморрагик нефрит ва каналчаларниң зааррланиши кўринишида намоён бўлади. Касаллик бошдан кечирилгандан сўнг, узоқ давом этувчи мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади.

ВАСИЛЬЕВ – ВЕЙЛЬ ҚАСАЛЛИГИ

Клиникаси. Сариқ лептоспироз, яширин даври 3 кундан 14 кунгача (ўрта ҳисобда 7 кун) Касаллик кучли қалтириш ва ҳароратниң тез кўтарилиши билан бошланади. Ҳолсизлик, ланжлик, бош оғриши, энса ва болдир мускулларида кучли оғриқ сезилади. Юз қизариди (гиперемия), кўз ич пардаси томирлари кенгайиб кетади.

Кўпинча терига нуқтали геморрагик тошмалар (қизамиққа ўхшаш) тошади, 4—6 кун ҳарорат пасайиб, билирубинемия пайдо бўлади. Жигар катталашган бўлиб, оғриқ беради, аксари талоқ катталашади. Боланинг ахлати ўзгармайди. Уткир нефрит ривожланиши мумкин; олигурия, протеинурия, гематурия, цилиндрурия шулар жумласидандир. Кўпинча ликворниң яллиғли ўзгаришлари билан давом этувчи менингеал синдром ривожланади. Сариқлик даври геморрагик синдром, тери ва шиллиқ пардаларга қон қўйилиши, бурундан, ичаклардан қон кетини билан кузатилади. Касаллик тўлқинсизмон кечиб, янги-янги иситма тўлқилари пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Ҳасталикнинг жигар ва буйракни зааррлантирмасдан ўтадиган енгил турлари ҳам бор.

Асоратлари. Миокардит, зотилжам, отит, иридоциклитлар. Сариқликсиз кечадиган лептоспирозни лептоспираларниң турли серотиплари келтириб чиқаради, уларниң ҳар бири ўзининг биологик хўжайини (ёввойи ва уй ҳайвонлари)га эга бўлади. Мамлакатда лептоспирозли сув истимаси кенг тарқалган. Касалликнинг бошланиши сариқ лептоспирозга ўхшаш бўлади. Сариқлик бутунлай бўлмайди ёки касаллик бир оз сариқлик билан кечади.

Сийдикда суст ифодаланган патологик ўзгаришлар қайд этилади. Қасаллик оқибати ёмон эмас.

Ташхиси. Қасалликка дифференциал ташхис қўйилганда, уни вирусли гепатитдан, безгак, туляремия, грипп ва паппатачи иситмасидан фарқ қилиш керак. Қўзғатувчини аниқлаш учун микроскопик текширув усулидан ёки яххиси қонни экиш усулидан фойдаланилади. Лизис-агглютинация реакцияси ва комплемент боғлаш реакцияси қўлланади.

Давоси. 7—10 кун давомида катта миқдорда пенициллин тавсия этилади. Тетрациклин ишлатилганда яхши натижаларга эришилган. Махсус иммуноглобулиндан фойдаланилади. Жигар ва буйрак заарланганда вирусли гепатит ва нефритни даволашдаги каби.

Профилактикаси. Каламушларни қириш, қорамол устидан ветеринария назоратини ўрнатиш, овқат маҳсулотларини каламушлардан сақлаш, чўмилиш ҳавзаларини қўриқлаш, шахсий профилактика. Эпидемик кўрсатмалар бўлганда лептоспирозли инактивацияланган вакцина билан болалар 7 ёшдан бошлаб 7—10 кун танаффус билан икки марта (2,0 ва 2,5 мл вакцина) эмланадилар.

ЛИСТЕРИОЗ (LISTERIOSIS)

Зоопиозлар гурухига мансуб юқумли қасаллиkdir. Одамларда бу қасаллик ўткир сепсис (марказий нерв системаси, бодомча безларининг лимфа тугунлари, жигар, талоқнинг заарланиши билан кечадиган) ёки сурункали (яширин) кўринишида учрайди.

Этиологияси. Қасаллик қўзғатувчиси — листериянинг калта (0,5—0,6 мкм) таёқчалари ёки кокбактериялари бўлиб, улар гемолиз сабаб бўла оладиган граммусбат аэроблардир. Листериялар пенициллин, тетрациклин қаторига кирувчи антибиотикларга, эритромиции ва левомицетинига нисбатан сезувчандир.

Эпидемиологияси. Табиатда кемирувчиларнинг кўпгина турлари инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади (айниқса сичқонсимон кемирувчилар). Шунингдек, листерияларни кўпинча қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг организми (чўчқа, от, қўён, товуқ ва гозлар) дан ҳам олишга муваффақ бўлинган. Асосий юқиш йўли алиментар йўлдир. Ҳомиланинг она қорнида зарраланиши ҳам исботланган. Хасталик қасал ҳайвонлардан одамларга контакт йўли орқали юқади. Инфекциянинг кана ва қон

сўрувчи ҳашаротлар орқали ўтгани деярли кузатилмайди.

Патогенези. Ҳазм йўлининг шиллиқ қавати инфекция дарвозаси бўлиб ҳисобланади. Қўзғатувчи бодомча безлари орқали кириши ҳам мумкин, буни специфик тонзиллит ва регионар лимфа тугунчаларининг заарланиши кўрсатади. Қўзғатувчи қонга тушган вақтда ўткир иситма касаллиги юзага келади. Кейинчалик у ретикулоэндотелиал (жигар, талоқ, лимфа тугунлари) ва нерв системасида ўрнашиб олиб, менингит ва менингоэнцефалит каби касалликларга сабаб бўлади. Листериялар узоқ муддат буйракларда сақланиб, ҳомилани она қорнида заарлантариади.

Клиникаси. Инкубацион давр 2—4 ҳафта давом этиди. Листериоз клиник жиҳатдан турлича кечади. Касалликнинг қўйидаги турлари мавжуд: а) ангиноз септик, б) кўз бэзсимон, в) бэзсимон, г) нерв турлари (менингит, менингоэнцефалит, энцефалит, психозлар), д) тифсимон, е) ҳомиладорлар листериози, ж) чақалоқлар листериози (септик кечиши) шулар жумласидандир.

Касалликнинг кечишига қараб ўткир, ўртacha ўткир ва сурункали турлари ҳам фарқ қилинади.

Листериознинг ўткир тури бирданига бошланиб, тана ҳарорати кўтарилади, қалтираш бошланади, умумий интоксикация белгилари пайдо бўлади (бош оғриғи, уйқусизлик, мушакларда оғриқ, жizzакилик), иштаҳа йўқолади. Қасаллик кўпинча энантема билан бирга кечади (йирик доғли ёки эритематоз тошма тошиб, йирик бўғимлар устида улар қўшилиб кетиши мумкин), юзда «капалак» кўрининишида тошма тошади. Бэзсимон турида юқоридаги аломатлардан ташқари лимфа тугунлари бир оз катталашади ва оғриқ жағ ости, бўйин, қўлтиқ ости, мезентериал лимфа тугунларида пайдо бўлади. Листериознинг нерв системаси заарланаидиган турида менингеал симптомлар (энса мушакларининг тарағлашиши, Керинг — Брудзинский симптомлари) келиб чиқади. Орқа мия суюқлиги юқори босим остида оқиб чиқади ва унинг таркибида оқсил ва цитоз ошиб кетади. Қанд ва хлориднинг миқдори ўзгармайди. Эицефалит аломатлари кузатилиши мумкин.

Баъзан листериознинг клиникасида гастроэнтерит, ўткир гастроэнтерит ёки эндокардит аломатлари устунлик қиласи. Листериознинг ўткир турида кўпинча жигар ва талоқ катталашади. Иситма З кундан 2 ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Листериознинг бошқа турларидан бирмунча енгилроқ кечадиган тури тери листериози бўлиб, бу тури ветеринар ва ҳайвонлар билан доимо ишлайдиган бошқа шахсларда учрайди.

Қасалликнинг бу турида тери папулёз тошмалар тошгандек бўлиб, пустулалар ичидаги йирингдан листерияларни ажратиб олиш мумкин.

Чақалоқларда листериоз оғир ўтади ва қасалликнинг 50 фоизи ўлим билан тугаши мумкин. Қасалликнинг асосий аломатлари иситма ($38\text{--}39^{\circ}\text{C}$ ва ундан юқори бўлиши мумкин), ҳаво етишмаслиги, буруннинг тўлиб қолиши, цианоз, фақатгина нафас йўллари заарланиб қолмасдан, ўпкага ҳам ўтиши. Листериялар бронхопневмониянинг келиб чиқишига сабабчи бўлади, бунда бронхларда ҳаво ўтишининг бузилиши ва ателектазлар, йирингли плеврит келиб чиқиши мумкин. Баъзан пневмониялар интерстициал пневмония кўринишига ўтади. Кўпинча беморларда жигар катталашиб, сариқлик пайдо бўлади, камдан-кам ҳолларда талоқнинг катталашви кузатилади. Сариқлик ва цианоздан ташқари айрим bemорларда терининг оқариб кетиши, bemорларнинг бирдан тўрт қисмида экзантема пайдо бўлади.

Менингеал аломатлар келиб чиқади, баъзан титраш, ноаниқ пай рефлекслари, фалажлик юзага келади. Фарингит, конъюнктивит, ич кетиш ҳоллари камроқ кузатилади. Бемор тузалгандан сўнг 15—20 фоиз реконвалесцентларда марказий нерв системасида резидуал аломатлар сақланиб қолади.

Қасалликнинг сурункали турида листериялар одам организмида узоқ муддат клиник белгиларсиз сақланиб қолиши мумкин. Организм заифлашганда (узоқ муддат гормонал терапия, лимфогранулематоз, рак ва бошқа қасалликларда) листериоз қайталанади ва ҳатто инфекциянинг генерализацияси келиб чиқиши мумкин. Буйраклар кўчириб ўтказилганда ҳам листериознинг юқиши ҳақида маълумотлар бор. Ҳомиладор аёлларда сурункали листериоз бор вақтда ҳомиланинг она қорнида заарланиши кузатилади ва кейинчалик бола туғилгандан сўнг оғир дардга чалиниб, ҳатто ўлиб қолиши ҳам мумкин. Баъзи муаллифларнинг маълумотларига кўра, ҳомиладор аёлнинг листериоз билан қасалланиши тез-тез учраб туради.

Ташхиси. Клиник ташхис қўйиш бирмунча қийин бўлиб, бунда қон, орқа мия суюқлигининг бактериологик текшируви, юмшоқ танглайдан олинган ювинди сув, қоғаноқ сувининг текширув натижаларига таянилади. Се-

рологик текширув 10—14 кун интервал билан олинган жуфт зардоб билан ўтказилади. Листериоз антигенлари билаи агглютинация ва РОК реакцияларидан ҳам фойдаланилади. Титриинг 4 ва ундан ошиши ташхисни тасдиқлайди. Тери ичига қўйиладиган проба учун маҳсус листериоз антигенлари ишлаб чиқилган. Препарат тери ичига 0,1 мл миқдорда юборилиб, 24 соатдан сўнг натижаси кўрилади. Реакция терида 10 мл диаметрда қизарыш бўлган вақтда мусбат ҳисобланади.

Дифференциал ташхис. Дифференциал ташхис листериознинг клиник шаклига қараб қўйилади. Ўткир безсимон турларини инфекцион мононуклеоздан, инфекцион эритема, ўткир токсоплазмоз ва қон касалликларидан ажратилади. Нерв системаси заарланиши билан кечадиган тури кўпинча оғир йирингли менингит кўринишида кечади. Уни менингококк, пневмококк, стафилококк ва бошқа йирингли бактериал менингитлардан ажрата билиш керак. Листериозда мия пардалари заарланишидан ташқари, лимфа тугунлари ҳам заарланиб, ўзига хос қондаги ўзгаришлар келиб чиқади. Ҳомиладор аёллардаги листериозни бошқа этиологияли суст ривожлавувчи пиелонефрит (пиело циститлари) дан фарқ қилиш лозим. Чақалоқлардаги тугма листериозни пневмония, ўткир респиратор касалликлар ва пилороспазмдан фарқ қилинади.

Листериоз учун тугунсимон элементлар диссеминацияси, сариқлик, баланд иситма, қон айланишининг бузилиши характерлидир. Диагностикада эпидемиологик ҳолатлар ҳам ҳисобга олинади.

Давоси. Даво листериознинг клиник турларига мос келиши керак. Касалликнинг ўткир турида этиотроп даволаш еткачи рол ўйнайди. Тетрацикли қаторидаги антибиотиклардан (0,2—0,3 г) ҳар 6 соатда иситмалаш даврида ва яна 5—7 кун давомида берилади. Шунингдек пенициллин (400000 ТБ дан ҳар 4—6 соатда), эритромицинни (0,25 г дан ҳар 6 соатдан) юқорида кўрсатилган вақт давомида буюрилади. Листериознинг нерв турида (менингит, менингоэнцефалитлар) листерияларга бактериостатик таъсир кўрсатувчи, тетрациclin гуруҳига оид антибиотиклар билан бирга бактерицид хусусиятга эга бўлган стрептомицинни ҳам қўшиб бериш мумкин. Стрептомицин 0,5 г дан суткасига 2 марта берилади. Антибиотиклар билан бир вақтда гормонал препаратларни ҳам тайинласа бўлади (преднизолон 5—10 мг дан кунига 4 марта, аста-секин миқдори камайтириб борилади, даволаш курси 7—10 кун). Листериоз-

нинг нерв турини даволашда дегидратацион терапия қўлланади. Ҳомиладор аёллардаги сурункали листериозни даволашда аввал тетрациклин (0,3 г дан ҳар 6 соатда 7—10 кун давомида), кейинчалик сульфадимезин кунига 4 маҳал 7 кун мобайнида тайинланади.

Прогнози. Ҷақалоқларда касаллик жуда оғир ўтиши ва ўлим билан тугаши мумкин. Ҳомиладорларда листериоз ҳомиланинг оғир зарарланишига олиб келади. Листериоз менингоэнцефалитлардан кейин марказий нерв системасида резидуал ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин.

Ўчиқда кўриладиган профилактик чора-тадбирлар. Ўй ҳайвонлари орасида листериозга қарши кураш (касалланган ҳайвонларни аниқлаш ва ажратиб қўйиш кейин эса улар турган жойларни дезинфекция қилиш), шунингдек, дератизацион тадбирлардан иборат. Листериоз бўлган ҳайвонларнинг гўшти ва сутини термик қайта ишлагандан кейингина истеъмол қилиш мумкин. Ҳомиладор аёлларга листериоз катта хавф туғдиради, шунинг учун ҳам чорвачиликда ишлайдиган ҳомиладор аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш тавсия этилади. Бемор атрофида профилактика ўтказилмайди. Махсус профилактика ишлаб чиқарилмаган.

ҚУ-ИСИТМАСИ (FEBRIS Q)

Ўткир риккетсиоз касаллик бўлиб, умумий интоксикация, иситма ва кўпинча атипик пневмония аломатлари билан характерланади.

Этиологияси. Қўзғатувчи риккетсиялар бўлиб, улар бактериал фильтр ва коллоид мембраналардан ўтадиган, майда (узулиги 0,25—0,5 ва кенглиги 2—2,5 мк) микроорганизмлардир. Бернет риккетсиялари полиморфизм билан характерланиб, майда коксимон, таёқчасимон биполяр ва инсимон шаклда учраб туради. Улар ҳужайралар ичida паразитлик қилиб ҳаёт кечиради. Одатдаги озиқа муҳитларида кўпайиш қобилиятига эга эмас. Бернет риккетсиялари мураккаб антиген тузилишига ва 2 та антигенлик субстанцияга эга. Юза субстанция максимал, ички корпус тури минимал антигенлик хусусиятига эга.

Эпидемиологияси. Бернет риккетсиялари юқори ҳарорат, шунингдек, кимёвий омилларнинг таъсирига чидамли, атроф-муҳит ва чиқиндиларда осонликча сақланниб қолади, озиқ-овқат маҳсулотларида тирик қолади. Турли хилдаги иссиқ қонли ҳайвонлар учун улар юқори

патогенлик ва юқиши хусусиятига эга. Шунинг учун бу касаллик ер шарининг турли ерларида кенг тарқалган. Күиситмаси табиий ўчоқли зоонозларга мансубдир.

Патогенези ва патологик анатомияси. Күиситмаси турли йўллар билан: ингаляция, алиментар, контакт, трансмиссив йўл орқали юқиши мумкин, дастлабки 2 йўл эпидемиологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ҳозирги замон тасаввурига кўра, бу умумий инфекцион касаллик бўлиб, кўпгина аъзо ва системалар заарланиши билан кечади. Патогенези юқиши йўлига ҳам боғлиқдир. Организмга тушган бир қанча риккетсиялар генерализация йўли билан ретикулоэндотелиал системада кўпаяди ва қон томирларига тушиб, турли аъзоларнинг заарланишига олиб келади. Күиситмасининг ҳар хил клиник турларида нерв, юрак-томир системаси, жигар, буйрак, ўпка ва бошқа аъзоларнинг турли даражадаги заарланиши кузатилади.

Патологоанатомик текширувда ўпка тўқимаси, юрак-томир системаси ва паренхиматоз аъзоларида маҳсус ўзгаришлар борлиги қайд этилади. Ўпка тўқимасидаги бронхлар атрофида, ўпка четларида ёки ўпканинг пастки бўлимларида яллиғланиш ўчоқлари осонликча аниқланади. Микроскоп остида альвеола деворларининг мононуклеар инфильтрацияси ва гипотрофик десквамацияси кўринади. Қон томир эндотелийсининг ўзига хос ўзгаришлари, мия томирларидаги периваскулий, томирлар атрофида майда геморрагиялар кузатилади.

Клиникаси. Клиник манзара турли-туман аломатлар ва турларининг ранг-баранг бўлиши билан характерланади. Инкубацион давр давомлилиги юқиши йўлига, организмга тушган инфекциянинг миқдорига, организмнинг жавоб бериш реакциясига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, 5 кундан 30—50 кунгачадир.

Касаллик ўткир, бирдан бошланади, аксари ҳарорат 38—39° гача кўтарилади, умумий ҳолсизлик, бош оғриши, иштаҳа пасайиши аниқланади. Қалтираш касалликнинг илк бор белгиси сифатида фақат 20 фоиз болаларда кузатилиб, мушаклар ва бўғимлардаги оғриқ кўпинча болдири мушакларида, оёқлардаги йирик бўғимларда (тизза, чаноқ-сон ва болдири бўғимларида) қайд этилади. Афтидан қалтираш, мушаклардаги оғриқ касалликнинг доимий аломатлари эмас, чунки бундай шикоят билан фақат катта ёшдаги болалар мурожаат этадилар. Кўпинча беморларда энг биринчи аломатлар марказий нерв системасида кузатилиб, аниқ бир локализацияга эга бўлмаган бош оғриғи, бош айла-

ниши, бўшашиш, умумий ҳолсизликдан иборат бўлади. Баъзан биринчи кунданоқ уйқу бузилади. Қаттиқ бош оғриши — касалликнинг муҳим ташхисий белгиси бўлиб, у кўпинча доимий бўлади ва болалар фақат касаллик давомида эмас, балки касалликдан сўнг ҳам шикоят қиласидар.

Болаларда Ку-иситмасининг бошланиш аломатларидан яна бири — иштаҳанинг пасайиши ёки бутунлай йўқолишидир. 80 фоиз беморларда кўнгил айниши, қоринда оғриқ (20 фоиз) ва ич кетиши (10 фоиз) кузатилади. Ич кетиши, кучли бўлмаган қориндаги тутиб-тутиб турувчи оғриқ, кўпинча кичик ёшдаги болаларда аниқланади.

Ич шиллиқсиз, кунига 2—3 марта ба келади. Қасалликнинг бошланиш давридаги қоринда турадиган оғриқлар, ичнинг суюқ келишини ичак мотор функциясининг бузилиши деб қараш лозимки, бунинг оқибатида вегетатив нерв системаси шикастланиши мумкин.

Кўпинча (20 фоиз беморларда) касалликнинг биринчи кунлари ринит, трахеит, катарал ангинада бронхит билан кечадиган нафас йўлларининг озгира яллиғланиши кузатилади. Баъзи беморларда юзнинг шишинқираганилиги ва гиперемия қайд этилади.

Хасталикнинг иситмали даври 4 кундан 22 кунгача давом этади. Беморларнинг 80 фоизида бу даврда брадикардия, пульснинг лабиллиги, артериал босимнинг тушиб кетиши ҳоллари кўрилади.

Қасаллик авж олган маҳалда нафас аъзоларида анчагина ўзгаришлар рўй беради, ринит (60—70 фоиз), катарал ангинада (32 фоиз), пневмония (50 фоиз) қайд этилади. Меъда-ичак йўлидаги ўзгаришлар кўпинча ёш болаларда учрайди ва у иштаҳанинг йўқлиги (80 фоиз), қориндаги оғриқлар (20 фоиз) ва ичбуруғ (10 фоиз) билан намоён бўлади.

Жигар ва талоқдаги ўзгаришлар Ку-иситмасининг кўпинча яққол белгиси бўлиб ҳисобланади. Жигар катталашуви 70 фоиз болаларда, талоқнинг катталашганилиги эса 20 фоиз болаларда кузатилади. Кондаги ўзгаришлар лейкопения (53 фоиз), лейкоцитар формууланинг чапга силжиши, анэозинофилия (70 фоиз), эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) 40—45 мг/г бўлиши билан характерланади. Қасалликнинг кўрсатиб ўтилган клиник синдромлари билан унинг тифга, гриппга ўхшаш, пневмоник ва яширин турлари фарқ қилинади.

Ку-иситмаси кечиши давомида қайталаниши мумкин. Бунда касалликнинг асосий клиник манзараси кам-

роқ юзага чиқади. Ку-иситмасининг асоратлари нисбатан камроқ учрайди.

Ташхиси. Маълум қийинчиликлар туғдиради. Бунда эпидемиологик, клиник ва лаборатория маълумоти йиғиндишига асосланади. Ташхис қўйишда бемор қонида касаллик қўзғатувчисининг борлиги, комплементни боғлаш ва агглютинация реакцияларининг мусбат бўлиши катта аҳамиятга эга.

Дифференциал ташхиси. Ку-иситмасини тиф-паратифоз, ўткир респиратор касалликлар, грипп, бруцелләз, вирусли гепатитнинг сариқсиз кечадиган тури каби касалликлардан ажратади.

Прогнози қулаӣ.

Давоси. Кун тартибини тўғри ташкил қилиш, пухта парвариш, касаллик турига қараб оқилона парҳез тузиш. Даволаш учун левомицетин, тетрациклин, стрептомиции, ампициллин (ёшга тўғри келадиган миқдорларда) каби антибиотиклар билан бир қаторда ҳамма болаларга патогенетик ва симптоматик терапия ҳам тайинланади. Витаминаларни кўплаб тайинлаш ҳам кўрсатилади. Касалликнинг оғир турларида плазма ва қон препаратлари, шунингдек, қон ўрнини босувчи воситалар қўйилади.

Профилактикаси. Ветеринария ва санитария тиббий тадбирлар мажмуасидан иборат. Ку-иситмаси зооноз касалликлар туркумига кириши туфайли, бунда ветеринария хизматини олиб борувчи тадбирларнинг аҳамияти катта. У табиий ўчоғларни аниқлаш, уларнинг хиллари, тузилиши ва чегаралари бўйича кенг кўламдаги чоралар комплексини амалга оширишни талаб этади.

Касалликнинг ўй ҳайвонларидан тарқалиб кетмаслиги ва қишлоқ хўжалик ўчоғида уни йўқотиш чоралари кўрилади. Касалликка шубҳа қилинган ҳайвонлар ажратиб қўйилади ва улар серологик текшириб кўрилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё сотувга ветеринария ва санитария руҳсати билангина чиқарилади.

Касал ҳайвонларнинг сути ва гўштига маҳсус ишлов берилади. Қишлоқ хўжалик хом ашёсига (жуң, эчки момиги, ҳайвонлар териси) ҳам пароформалин камера-ларида маҳсус ишлов берилади. Ишлаш учун ноқулай шароит бўлган хўжаликларда болалар ва аёллар ишлашига руҳсат бермаслик керак. Бундай жойларда ишлайдиган шахслар шахсий гигиена қондаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда, маҳсус кийимлар ва пойабзалдан (резинали) фойдаланишлари лозим.

Касаллик профилактикасида иммунизация ўтказиш муҳим чора-тадбирлардан ҳисобланади. Сүнгги вақтларда одамларни Ку-иситмасига қарши вакцинациялашга оид маълум тажриба тўпланган.

Ку-иситмаси профилактикасида санитария-коммунал соҳасидаги ишларга доир тадбирлар ҳам катта аҳамият касб этади. Бунда сув таъминоти ва сув ҳавзаларининг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари чиқиндилиаридан ифлосланишига йўл қўймаслик муҳимдир.

БЕЗГАК (MALARIA)

Одам организмига содда жонивор туркумига оид қўзғатувчининг тушиши натижасида юзага келадиган касаллик бўлиб, у тана ҳароратининг циклик кўтарилиши, жигар ва талоқнинг заарланиши, камқонликнинг ривожланиши билан таърифланади. Бу касаллик иссиқ иқлимли мамлакатларда тарқалади.

Этиологияси. Қўзғатувчиси плазмодийларнинг уч кунлик, тўрт кунлик ва тропик безгакнинг турлариidir. Безгак паразитлари икки йўл: жинссиз, яъни одам организмида (шизогония) ва чивин организмида жинсий йўл билан кўпаяди (спорония).

Эпидемиологияси. Безгакка учраган бемор паразит ташувчи инфекция манбаидир. Одам ва уй ҳайвонлари қони билан озиқланадиган ва тухумини кичик-кичик илиқ сув ҳавзаларига қўядиган урғочи чивин касаллик тарқалишига сабаб бўлади.

Касаллик ўтгандан сўнг одам организмида узоқ давом этмайдиган беқарор иммунитет ҳосил бўлади. Касалликка табиий берилувчанлик бошқа касалликлар кабидир.

Патогенези. Одамни чивин чаққанда қўзғатувчи қонга спорозоитлар кўришишида тушади. Спорозоитлар эритроцитларга ўтиб, жинссиз ривожланиш босқичига ўтади ва безгак хуружларига сабаб бўлади. Жинсий ривожланиш босқичида чивин меъдасида *Apophylax* натижада ҳосил бўлган спорозитлар чивиннинг сўлак безларига ўтади, чивин одамни чаққандан кейин у одамнинг қонига ўтиб, касаллик тарқатади.

Клиникаси. Касалликнинг инкубацион даври 10—14 кун. Қисқа продромал даврдан сўнг, титроқ, эт жунижиши билан бошланадиган типик безгак хуружи пайдо бўлади; ҳарорат 40—41°C гача кўтарилади, думғазада оғриқ пайдо бўлиб, бемор қайт қиласади. Иситма 6—8 соат ўтгандан сўнг, тезда пасаяди, бемор терлайди.

Кейинги хурож биринчи хурож бошланишига нисбатан 48 соатдан (уч кунлик безгакда) сўнг ёки 72 соатдан сўнг (тўрт кунлик безгакда) бошланади. Жигар, айниқса талоқнинг катталашиши безгак учун ҳос белгилардир. Тропик безгак касалликнинг бирмунча оғирроқ тури ҳисобланади.

Касалликда иситма хурожи қисқа ёки давомли (2—12 соат) бўлиши мумкин. Лаб терисида герпетик тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Периферик қонда, айниқса ёш болаларда эритроцитлар сони камайиб, гемоглобин миқдори тушиб кетади, турли қўринишдаги лейкопения юзага келади, моноцитоз пайдо бўлади.

Тропик безгакда тана ҳарорати безгакнинг бошқа хилларидағи каби баъзан узоқроқ давом этиши, меъдичак ва буйрак фаолиятининг бузилиши талваса, коматоз ҳолатлар туфайли билинмаслиги мумкин. Баъзан ҳа деганда босилмайдиган диарея, қориндаги оғриқлар, ўткир аппендицит юзага келиши мумкин. Қайта-қайта хурожлардан кейин жигар ва талоқнинг, терининг енгил субктериклиги қайд қилиниши мумкин. Касаллик оғир кечган ҳолларда нефротик синдром юзага келади.

Безгак комаси касалликнинг энг оғир асоратларидан ҳисобланади.

Ташхиси. Эпидемиологик маълумотлар, касалликнинг клиник манзараси ва қонда паразитлар қон томчиси ва юпқа суртма ёрдамида аниқланади.

Тропик безгакда, дастлаб паразитнинг фақат ҳалқасимон тури аниқланади. Гаметоцитлар 10 кун ўтгандан сўнг юзага чиқади. Безгак плазмодийлари касалликнинг турли босқичларда 20 фоиз эритроцитларда учрайди. Бу касалликни грипп, тиф-паратифоз касалликлар, сил, сепсис, бруцеллёз ва бошқа хасталиклардан ажратади.

Давоси. Безгакка қарши хингамин, делагил, хлорохин, примахин, хинин, хиноцид сульфат (миқдори ёшга қараб) каби махсус препаратлар қўлланади. Хиноцид уч кунлик ва тўрт кунлик безгакдан батамом тузалишга ёрдам беради.

Профилактикаси. Инфекция манбаларини заарсизлантириш, яъни шу касаллик билан оғриган беморларни мунтазам ва узоқ (касалхонада) даволашдан, касалликни ташувчи чивинлар ва гижжаларни йўқотишдан иборат.

МЕНИНГОКОКК ИНФЕКЦИЯСИ

Уни менингококк келтириб чиқаради ва назофарингит, йирингли менингит ва менингококкемия ҳолида на-моён бўлади.

Этиологияси. Менингококклар грамманфий, жуфт-жуфт жойлашган, диаметри 0,6—0,8 мкм бўлган микроборганизмлардир. Улар иссиқлиги 35—37°C бўлган аэроб шароитли муҳигларда ўсади.

Менингококклар ташқи муҳитда 55°C да жуда тез 5 дақиқа ичида ҳалок бўлади. Дезинфекция восита-рига ва антибиотикларга (пенициллин, левомицетин ва тетрациклин) жуда сезувчандир. Улар тузилишига кўра қатор серотипларга (ABCDX) бўлинади.

Эпидемиологияси. Касалликнинг ҳар хил турларига учраган беморлар ва соғлом менингококк ташувчилик касаллик манбаидир. Назофарингит белгилари бўлган беморлар энг хавфли ҳисобланади. Касаллик манбаида инфекция ташувчилик соғлом одамларнинг 20—30 фоизида кузатилади. Соғлом ташувчаникнинг муддати 2—5 ҳафтагача чўзилади. Инфекция асосан ҳаво-томчи йўли билан юқади. Бу касалликка кўпинча мактабгача ёшдаги болалар чалинадилар. Касалликнинг энг кўпай-ган даври қиши-баҳор ойларига тўғри келади.

Патогенези. Инфекция организмга юқори нафас йўллари орқали тушади. Менингококкларнинг кўпинча нафас йўлларида топилиши катта ўзгаришларга олиб келмайди (менингококк ташувчаник). Инфекция билан зарарланган беморларнинг 10—15 фоизида ўткир назофарингит ривожланади, менингококк баъзи турлардагина маҳаллий, тўсиқлардан ошиб, қонга ўтади ва турли аъзо ва системаларнинг заарланишига (менингококкемияга) олиб келади. Баъзи инфекция мия пўстлоғида жойлашиб, цереброспинал менингитни келтириб чиқаради. Менингитда асосан миянинг юмшоқ ва ўргимчак тўрсимон қобиқлари зарраланади. Ўзгаришлар мия асосида, мия яримшарларининг олдинги юзасида ва орқа мия пўстлоғида учрайди. Экссудат нейтрофил тутган ҳолда йирингли характерда бўлади.

Касалликка қарши даво қилинмаганда ёки яхши даволанилмаганда экссудат ўринида ликворнинг айланишига тўсқинлик қиласидиган биритирувчи тўқима ҳосил бўлади. Гидроцефалия ривожланиши мумкин. Касаллик тўғри даволангандага экссудат из қолдирмай бутунлай ўйқолиб кетади.

Менингококк инфекцияси патогенезида касалликнинг оғир септик турларида учрайдиган токсемиянинг ақамияти катта. Бу ҳолда кўплаб миқдорда менингококкларнинг парчаланиши туфайли юзага келадиган, токсемияга асосланадиган инфекцион токсик шок ривожланади. Эндотоксинлар микроциркуляцияни бузади, натижада қон томирлар ичида қон ивиб, моддалар алмашинуви бузилади. Токсикоз натижасида церебрал гипертензия синдроми билан мия шишиб, нафаснинг фажлланиши туфайли ўлим юз бериши мумкин.

Клиникаси. Инкубацион давр 2 кундан 10 кунгacha (ўрта ҳисобда 2—4 кун) давом этади. Менингококк инфекцияси турли клиник кўринишларда намоён бўлади. Бу касаллик локал кўринишида (менингококк ташувчилик, назофарингит) ва генераллашган турда (менингококкемия, менингит, менингоэнцефалит) кечиши мумкин. Касаллик кечишига қараб енгил, ўртача оғир ва оғир турларга бўлинади.

Ўткир назофарингитда ҳарорат бир оз ($38,5^{\circ}\text{C}$) кўтарилиб, 1—3 кун давом этади, умумий интоксикация белгилари юзага чиқади (беҳоллик, бош оғриғи, бош айланиши, томоқ қичиши, қуруқ йўтал ва ринофарингит, гиперемия, лимфоид фолликуляр гиперплазия билан ютқин орқа деворининг шишиши). Гўдак ёшидаги болаларда кўпинча бодомча безлари ва юмшоқ танглай шиллиқ қавати гиперемияси кузатилади.

Бемор 3—7 кун давомида тузалади. Баъзи ҳолларда инфекциянинг генерализацияси рўй бериши мумкин.

Менингококкемия. Ўткир бошланади, лекин назофарингит кўринишида проромал кечиши ҳам мумкин. Бунда bemornining эти жунжикади, қаттиқ боши оғрийди, мушак ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлади, қайт қилади, иситма бирданига ошади. Бу касалликка хос бўлган симптомлардан — пушти папулёз геморрагик тошмалар ҳисобланади. Тошмалар нотўғри юлдуз шаклида бўлиб, уларнинг тариқдек ва диаметри бир неча сантиметрга борадиган хиллари ҳам учрайди. Кўпинча бармоқларга, думбага, гавданинг ён сатҳига тошма тошади.

Пушти папулёз элементлар 1—2 кундан кейин ному нишонсиз йўқолиб кетади, майда геморрагиялар пигментланади, йириклари кўпинча касалликнинг биринчи кунлариданоқ некрозга учрайди, кейин пўстлоқ билан қопланади. Кулоқ чиганоқларида, бурунда, қўл, оёқ бармоқлари ва товоңда некроз ва қуруқ гангрена юз бериши мумкин.

Қасалликнинг биринчи кунлариданоқ ранг оқариши, тери қопламларининг қуруқлашиши, тилнинг караш боғлаши, чанқаш, иштаҳанинг йўқолиши, юракнинг бўғиқ уриши, тахикардия, артериал босимнинг камаши каби расмана интоксикация белгилари кузатилади. Сероз ва йирингли моно ва полиартритлар қайд этилади. Қон манзараси лейкоцитознинг яқъол билиниши, нейтрофилнинг силжиши, анэозинофилия, ЭЧТ ошиши билан характерланади.

Менингококкемиянинг оғир тури инфекцион-токсик шок билан кечиши мумкин.

Сурункали менингококкемия қасалликнинг кам учрайдиган тури бўлиб, иситма пайдо бўлиши ҳам изоҳланади, терига тошма тошиши, бўғимлар заарланиши, эндокардит ҳодисалари кузатилиши мумкин.

Менингит. Қасаллик эт жунжикиши, иситманинг сезиларли кўтарилиши ($38-40^{\circ}\text{C}$), бош оғриши, бош айланиши, қайт қилиш каби ҳолатлар билан ўткир бошланади. Бу қасалликка қўзғалувчанлик, алаҳсираш, тинка қуриши, қулоқнинг битиб қолиши кабилар хосдир. Эс-ҳуш бутунлай йўқолиши мумкин. Шунингдек, иижиқлик, ёргулар ва товушга юқори сезувчанлик каби белгилар ҳам шу қасалликка хосдир. Менингит симптомлар эрта пайдо бўлади, бунда бўйин мушакларининг ригидлиги, Керниг — Брудзинский, симптомлари аниқланади. Кўпинча бемор ўзига хос кўринишда бўлади, масалан, бошини орқага ташлайди, тиззаларини қорин томонга тортиб олади. Бош мия нервларидан кўпроқ кўриш, кўзни ҳарақатга келтирувчи, эшитиш ва юз нервлари заарланаади. Томир уриши қасалликнинг бошлангич даврида тезлашиб, калла ичи босими ошганда баъзан писбий брадикардия қайд қилинади. Болаларда кўпинча ич кетади. Беморлар қонида чапга силжиган нейтрофилёз билан лейкоцитоз кузатилади, ЭЧТ ошади. Қасалликнинг биринчи соатларида ликвор тиниқ ёки озгина хирароқ, кейин буткул хидалашган, охирида йирингли бўлади. Мия суюқлиги чўкмасидан олинган суртмани метил кўки билан бўяганда менингококк аниқланади. Кўпчилик полинуклеарлар бўлган шаклли элементлар 1 mm^3 да бир неча мингга кўпайиши мумкин. Оқсил 1—3 фоиз кўпаяди. Қасаллик чўзилиб кетганда шаклли элементлар миқдори камаяди, оқсил эса ошади. Ликворда шакар моддаси ва хлоридлар камайиб кетади. Орқа мия суюқлиги босими қасалликнинг ўткир даврида кескин ошади. (400—600 мм сим. уст.).

Бир ёшгача бўлган гўдак болаларда менингитнинг ўзига хос хусусиятлари. Уларда менингитнинг одатдаги белгилари қайд этилмайди. Бу организм реактивлигигининг ўзига хос бўлиши туфайли касалликни аниқлашда анча қийинчиликлар түғдиради ва шу ёшдаги касаллар ўртасида юқори леталликка сабаб бўлади. Касаллик ўткир бошланиб, бола бесаранжомланади, қичқиради, овқатланишдан бош тортади, инжиқлик қиласди, уйқуси бузилиди, қўёли қалтирайди. Кейин бунга талваса, ҳарорат кўтарилиши, қайта-қайта қайт қилиш, лиқилдоқнинг шишиши қўшилади. Бола вақти-вақти билан қичқириб қўлинни боши томон чўзади. Яққол гиперестезия (тонуснинг юқори бўлиши) ва турғун дермографизм юзага келади. Бола бошини орқага ташлаши менингитнинг энг биринчи симптомларидан ҳисобланади. Шуни эсда тутиш керакки, З ойликкача бўлган болаларда мушак тонуслари физиологик жиҳатдан анча юқори бўлади. Бу бўйин мушакларининг ригидлигига ва Керниг симптомига ўхшаб кетиши эҳтимол.

Натижада кўплаб суюқлик йўқотиш билан церебрал гемодинамиканинг бузилиши юзага келади. Баъзи ҳолларда қайт қилиш ва диарея ҳисобига церебрал синдроми пайдо бўлади. Лиқилдоқ қимирламай қолади, мушак тонуси пасаяди, менингеал симптом йўқолади. Пай рефлекслари пасаяди. Бемор озиб-тўзиб кетади, кўзлари ич-ичига кириб кетади, тери қуруқлашади. Бола атрофдагиларга бефарқ бўлиб қолади ёки кома юз беради. Қалла ичи босими кескин тушиб (церебрал коллапс) кетади. Пункция қилингандай ликвор кам-кам томчилайди. Церебрал гипотензия синдроми ҳаддан ташқари дегидратация (сувсизланиш) оқибатидир. Бу ҳол катта ёшдаги болаларда камроқ кузатилади.

Менингитнинг атипик турлари. Антибактериал воситаларнинг кўплаб амбулатория усулида қўлланиши касаллик антипик турларининг кўпайишига олиб келади. Касаллик субфебрил ёки нормал ҳарорат, кучсиз интоксикация билан айтарли ўткир кечмаслиги мумкин. Менингеал симптомлар ўртacha бош оғриғи ва онда-сонда қайт қилиш билан кечроқ пайдо бўлади. Бу касаллик боллаларда тўлқинсимон кечади: қатор ҳолларда менингоэнцефалит, вентрикулит пайдо бўладики, бўй касалликларга антибактериал терапия унчалик таъсир қилмайди.

Менингококкли менингоэнцефалит — менингеал симптомлар, эс-ҳушнинг узоқ вақт бузилиши, титроқ синдромлари, турғун ўчоқли симптомлар, бош мия нерв-

лари, құл-оёқ парези, мия пүстлөғи остиң заарланиши, рұхий бузилишлар билан харakterланади.

Касалликка үйқучанлық, рұхиятнинг бузилиши, мушакларнинг юқори тонуси, гидроцефалия симптомларининг ривожланиши хосдир.

Касалликкынг аралаш тури бирмунча қўпроқ учрайди. Менингококкемиянинг клиник намоён бўлиши менингит ёки менингоэнцефалит билан бирга қўшилиб кетади.

Асоратлари. Уотерхауз — Фридериксен синдроми, инфекцион-токсик шоқ, бош миянинг ўткир шишуви, қўрув, эшитув нервлари ҳамда неврити ва бошқалар.

Ташхиси. Менингококкли инфекцияга клиник-эпидемиологик маълумотларга асосланиб ташхис қўйилади. Лаборатория ташхиси учун текширишнинг қўйидаги маҳсус усулларидан фойдаланилади. Ликвор ва қонни бактериологик (бактериоскопия) ВИЭФ усули, антителоларни аниқлаш учун ПГАР текшируви, носпецифик текшириш усулларидан қон ва ликворни умумий анализ қилиш.

Дифференциал ташхиси. Менингококкли назофарингитни грипп ва бошқа шамоллаш касалликлари билан, шунингдек, қизамиқнинг продромал, қўйўталнинг катарал даврлари, вирусли гепатит (сариқолди катарал варианти) дан фарқ қилинади.

Менингококкемияни геморрагик иситма, гриппнинг геморрагик тури, тошмали тиф, сепсис, қизамиқ, қизилча, иерсиниоз, дори-дармондан келиб чиқадиган токсик-аллергик дерматитлар ва геморрагик диатезлар (Верльгоф касаллиги, геморрагик васкулитлар) дан фарқ қила билиш зарур.

Менингококкли менингитда дифференциал ташхис менингококкли этиологиясиз йирингли менингитлар, серозли (юқумли паротит, бактериал қорин тифи, сил ва бошқ.) менингитлар, субарахноидал қон қўйилиши, менингизм ҳолатлари билан ўтадиган ўткир юқумли касалликлар, талвасали синдромлар, этиологияси турлича бўлган касалликларга асосланиб ўтказилади.

Давоси. Назофарингит билан оғриган беморлар эпидемиологик-клиник кўрсатмаларга мувофиқ касалхонага ётқизилади. Симптоматик терапия ўтказилади. Ифодаланган интоксикацияда ва иситмада 3—5 кун давомида ёшга қараб левомицетин ёки рифампицин берилади. Оғиз, ютқин бўшлигини тозалаб туриш тайинланади.

Менингококк инфекциясининг генерализациялаиган турларига учраган беморлар зудлик билан, албатта касалхонага ётқизіләди. Уй шароитида пенициillin ёки левомицетин, сукцинатнинг бир марталик миқдорни юбориш лозим. Шунингдек, преднизолон (0,5—1 мг/кг), менингит белгилари бўлганда лазикс (0,5—1 мг/кг) юборилади. Этиотроп препаратлар сифатида (300—500 ТБ/кг) бензилпенициллин ишлатилади. Антибиотик бактериоцид таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлгани учун интоксикацияни кучайтириши мумкин. Шунинг учун касалликнинг оғир турларида бемор инфекцион-токсик шок билан оғирлашган ва мия шишигандан левомицетин-сукцинат ишлатган маъқул. Левомицетин бактериостатик таъсир кўрсатганидан унинг клиник таъсирчанлиги пенициллин билан даволанганга қараганда бир сутка кечикиб билинади.

Менингококкемия (менингитсиз) билан оғриган беморларда антибиотикотерапия 4—5 кун, менингитда 5 кундан 10 куи, менингозефалитда 10—14 кун давомида олиб борилади. Антибиотикларни беришни тўхтатиш учун ликворни текшириш маълумотлари (лимфоцитлар камидаги 80 фоиз бўлганда цитоз 0,1 г/л дан кам) кўрсатма бўла олади.

Токсикозга қарши курашиб учун электролит балансини ҳисобга олган ҳолда, етарли миқдорда суюқликлар ичиш, венага полиглюкин, тузли, эритмалар, гемодез, пазма, альбумин зардобини юбориш зарур. Шу билан бир вақтда дегидратация лазикс, фуросемид, диакарблар билан ўтказилади. Кўрсатмалар бўлганда юрак дорилари, аналгетиклар, седатив воситалар, талвасага қарши дорилар тайинланади.

Менингококк инфекциясининг ўтқир даврида микрокиркуляцияни яхшилаш учун ёшга боғлиқ миқдорда венага трентал ишлатиш мумкин.

Инфузион терапия касалликнинг оғирлашмаган турларида ўрта ҳисобда 1—3 кун, оғир турларида 5 кун қилиниб, кейин перорал қабулга ўтилади.

Менингококк инфекцияси билан оғриган беморларни яхшилаб парваришлаш, санитария-гигиена режимини тўғри уюштириш, витаминаларга бой тўйимли овқатлар бериш зарур.

Профилактикаси. Беморлар иложи борича эрта аниқланади ва ажратиб қўйилади.

Уй шароитида bemor билан алоқада бўлган шахслар, болалар муассасаларига қатнайдиган болалар ва у ерда ишлайдиган шахслар жамоага тиббиёт кўригиги-

даи ва манфий натижали бактериологик текширув ўтказилгандан кейингина қўйилади.

Касалликнинг генерализациялашган тури ва назо-фарингит билан оғриган bemорларни менингококк ташувчанликка бактериологик тўла текшириб, улар клиник жиҳатдан бутунлай соғайгандан кейингина касалхонадан чиқарилади.

Менингококк инфекцияли реконвалесцентлар болалар муассасаларига, мактабга, мактаб-интернатга, санаторийга ва ўқув юртларига бактериологик текшириш натижаси манфий бўлгандагина қўйилади. Бу текшириш bemор касалхонадан чиққандан 5 кун ўтгач ўтказилади. Менингококкнинг генерализациялашган тури билан оғриган bemорларни улар тузалгандан 6 ой, менингококкли назофарингит билан оғриган bemорларни 2 ой, ташувчиларни 1 ой ўтгандан кейингина эмланади.

Менингококк ташувчи болалар аниқлангандан кейин улар санация ўтказиш мақсадида мактабгача болалар муассасаларига қўйилмайди. Менингококк ташувчилар аниқланганда, улар уйда ёки шу мақсад учун ажратилган поликлиникалардаги маҳсус бўлимларда санация қилинади. Бунда катталарга 0,5 мг дан 4 кун давомида амициллин ва левомицетин берилади, болаларга эса худди шу препаратлар ёшига қараб бериладиган миқдорларда тайинланади.

Бактерия ташувчиларга санация мақсадида 2 кун давомида ҳар 12 соатдан 0,3 мг дан рифамицин тавсия этилади. Бактерия ташувчилар қандай препарат қабул қилганларидан қатъи назар санация курси ўтказилгандан 3 кун ўтгач, бактериологик текширувдан ўтказилади, текшириш натижаси манфий бўлгандагина, улар жамоа орасига қўйилади.

Ўчиқларда якунловчи дезинфекция ўтказилмайди. Хонани ҳар куни ҳўл латта билан артиб чиқилади ва шамоллатиб турилади. Ультрабинафша нурлар ва бактерицид лампалар билан нурлантирилади.

Махсус профилактика. А ва С серогуруҳга мансуб менингококк вакцинаси менингококк ўчиқларида профилактика ва шошилиш профилактика мақсадларида қўлланади. Вакцинация профилактика мақсадида эпидемик ноқулай бўлиб қолган майдонларда (100000 аҳолига 2,0 касал тўғри келса) ўтказилади. Бунда 1 ёшдан 7 ёшгacha бўлган ҳамма болалар, олий ўқув юртларининг биринчи курс талабалари, болалар уйига янги қабул қилинган болалар, мактаб-интернатларнинг биринчи синф ўқувчилари ҳам эмланади. Касалланиш

100000 кишига 20,0 тадан ошиб кетган ҳолларда 20 ёшгача бўлган ҳамма аҳоли эмланиши керак.

Шошилинч профилактика мақсадида менингококк инфекциясининг генерализацияланган турига учраган бемор аниқланганда, 5 кун мобайнида эмлаш ўтказилади.

Иккиласми эмлаш худди ўши шахсларга З йилда камида бир марта ўтказилади. Эмланган жамоаларда карантин тийинланмайди. Бу ерда, шунингдек, бактериологик текширув ва иммуно-профилактика 1 ёшдан катта болаларда ҳам ўтказилмайди.

ИНФЕКЦИОН МОНОНУКЛЕОЗ (MONONUCLEOSIS INFECTI), ФИЛАТОВ ҚАСАЛЛИГИ

Иситма, генерализацияланган лимфаденопатия, тонзиллит, жигар ва талоқнинг шишуви ва гемограммадаги ўзгаришлар билан кечадиган ўткир юқумли қасаллик. Хасталик асосан болаларда ва ўсмирларда учраб туради.

Этиологияси, эпидемиологияси ва патогенези. Қасаллик қўзғатувчи Эпштейн — Бар вирусидир. Вирус В лимфоцитларга нисбатан тропизм хусусиятига эга. Инфекция оғиз-бурун орқали юқади ва унча юқумли бўлмайди. Қасаллик асосини ретикуло-гистиоцитар тўқима (лимфа тугуллар, жигар, талоқ), генерализацияланган гиперплазия ташкил этади ва у қондаги ўзгаришлар билан характерланадиган қатор клиник симптомлар билан кечади.

Клиник-гематологик манзараси. Қасаллик ўткир бошлиниади, иситма кўтарилиб, бош оғрийди. Юқори нафас ўйларида катарал ўзгаришлар кузатилади. Периферик лимфа тугуллари (айниқса орқа томонда) озгина катталашиган, тўлган сал оғриқ беради. Талоқ ва жигар гиперплазияси кузатилади. Қонда лейкоцитоз (10—30 минг), кўп миқдорда лимфоцитлар, лимфоменоцитлар ва плазматик ҳужайралар қайд этилади. Анемия камдан-кам аниқланади. Тромбоцитлар сони нормал ёки озгина камайган, сук илиги манзараси ўзгармаган. Лимфоид ва моноцит ҳужайралари оз-моз учрайди.

Ташхиси. Клиник-гематологик маълумотлар ва қасалликнинг 12—14-кунларида қўйиладиган мусбат серологик (титри 1:40, 1:80) реакцияларига асосланади. Шубҳали ҳолларда дифференциал ташхис катта аҳамиятга эга. Сук илиги текширилганда ўткир лейкоз

касаллигыда учрайдиган бластметаплазия аниқланмас-
лиги шу касалликдан дарак беради. Шу билан бирга
ангина, ҳалқум бўшлиғининг локализациялашган диф-
терияси, вирусли гепатит (сариқ тури), қизамиқ, шу-
нингдек, бошқа қон касаллклари, генерализацияланган
лимфоаденопатия билан дифференциал ташхис қили-
нади.

Кечиши. Касаллик 3—4 ҳафта давом этади. Хаста-
лик қайталанганда 3—6 ойгача чўзилиб кетиши мумкин.
Қондаги ўзгаришлар 1—1,5 йил мобайнида сақланиб
туриши мумкин.

Давоси. Симптоматик даво қилинади. Оғир ҳоллар-
да антибиотиклар (тетрациклин, пенициллин) тайин-
ланади. Геморрагик ва гемолитик даво, асоратлари
бўлганда гавда массасига 1, 1,5 мг/кг дан преднизолон
(қисқа курсларда) буюрилади.

Прогнози. Бемор батамом тузалиб кетади.

ОРНИТОЗ, ПСИТТАКОЗ (ORNITHOSIS, PSITTACOSIS)

Бу ўткир юқумли касаллик бўлиб, хламидоз гуру-
ҳига мансуб қўзғатувчилар одамга шу инфекцияга ча-
линган қушлар орқали ҳаво-томчи йўли билан юқади.
Пситтакоз — орнитоз касаллигининг тўтилардан тарқа-
ладиган туридир.

Этиологияси. Орнитоз қўзғатувчиси микроорганизм-
ларнинг алоҳида хламидозалар (орнитоз қўзғатувчиси
гуруҳи — лимфагранулемалар — трахомалар) турига
mansub. Қўзғатувчи риккетсиялар ва вируслар оралиғида
жойлашган. Бу пича каттароқ бўлган ҳужайра ичидағи
паразитдир. Эфир ва антибиотикларга, тетрациклинига
сезгир, лабиллик билан юзага чиқади ва токсиген хусу-
сиятга эга.

Эпидемиологияси. Орнитоз ўчоқли табиатга эга бўл-
ган зоонозлар гуруҳига киради. Қушлар инфекция ман-
бай бўлиб ҳисобланади. Бу қўзғатувчи одатда қушлар-
нинг ахлати билан ташқи муҳитга ажралади.

Касаллик асосан аэроген ҳаво йўли билан тарқа-
лади. У одамга аксари паррандалардан (ўрдак ва кур-
ка, айниқса каптарлардан, ярим ёввойи, ёввойи каптар-
лардан, тўтиқуш ва канарейкалардан), шунингдек,
бошқа ёввойи қушлардан ҳам юқиши мумкин.

Орнитозга учраган bemor организмидаги қўзғатувчи
умуман юқмаслиги туфайли атрофдагиларга айтарли
ҳавф туғдирмайди.

Патогенези ва патологик анатомияси. Орнитознинг қўзғатувчиси асосан бронх ва бронхиал эритемийларни, ретикулоэндотелий, лимфоид тўқималар ва ўпкани зарраган ҳолда ҳужайра ичида ривожланади. Натижада ҳужайра ёрилади ва қўзғатувчи қонга ўтиб, вирусемия, токсемия ва организмдаги аллергик ўзгаришларга сабаб бўлади. Шундан кейин қўзғатувчи паренхиматоз аъзоларга диффузия орқали ўтади. Бунга ўпка ва бронхлардаги иккиламчи микрофлора қўшилиб, аралаш вирусли бактериал жараён ривожланади. Қўзғатувчи ретикулоэндотелий ҳужайраларида ушланиб қолиши, кейин яна қонга ўтиб, касалликнинг қайталанишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу касалликдаги ўзгаришлар бронх томир характеристида бўлади ва интоксикация бартараф қилингандан кейин ҳам анча сақланиб туради. Бунда беморларнинг бир қисмида қолдиқ интерстициал яллиғланиш ҳолатлари рўй беради.

Мурдани ёриб кўрилганда катарал трахеобронхитни, қисмларга бўлинган ателектаз ва қўйилиб қолган зотилжам фокусларини кўрса бўлади. Улар кулранг, кулранг-қизғиш ва бинафша рангда бўлади ва ўпканинг нормал тўқимасидан кескин чегараланиб туради. Плевра камдан-кам ҳолларда заарланади.

Клиникаси. Касалликнинг инкубацион даври 7—20 кун, кўпинча 7—10 кун, камдан-кам 3—5 ёки 30 кунгача чўзилган бўлади. Хасталик деярли доим ўткир, бадан увишиши, бош ва мушаклар оғриши, иситма кўтарилиши ва кўплаб терлаш билан бошланади. Фақат bemорларнинг бир қисмидагина (касалликнинг яширин даврида) умумий ҳолсизлик, кўнгил айниши, 2—4 кун давом этадиган бўғимлардаги оғриқ қайд этилади. Ҳарорат тезда 38—39°C гача кўтарилади ва ремиттирловчи, оғир ҳолларда эса доимий характерда бўлади. Касаллик енгил кечганда ҳарорат субфебрил ва қисқа (2—3 кун) бўлади.

Хасталикнинг дастлабки кунларида бош оғрифи, умумий лоҳаслик, мушак ва бўғимларда, белда кескин оғриқ, дармонсизлик, уйқусизлик, томоқда оғриқ, қуруқ йўтал аниқланади.

Юз одатда гиперемияланган, кўз склералари ва конъюнктивасига қон қўйилган, ҳалқум қизарган бўлиб, тоңзиллит кузатилади.

Касалликнинг 3—4- кунида, баъзи bemорларда розеолез ёки папулёз тошмалар пайдо бўлади. Касалликка бронх ва ўпканинг шикастланиши хосdir.

Касалликнинг 2—3- кунидан бошлаб беморларни құруқ йўтал, ларингит ва айниқса трахеобронхит безовта қиласди. Беморда пневмония касалликнинг 5—7- кунидан бошлаб пайдо бўлади ва 8—12- кунига келиб авжига чиқади. Пневмония нафас қисиши, перкутор товушнинг қисқарганлиги, нафаснинг юза бўлиши, ўпканинг қуи қисмида, кўпинча ўнг томонида яккам-дуккам хириллашларнинг эшитилиши билан таърифланади. Бундай ҳолат касаллик қайталаётганида, тана ҳарорати нормал бўлганда ҳам кузатилиши мумкин. Касалликнинг 8—10- кунларида ҳарорат юқори бўлиши билан бирга йўтал кучаяди, балғам пайдо бўлади (баъзан қон аралаш), нафас қисиши, цианоз, эт жунжикиши, ўпкада эса бир қадар ифодаланадиган пневмония белгилари қайд этилади. Бу bemорларнинг балғами ва қонида патоген микроблар — асосан стафилококклар кўпайганини билдиради. Бунда абсцесс ҳам вужудга келиши эҳтимол.

Орнитозда ингертициал, кичик ўчоқли зотилжам юзага чиқиши мумкин. Бу касалликнинг ҳамма турларида бронх томир илдизининг кенгайганлигидан далолат беради, баъзи ҳолларда бифуркацион лимфа тугунлари катталашган бўлади. Ўчоқли жараёнлар вирус-бактерияли пневмонияларга хосдир. Ўпкадаги, айниқса ингертициал ўзгаришлар bemор тузалгандан кейин ҳам узоқ вақт сақланиб қолади. Рентгенда текширилганда сурат тўрсимонлиги bemор тузалгандан бир неча ой ва йил ўтгандан сўнг ҳам сақланиб қолади.

Юрак-томир системасидаги ўзгаришларга касаллик тузалаётгандаги иккиласми инфекция қўшилганида вужудга келадиган тахикардия билан алмашадиган брадикардиянинг асоратсиз ҳоллари хосдир. Лекин болаларда касалликнинг биринчи кунлариданоқ тахикардия қайд этилади. Кўпчилик bemорларда артериал босим тушиб кетган бўлади. Касаллик ўртача ва оғир кечәётган bemорларда юрак тонининг бўғиқлиги, систолик шовқинининг пайдо бўлиши аниқланади, ЭКГ да Т-тишчасининг икки босқичлиги, S-T интервалининг чўзиқлиги юракнинг токсик-диффуз шикастланганлигидан дарак беради. Токсик-аллергик характердаги миокардитлар эҳтимолдан ҳоли эмас. Меъда-ичак йўлида қуидаги ўзгаришлар юз беради: bemорнинг иштаҳаси пасяди, кўнгли айнийди, ичи кетади, қайт қиласди. Тил йўғонлашган, кулранг караш билан қопланган, четлари тоза, тишлар ўрни билиниб туради. Қорин юмшок, оғриқсиз. Жигарнинг катталашганлиги деярли ҳамма

беморларда кузатилади, талоқ эса bemорларнинг ярмида шишган бўлади.

Сийдик-таносил системасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди.

Нерв системаси у ёки бу даражада деярли ҳамма bemорларда заарланган бўлади. Бу касалликнинг кўпроқ учрайдиган симптомларидан — бош оғриғи, ҳолсизлик, уйқусизлик, адинация, бўшашиш, оғир ҳолларда депресивлик, алаҳсираш, эс-хушнинг йўқолиши, руҳий мотор қўзғалиш, бесаранжомлик, кўриш қобилиятининг қисқа вақт тушиб кетиши ҳисобланади. Қисқа вақт қулай кечадиган менингизм, ҳатто сероз менингизм ҳолатлари рўй бериши мумкин.

Касаллик кечишига қараб, гриппга ўхаш, пневмотик, тифоид ва менингеал турларга бўлинади, кўпинча дастлабки иккитаси учрайди. Касаллик оғир, ўртача оғир, ёнгил, яширин турларда кечади. Енгил ва яширин кечеётган касалликни аниқлаш қийин бўлгани учун унга кўпинча грипп, юқори нафас йўллари яллигланиши, ўткир респиратор касаллик каби ташхис қўйлади. Қўпинча касаллик яхши тузалиб кетмаган ҳолларда у қайталаниши мумкин. Касаллик эрта (ўткир шаклидан 2—4 ҳафта ўтгандан сўнг) ва кеч (3—6 ойдан сўнг) қайталаниши мумкин. Хасталик сурункали кечиши мумкин.

Ҳамма bemорлар ҳам батамом тузалиб кетмай, (орнитознинг сурункали тури), баъзиларда астеновегетатив кўринишдаги камчиликлар, нафас йўллари ва ўпканинг сурункали яллигланиш жараёнларини, ўчоқли пневмосклерозни қайд этиши мумкин.

Асоратлар камдан-кам бўлади, овоз тутамларининг фалажланиши, полиневритлар, радикулит, тромбофлебит, паротит, коллапс, шунингдек, энцефалитлар, миокардлар ва иккиласмчи стафилококк жараёнларининг ўчоқлигидан тортиб, то генерализацияланганигача асоратларга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ташхиси. Гуруҳли касбга алоқадор бўлган орнитозга ташхис қўйиш қийин эмас. Спорадик касалликларни аниқлаш бирмунча қийинчилик туғдиради. Симптомсиз орнитоз айрим bemорларни яхшилаб текшириш натижасидагина аниқланади. Касалликнинг ўткир бошланиши, иситма кўтарилиши, эт увишиши, кўп-кўп терлаш, пульмонал синдром, нерв системасининг менингеал симптомларигача шикастланиши орнитознинг клиник белгилари ҳисобланади.

Ташхис қондан, балғамдан, бурун-ҳалқум ювинди-

ларидан, плеврал суюқлигидан (летал ҳодисалар бўлганда), аъзоларнинг бир бўллагидан олинган вирусга қараб қўйилади. Вирус беморнинг қонида биринчи 2 ҳафта давомида, балғамда ва бурун-ҳалқум ювингдисида эса касалликнинг 26-кунига қадар аниқланади.

Орнитоз антигенларининг КБР ва ГАТР кўрсаткичлари титри манфийдан 1:64—1:128 гача ошиб бориши билан биринчи ҳафтанинг охири ва иккинчи ҳафтанинг бошларига бориб мусбат бўлиб қолади.

КБР учун диагностик титр 1:16, ГАТР учун эса — 1:512 ва ундан юқори ҳисобланади.

Иммунофлюоресцент усули. Бунда тери остига орнитоз аллергенлари билан қилинадиган синама муҳим аҳамиятга эга. Реакция касалликни аниқлашда 97,5% мусбат бўлади. Мусбат реакция 2—3 йил, касалликнинг сурункали турида эса 3—5 йил ва ундан ортиқ сақланаб қолади.

Дифференциал ташхиси. Орнитозни грипп, парагрипп, аденоовирус ва бошқа вирусли респиратор касалликлари, турли этиологияли зотилжам, шунингдек, тифлар Кү-иситмаси, туляремия, бруцеллёз, юқумли мононуклеоз, ўпка сили, менингит касалликлари билан дифференциал ташхис қилинади. Ташхис эпидемиологик анамнез маълумотлари ва бемордан олинган материални лаборатория усулида текширув натижасига қараб қўйилади.

Давоси. Беморларни даволашда касалликнинг этиологияси ва патогенетicasига асосланилади. Бунда касаллик қўзғатувчисига бактериостатик таъсир этадиган қатор антибиотиклар тайинланади. Вирусли-бактериал зотилжамларда, айниқса тетрациклинга чидамли флоралар бўлган ҳолларда антибиотиклар комплексидан фойдаланилади (антибиотиклар характеристи антибиотикограммага биноан танланади).

Беморга яллигланишга қарши десенсибилизацияловчи воситалардан пипольфен, супрастин, димедрол, одатдаги миқдорда 5—7 кун давомида ацетилсалацил кислота, шунингдек, витамин препаратлари, юрак-гомир воситалари, дезинтоксикация эритмалари, оксигенотерапия, касаллик қайталаётганда эса физиотерапия тайинланади.

Касаллик оғир кечганда кортикостероидлар (преднизолон) буюрилади.

Касаллик қайталаангандаги унинг ўткир туридагидек даволанади.

Профилактикаси. Орнитоз профилактикаси ветеринария-санитария ва санитария тадбирларидан иборат.

Бетоб бўлган кишилар касалхонага ётқизилади. Касал бўяиб қолган қушлар билан ишлашга тўғри келган кишиларда ва касалликнинг касбий ўчоқларида 2 ҳафта давомида ҳароратни ўлчаш, КБР ва ортнитоз антигени билан тери остига синама қўйиш орқали кузатув олиб борилади.

СУВЧЕЧАК (VARICELLA)

Ўткир юқумли касаллик бўлиб, тери ва шиллиқ қаватларга ичидан тиник суюқлик бўлган сувчечак тошмалари тошади, бунда организмда камроқ ёки ўртача интоксикация белгилари юзага чиқади.

Этиологияси. Қўзғатувчиси жуда учувчан, ташқи муҳитга чидамсиз, сувчечак тошмалари ичидаги суюқликда учрайдиган фильтрланувчи вирус.

Эпидемиологияси. Инфекция манбаи бемор ҳисобланаб, у бутун касаллик давомида ва касаллик тузалганидан кейин 5 кунгача юқумли ҳисобланади.

Инфекция манбаи қоплама лишай ҳам бўлиши мумкин, чунки иккала касаллик вируслари орасида боғлиқлик бор эканлиги аниқланган. Инфекция фақат ҳавотомчи йўли билан юқади. Касалликка берилувчанлик жуда кўп бўлади. Чақалоқлардан тортиб ҳамма ёшдаги болалар касалланади.

Сувчечак билан оғриб тузалгандан кейин умр бўйи иммунитет қолади.

Патогенези. Юқори нафас йўллари шиллиқ қавати инфекциянинг кириш йўлидир. Вирус терининг эпителиал ҳужайралари шиллиқ қаватини шикастлайди. Оғир ҳолларда вирус паренхиматоз аъзоларини ҳам шикастлаши мумкин. Сувчечак билан иккинчи марта оғриш камдан-кам учрайди.

Клиникаси. Касалликнинг инкубацион даври 11 кундан 21 кунгача (ўрта ҳисобда 14 кун) давом этади. Касалликнинг яширин даври кам кузатилган. Бемор ўзини лоҳас сезади, иситма субфебрил бўлади, баъзан қизамиқ ёки скарлатинага ўхшаш тошмалар тошади. Чин сувчечакда тошма юзда, бошнинг сочли қисмларида, баданда, бармоқларда пайдо бўлади. Тошмалар дастлаб пушти ранг доғчалар шаклида бўлади, кейин тезда папулаларга, ундан кейин эса ичидан тиник суюқ-

лик бўлган гиперемия билан кескин чегараланган пулфакчаларга айланади. Пулфакчалар 1—2 кундан сўнг қуриб, қора қўтириш — пўст боғлади ва 1—3 ҳафтадан кейин тушиб кетади. Сувчечак тошмалари бирин-кетин 4—5 кун давомида тошади.

Баъзан тошмалар оғиз бўшлиғидаги шиллиқ қаватларда, ҳалқумда, жинсий аъзоларда пайдо бўлади. Сувчечакда тошадиган тошмалар сони жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг характеристики турлича бўлади, яъни папулёз тошмадан тортиб, пулфакча бўлиб улгурмаганингача, пустулёзгача, бруцеллёз ва гангреноз элементларигача мавжуд.

Касалликнинг енгил турларида тошмалар бутуни та-нанинг у ер бу еридагина учраб, интоксикация белгилари аниқланмайди. Касалликнинг оғир турларида эса тошмалар кўплаб тошади, иситма кўтарилади, интоксикация белгилари юзага чиқади. Кўрсатиб ўтилган белгилар 3—4 кун мобайнида кузатилади.

Асоратлари. Сувчечакнинг асосий асоратларига иккиласми бактериал флоранинг зотилжам билан қўшилиб келиши киради. Асоратлар кўпинча нимжон, кўп касалланиб турадиган болаларда ривожланади.

Ташхиси. Касалликнинг типик турларида ташхис унчалик қийинчилик туғдирмайди. Касаллик строфулюс типидаги экссудатив диатезнинг терида намоён бўлиши, импетиго, ҳашаротлар чақиши ва чинчечак билан дифференциал ташхис қилинади. Сувчечакда тошмаларнинг бирин-кетин тошиши, уларнинг зич бўлиши, терида чуқурроқ жойлашиши, мономорфли эканлиги, кўпинча шиллиқ қаватларнинг шикастланганлиги кузатилади.

Прогнози. Одатда ёмоқ эмас.

Давоси. Гигиенага риоя қилиш зарур. Бунда инфекциядан иккиласми шикастланишнинг аҳамияти катта. Тошма пулфакчаларига 1% ли бриллиант яшили ёки марганцовка (тўқ рангда) суртиш тавсия этилади. Иирингли асоратлар ривожланганда антибиотиклар ва сульфаниламилар қўлланади. Касаллик чўзилиб кетганда стимулловчи терапиядан фойдаланилади.

Профилактикаси. Санитария чора-тадбирлари қўлланади. Бемор уй шароигида тошма тошгандан кейин 5 кун ичида алоҳида ётқизилиши керак. Дезинфекция қилиш талаб қилинмайди. Касал билан алоқада бўлган ва илгари сувчечак билан оғримаган болалар 11 кундан 21 кунга қадар ажратиб қўйилади.

ЧИНЧЕЧАҚ (VARICELLA VERA)

Ифодаланган интоксикация папуло-везикуләз тошмалар пайдо бўлиши билан кечадиган ўткир вирусли касалликдир.

Этиологияси. Кўзгатувчisi — фильтрланувчи вирус. Чинчечак таркибида ДНК сақловчи йирик вируслар қаторига киради. Ҳужайралар заараланганда эпидермалар ўзига хос цитоплазматик киритмалар ҳосил қиласди (Гварниери ташачалари). Вируслар ташқи муҳит таъсирига нисбатан чидамли бўлиб, бир неча ойлар мобайнида ўз ҳаёт фаолиятини сақлаб қолади. Улар антибиотиклар ва қатор кимёвий препаратларга чидамлидир. 3% ли хлорамин эритмаси бир соат ичидаги чинчечак вирусини заарсизлантиради.

Эпидемиологияси. Бемор одам инфекция манбаи бўлиб ва у инкубацион давр охиридан тортиб, то касалликнинг бутун даври мобайнида юқумли ҳисобланади. Касалликдан ўлган кишилар ҳам жуда юқумли бўлади. Инфекция асосан ҳаво-томчи йўли орқали ўтади. Лекин касаллик буюмлар ёки кишилар орқали ҳам юқиши мумкин. Касалликка берилувчанлик барча ёшда ниҳоятда юқори бўлади. Хасталикдан тузалгандан кейин барқарор иммунитет қолади. Ҳозирги вақтда чинчечак дунё миқёсида тутатилган.

Патогенези. Вирус юқори нафас йўллари ёки тери орқали тушар экан, регионар тугуларига киради ва бў ерда кўпаяди. 1—2 кун ўтгач, вирус қонда топилади, ундан паренхиматоз аъзоларга, терига кириб, тўқима ҳужайраларида зўр бериб кўпайиши — қайта вирусемияга олиб келади.

Ижтимоий омиллар — аҳолининг паст иқтисодий, маданий, санитария-гиена даражаси чечакнинг тарқалишида муҳим рол ўйнайди. Чинчечак охирги марта 1977 йили Сомалида аниқланган, 1980 йилнинг май ойидан бошлаб бутун дунё ушбу дарддан ҳоли бўлди, деб эълон қилинган.

Клиникаси. Касалликнинг яширин даври 11—14 кун бўлиб, унинг кечишда 4 та давр: продромал давр (юқори ҳарорат, дармонсизланиш), тошма тошиш даври (ҳароратнинг кўтарилиши, юзда, гавда ва қўл-оёқда доғсимон напуләз тошмалар пайдо бўлиши, 3—4 кундан кейин пуфакчаларга айланиши), йиринглаши даври (3—4 кун), қуриш ҳамда пўстлоқлар ҳосил бўлиш даври тафовут қилинади. Пўст-

лоқчалар аста-аста күчиб тушади, ўрнида характерли чандиқлар қолади.

Тошмалар асосан терининг зич қисмларида (кўпинча юзда) аниқланади. Улар бурун-ҳалқум шиллиқ қаватларида, конъюнктивада, кўпинча ҳиқилдоқда пайдо бўлади. Тахминан 40 фоиз беморларда продромал тошмалар пайдо бўлиши мумкин, булар ўз характери бўйича қизамиқ ва скарлатина тошмаларини эслатади ва кўпинча гавданинг кўкрак ва соннинг юқори қисмларида жойлашиб, тезда йўқолиб кетади. Қасаллик турлича оғирликда жуда енгил (вариолоид) бошланиб, оғир геморрагикгача (қора чинчечак) кечади. Вариолоид — чинчечакнинг қисқа даврда кечадиган енгил туридир. У кўпинча вакцинацияланган шахсларда кузатиласди. Тошмалар эрта пайдо бўлиб, улар кам ва юза бўлади (вариолоидда чандиқлар қолмайди). Чинчечакнинг абортив тури касалликнинг енгил кечиши билан характерланади. Бунда тошмалар тошмайди, умумий аҳвол кам ўзгаради ва неконтагиоз (юқумли эмас) бўлади. Чинчечакнинг оғир тури унинг геморрагик хилидир. Қасалликнинг клиник турида леталлик 100% га етади. Қасалликдан нобуд бўлиш даражаси 5 ёшгacha бўлган болалар орасида бир мунча юқори бўлади.

Асоратлари. Иирингли флора сабабли келиб чиқадиган септик жараёнлар, пневмония, энцефалитлардир.

Ташхиси. Эпидемиологик маълумот ҳисобга олинган ҳолда касалликнинг клиник манзарасига асосланиб қўйилади.

Лаборатория текширувларига микроскоп, иммунофлюоресцент, вирусологик, серологик (ГАТР ва бошқ) усуллар киради. Шошилинч ташхис қилиш лозим бўлган ҳолларда (вирусни аниқлаш учун) ЭГАРдан фойдаланилади.

Дифференциал ташхиси. Чинчечак касаллигини сувчечак, доридан келиб чиқадиган тошмалар, қизамиқ, қизилча, полиморф экссудатив эритема, импетиго, сепсис, скарлатина каби касалликлардан ажрата билиш лозим.

Прогнози. Жуда жиддий, леталлик баланд.

Давоси. Симптоматик. Янги вакцинацияланган одамлар зардобидан тайёрланган махсус иммуноглобулин ва тиосемикарбозон, ўз таркибида сақловчи кимёвий дорилар чинчечакга қарши вакцинани вирусга таъсир қилиш учун ишлатилади.

Профилактикаси. Қасаллик пайдо бўлганда ҳамма ташкилий-эпидемиологик тадбирларга қатъий риоя қи-

лиш керак (касаллик бошлангандан 40 кун ичида беморларни касалхонага ётқизиши, яхшилаб кундалик ва охирги дезинфекцияни ўтказиши, бемор билан алоқада бўлган барча шахсларни чинчечакка қарши эмлаш, 14 кун муддатга карантин тайинлаш ва бошқ).

Бемор билан алоқада бўлган эмланган шахсларни 7—8 кун ичида ревакцинация қилиш касалликнинг олдини олади.

Организмга гипериммун вакцинали иммуноглобулин билан бирга киритилган чинчечакка қарши вакцина ҳимоя таъсирини 4 марта, метисазон эса 16 марта оширади. Метисазон ичиш учун 10—20% ли суспензия кўринишида тайинланади. Бирламчи миқдори 200 мг/кг дан, кейингиси ҳар 6 соатда 50 мг/кг дан, ҳаммаси бўлиб 8 маротаба берилади.

ЭПИДЕМИК ПАРОТИТ (ТЕПКИ) (PAROTITIS EPIDEMICA)

Уткир инфекцион вирусли касаллик бўлиб, асосан сўлак безларини, қулоқ атрофидаги безларни шикастлади.

Этиологияси. Қўзғатувчиси ташқи муҳитда резистентлиги кам бўлган фильтрланувчи вирусdir. Бу қўзғатувчи парамиксовируслар гурухига киради. Вирус ўз таркибида РНК ни тутиб, унинг қобиги таркибига гемаглютинилар, гемолизинлар, нейраминидазалар киради.

Эпидемиологияси. Инфекция манбаи шу касаллик билан оғриган bemor ҳисобланади, унинг юқумлилик даври инкубацион даврининг охирги кунидан бошланади ва 7—9 кун давом этади. Инфекция асосан ҳавотомчи йўли билан юқади. Кўпинча 5 ёшдан 15 ёшгacha бўлган болалар касалланади. Қичик ёшдаги болалар орасида бу касаллик кам учрайди, бир ёшгacha бўлган гўдакларда учрамайди. Бемор тузалгандан сўнг, унда турғун иммунитет пайдо бўлади. Паротитнинг эпидемияси йилнинг ҳамма фаслларида, кўпроқ куз ва баҳор ойларида қайд этилади.

Юқори нафас аъзоларининг шиллиқ пардалари инфекциянинг кириш дарбозаси бўлиб хизмат қилади, вирус шу аъзолар орқали қон оқимиiga тушади, кейин сўлак безлари ва бошқа жойларда иккиламчи ўрнашади.

Клиникаси. Касалликнинг инкубацион даври 18—20 кун, баъзан 11 кундан 23 кунгача чўзилади. Касаллик сўлак бўзлари шишидан (кўпинча бир томони) бошланади. Сўлак безининг шишганлиги, айниқса ат-

рофи күриниб қолади, кейин шиш қулоқ орқасига востига тарқалади. У хамирга ўхшаш бўлади, терининг кўриниши ўзгармайди. Бола овқатни чайнаганда ва ютганда оғриқ сезади. Баъзан бу жараёнда жағ ости сўлак безлари ҳам иштирок эгади. Шиш бир неча кун туради, хеч қачон йирингламайди ва 8—10- кунга бориб, бутунлай йўқолиб кетади.

Кўпчилик болаларда касалланиш жараёнида фақат қулоқ атрофидаги сўлак безлари эмас, балки жағ ости сўлак безлари ҳам шикастланади. 10—15 фоиз bemорларда фақат жағ ости сўлак безларининг шикастланиши кузатилади. Бу ҳолда шиш жағнинг пастки қисмида овалсимон шаклда бўлади. Баъзан касалликнинг яширин даври аниқланади. Тепкида ўткир орхитлар, софоритлар, панкреатитлар, серозли менингитлар, бундан ташқари, энцефалитлар, эшитиш нервлари зараланиши камроқ қайд этилади.

Ташхиси. Асосан клиник, эпидемиологик маълумотларни ҳисобга олиб қўйилади. Бу касалликни бўйин лимфаденити, иккиласмчи паротитлар (кўпинча йирингли), токсик дифтерия, турли этиологияли сўлак безлари шишгунча пайдо бўлган менингеал симптомлари, сероз менингитлар, сил энтеровирусли менингитлардан дифференциал ташхис қилиш лозим. Ташхис қўйишда сийдикдан диастазнинг миқдорини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Беморларда кўпинча биринчи ҳафтанинг ўзидаёқ диастаз ошган (32 бирликдан ортиқ) бўлади. Эпидемик паротитнинг диагностикасида бирмунча қийинроқ бўлган зардоб билан нейтраллаш реакциясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Касаллик авж олаётган пайтда энг мақбул усул комплемент боғловчи антителоларни аниқлашадир.

Оқибати. Касаллик енгил кечиб, кўпинча bemор бутунлай соғайиб кетади.

Давоси. Симптоматик, яъни ўрин-кўрпа қилиб ётиш, касалликнинг ўткир даврида шикастланган сўлак безларини иссиқ тутиш, соллюкс лампаси ёрдамида нур ва УВЧ бериш каби тадбирлар яхши ёрдам беради.

Профилактикаси. Bемор касаллик бошлангандан 9 кунга алоҳида қилиб қўйилади. У билан алоқада бўлган болалар алоқа бўлган кундан бошлаб 21 кунга алоҳида ётқизиб қўйилади. Бу касалликка қарши фаол иммунизация мақсадида ишлатиш учун тирик зардоб (эмланганлар орасида касалликни 10 марта камайтиради) мавжуд.

ПОЛИОМИЕЛИТ (POLIOMIELITIS)

Болаларнинг орқа мия фалажи, эпидемик фалаж, Гейне-Медин касаллигидир. Полиомиелит ўткир вирусли касаллик бўлиб, нерв системасининг шикастланиши, ичакда ва бурун-ҳалқум шиллиқ пардаларида яллиғли ўзгаришлар борлиги билан характерланади.

Этиологияси, эпидемиологияси. Кўзғатувчи ташқи муҳигига анчагина чидамли бўлган вирусdir. Вируснинг З серотиплари (I, II, III) фарқ қилинади. Беморлар, реkonвалесцентлар ва соғлом вирус ташувчилар касалликнинг юқумли манбаи бўлиб ҳисобланадилар. Вирус бурун-ҳалқум шиллиғи ва чиқиндилари орқали ташқарига ажралади.

Болалар орасида полиомиелитга қарши эмлаш ишлари кенг олиб борилганини туфайли бу касаллик кам учрайди.

Патогенези. Бурун-ҳалқум ва ҳазм йўли инфекциянинг кириш дарвозасидир. Инфекция бу ерда кўпаяди ва қонга тушади, кейин бош ва орқа мияга боради. Кўзғатувчининг нерв толалари орқали тарқалиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Касалликнинг ўткир босқичида бош ва айниқса, орқа мия ва пардалари шишиши, қон тўлиб қолиши, кўпинча мия тўқималарига қон қуйилиб қолиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Гистологик текширилганда орқа мия кул ранг моддаси олдинги шохларининг нерв ҳужайраларида ва қатор ҳолларда бош мия ўзагида токсик-дегенератив ўзгаришлар аниқланади. Мия пўстлоғи, пўстлоқ ости тугунлари, гипоталамик соҳаларга камроқ заар етади. Ички аъзолардан кўпинча юрак ва ўпка шикастланади.

Клиникаси. Касалликнинг бир неча клиник турлари фарқ қилинади.

Абортив тури кўпинча эпидемия тарқалганда кузатилади ва катарал ҳодисалар ва меъда-ичак бузилишлари билан ўтадиган енгил инфекцион касаллик сифатида кечади. Орқа мия суюқлигига баъзи ҳужайралар сонининг кўпайганиниги ва қанд даражасининг ошганлиги аниқланади.

Апаралитик тури сероз менингит симптомлари — бош оғриғи, қайт қилиш, лоҳаслик билан характерланади. Орқа мия суюқлигига цитоз ошиб кетади. Одатда из қолдирмай, 3—5 кунда ўтиб кетади.

Паралитик турида б давр ажратилади. 1. Икубацио́н давр, у б кундан 12—17 кунгача давом этади. 2: Касалликнинг про́дromal даври, умумий аҳвол-

нинг ёмонлашуви, иситманинг кўтарилиши, катарал ҳодисалар, меъда·ичак бузилишлари, вегетатив нерв системасининг бузилиши билан кечади. 3. Ўтири и с и т м а ли ёки препаралитик иситманинг кескин 38—39°C гача кўтарилиши, тўсатдан бош оғриши, қайт қилиш, инжиқлик, уйқучанлик ёки уйқусизлик билан кечади. 2—3 кундан кейин менингеал синдром ривожланади. Терлаш, тери қопламлари гинеремияси, нерв толалари ўтган жойларда оғриқ, пай рефлекслари асимметрияси, тери рефлексларининг пасайиб ёки йўқолиб кетиши аниқланади. 4. П а р а л и т и к даври юқори ҳарорат билан кечади. Фалажланиш тўсатдан пайдо бўлиб, аста-секин ривожланиб бориб, бир неча кундан кейин ўзининг энг юқори нуқтасига етади. Кўпинча оёқ, баъзан қўл проксимал мушаклари шикастланади.

Неврологик текширишда периферик фалажланишнинг ҳамма белгилари юзага чиқади: пай рефлексларининг паçайиши ёки йўқолиб кетиши, гиптония, мушаклар атрофияси. Жараён локаллашганда чаноқ аъзоларининг фаолияти бузилади (ахлат ва сийдикни тутиб туролмаслик ёки уларнинг ушланиб қолиши). Асосан орқа миянинг кўкрак ва бўйин сегментларининг шикастланиши бир мунча хавфлидир, чунки бу ҳол нафас мушакларининг парези ва фалажини келтириб чиқариши мумкин. Жараённинг узунчоқ мияда локализацияланиши IX, X, XI ва XII мия·чаноқ нервларининг шикастланишига сабаб бўлиши мумкин (ютқин, нафас олиш ва қон айланиш бузилишининг бульбар тури).

5.1—1,5 ҳафта фалажланишдан сўнг қайтиш даври бошланади. Аста-секин ҳаракатларининг тикланиши юз беради. Айрим ҳолларда қайтиш даври З йилгача чўзилиб кетиши мумкин. 6. Ҳаракатлар тўла тикланмаган ҳолларда фалажланган бармоқларда қолдиқ ҳодисалар даври кузатилади. Булар суст фалажланиш ёки парезлар, баъзан контрактураларнинг мавжудлиги билан характерланади.

Спинал ва бульбар тури мушакларининг фалажланиши билан кечади. Эпидемия авжига чиқсан маҳалларда касалликнинг иситманинг юқори бўлиши, ҳушдан кетиш, нутқнинг бузилиши, қалтироқ босиши ва бошқа симптомлар билан кечадиган энцефалитик тури учраб туради. Хасталикнинг бу турида миянинг пўстлоқ ости соҳаси, вестибуляр ва мияча системаларининг шикастланиши кузатилади. Конда ЭЧТ (эритроцитлар чўкиш тезлиги)нинг ошиши ва қатор лимфопения ҳодисалари кузатилади. Орқа мия суюқлиги кўпинча ўзгарган бў-

лади. Қатор ўзгариш белгиларини касалликнинг бошланишидаётқ аниқлаш мумкин. Касалликнинг биринчиди кунларида ликвор босими ошган, суюқлик тиниқ бўлади. Хужайралар сони 50—100 га етади. (полинуклеар цитоз). Оқсил миқдори касалликнинг биринчи кунларида кўп бўлмайди. Кейин аста-секин оқсил ва ликвор нормаллашади.

Асоратлари. Пневмония, ўпка ателектазлари, интерстициал миокардит (баъзан касалликнинг бульбар турларидан меъданинг ўткир кенгайиши ривожланади), қон оқиши билан кечадиган оғир меъда-ичак бузилишлари, яралар пайдо бўлиши.

Ташхиси. Полиомиелитни паралитик босқичдан олдин аниқлаш қийин бўлади. Ташхис клиник симптомлар, эпидемиологик маълумотлар ва лаборатория текширувларига асосланиб қўйилади. Ташхиснинг тўғрилигини тасдиқлаш учун вирус юқтириш (тўқималар культурасига) ёки ҚБР да ва янги зардобдан олинган махсус антигенлар билан преципитация реакциясини ўтказиш мумкин.

Дифференциал ташхиси. Полиомиелит ўткир миелит, полирадикулоневрит, ботулизм, кана энцефалити каби касалликлар билан дифференциалланади.

Прогнози. Кўпинча дуруст.

Давоси. Бу касалликка шубҳа қилинган шахслар камида 40 кунга дарҳол касалхонага ётқизилади. Беморнинг хонаси ва шахсий буюмлари ҳаво-томчи ва ичак инфекцияларидағи каби дезинфекция қилинади. Беморни парвариш қилиш шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилади. Бемор фойдаланган идиш-товоқлар қайнатилади, унинг ажратмалари (ахлати, сийдиги, балғами) дезинфекцияланади. У билан алоқада бўлган шахсларга 15—20 кун муддатга карантин тайинланади. Бемор билан алоқада бўлган 14 ёшли болаларга 2 маротаба 3—6 мл дан гаммаглобулин тавсия этилади. Фалажланиш даврида касалликни даволаш организмнинг ҳимоя қобилиятини оширишдан ва организмга қон зардобини юбориб, кучсиз иммунитет ҳосил қилишдан иборат. Беморга бериладиган овқат тўйимли ва унда етарли миқдорда витаминлар бўлиши зарур. Қўшимча равишда суткасига 1,5 г дан витамин С, B_{12} (50—100 мг дан кунора, 2—3 ҳафта давомида), B_1 (0,5% ли эритмаси 0,5—1 мл дан) бериб турилади. Турли аминокислоталар қўлланилади. Гипертензияга қарши курашиш мақсадида венага 40% ли глюкоза ва 40% ли уротропин эритмаси юборилади.

Оғриққа шикоятлар бўлган ҳолларда иссиқ муолажалар (иссиқ қилиб ўраб қўйиш, грелкалар, иссиқ ванналар) ва аналгетик воситалар (аналгин, амидопирин ва бошқ) тайинланади. Бульбар бузилишларда ҳалқумдан шиллиқ чиқариб ташланади, парентерал йўл билан суюқлик юборилади. Юрак фаолиятининг бузилиши адресалин қабул қилишни, нафаснинг бузилиши эса сунъий респираторлар қўллашни талаб қиласди. Касалликнинг ўткир босқичида ва унинг асоратларига қарши ёшга қараб антибиотиклар ва сульфаниламидлар тайинланади. Ҳасталикнинг биринчи кунлариданоқ прозерин, дигазол, секуренин, галантамин, оксазил юборилади. Бу препаратлар организм ўз ҳолига келаётганда ва қолдиқ ҳодисалар бўлганда ҳам буюрилади. Прозерин ичиш учун 0,0015—0,003 г ёки 0,1—0,5 мл 0,05% ли эритмаси 8—10 кун давомида тери остига, дигазол 0,001—0,002 дан бир ёшгача (0,001—0,002 г дан унинг иккиламчи курслари), галантамин 0,25% ли эритмаси 0,1 мг дан бир ёшгача, 0,2 мл 2—3 ёшгача, 0,2 мл 2—3 ёшгача, 0,3—0,5 мл 3—7 ёшда кунига 1 марта тери остига тайинланади. Секурениннинг 0,4% ли эритмаси 1 ёшгача 1 томчидан кунига 2 марта берилади. Организмнинг тикланиш даврида қолдиқ ҳодисалар бўлганда физиотерапевтик муолажаларга, шунингдек, массаж ва даволаш гимнастикасига алоҳида эътибор қилинади. Бошида енгил, иссиқ муолажалар, кейинроқ УВЧ, енгил массаж ва гимнастиканинг содда машқлари ўтказилаади. Кейин эса фаол гимнастикага ўтилади. Массаж ва гимнастикани ваннада, кичик сув ҳавзасида ўтказган маъқул. Қолдиқ ҳодисаларни даволашни стационарда бошланади, кейин эса маҳсус санаторийларда давом эттирилади, шу билан бирга иссиқ аппликациялар ҳам кенг қўлланади.

Профилактикаси. Формалин ёрдамида сувсизлантирилган вирусни мушак орасига юборилади ва тирик аттенуирланган зардоб (Себин бўйича эмлаш календарига қаранг) касалликнинг фаол профилактикасида кенг қўлланади. Вакцинациялаш касалликнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади.

СОХТА СИЛ (ПСЕВДОТУБЕРКУЛЕЗ)

Узоқ Шарқ скарлатинасига ўхшаш ўткир инфекцион касаллик бўлиб, умумий интоксикация, иситма, экзантема, ингичка ичак, жигар ва бўғимларнинг шикастланиши билан кечади.

Этиологияси. Одамларда ва ҳайвонларда сохта сил құзғатувчиси *yersinia pseudotuberculosis* ҳисобланади. Сохта сил иерсиялари чүзинчоқ шаклдаги грамман-фий таёқчалардир. Бұльон күлтурасыдан олинган суртма биполяр бўялади, занжирсимон жойлашади. Спора ҳосил қилмайди, капсуласи бор. Бу құзғатувчи паст ҳароратда ($-18\text{--}22^{\circ}$) ҳам ҳаракатчан. Сохта сил нерсиясининг R- ва S- турлари фарқ қилинади. R- тури S- турига қараганда 2 марта узун бўлади, ўзида осмифил киритмалар ва құзғатувчининг вирулентлиги билан боғлиқ бўлган йирик гранулалар тутмайди.

Сохта сил микроблари ташқи муҳитда, айниқса озиқовқат маҳсулотларида ва тупроқда чидамли бўлади. Бу микроблар паст ҳароратларда ҳам тирик қолади ҳам кўпаяди.

Эпидемиологияси. Кемирувчилар сохта сил құзғатувчисининг манбай ҳисобланади. Улар ташқи муҳитни ифлослантириб, сабзавотлар орқали одамлар, айниқса катта хўжаликларда сақланадиган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг заарланишига сабаб бўлади. Сабзавотлар сақлаб қўйилганда құзғатувчи тез кўпайиши натижасида инфекция юқтириш сезиларли даражада ўсади. Қатор ҳолларда касал мушуклар, итлар ва бошқа уй ҳайвонлари билан алоқада бўлиш ҳам сохта силга сабаб бўлади. Касаллик билан одамнинг касалланиши бутун йил давомида қайд қилинади, лекин касаллик асосан қиши-баҳор ойларида кўпаяди.

Патогенези ва патологик анатомияси. Одамга касаллик асосан меъда-ичак ўйли орқали юқади. Құзғатувчининг организмга патологик таъсир этадиган жойи ингичка ичакдир. У ингичка ичак деворларидан ўтиб, бу ерда бирламчи энтерит ҳосил қиласи.

Сохта сил микроблари ичакдан қорин лимфа тугуларига ўтиб, лимфангоит ва регионар лимфаденит ривожланишига сабаб бўлади. Бу ерда құзғатувчи депози пайдо бўлиб, у шу ердан қонга ўтади, ички азоларда токсемия ва гематоген диссеминациясини келтириб чиқаради ҳамда генерализланган ретикулёрзинг ўткир ривожланишига сабаб бўлади. Иммунитетнинг носпецифик омиллари пасайиб кетганда құзғатувчи организмда кўпая бошлайди. Патогенетик жиҳатдан қўйидаги босқичлар фарқ қилинади: юқиши босқичи—құзғатувчининг ичакка ўтиши. Құзғатувчининг мослашув босқичи, яъни ичак деворларининг инвазияланиши ва ундаги құзғатувчининг фиксацияланиши, бунда дескватив-эрозив энтерит ривожланади. Регионал ин-

фекция босқичи, бунда құзғатувчи қорин лимфа тугуларига ўтиб, бу ерда лимфангоит ва лимфаденитting ривожланишига сабаб бўлади. Генерализацияланыш даври, бунда бактериемия ва токсемия келиб чиқади, оқибатда ўткир генерализланган ретикулөз, ички аъзоларнинг дисциркуляр ўзгаришлари, эндопериваскулитлар, перибронхитлар, интерстициал ва ўчоқли зотилжам, эрозив-ярали колит ва бошқа касалликлар келиб чиқади.

Касаллик енгил кечганда инфекциянинг сўниш босқичи бошланади, бунда морфологик реакциялар содир бўлади ва организм қўзғатувчидан халос бўла бошлайди.

Клиникаси. Инкубацион даври 4 кундан 18 кунгача чўзилади, кейин касалликнинг 1—6 кун давом этадиган бошлангич даври ривожланади ва авжга чиқиш даври кузатилади. Касалликнинг сўниш ва реконвалесцент даврида хасталик қайта авж олиши мумкин.

Касалликнинг бошлангич (продромал) даври интоксикация ҳолатлари (кўнгил айниши, қайт қилиш, бош оғриши), баъзи бемор болаларда бўғимлар ва меъданичак йўли бузилишининг локал симптомлари, кўпинча оғиз-бурун учбурчагининг оқариши билан аниқланадиган юз гиперемияси (бу баъзан бўйин терисига ва кўракнинг юқори қисмига ҳам ўтиши мумкин) билан бирга давом этади. Кўз шоҳ парда томирлари (склералари)га қон қўйилган бўлади. Беморларнинг деярли бешдан бир қисмida ютинганда оғриқ, йўтал ва тумов қайд қилинади. Беморнинг ичи равон келмайди. Бу давр баданга тошма тошиши, тошма бўлмаганда эса биринчи иситма тўлқини билан тугайди.

Касаллик авж олганда bemорларнинг умумий аҳволи ёмонлашади, иситма кўтарилади, интоксикация кучаяди. Оғир ҳолларда менингизм ҳодисалари қайд қилинади. Юз ва бўйин гиперемияси, бармоқлар, оёқ кафтларининг қизариб шишиши кузатилади. Касалликнинг биринчи кунлари тилни оқ караш боғлади, кейинроқ у малина рангига ўхшаб қизаради. Танглай шишуви ва гиперемияси зўрайиб боради, лекин бу касаллик учун йирингли ангина хос эмас. Жағ ости лимфа тугуларининг унчалик катталашгани билинмайди. Иситманинг ошиб бориши соxта сил касаллигининг доимиy симптомлари ҳисобланади. Болаларнинг 60 фоизида иситма 38—40°га этади ва ўрта ҳисобда 4—7 кун сақланиб туради.

Касаллик авжига чиқанида, бу касалликка хос

симптомлардан тошма тошиши болаларнинг 85 фоизида қайд этилади. Қўпроқ скарлатинага ўхшаш тошмалар аниқланади. Бунда соxта силнинг скарлатинага ўхшаш турни фарқ қилинади. Соxта сил касаллиги авжига чиққанда маҳаллий локал симптомларнинг пайдо бўлиши ёки кучайиши, бу касалликка худди гепатит, аппендицит, гастроэнтерит, артрит касалликлари каби мустақил касаллик характерини беради. Касаллик клиникасида у ёки бу симптомларнинг мавжудлигига қараб касалликнинг турлари фарқ қилинади.

Соxта силнинг скарлатинага ўхшаш, кейин эса генерализланган, абдоминал, артрайтик, сариқ ва аралаш турлари ажратилади. Шунингдек, катарал, яширин кечадиган ва латент турлари ҳам мавжуд. Касалликнинг кечишига қараб енгил, ўртача оғир ва оғир турлари фарқ қилинади. Улар енгил хуружлар, қайталаниш ва асоратлар билан ўтади.

Соxта сил касаллигининг енгил кечаетган типик турлари иситманинг субфебрил бўлиши, интоксикация белгиларининг суст ифодаланиши ёки умуман бўлмаслиги, қисқа вақт тошма тошиши, унчалик аҳамиятсиз маҳаллий ўзгаришлар билан характерланади. Касаллик ўртача кечаетганда тана ҳарорати 38—39° гача кўтарилади. Интоксикациянинг ифодаланадиган белгилари қайд этилади, кўплаб тошма тошади, маҳаллий симптомлар яққол билинади, лекин тез ўтиб кетади.

Касалликнинг оғир турларида иситма жуда юқори, интоксикация белгилари сезиларли бўлади, бутун тана-га тошма тошади, меъда-ичак ўйлида, бўғимларда, жигарда турғун заарланиш белгилари кузатилади.

Касаллик атипик кечганда ҳолсизлик, иситманинг субфебрил бўлиши, танглай гиперемияси, конъюнктивит, тумов, йўтал аниқланади, кўпинча ўткир респиратор касаллик аломатлари кузатилади. Беморларнинг аҳволи 3—5-куни яхшиланади, лекин бунда касаллик рецидивлари ҳам бўлиши мумкинки, бунга ўткир касаллик сифатида қаралади. Рецидивларнинг келиб чиқиши болаларда касаллик турига қараб 16—22 фоизни ташкил қиласиди. Касаллик ўткир давридагидан фарқли ўла-роқ, рецидивлар клиникасида у ёки бу аъзонинг зарарланиши устун туриб, интоксикация аломатлари иккичи даражали аҳамиятга эга бўлади. Рецидивлар бир ой давом этади.

Касалликнинг ҳар бир босқичидан сўнг (бошланғич, касаллик авж олганда, рецидив) соғайиш даври бўлиши

мумкин. Клиник соғайишнинг асосий шартлари тана ҳароратининг турғун нормаллашуви (10 кун ва үндан ортиқ), локал шикастланишларнинг йўқолиши, қон, сийдик анализларининг нормаллашувидир.

Ташхиси. Клиник аломатларнинг турлича бўлиши ташхис қўйишини қийинлаштиради. Ташхисни тўғри қўйишда эпидемиологик анамнезни чуқур ўрганиб, бактериологик ва серологик текшириш усуллари ва клиник кузатувлар динамикасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Касаллик манзараси билан тўғри келадиган ташхис қўйишида қўзғатувчини ажратиш лозим. Бактериологик текшириш учун беморларнинг ахлати, қони, балғами ва бурун-ҳалқум ювиндиларидан фойдаланилади. Касалликнинг биринчи кунларида мусбат экмалар тезлиги ўсиб боради. Лаборатория усулларидан бирмунча кўпроқ тарқалган усуллар серологик реакциялардир: агглютинация (АР), преципитация реакцияси (ПР), комплемент боғлаш реакцияси (КБР), эгри гемагглютинация реакцияси (ЭГАР), эгри гемагглютинация тормозлаш реакцияси (ЭГЛТР), иммунофлюоресценция (ИФР), бактериал лизис реакцияси (БЛР) шулар жумласидандир.

Амалда кўпинча АР (диагностик титр 1:100 ва үндан баланд) ва ЭГАР дан (диагностик титр 1:200 ва үндан юқори) фойдаланилади.

Серологик текшириш усулларнинг диагностик аҳамияти иккиласми текширишларда ҳам ортиб боради. Соҳта сил касаллигини скарлатина, холецистит, гепатит, аппендицит, энтеровирус касалликлари, бод, тиф-паратифоз касалликлар ва сальмонеллёз касалликлари билан дифференциал ташхис қилинади.

Прогнози. Касалликнинг турига, даволашнинг қаҷон бошланганига боғлиқ.

Оқибати ёмон эмас.

Давоси. Соҳта сил касаллигининг ҳар қандай тури билан оғриган болаларни касалхонага ётқизиш шарт эмас. Жигар шикастланиши симптомлари бўлмаганда беморга парҳез тайинлаш ҳам зарур эмас. Жигар шикастланганда овқатланиш учун 5-сон парҳез, клиник манзара авжига чиққандаги обдоминал симптомларда 4-кейин 2-(Певзнер бўйича) парҳез дастурхон тайинланади. Антибиотиклардан ўшга қараб 5—7 кунга левомицетин, гентамицин буюрилади. Касаллик хуруж қилганда (қайталанганда) бошқа антибиотиклар ёрдамида такрор даво курси ўтказилади.

Интоксикацияда электролит балансини ҳисобга олған ҳолда сув-туз әритмалари юборилади (10% ли глюкоза әритмаси, ош түзининг физиологик әритмаси, полинон әритмалари, қуйи молекуляр полимерларни, қон препаратларини қон ўрнини босувчи әритмаларни). Касаллик оғир кечганды қисқа курсли гормонлар терапияси тавсия этилади. Миокард заарланганда кордиамин, стрихнин, кофеин күрсатилган. Ўткир юрак етишмовчилигида (эндотоксик шок) адреналин, эфедрин, метазон буюрилади. Геморрагик синдром ривожланганда тромблар ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида антикоагулянтлар (гепарин) тайинланади.

Кучли артрайалгия синдроми ифодаланган болаларга натрий салицилат, амидопирин ва аналгин буюрилади.

Профилактикаси. Санитария-эпидемиологик хизматни яхши йўлга қўйиш, дератизациян чора-тадбирлар кўриш, сохта сил бўйича нохуш объектларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, уларни соғломлаштириш. Ҳар кварталда камиди бир марта кемирувчиларни тутишни йўлга қўйиш лозим. Сохта сил профилактикасида озиқ-овқат маҳсулотларига инфекция тушишининг олдини оловчи ва чекловчи чора-тадбирларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга озиқ-овқат сақланадиган омборларда вақти-вақти билан дезинфекция ўтказиш билан эришилади. Сохта сил билан касалланганлар пайдо бўлиши билан эпидемияга қарши чора-тадбирлар кучайтирилиши зарур. Беморлар госпитализация қилингандан сўнг, охирги дезинфекция ўтказилади. Қасаллик келиб чиқсан жойлардаги сабзавот ва тузламалардан тайёрланган овқат ва салатларни истеъмол қилишга рухсат этилмайди. Шунингдек, овқатланиш муассасалари, савдо ходимлари, болалар муассасаларининг ишчилари орасида сохта сил қўзғатувчиларини ташиб юрувчиларни аниқлаш зарур. Сохта силнинг маҳсус профилактикаси ишлаб чиқилмаган.

САРАМАС (ERYSIPelas)

Умумий токсик, А гуруҳига мансуб бета-гемолитик стрептококклар келтириб чиқарадиган, терининг юза сатҳлари заарланадиган юқумли касалликдир.

Этиологияси. Сарамас қўзғатувчиси асосан гемолитик стрептококклар бўлса-да, лекин бу касалликни стрептококкларнинг бошқа турлари, яъни яшил стафилококклар ёки пневмококклар ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Эпидемиологияси. Кўпчилик ҳолларда касаллик са-

рамасга учраган беморлар билан алоқада бўлмасдан туриб, мустақил равищда келиб чиқади. Болалар катталарга қараганда камроқ касал бўладилар.

1 ёшгача бўлган болалар, айниқса чақалоқлар ҳаммадан кўра кўпроқ касалланадилар. Қасаллик экзоген ва эндоген (лимфоген) йўл билан юқади. Экзоген йўл билан инфекция шилингган тери орқали ўтади. Лимфоген йўл билан эса касаллик қўзғатувчининг лимфа йўллари орқали, яллиғланишининг бошқа ўчоқларидан (остеомиелит, флегмона, ангинা, тишлар кариеси ва бошқа) юқади.

Патогенези. Терига тушган стрептококклар лимфа тугунларида жойлашади, кейин лимфа томирлари орқали турли аъзоларга тарқала бошлайди. Интоксикацияни эндо- ва экзотоксинглар, стрептококкларнинг бошқа токсик субстанциялари келтириб чиқаради. Стрептококкларнинг маҳсулотлари инфекциянинг тарқалишини енгиллаштиради. Сарамас тез-тез қайталашиб туришга мойиллиги билан таърифланади.

Сарамас ва рецидивларнинг келиб чиқиши механизмида олий нерв фаолиятининг аҳволи ва организм қаршилигини сусайтирувчи ҳамда латент инфекцияни фоллаштирувчи эндоген ва экзоген омилларнинг нохуш таъсири аҳамиятга эга.

Сурункали яллиғланиш жараёнлари, сурункали тери касалликлари, ўткир яллиғланиш касалликлари, майдада жароҳатлар, совуқ қотиш нохуш таъсирлар жумласига киради.

Бордию, сарамас қўзғатувчиси лимфатик тўсиқ орқали терининг чуқур қаватларига кириб қолса, тери ости абсцесслари, бактериемия ва метастатик яллиғланиш ўчоқлари ривожланади. Бу асосан нимжон, кучсиз, тез-тез касал бўладиган болаларда қайд этилади.

Клиникаси. Сарамаснинг инкубацион даври бир неча соатдан 3—7 кунгача давом этади. Қасаллик одатда бирдан эт увишиши, тана ҳароратининг тезда 39—40° га чиқиб кетиши, умумий ҳолсизлик, бош оғриши, баъзан қайт қилишдан бошланади. Бир неча соат ёки 1—2 кундан кейин терининг у ёки бу ери қизариб, шиш пайдо бўлади, шу жойни ушлаб кўрганда тери қизиши, оғриқ пайдо бўлиши, атрофлари аниқ кўриниб турувчи яллиғланиш кузатилади. Қизариш периферия бўйлаб тарқала бошлайди, четлари ғадур-будур бўлиб, соғлом теридан яққол ажralиб туради. Катта ёшдаги болаларда сарамас кўпинча юзда, бўйинда, кўкрак ёшидаги болаларда эса баданда, баъзан оёқ-қўлларда жойлаш-

ган бўлади. Яллигланиш даражаси, характери ва касалликнинг келиб чиқишига қараб, сарамаснинг бир неча турлари: эритематоз, везикуляр, буллэз, геморрагик, флегмоноуз ва гангреноз турлари ажратилади. Кўкрак ёшидаги болаларда кўпинча касалликнинг эритематоз тури кузатилади.

Касалликнинг тарқалишига қараб, маҳаллий ёки чегараланган, тарқалган ва адашган турлари фарқланади. Хасталик одатда 6—14 кун давом этади, баъзан бор-йўғи 2 кунда ўтиб кетиши мумкин. Баъзи холларда эса, айниқса, адашган турида бир неча ҳафтагача давом этиши мумкин. Сарамаснинг эрта қайталаниши ҳам кузатилган, бунда касаллик соғайгандан бир неча кундан кейин рецидив келиб чиқади. Кеч рецидивларда эса касаллик бир неча ой ёки йилдан кейин қайталайди. Касаллик рецидивлар билан кечганда узоқ вақт давом этиб, бир неча йиллар, ҳатто ўн йиллаб давом этиши мумкин. Теридан ташқари сарамас шиллиқ пардаларда, бурун, оғиз, ютқин, трахея ва бронхларнинг шиллиқ қаватларида ҳам аниқланади. Қонда лейкоцитоз, чап томонга силжиган нейтрофилёз кузатилади. Кўпинча лимфоцитоз ва моноцитоз кузатилиши мумкин. ЭЧТ одатда оңган, кўкрак ёшидаги болаларда у узоқ вақтгача юқори даражада (20 мм/с) сақланиб қолади. Сарамас кўкрак ёшидаги болаларда фаоллиги, тез тарқалиши ва кўпинча адашган турига айланиши билан характерланади. Ҳозирги вақтда, одатда касаллик болалининг соғайиши билан якунланади.

Ташхиси. Клиник маълумотларга асосланади. Стрептококк инфекциясида иммунологик реакциялар (антистрептолизин титрини аниқлаш) диагностик аҳамиятга эга. Сарамасни инфекцион эритема, пиодермиядан ажратабилиш керак.

Асоратлари. Флегмона, тери абсцесслари, флебитлар, тромбо-флебитлар, зотилжам, сепсис ва бошқалар.

Давоси. Сарамасда комплекс даво қабул қилинган: этиотроп воситаларини (пенициллин қаторига оид антибиотиклар билан бирга, эритромицин, тетрациклин) стимулловчи терапия билан (гемотерапия, гемотрансфузия, плазма ва иммуноглобулин қўйиш) қўллаш, десенсибилизацияловчи терапия, антигистамин, витамишли ва гормонал препаратлар, ультрабинафша нурлар, УБН ва симптоматик терапия кабилар шулар жумласидир. Сарамаснинг сурункали қайталовчи турини умумий даволаш усувлари қатори гормонотерапия билан қўллаш бирмунча самаралироқдир.

Профилактикаси. Сарамас профилактикасида тери-ни озода тутиш катта аҳамиятга эга, шунингдек, ин-фекция ўчоқларини фаол равишда тугатиш, марказий нерв системаси фаоллигининг нормал бўлишини таъ-минлаш, организмнинг иммунобиологик қувватини ошириб бориш зарур.

РОТАВИРУС КАСАЛЛИКЛАРИ (ROTAVIROSIS)

Ротавирус касалликлари кўпроқ ёш болаларда уч-райдиган ўткир вирусли касалликдир. Хасталик уму-мий заҳарланиш, меъда-ичак йўллари заарланиши ва дегидратация симптомлари билан характерланади.

Этиологияси. Ротавирус сўзи лотинча гоға — филди-рак сўзидан келиб чиқсан бўлиб, электрон микроскоп остида қаралганда вируслар қисқа толали, ингичка доирали майда филдиракчаларга ўхшаб кўринади. Тар-кибида РНҚ тутади. Вирус бўлакларининг катталиги 65—75 нм. Одам ротавирусларини тўқималарда ўсти-риш ва ҳайвонларга юқтириш анча қийиндир. Вирус-лар ташқи муҳитга чидамлидир.

Эпидемиологияси. Хасталик жуда кенг тарқалган бўлиб, ривожланган мамлакатлардаги барча ичак ка-салликлари билан оғриган, 2 ёшгача бўлган болалар-нинг деярли ярми шу касаллик билан касалланади. Ротавирус касалликлари ўткир респиратор касаллика-ридан кейин 2-ўринда туради. 9—12 ойлик болалар кўпроқ касал бўладилар, лекин туғруқхоналардаги ча-қалоқлар, шунингдек, мактаб ёшидаги болалар ҳам ка-сал бўлиши мумкин.

Касаллик манбай ва резервуари фақат одам ҳисобла-нади. Вируслар ахлат билан ($1\text{ г ахлатда }10^{10}\text{--}10^{11}$ тагача вируслар бўлиши мумкин) З ҳафта давомида, кўпинча касаллик бошлангандан сўнг 7—8 кун давоми-да ажralиб чиқади. Фекал-орал йўл билан юқади. Ҳа-во-томчи орқали юқиши исботланмаган. Касаллик бу-тун йил давомида кузатилади, лекин қиши ойларида кўпроқ учрайди. 2—3 ёшдаги болаларда специфик ан-тителоларнинг топилиши инфекциянинг кенг тарқалган-лигидан (90 фоизгача) далолат беради.

Патогенези ва патанатомияси. Касаллик одамга али-ментар йўл билан юқади. Ротавирусларнинг йиғилиб кўпайиши меъда-ичак йўлларининг юқори қисмларида, асосан ўн икки бармоқ ичак эпителийсида кузатилади. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва умумий заҳарланиш аломатларнинг йўқлиги, вирусларнинг гематоген йўл билан тарқалишининг аҳамияти йўқлигини билдиради,

(агар вирусемия ҳақида маълумотлар бўлмаса). Ротавируслар ичакларнинг шиллиқ қаватларида тўпланиб, кейин ичак бўшлиғига тушади. Суюқлик ва электролитларни кўплаб йўқотиш натижасида II—III даражали дегидратациянинг келиб чиқиши патогенетик жиҳатдан муҳимдир. Ротавируслар бир оз миқдорда йўғон ичакда ҳам топилиши мумкин.

Ротавирусли инфекциялар кўпгина бошқа вирусли (адено ва коронавирусли) ва бактериал (эшерихиозлар, шигеллёzlар, сальмонеллёzlар) касалликлар билан бирга учрайди. Бироқ, ротавирусларнинг ўзи ҳам меъда-ичак йўлларининг заарланишига олиб келиши мумкин. Микроскоп остида текширилганда ичак шиллиқ пардасида юзаси текисланган, туклари қисқарган қисмларини кўриш билан бирга шиллиқ қаватлар ва бир ядроли ҳужайралар инфильтрациясини кўриш мумкин. Электрон микроскоп остида ротавирус қисмларини аниқлаш мумкин. 4—8 ҳафта ўтгач, ингичка ичакларнинг шиллиқ қаватлари нормал ҳолга келади.

Ротавирус касалликларида дисахаридаза синтезланувчи ингичка ичак тугунларининг эпителийси ҳам қисман заарланади. Натижада ичакларда дисахаридлар йиғилиб қолади, оддий қандларнинг сўрилиши ҳам бузилади. Буларнинг ҳаммаси йўғон ичакка тушадиган дисахаридлар ва оддий қанд миқдорининг ошиб кетишига олиб келади, натижада осмотик босим ошиб кетади. Шу муносабат билан тўқималардаги кўп миқдордаги суюқлик йўғон ичакка тушиб, организм сувсизлашишига олиб келади. Бу жараён ротавирус инфекцияси келтириб чиқарган яллигланиш ҳоллари билан янада кучаяди. Инфекция бошдан кечирилгандан сўнг қон зардобида антителолар тўпланиб қолади.

Инкубацион давр 7 кундан 15 кунгacha давом этади (кўпроқ 1—2 кун бўлади). Касаллик ўткир бошланади. Касаллик бошлангандан 12—24 соат ўтгач, касалликнинг барча клиник аломатлари яққол намоён бўлади, ифодаланган иситма одатда кузатилмайди. Тез-тез, сувдек, шиллиқ ва қон аралашмасиз ич кетади. Иккиламчи инфекциянинг қўшилиши натижасида касалликнинг оғирроқ кечиши қайд этилади.

Беморларнинг ярмида қайт қилиш, унча кучли бўлмаган интоксикация ва субфебрил ҳарорат билан бирга элигастрал соҳада оғриқ кузатилади. Фақат баъзи ҳоллардагина bemor 2—3 кунгacha қайт қилиши мумкин.

Беморларнинг ҳаммасида сувдек тез-тез ич кетиши

аниқланади, ахлат кучли қўланса ҳидли, оқиш, лойқасимон бўлиб, вабо билан оғриган беморнинг ахлатига ўхшаб кетади. Ахлат таркибида шиллик ва қонининг бўлиши ротавирус касаллигига бактериал инфекция қўшилганидан далолат беради. Бундай касалларда иситма ва интоксикация кучлироқ намоён бўлади.

Тез-тез ич кетиши натижасида организмнинг сувсизланиши келиб чиқади. 95—97 фоиз беморларда I ёки II даражали сувсизланиш кузатилади, баъзан декомпенсацион метаболик ацидоз билан оғир деғидратацияни кузатиш мумкин. Бундай ҳолларда ўткир буйрак етишмовчилиги ва гемодинамик бузилишлар келиб чиқиши мумкин.

Қоринни пальпация қилганда эпигастрал ва киндик соҳаларида оғриқ ва қориннинг ўнг томонида кучли ғулдурашни сезиш мумкин. Жигар ва талоқ катталашмаган. Ректороманоскопик усул билан текширилганда, кўпинча беморларда ўзгариш бўлмайди, баъзи беморлардагина тўғри ичак ва сигмасимон ичак шиллик қаватларининг бироз қизарганлиги ва шишганлиси қайд этилади.

Касалликнинг ўткир даврида сийдик миқдори камайиб кетади, баъзи беморларда альбуминурия, сийдикда лейкоцитлар ва эритроцитлар топилади, қон зардобидаги қолдиқ азотнинг миқдори ошиб кетади.

Касалликнинг бошланғич даврида лейкоцитоз кузатилиб, касаллик авжидан лейкопения келиб чиқади, ЭЧТ ўзгармайди.

Асоратлари. Ротавирус касаллигидан асоратлар қолмайди. Лекин иккиласми бактериал инфекциянинг қўшилиши натижасида касаллик клиник аломатларининг ўзгариб кетиши ва шунга яраша бошқа терапевтик даволаш усулининг талаб этилишини унутмаслик керак.

Ташхиси. Касалликка ташхис қўйишда эпидемиологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, клиник аломатларга эътибор берилади.

Хасталикнинг ўткир бошланиши, тез-тез, кунига 10—15 мартағача сувдек патологик аралашмаларсиз ич кетиши, қайт қилиш, дегидратация, ҳароратнинг бир оз кўтарилиши, умумий интоксикация симптомлари касалликка хосdir.

Ташхис ахлатдаги ротавирусларни турли йўллар билан аниқлаб тасдиқланади (электрон микроскоп орқали агардаги диффузион преципитация реакцияси, ла-текс-агглютинация реакцияси, иммунофермент ана-

ция даврида ҳам қолади. Стационардан чиққандан сүнг, реконвалесцентдан касалликнинг юқиши кечки контакт дейилади. Терининг қипиқланиши ҳали тугамаган бўлса, реконвалесцент юқумли ҳисобланмайди. Юқумлилик бурун-ҳалқум ҳолатига, унда яллиғланиш ўчоқларининг бор-йўқлигига боғлиқ бўлади. Реконвалесцентларнинг юқумлилиги маълум даражада реинфекцияга ҳам боғлиқдир.

Скарлатинанинг яширин тури билан оғриган беморлар катта эпидемиологик аҳамиятга эга бўлади, чунки бунда ташхис ўз вақтида қўйилмайди. Скарлатинага 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар кўпроқ берилувчан бўладилар. Бола ҳаётининг биринчи 6 ойлигига камдан-кам касал бўлади. Касалликка берилувчанликни Дик реакцияси ёрдамида аниқлаш мумкин. (0,1 мл Дик токсинининг термолабил фракциясини тери остига юборилади). Терида қизариш ва инфильтрациянинг пайдо бўлиши (мусбат реакция) организмнинг берилувчанилигидан дарак беради. Скарлатинани бошдан кечирганнанда мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади ва бола чири марта касал бўлмайди, лекин антибиотикларни кўпланилиши туфайли қайтадан скарлатина щ ҳоллари ҳам кузатилади.

Мълум мавсумийлик қайд қўйинади:
касаллик кўпайиб, ёзда камаяди.
Лкаларда, тропик ва субтропик жой-
да кам учрайди.

Инкубацион даври ўрта ҳисобда 2—7
ни. Касаллик кўпинча ўткир бошланиб,
чилиши, ҳолсизлик, томоқда оғриқ, қайт
кечади. Хасталикнинг биринчи ёки иккинчи
ерида пушти ранг майда нуқтасимон, баъзан
чишадиган тошмалар пайдо бўлади. Тошма-
лар, кўпроқ қоринда, оёқ-қўлларнинг ички томо-
қда ва оғиз бўшлиғида жойлашган бўлади.
Ҳарланиши турлича бўлиб, катарал, фолли-

р, лакунар ва некротик ангинада бўли-
дий мумкин. Скарлатина учун танглайнинг қизариб
кетиши характерли бўлиб, танглай қанча кўп заар-
ланган бўлса, бўйин лимфоаденити ҳам шунча кўп бў-
лади. Касалликнинг ўткир даври 4—5 кун давом этади,
кейин ҳарорат аста-секин туша бошлайди, тошмалар
оқаради, bemor ўзини бироз яхши ҳис эта бошлайди.
Касалликнинг дастлабки кунларида тилни караш боғ-
лайди, 2—3 кундан кейин эса учидан тозаланади, тил
сўргичлари яққол кўрина бошлайди (малинасимон тил).

Қасалликнинг 2-ҳафтасида терининг қипиқланиши кузатилади, у баданда қириндисимон кўринишда бўлса, дёқ-қўлларда пластинкасимон кўринишда бўлади. Қасалликнинг биринчи кунлари лейкоцитоз, нейтрофилёз, ЭЧТ нинг тезлашуви аниқланади. З-кунидан бошлаб қонда эозинофилия пайдо бўлиб, баъзан у юқори (15—20 фойзгача) даражагача кўтирилади.

Скарлатинанинг клиникаси жуда хилма-хилдир. Типик скарлатинанинг З тури: енгил, ўртacha оғирлика, оғир кечадиган турлари фарқ қилинади.

Кўпинча скарлатинанинг енгил тури кузатилади, у кучсиз интоксикация ёки интоксикация бутунлай бўлмаслиги билан характерланади. Юқори ҳарорат ($38,5^{\circ}$ даражадан ошмайди), катарал ангина, касалликнинг қисқа ўткир даври (4—5 кун) кузатилади. Ўртacha оғирлика кечадиган турида интоксикация бирмунча яққолроқ бўлиб, ҳарорат (40°C гача) кўтирилади, танглайнинг заарланиши, баъзи некротик ўзгаришлар аниқланади.

Оғир кечадиган скарлатина ўз навбатида қайси лат кўпроқ устун келишига қараб токсик, септиксикосептик турларга бўлинади.

Токсик турига касалликнинг бирланиши, қайта-қайта қусиши, алаҳсир нингеал симптомлар, тахикардия хосд

Септиксик турига танглайнинг (некр регионар лимфа тугунларининг оғир зрактерли бўлиб, баъзан аденофлегмон ли йирингли асоратларга олиб келиши ликнинг типик шаклидан ташқари, атипи бўлиши мумкин (яширин тури), бунда к асосий аломатлари анча кучсиз намоён бўлади.

Асоратлари 2 гуруҳга бўлинади: а) эрта булар интоксикация ва стрептококк инфиқибатидир; б) кечки асоратлар, булар аллеренциялардир.

Асоратлар касалликнинг ҳамма турида ҳам келиб чиқиши мумкин. Скарлатинада кўпинча асоратлар келиб чиқиши кузатилган (отит, мастоидит, лимфаденит, синусит, синовит, гломерулонефрит, юрак томирлари нинг заарланиши ва бошқ). Скарлатинанинг рецидивлари ҳам келиб чиқиши мумкин, бунда маълум вақтда касалликнинг барча аломатлари қайтадан намоён бўлади. Кўпинча касалликнинг енгил тури кузатилади, шу-

нингдек, госпитализация яхши йўлга қўйилгани учун асоратлар ҳам кам учрайди.

Ташхиси. Ташхис касаллик клиникаси, динамикаси ва эпидемиологик маълумотларни ҳисобга олиб қўйилади (скарлатина бўлган касаллар ёки реконвалесцентлар, шунингдек, бошқа стрептококк инфекциялари билан алоқада бўлганларни). Асосий диагностик усуллардан қондаги ўзгаришлар, танглайдан токсиген стрептококкларни ажратиб олиш ва Дик реакцияси ҳисобланади.

Скарлатина қизамиқ, сохта сил, қизилча, зардоб касалликларидан, иссиқлик тошмасидан, дорилардан тошадиган ва аллергик тошмалардан, танглай дифтеријасидан ва бошқа ангиналардан ажратилади.

Прогнози. Касалликнинг кечиши яхши. Камдан-кам ҳолларда ўлим билан тугаши мумкин.

Давоси. Пархез ва гигиеник чора-тадбирлар комплексидан ташқари, антибиотиклар (пенициллин, эритромицин, бициллин-5 ва бошқ.) одатдаги миқдорларда 6—7 кун давомида тайинланади. Стационар шароитида бир палатада ётувчи беморларнинг ҳаммасини стрептококк реинфекциясини келтириб чиқармаслик учун бир вақтда пенициллин терапияси билан даволаш керак. Палаталарни бир вақтда касаллар билан тўлдириб, кейинчалик ўткир bemорларни реконвалесцентлар билан алоқада бўлишларига йўл қўйилмайди.

Касалликнинг оғир (септик) турида антибиотиклар комбинациясидан, қон қўйиш ва бошқа даволаш усулларидан фойдаланилади. Токсик турида юрак препаратлари (кофеин, кордиамин, глюкозанинг 20—40 мл 10—20% ли эритмаси вена ичига) тайинланади. Глюкозанинг 5% ли эритмаси ва Рингер суюқлиги венага томчилаб юборилади. Касалликнинг дастлабки кунларида ўрин-кўрпа қилиб ётиш лозим. Бундай bemорлар учун овқатланиш тартиби ва таркиби одатдагича бўлади.

Профилактикаси. Bеморлар касалхонада ёки уйда 10 кун мобайнида ажратиб қўйилади. Реконвалесцентлар билан алоқада бўлган соғлом болалар 7 кун давомида изоляция қилиниб, шу кунлар давомида ҳар куни тиббиёт кўригидан ўтишлари керак. Скарлатина ўчоридаги стрептококк ангинаси билан оғриган болалар ҳам изоляция қилинишлари зарур. Агар bemор уйда даволанса, хонани ҳар куни дезинфекция қилинади. Узоқ муддат алоқада бўлган нимжон болаларга 1—2 миқдорда иммуноглобулин юборилади. Скарлатинага қарши фаол иммунизация ўtkазилмайди. Касаллик

ўчоғида кундалык ва бемор тузалгач, охирги дезинфекция ўтказилади.

КУЙДИРГИ (ANTRAX)

Умумий ўткир юқумли касаллик бўлиб, иситма, интоксикация, тери, аъзо ва системаларнинг заарланиши билан характерланади. Касалликни бактериялар келтириб чиқаради.

Этиологияси. Куйдирги одамларда ва ҳайвонларда учрайдиган юқумли касалликдир. Куйдиргининг қўзғатувчиси йирик таёқчага ўхшаш граммусбат бактериядир, унинг узунлиги 5—10 мкм, йўғонлиги 1—1,5 мкм бўлади. Куйдирги қўзғатувчиси ҳаракатсиз, граммусбат, капсула ва споралар ҳосил қилиш қобилиятига эга. Ташқи муҳит таъсирига жуда чидамлидир.

Эпидемиологияси. Куйдиргининг асосий инфекция манбай касал уй ҳайвонларидир. Ифлосланган тупроқ ҳам қўзғатувчининг манбай ҳисобланади. Куйдирги билан оғриган ҳайвонлар бутун касаллик давомида касаллик қўзғатувчисини сийдик, ахлат ва сўлак билан ташқи муҳитга чиқаради. Ўлган ҳайвонларнинг аъзолари, териси, жуни, қони ва бошқа ажратмалари ҳам заарли ҳисобланади. Ҳайвонларнинг бу инфекцияга берилувчанлиги жуда юқоридир. Куйдирги алиментар, трансмиссив ва ҳаво йўли орқали юқади. Куйдирги бевосита алоқа йўли билан касал ҳайвондан соғлом ҳайвонга ўтмайди. Касаллик асосан июнь-август ойларда кўпроқ кузатилиб, ҳайвонларга тупроқ ва қон сўрувчи ҳашаротлар орқали юқади.

Куйдирги билан катталар ҳам, болалар ҳам бир хил оғрийдилар. Статистик маълумотларга қараганда, катталар болаларга нисбатан кўпроқ касал бўладилар. 80 фоиз ҳолларда куйдирги билан ҳайвон териси, жуни ва бошқа маҳсулотлари билан ишловчи шахслар ҳам касалланадилар.

Патогенези. Куйдиргининг тери, ўпка, ичак орқали юқадиган ва септик турлари фарқ қилинади. Шунингдек, бу микроорганизмнинг иммунобиологик хусусиятига ҳам боғлиқдир. Одамда, кўпинча тери орқали юқадиган тури учрайди. Бунда инфекция организмга тери орқали тушади. Ичак ва ўпка орқали юқадиган турлари гематоген йўл билан иккиламчи равишда ривожланади. Касалликнинг септик тури иккиламчи бўлиб, куйдиргининг барча клиник қўринишларида ривожланishi мумкин. Хасталикнинг бирламчи септик тури кўплаб миқдорда инфекция тушганда, қўзғатувчи юқори виру-

лентликка эга бўлганда, шу билан бирга микроорганизминг ҳимояланиш қобилияти етарли бўлмагандаривожланиши мумкин.

Клиникаси. Одамларда куйдиргининг яширин даври бир неча соатдан 6—8 кунгача давом этади. Терида турли маҳаллий ўзгаришлар кузатилиб, асосан тананинг очиқ қисмида жойлашувчи куйдирги карбонкули кўринишида бўлади. Терининг қўзғатувчи кирган жойида дод пайдо бўлиб, кейинчалик миссимон қизғиш рангдаги папулага ўтади. Бир неча соатдан кейин папула везекула томчисига айланади, сўнг папулага ўтади, бир неча вақтдан сўнг пустула ўрнида қорайган яра ўрни ҳосил бўлади. Яра ўрни атрофида янги майдатомчилардан доирача ҳосил бўлиб, бир неча кундан кейин улар ўзаро қўшилади ва янги, йирик, қорайган, қаттиқ, диаметри 5—6 см гача етадиган яра ўрни ҳосил бўлади. Атрофидаги тери ва ҳужайралар шишган ва инфильтрацияланган бўлади. Яра ўрнида оғриқ кузатилмайди. Бемор ҳарорати одатда 39—40°C гача кўтарилади, лекин касаллик енгил кечганда ҳарорат субфебрил бўлиши мумкин. Касаллик нормал кечганда 5—6 кундан кейин ҳарорат пасаяди ва шиш камаяди. 1,5—2 ҳафтадан сўнг яра ўрнида тўқималарнинг грануляцияси келиб чиқади ва чандиқ ҳосил бўлади. Касаллик оғир кечганда сепсис ривожланиб, метастатик ўчоқлар келиб чиқади ва bemornинг ўлимiga сабаб бўлади.

Одамларда куйдиргининг ичак орқали юқадиган тури кам учрайди. Касаллик умумий ҳолсизланиш, кўнгил айниши, қон аралаш қайт қилиш, қон аралаш ич кетиши, ҳароратнинг кўтарилиши билан бошланади. Қоринда қаттиқ, белда доимий оғриқ пайдо бўлади. Касаллик ўртача 2—4 кун давом этади ва ўткир юрак етишмовчилигига олиб келиб, ўлим билан тугайди. Упка орқали юқадиган тури жуда камдан-кам учрайди. Касалликнинг бошланиши юқори нафас йўлларининг катарига ўхшайди. Кўкракда оғриқ ва сиқилиш пайдо бўлади, умумий ҳолсизланиш ва юқори ҳарорат кузатилади. Йўтал аввалига шиллиқ балғам, кейин қон аралаш балғам билан қайд этилади. Касалликнинг 2—3-куни юрак фаолияти издан чиқиши натижасида хасталик bemornинг ўлими билан тугайди.

Касалликнинг септик тури тез ва жуда оғир кечиши билан характерланади, бунда геморрагик ўзгариш кўплаб кузатилади. Қонда, орқа мия суюқлигига ва бир қатор аъзоларда катта миқдорда куйдирги таёқчалари

топилади. Күйдирги баъзи болаларда алоҳида хусусиятлар билан кечади. Бунда асосан касалликнинг ўтириш бошланиши характерли бўлиб, умумий интоксикация аломатлари, мия ўзгаришлари, бош оғриши, қайт қилиш, титроқ ва ҳушдан кетиш аниқланади. Кучли иситма реакцияси кузатилиб, баъзан узоқ муддатгача ҳарорат субфебрил бўлиши мумкин.

Ташхиси. Ташхис эпидемиологик, клиник ва лаборатория маълумотларига асосланиб қўйилади. Лаборатория текшириш усулларидан: бўялган материални микроскоп остида кўриш, иммунофлюресцент усули, озиқали муҳитга экиш, лаборатория ҳайвонларига юқтириш ва серологик усул — Асколи бўйича преципитация реакциясидан фойдаланилади.

Дифференциал ташхиси. Кўйдиргининг тери орқали юқадиган турини тери стафилококк касалликлари, туляремия, кўк йиринг таёқчалари пайдо қилган инфекция, зотилжам билан дифференциал ташхис қилиш керак.

Давоси. Кўйдиргининг ҳамма турида асосий ва специфик даволаш усули — кўйдиргига қарши иммуноглобулин қўлланади. Даволаш курсининг муддати ва препаратларнинг миқдори индивидуалdir. Препаратларни юборишдан олдин 37°C гача қиздирилади ва Безредко бўйича мушаклар орасига юборилади. Терапевтик миқдори 20—30 мл, ҳозирги вақтда зардоб ўрнига кўйдирги иммуноглобулинидан фойдаланимоқда. Профилактика мақсадида болаларга — 5—8 мл, ўсмирларга — 12 мл, катталарга — 25 мл иммуноглобулин юборилади.

Пенициллин суткасига 2—3 марта мушаклар ичига юборилади (суткалик миқдори — 500000—1500000 ТБ). Заарланган жойга суртма дори суртилган бинт бояланади. Кўйдиргини специфик даволаш симитоматик, айниқса юрак препаратлари билан бирга олиб борилади.

Профилактикаси. Кўйдиргига қарши чора-тадбирлар инфекция манбай ва ўчиқларини топишга ва йўқ қилишга қаратилган бўлиши керак. Инфекциянинг юқиши ўлларини тугатиш, одам ва ҳайвонларни кўйдирги юқишидан сақлаш лозим. Профилактик чора-тадбирлар қўйидагиларни кўзда тутади: кўйдирги билан касалланган ва шунга тахмин этилган ҳайвонларни ажратиб қўйиш, кўйдиргидан ўлган ҳайвонлар жасадини, заарланган объектларни ёқиб йўқ қилиш, касал ҳайвонлар турган ерларни заарсизлантириш, сув ичиш жойларини тозалаш, ботқоқ ерларни қуритиш.

Одамларни кўйдиргига қарши эмлашда СТИ — спорали капсуласиз вакцина қўлланади, бу вакцина кўй-

дирги микробларининг вирулентидан тайёрланган. Вакцина юқори самарадорлиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Вакцина тери усти ёки остига юборилади. 10 ёшгача бўлган болаларга —0,3 мл, 11 ёшдан 14 ёшгача —0,5 мл, катталарга —1 мл вакцина юборилади. Ревакцинация 1 йилдан сўнг ўтказилади.

ҚОҚШОЛ (TETANUS)

Ўтирик юқумли инфекцион касаллик бўлиб, қоқшол токсини келтириб чиқарган чайнозв мушакларининг тоник қисқаришлари, вақти-вақти билан талваса тутиши, организмнинг умумий заҳарланиши билан таърифланади.

Этиологияси. Қўзғатувчиси — экзотоксин ажратувчи, ҳаракатчан спора ҳосил қиласидан таёқча бўлиб, анаэроб шаронтларда ривожланади. Тупроққа нажас билан бирга тушиб, ўз ҳаёт фаолиятини узоқ сақлаб турадиган споралар ҳосил қиласиди. Касаллик аксарият тери орқали юқади. Чашлоқлар киндик ярачаси ифлосланганда заарarlаниши мумкин. Касаллик патогенезида нейротроп таъсир кўрсата оладиган токсин асосий рол ўйнайди. Қоқшол тўқималар некрози билан давом этадиган чуқур санчилган яралар ва шикастланишларда айниқса хатарли ҳисобланади.

Қоқшол таёқчаси токсини нерв толалари охирларига, орқа ва бош мияга таъсир этади. Токсик-симпатик нерв системаси тонусининг ошиши тахикардия, гипертония, аритмия, периферик томирлар спазми, кўп терлашни келтириб чиқаради. Қоқшол патогенезида метаболик бузилишларга муҳим аҳамият берилади.

Клиникаси: Инкубацион давр ўрта ҳисобда 6—14 кундир. Касаллик бирдан умумий ҳолсизлик, безовтланиш ва чайнозв мушакларининг оғриқли талвасаси, кейин юз мушакларининг талвасали қисқариши ва тез орада оғриқ гавда мушакларига ўтишидан бошланади. Бунинг натижасида гавданинг ёйга ўхшаб эгилиши, қориннинг кескин тараанглашиши, нафас бузилишлари ривожланади. Ҳарорат ўртача кўтарилган бўлади.

Кўп терлаш ва сўлак оқиши қайд қилинади. Хасталик одатда оғир ўтади ва ўлим ҳоллари кўп бўлади.

Касаллик клиник белгиларининг оғир-енгиллигига қараб, хасталикнинг енгил, ўртача оғир, оғир ва жуда оғир турлари фарқ қилинади.

Қоқшолнинг енгил турида касалликнинг асосий клиник белгилари аста-секин ривожланади, тоник талвасалар суст ифодаланади, бунда ўқтинг-ўқтинг талваса

тутиши, ўчоқли инфекцияда мушаклар гипертонуси (маҳаллий қоқшол) қайд қилиниши эҳтимол. Бундай ҳолат бир неча ҳафта мабайнинда сақланиб туриши ва ном-нишонсиз йўқолиб кетиши мумкин.

Оғир кечадиган қоқшол нисбатан қисқа инкубацион давр (3—5 кун) билан таърифланади. Касаллик ўткир, шиддатли бошланади. Тризм барвақт пайдо бўлади, чайнов мушаклари спазми бошқа мушаклар спазми билан алмашади, ютиниш қийинлашади. Безовталаниш, жizzакилик, бош оғриши касалликнинг илк белгилари-данdir. Қоқшол тутқаноғи кеч пайдо бўлиб, узоқ вақт давом этиши мумкин, асфиксия, қон айланишининг бузилиши, дизурия кузатилади, шу билан бир қаторда болаларда кўпинча беихтиёр сийиб қўйиш ва ахлат ажралиши қайд қилинади.

Янги туғилган чақалоқларда қоқшол тарқоқ (генерализациялашган) турда кечади, сўриш акти бузилади, безовталик, йифлоқилик пайдо бўлиб, бунга талвасалар қўшилиб кетади. Илк бор тремор, блефароспазм қайд қилиниши мумкин.

Ташхиси. Шикастланиш анамнезида жароҳатнинг ифлосланиш эҳтимоли борлигига кўрсатмаларни қўшган ҳолда, касалликнинг типик-клиник аломатларига асосланиб қўйилади. Қоқшолни стрихниндан заҳарланиш, истерия, альвеолар ёки энса абсцесси (тризм), спазмофилиядан ажратади. Чақалоқларда қоқшолни туғруқ натижасида келиб чиқадиган шикастланишдан фарқ қилиш зарур.

Давоси. Қоқшолга махсус иммуноглобулин (мушак орасига 6 мл), 0,5 мл дан анатоксин бир кунда уч марта 3—5 кун оралатиб юборилади. Шу билан бир қаторда юрак-томир воситалари ва антибиотиклар ҳам тайинланади. Касаллик оғир кечганда махсус аппаратлар ёрдамида бошқариладиган сунъий нафас олдиришини қўллаган ҳолда трахеотомия кўрсатилган. Беморларни республика, вилоят ва шаҳар шифокорлари-нинг ихтисослаштирилган бўлимларига ётказмоқ лозим.

Профилактикаси. Махсус профилактика бўғма, кўкйўтал ва қоқшолга қарши ассоциранган вакцина (АКДС) таркибига кирадиган қоқшол анатоксини билан фаол иммунлаш, шунингдек, шикаст етганда эмланмаганларни фаол-суст иммунлаш (0,5 мл анатоксин, махсус иммуноглобулинни 3 мл миқдорда 5 кун оралатиб юбориш) йўли билн амалга оширилади.

ЗАРДОБДАН ЮЗАГА ҚЕЛАДИГАН ҚАСАЛЛИК

Хасталик ёт жинсли зардобли протеинга сенсибилизацияланган организмнинг анафилактик реакциясидан иборат бўлиб, зардоб билан даволанган шахсларда аниқланади. Қасаллик иситма, терига тошмалар тошиши билан ифодаланади.

Этиологияси ва патогенези. Зардобдан ўтадиган қасаллик ёт жинсли зардобни бирламчи ҳамда иккиласми (айниқса кўп) юборишда кузатилади. Яхшилаб тозаланган зардблар ишлатилганда (диафермлар) зардоб туфайли юқадиган хасталик камроқ учрайди ва бир қатор енгил турда ўтади. Организмнинг ҳолати, реактивлиги ва аллергияга мойиллиги қасалликнинг юзага келишида ҳал этувчи рол ўйнайди. Зардобнинг катта миқдорларини юбориш зардоб туфайли юқадиган қасаллик ривожланишига ёрдам беради. Организм ҳолати, дастлабки сенсибилизация, организмнинг индивидуал реактивлиги, сурункали ўчоқли инфекция ва бошқа омиллар анафилактик реакциянинг пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Клиникаси. Зардоб дастлаб юборилганда инкубацион давр 7—12 кун бўлади, дори такрор юборилганда реакция бир зумда пайдо бўлади. Қасаллик номутносиб характерда бўлган иситма ва тошма тошишидан бошлианди. Зардоб туфайли пайдо бўладиган тошма жуда ўзгарувчан, унинг элементлари тез йўқолиб, тез пайдо бўлади. Баъзан тошма тўлқинсимон бўлади. Кўпинча, айниқса зардоб келтириб чиқарувчи хасталик оғир кечгандан тери бўғимлар соҳасининг шишуви кузатилади. Қон босими пасаяди, баъзан бронхит ривожланади, кичик ёшдаги болаларда ич кетади.

Периферик қонда лейкопения, нисбий лимфоцитоз, тромбоцитопения аниқланади, ЭЧТ тезлашган бўлади. Зардоб келтириб чиқарадиган қасаллик 3—5 кун давом этади, гоҳо қасаллик қайталаниши эҳтимол.

Тошма олдин зардоб юборилган жойда пайдо бўлади. У кўпинча қаттиқ қичишиш, лимфа тугунларининг шишуви, баъзан бўғимларнинг оғриқ бериши билан кузатилади, гоҳо асептик некроз рўй беради. Анафилактик шок ўткир, шиддатли ривожланади. Тана ҳарорати юқори рақамларгача кўтарилади, умумий безовталаши, иссиқлик ҳисси, бош оғриғи, қоринда оғриқ туриши, қайт қилиш, ўткир юрак-томир етишмовчилиги белгилари, қон босимининг пасайиши, томир уришининг ўйқолиши аниқланади, цианоз пайдо бўлади. Сўнг тана

ҳарорати тушиб кетади, бемор ҳушидан кетади, талвасалар, ўз-ўзидан сийиб, ахлат ажралиши, муздек тер, тери қопламларининг рангизланиши қайд этилади. Анафилактик шок ўлим билан тугалланиши мумкин.

Ташхиси. Уни қўйиш одатда қийин эмас. Хасталикни қизамиқ, қизилча, скарлатина, турли доривор ва аллергик тошмалардан фарқ қилишга тўғри келади.

Давоси. Қальций препаратлари, витамин С, 0,01 дан 0,05 г гача (ёшга қараб) димедрол, илиқ ванналар ва бошқалар. Анафилактик шокда инъекция ўрнига адреналин юборилади, венага эфедрин ёки адреналин, тери остига антигистамин препаратлари (димедрол, пипольфен), стероид гормонлар (венага), кислород, сунъий нафас олдириш, седатив воситалар тайинланади ва бемор зудлик билан шифохонага ётқизилади.

Профилактикаси. Тозаланган зардоблардан фойдаланиш, дорини Безредко усулида юбориш.

СПИД (ОРГАНИЛГАН ИММУН ЕТИШМОВЧИЛИГИ СИНДРОМИ)

Иммун системанинг вирусли касаллиги бўлиб, бунда асосан Т-лимфоцитлар — хелперлар заарланиб, организмнинг шартли патоген микроорганизмларга нисбатан умумий реактивлигининг кескин сусайиши ва онкологик хасталикларга мойил бўлиш қайд этилади, натижада касаллик оғир кечади ва сўзсиз ўлим билан тугайди.

Этиологияси. Спид қўзғатувчиси бўлиб, одамнинг иммун етишмаслиги вируси ҳисобланади (ВИЧ). Ҳозирги вақтда икки серовариант — ВИЧ-1 ва ВИЧ-2 маълум. Спид вируслари ретровируслар оиласига мансубдир.

Эпидемиологияси. Заарланган киши, bemor ёки вирус ташувчигина СПИД инфекциясининг манбаи ҳисобланади. Вирус одам организмидан қонда ва турли аъзоларда бўлади. У лимфоцитларда айниқса кўп топилади. Вирус организмда асосан сперма билан ажралиб чиқади. Вируснинг тупукда, кўз ёши, аёл сутида бўлиши ҳақида ҳам маълумотлар бор. Лекин вируснинг шу биологик суюқликлардаги концентрацияси жуда оз бўлади.

Болалар бу хасталик билан қон препаратлари қуйилганда заарланадилар. Бола туғруқ йўлларида ўтаётган вақтда ҳам инфицирланиши мумкин. Боланинг кўкрак сути орқали заарланиши мумкинлиги исботланган. Қасаллик микрошикастлар, яра-чақалар орқали

юқади (агар вирус қон, тупук, сперма, заарланган тери қопламларига ёки шиллиқ пардаларга тушса).

Қасалликнинг табиблар муолажа қилганда юқиши ҳам кузатилиб, булар ВИЧ фаоллашувини келтириб чиқаради, унинг зўр бериб кўпайиши ва Т₄-лимфоцитларнинг заарланишига сабаб бўлади. Бу улар сонининг камайишигагина эмас, балки гуморал омилларнинг сортиқча юзага келишига олиб келади. Бу омиллар глобулин маҳсулотларини В-лимфоцитлар билан фаолластиради. Бу ўз навбатида иммун комплекслар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлади. Айни пайтда моноцитларнинг хемотоксисга ва интерлейкин-1 маҳсулотига нисбатан қобилияти йўқолади. Қон зардобида антилимфоцитлар, антителолар пайдо бўлиб, α -интерферон, β_2 -микроглобулин ва α_2 -тимозиннинг кислотага барқарорлик даражаси ошади. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳужайра системасида ва гуморал иммун жавобнинг антиген таъсиrotларига нисбатан бўлган қайтмас бузилишларга олиб келади ва одам тасодифий, шу жумладан «оппортунистик» инфекцияларга нисбатан заниф бўлиб қолади, бу инфекциялар одатдаги шароитларда одам учун заарсиз бўлади. Бундан ташқари, цитотоксинли реакцияларнинг кескин даражада сусайиши муносабати билан атипик ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши устидан тўла сифатли иммун назорат ўрнатиш мумкин бўлмай қолади, бу эса СПИД билан оғриган беморларнинг турли ўсма қасалликларига кўпроқ чалинишига сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда СПИД фақат иммун системасини заарлантиrmай, балки бошқа аъзолар, биринчи галда марказий нерв системаси (МНС) ни заарлантиради, деган фикрлар мавжуд.

Клиникаси. СПИД инфекциясининг кечишида қатор босқичларни ажратса бўлади. СПИД да инкубацион даврни ҳамма вақт ҳам аниқлаш имкони бўлмайди. ВИЧ билан инфицирангандарнинг тахминан ярмида қасаллик юқсан дақиқадан бошлаб 2—4 ҳафта ўтгач, ҳарорат кўтарилади ва у 2 ҳафта мобайнида юқорилигича сақланади, лимфа тугуллари, жигар ва қораталоқ катталашади. Аксари ангина аниқланади. Хасталикда юзага келадиган симптомлар комплекси мононуклеазасимон синдром деб аталади. Бундай беморларнинг қонида анча ифодалangan лимфоцитопения топилади. Бу синдромнинг умумий давомлилиги 2—4 ҳафта, шундан кейин кўп йилларга чўзилиб кетадиган махфий давр бошланади. Беморларда мононуклеазасимон синдром

типи бўйича касалликнинг бирламчи аломатлари кўрилмайди, лекин уларда айрим клиник симптомлар пайдо бўлади. Катталашган лимфа тугунлари пайпаслаб кўрилганда оғриқсиз, ҳаракатчан бўлади. Касалликнинг бу даврида ортиқча толиқиш ва терлаш ҳоллари кузатилиши мумкин. Бундай беморларнинг периферик қонида лейкопения, Т₄-лимфоцитлар миқдорининг вақт-бевақт камайиши, тромбоцитопения ва вирусга нисбатан доим топиладиган антителолар қайд қилинади. Хасталикнинг бу босқичини хроник (сурункали) лимфаденопатиянинг синдроми сифатида белгилаш қабул қилинган, чунки у асосан лимфа тугунларининг вақт-бевақт катталашуви билан намоён бўлади. Бу даврда беморни фақат катталашган лимфа тугунлари гина эмас, балки ҳароратнинг кўтарилиши, тунги пайтда ва ҳатто ҳарорат нормал бўлганда терлаш безовта қиласди, тез-тез ич кетади, тана вазни камайиши қайд қилинади. Терига оддий герпес тошиши ёки замбуруғли, йирингли тошмалар тошиши мумкин, кўпинча барқарор кандидозли стоматитлар ва эзофагитлар пайдо бўлади.

Касаллик кейинчалик авж олганда асл СПИД клиникаси ривожланиб, у асосан оғир «оппортунистик» инфекциялар ва турли хил янги тузилмалар билан намоён бўлади. Етакчи клиник синдром ифодаланишига қараб, шартли равишда ўпка, церебрал, меъда-ичак, онкоген ва бошқа касаллик турлари фарқ қилинади.

Ўпка тури аксарият пневмоцист зотилжам (пневмония) билан намоён бўлади. Касаллик қуруқ, ҳадеганда босилмайдиган йўтал, тўш ортида оғриқ туриши, юқори иситма, тахипноэ, терлаш, умумий дармонсизлик билан таърифланади. Ўпкада тарқоқ крепитацияловчи ва майда пуфакчали хириллашлар эшитилади. Зотилжам узоқ муддат давом этади, даволаниши қийин бўлади, тез-тез такрорланиб туради. Балғамда ва биопсия материала (зараrlаниш ўчоқларидан олинган) пневмоцисталар топилади. Кўпинча болалардаги ўпка зарарланиши цитомегаловирусли пневмония билан намоён бўлади. У интерстициал инфильтрация ва шиш, альвеоляр ҳужайралар гиперплазияси билан таърифланади. Касаллик интерстициал пневмония кўринишида тез-тез рўй берадиган ўткир нафас етишмовчилигининг ривожланиши билан тугаши мумкин. Рентгенологик жиҳатдан интерстициал пневмония аниқланади, лекин локал инфильтрация ўчоқлари ҳам бўлиши эҳтимол.

Ўпкадаги жараён вақти-вақти билан гоҳ кучайиб,

гоҳ сўниши мумкин, лекин клиник жиҳатдан кўп ойлар ва ҳатто йиллар намоён бўлмаслиги мумкин. Бундай болаларда одатда «оппортунистик» инфекциялар бўлмайди.

Меъда-ичак тури энтерит ёки энтероколит билан намоён бўлади, уни шартли-патоген флора, замбуруглар ва содда жониворлар келтириб чиқаради. Бу тур учун оғиз бўшлиғи шиллиқ пардалари ва қизилўнгачнинг замбуруглар томонидан заарланиши хосдир. Шунингдек, узоқ вақт давом этадиган сальмонеллёз, стафилококкли энтероколитлар, протеозлар ва бошқалар учраб туради. Меъда-ичак йўли заарланиши асосида болалар учун энг хос бўлган симптомларнинг ривожланиши — дистрофия зўрайган ҳолдаги тана оғирлигининг тушиши ётади.

Мезентериал ва ретроперитонеал аденопатия, шунингдек, гепатоспленомегалия болалардаги кўп учраб турадиган СПИД нинг абдоминал кўриниши ҳисобланади. Касаллик аортал, мезентериал ва портожигар лимфа тугунларининг кескин катталашуви билан намоён бўлиб, булар йирик томирларни зич ўраб турадиган катта халталарни ҳосил қиласди. Кўпгина ҳолларда лимфа тугунлари сусайган товуш ўтказувчанлиги билан таърифланади. СПИД да лимфа тугунларининг катталашувини, диарея синдромида бўлгани каби иккиламчи инфекциянинг қўшилиб кетиши билан изоҳлаш қабул қилинган.

Церебрал тури миянинг токсоплазмоз абсцесслар, ўртacha ўткир ўтадиган герпетик ёки цитомегаловирусли энцефалитлар билан намоён бўлади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда ВИЧ нинг ўртacha ўткир энцефалит, зўрайиб борувчи деменция, парапарез ва атаксияни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқ тасдиқланган. СПИД га йўлиқкан болаларда изоҳлаш қийин бўладиган невропатия ва сурункали менингит белгилари қайд қилинади. Айрим ҳолларда оғир неврологик симптомлар авж олиб, булар тутқаноқ тутиши, психомотор ривожланиши бузилишлари, энцефалопатия, мия массасининг кўпаймаслиги билан намоён бўлади.

ВИЧ инфекцияси билан оғирлашган, ривожланадиган иккиламчи касалликлар этиологияси турлича бўлиши ва кўп жиҳатдан турмуш, иқлим шароитларига қараб аниқланади. Пневмоциста, ўраб оловучи ва оддий герпес вируслари, цитомегаловирус, микобактериялар, сальмонеллалар энг кўп учраб турадиган этиологик агентлар бўлиб ҳисобланади.

Илк ёшдаги болаларда спиднинг хусусиятлари. ВИЧ билан она қорнида заарланган болалар кўпинча ойкуни етмасдан, она қорни ичидаги гипотрофия белгилари ва турли неврологик бузилишлар билан турилади. Постнатал даврида бундай болалар кам ривожланади, қайталанувчи инфекцияларга чалинади, уларда доимо лимфоаденопатия, гепато-ва спленомегалия аниқланади. Тери ва шиллиқ пардаларнинг турғун қандидози, пневмоцист пневмония, турғун энтерит ва тана вазнининг ошмай қолиши кўпинча касалликнинг дастлабки белгилари бўлиб ҳисобланади. Психомотор ривожланишдан орқада қолиши билан намоён бўлади.

Болаларда СПИД катталарга қараганда аксарият ўткир, ҳарорат кўтарилиши, лимфа тугунлари, жигар ва қораталоқнинг катталашуви билан бошланади. Улар озиб-тўзиб кетадилар. Уларда кўпинча тери қичишиши, доғсимон-папулёз тошма, аксари тромбоцитопенияning пайдо бўлиши туфайли геморрагик тошмалар кузатилади. Болаларда катталардагига қараганда энцефалопатия, талваса ва тутқаноқ тутиши каби неврологик симптомлар авж олади, аксари паротит ва анемия (камқонлик) пайдо бўлади.

Ташхиси. СПИДга ташхис клиник-эпидемиологик ва лаборатория маълумотлари йиғиндишига асосланиб қўйилади. Болаларни хавфли гуруҳдан аниқлаб олиш, эпидемиологик маълумотлар катта аҳамиятга эга. Гемофилия иккиласми ва бирламчи иммун етишмовчилик билан оғриғаи беморларда, гемодиализда бўлган болаларда, шунингдек, фоҳишалар, гиёҳвандлар, биосексуалистлардан турилган болаларда СПИД вирусларидан зарарланиш эҳтимоли юқори бўлади.

Касаллик динамикасида иммунофермент анализ методи (ИФА) билан қонда вирус ва ўзига хос антителоларни бевосита аниқлаш, СПИД ташхиси учун ҳал этувчи аҳамиятга эга. Вирусларни латент ҳолатда аниқлаш имконини берадиган молекуляр гибридизация усули энг яхши усуllibардан ҳисобланади.

Лаборатория усули сифатида T_4-T_8 коэффициентини баҳолашдан фойдаланиш тавсия қилинади. T -хелперлар сонининг кескин даражада камайиб кетиши СПИД учун айниқса характерлидир, бунинг натижасида T_4-T_8 коэффициенти 1 дан кам бўлади. Қон зардобида иммуноглобулинлар ва айниқса айланиб юрадиган иммун комплексларнинг кескин кўпайиши, шунингдек, лимфоцитлар, бластоген-реакцияларнинг митогенларга ва тери синамалари ёрдамида топиладиган турли анти-

генларга бўлган тери энергияси ҳодисалари диагностик аҳамиятга эга бўлади.

Периферик қон томонидан зўрайиб борувчи лимфоцитопения, эритроцитопения, тромбоцитопения ва эозинофилия СПИД учун айниқса хосдир. Вирусга қарши даво сифатида азитимидин, рибовирин (виразол), циклоспоримин А, интерферон ва бошқалар анча муваффақиятли қўлланилади. Азитимидин тайинлашда яхшироқ натижалар олинган. Препаратни 1 кг тана вазнига 20—30 мгдан бир кечакундузда 4 маҳал 4—6 ҳафта мобайнида ичиш тайинланади. Препарат миқдори ошириб юборилганда бош оғриши, кўнгил айниши ва қайт қилишдан шикоятлар бўлиши эҳтимол, периферик қонда, баъзан эритроцитлар сонининг кўпайиши, лейкопения ва камқонлик қайд қилинади.

Иммунитетни тиклаш учун тималин, Т-активин, тимазин, интерлейкин-2, левамизол (декарис), натрий нуклеинат, индометацин ва бошқалар буюрилади. Тимус препаратлари ҳужайралар функциясининг асли ҳолига қайтишига олиб келади. Лекин улар касалликнинг клиник манзарасини яхшиламайди, шу сабабли уларни вирусларга қарши препаратлар билан бирга қўллаш таклиф этилади.

Касаллик кечишини оғирлаштирувчи ва бемор ҳаётига хавф соловчи шартли патоген флорани сўсайтириш СПИДга учраган bemорларни даволашда анча масъулиятли вазифадир. Бу мақсадда антибактериал препаратлар, шу жумладан турли антибиотиклар, сульфаниламидлар кенг кўламда қўлланади. Протозой флора бўлганда триметоприм-сульфаметоксазол, приметамин-сульфаметоксазол, пентамидин ва бошқалар ишлатилади. Замбуруғли асоратларга даво қилиш учун амфотерицин В, нистатин, леворин тайинланади.

Профилактикаси. Спидда эпидемияга қарши кураш вирусли гепатит В да бўлгани каби. Соғлом ҳаёт тарзи учун ҳар томонлама курашиш, шунингдек, фоҳишалик, гиёҳвандлик, жинсий бузилишларга қарши кураш асосий профилактик чора-тадбирлардан ҳисобланади. Қон донорлари устидан клиник ва серологик назорат ўрнатиш, бир марта ишлатиладиган шприцларни қўллаш, гемодиализ системалари хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқалар касалликка қарши курашишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

СПИДга шубҳа қилинган bemорлар алоҳида палаталарга ёки боксларга ётқизилади. Қон ва бошқа биологик материалларни фақат қўлқоплар ёрдамида оли-

нади. Беморларнинг ўрин-кўрпаси, тиш чўткалари, ўйинчоқлари, сўргичлар 20—25 дақиқа мобайнида қайнатиб дезинфекция қилинади. Бўлимларда bemорлардан олинган материаллар махсус ёпиқ контейнерларда сақланади ва олиб чиқилади. Боғлов материалари ташлаб юборилишидан аввал дезинфекцияловчи эритмаларда ёки 20—25 дақиқа давомида қайнатиб заарсизлантирилади.

Беморлар билан алоқа қилувчи тиббиёт ходимлари, шунингдек, bemорлар материалини текшириб борувчи лаборатория ходимлари йилига 1 марта СПИД вирусларида антителолар бор-йўқлигига текширилиши лозим.

Фаол профилактика ишлаб чиқиш арафасида.

СТАФИЛОКОКК ИНФЕКЦИЯСИ

Патоген стафилококклар келтириб чиқарадиган турли-туман патологик жараёнларда этиотроп терапиянинг эпидемиологияси, профилактикаси ва усуулларида муайян умумийлик бор.

Этиологияси. Кўзгатувчи — патоген стафилококкдир, плазмоагуляция тести унинг патогенлигининг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Антибиотиккорезистентлик, кўпинча — полирезистентликни тезда касб этиш стафилококк учун хосдир.

Эпидемиологияси. Стафилококк инфекцияларнинг турли формаларига учраган bemорлар ва патоген стафилококк ташувчилари — инфекция манбаидир. «Ашаддий» ташувчилар муҳим рол ўйнайди, булар бир типдаги патоген стафилококкни номаълум узоқ вақт мобайнида ажратиб юради. Беморлар билан бир қаторда тиббий ходимлар орасидаги бундай ташувчилар касалхона ичидаги заарланиш манбалари ҳисобланади. Касалхона ичидаги эпидемия ўчоқлари (жарроҳлик, юқумли касалликлар бўлимларида, туғруқхоналарда ва бошқ.) пайдо бўлиши эҳтимол.

Сунъий ва эрта махсус боқувда бўлган, ҳаётининг биринчи йилини яшаётган заиф болалар стафилококк инфекциясига айниқса берилувчан бўлади.

Бир қадар катта ёшдаги болаларда стафилококк келтириб чиқарадиган ўткир ичак касаллиги овқат токсиконинфекцияси сингари ривожланади.

Патогенези. Стафилококклар ичак бўшлифида кўпайиб, ферментлар ёрдамида (эркин коагулаза, фибринолизин, гиалуронидаза) ичак шиллиқ пардасининг бутунлигини заарлантариб тўқималарга тушади.

Клиникаси. Страфилодермия, страфилококкли пневмония, плеврит, пиелонефрит, сепсис бўлиши эҳтимол.

Страфилококкли энте́рополит (страфилококкли диарея) илк ёшдаги болаларда кўпинча ичак дисбактериози кўринишида пайдо бўлиб, кўпинча бошқа ичак инфекциялари билан бирга давом этади. Тез-тез ич келиб туриши, суст ёки ўртача ифодаланган токсикоз билан таърифланади. Ахлатда шиллиқ арадашмалари, баъзан қон лахталари ҳам бўлиши мумкин. Чақалоқларда некротик-ярални энте́рополитлар юзага келади. Страфилококк инфекциясининг ичак турида кўп марта́лаб бактериологик текширувлар билан аниқланадиган бир типдаги патоген страфилококканинг ахлат билан бирга кўплаб миқдорда ажралишига қараб ташхис қўйиш тавсия этилади. Серологик усу́ллар (агглютинация реакцияси, антитоксинни аниқлаш) фақат бир ёшдан ошган болалардагина қўлланади.

Страфилококкли скарлатинага ўхшаш синдром бирор страфилококк инфекцияси мавжуд бўлганда пайдо бўлади ва скарлатинада кузатилгандаги каби экзантема тошиши билан таърифланади, ангина бўлмаслиги эҳтимол. Заифлашган преморбид фони страфилококкларнинг ичакларда физиологик нормативлардан анча ошиб кетадиган миқдорда кўпайган, шунингдек, мастит бўлган ҳолларда ташқаридан кўплаб инфицирланиш рўй берган шароитларда апатоген штаммларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Страфилококк этиологияли ўткир ичак инфекциясини бошдан кечиргандан кейинги иммунитет кучсиз ва қисқа муддатли бўлади.

Страфилококклар келтириб чиқарадиган ўткир ичак хасталикларининг клиник манзараси жуда хилма-хил бўлиши билан таърифланади, бу уларга ташхис қўйишини мушкуллаштиради.

Овқат токсикоинфекцияси. Бу касаллик билан 1 ёшдан ошган болалар кўпроқ касалланадилар. Инкубацион давр 3—6 соат давом этади. Касаллик страфилококк билан заараланган овқат истеъмол қилингандан кейин ўткир бошланади. Дастребки кеча-кундуздаёқ ҳарорат кўтарилиб, қайта-қайта қусиши билан намоён бўладиган оғир токсикознинг клиник манзараси ривожланади. Тез-тез ич кетади, оз-моз шиллиқ, гоҳо қон арадаш бўлади. Токсикоз тезда зўрайиб боради, умумий безовталаниш пайдо бўлади, ҳушдан кетиш, қаттиқ чанқоқлик кузатилиши мумкин. Юррак товуши бўғиқ, томир уриши тезлашган бўлади. Баъзан интоксикация камайганда йўқолиб кетадиган майдага нуқта-

ли тошмалар тошиши кузатилади. Үз вақтида бошланған дезинтоксикацион ва симптоматик терапия бемор ақволининг тезда яхшиланишига ёрдам беради. 2—3 кундан кейин токсикоз ҳолатлари ўтиб кетади, 1- ҳафтарнинг охирига келиб, ич келиши нормаллашади.

Стафилококк этиологияли овқат токсиконинфекциясида стафилококкларнинг ахлатда күп миқдорда ажралишига, шунингдек, қўзғатувчиларнинг қусуқ массаларида ва меъданинг ювинди сувларида топилганлигига қараб ташхис қўйилади. Бунда специфик антителолар титрининг ошиб бориши қайд қилинади. Ич тез-тез келади, патологик аралашмалар ҳисобланган шиллиқ, баъзан қон аралашган бўлади.

Суткасига 10—15 марта ич келади.

Болалардаги иккиламчи энтеритлар, энтероколитлар ва гастроколитлар. Иккиламчи гастроэнтероколитларда меъда-ичак йўлининг заарланиши стафилококк инфекцияларининг бошқа ўчоқларга қўшилиб кетиши натижасида аниқланади. Бунда «стафилококк анамнези» эътиборни жалб этади. Стафилококкли сепсиснинг тез-тез учрайдиган ичаклар дисфункцияси ҳодисасига, узоқ муддатли септик ёки субфебрил ҳароратга, йирингли ўчоқлар ривожланишига, анорексия, вақти-вақти билан қусиш ва овқатни қусиб юбориш, анемияга (камқонлик) асосланиб ташхис қўйилади.

Ичак дисфункцияси касаллик авж олганда кузатилиб, то бошқа аъзоларда яллигланиш йўқолиб кетмагунча узоқ вақт сақланиб туради.

Ичак дисфункцияси бор стафилококкли сепсис аксари ҳаётининг биринчи йилини яшаётган болаларда кузатилади. Бунда кўпинча оғир токсик ҳолатлар ривожланиши кўрилади.

Ташхиси. Стафилококклар келтириб чиқарадиган ўткир ичак инфекциясига ташхис қўйиш қийин. Бу касаллик клиник аломатларининг бошқа йўл орқали юзага келган ичак инфекциялари (дизентерия, сальмонеллёз ва ҳ. к.) га ўхшаб кечиши билан изоҳланади. Ҳатто ичак инфекцияси бўлган беморлар ахлатидан стафилококкларнинг патоген штаммларининг ажралиши касаллик стафилококклар туфайли пайдо бўлган деб хуроса чиқаришига далил бўла олмайди.

Эпидемиологик маълумотлар ҳисобланган стафилококкнинг патоген штаммлари ташувчилари ёки стафилококк касалликлари (онада мастит, ангине борлиги, стафилодермия ва ҳ.к.) билан оғриган bemорлар билан алоқада бўлиш ташхис қўйишга ёрдам беради.

Давоси. Антибиотиклар этиотроп даволаш усуллари орасида асосий ўринни эгалладып. Препаратлар танлашда уларга қўзғатувчининг сезувчанлигини аниқлаш натижаларига амал қўлган маъқул.

Стафилококклар ўз сезувчанлигини сақлаб қолган қўйнлаги антибиотиклар тавсия қилинади: ярим синтетик пенициллинлар, мономицин, канамицин, эритромицин, гентамицин, цефалоспоринлар.

Катта миқдорларда бўлса-да, бензилпенициллин ҳам мұваффақиятли қўлланishi мумкин (бир кечакундудза 200000—300000 ТБ/кг ва бундан ортиқ). Оғир ҳолларда иккала антибиотикни ишлатиш тавсия қилинади. Заҳарланиш (интоксикация)ни камайтириш учун 5—7 кун мобайнида ҳар куни 5—6 АЕ/кг миқдордаги стафилококка қарши иммуноглобулин қўлланади. Бир ёшдан ошган болаларда специфик иммунологик реактивликни ошириш учун оғир ва чўзилиб кетган формаларда 5—7 инъекцияли стафилококк анатоксини 2—3 кун дам бериб, 0,1 дан 1,0 мл гача ошиб борувчи миқдорда қўлланади.

Стафилококк инфекциясининг ичак формаси бўлган беморларга комплекс даво қилиш зарур. У стафилококк қўзғатувчисини сусайтиришга, организмдан унинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларини чиқариб юборишга ва организм ҳимоя кучларининг ошишига қаратилади.

Антибиотиклар специфик воситалар бўлмиш стафилококка қарши плазма, глобулин, стафилококкли анатоксин, антифагин, бактериофаг билан оқилона ишлатилганда дуруст таъсир қиласди.

Стафилококкли энтероколитларга учраган беморларда, кўпинча ичаклар дисфункцияси ҳолатларини мушкуллаштириб қўядиган ассоциранган дисбактериоз ривожланади. Дисбактериоз патоген стафилококкларининг фаол кўлпайшига ва уларнинг ичакнинг барча бўлимларига жойлашиб олишига ёрдам беради. Шу муносабат билан ичак микрофлорасини нормага солиш учун бифидумбактерин, лактобактерин, колибактерин, бификол сингари биологик препаратлар билан даволаш тавсия қилинади. Бундай препаратларни касалликнинг эрта муддатларида 15—20 кун мобайнида ёш нормасидан кўра 2—3 марта ошиб кетадиган миқдорларда тайинлаш лозим.

Профилактикаси. Санитария-эпидемиология режимига риоя қўлган ҳолда даволаш стационарлари ва болалар муассасаларида стафилококк касалликларининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши

ташкилий чора-тадбирлар асосий звено бўлиб ҳисобланади. Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар туғруқхоналарда айниқса пухта ўтказилиши зарур.

Кўкрагининг учи ёрилган, мастит бўлган ва хроник ўчоқли инфекцияси бор оналар синчиклаб бактериологик текширилади. Болани касал кўкракни бериб боқиш мумкин эмас. Сут яхшилаб соғиб олиниши ва чақалоққа фақат пастеризация қилингандан кейин берилиши лозим.

Тиббиёт ва болалар муассасалари ходимлари орасида стафилококкнинг патоген штаммлари ташувчилашни синчковлик билан аниқлаш зарур.

Санитария маорифи иши стафилококк инфекцияси га қарши курашда муҳим рол ўйнайди. Бу мақсадда аҳолини стафилококк инфекциясининг клиник формалари, профилактика ва дезинфекция тадбирлари билан таништироқ лозим.

Стафилококк инфекциясини бошдаи кечирган болалар б ойдан бир йилгача диспансер кузатувида бўладилар. Бу давр мобайнида касаллик қайталаниши эҳтимол бўлиш профилактикаси ўтказилади. Шунингдек, стафилолокк бактериясига қарши санация қилинади.

ТОШМАЛИ ТЕРЛАМА (TYPHUS EXANTHEMATICUS)

Тошмали терлама (тошмали-эпидемик, бит орқали юқадиган терлама) ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни Провацек риккетсиялари келтириб чиқаради, битлар орқали юқади. Касаллик тифоз ҳолатлар, ўзига хос экзантема, шунингдек, нерв ва юрак-томир системасининг ўткир заарланиши билан кечади.

Этиологияси. Тошмали терлама қўзғатувчиси (Провацек риккетсиялари) катталиги 1 дан 30—40 мкм гача келадиган майда микроорганизмлар бўлиб, ифодаланган полиморфизмга эга. Романовский бўйича қип-қизил доначалари ядрочалари бўлган зангори рангга бўялади. Фақат тўқималар культурасида ва товуқ эмбрионидагина ўсади.

Эпидемиологияси. Тошмали терлама трансмиссив инфекциялар қаторига киради. Эпидемик тошмали терлама ёки Брилл касаллигига учраган касал кишигина инфекция манбай ҳисобланади. Қўзғатувчи касал одамдан кийим-кечак ва қисман бош битлари орқали ўтади. Одам бит ажралмаларини эзib ташлаши сабабли, уларда сақланадиган риккетсиялар билан бирга терига ту-

шиб, уни заарлайди. Бит чақиб олганда одам заарланмайди, чунки битларнинг сўлак безларида тошмали терлама қўзғатувчиси бўлмайди.

Патогенези. Провацек риккетсиялари одам организмига кириб, томирлар эндотелийси ҳужайраларига ўрнашиб олади. Бу ерда улар жадаллик билан кўпайиб, қонга тушади (риккетсемия). Риккетсиялар парчаланиши натижасида эндотоксин озод бўлиб, у ўзига хос интоксикацияни юзага чиқаради. Томирларнинг заарланниши сўгалсимон эндоваскулит, периваскулит, томирлар тромб билан тамомила облитерацияга учраганда деструктив тромбоваскулит ривожланишида намоён бўлади. Заарланган томирлар, айниқса капиллярлар, прекапиллярлар, артериола соҳалари атрофида микроскопик полиморф ҳужайра элементлари ва микрофаглар тўпламлари бўлган тошмали терлама — тифоз гранулемалар ёки Попов — Давидовский тугулари қайд қилинади. Улар ҳаммадан кўра кўп бош мияда, тери, буйрак усти безларида, миокардда аниқланади. Буларнинг ҳаммаси нерв системаси функционал фаолиятининг кескин издан чиқиши (тошмали тифозли менингоэнцефалит), қон айланиши бузилишига олиб келади. Риккетсиялар инкубацион даврнинг охирги кунларидан тортиб, то апирексиянинг 3—6-кунига қадар орган ва тўқималарда топилиши мумкин. Баъзи беморларда риккетсиялар соғайганидан кейин ҳам сақланиб, кўп йил ўтгандан сўнг тошмали терламанинг қайталанишига сабаб бўлади (Брилл касаллиги).

Клиникаси. Инкубацион давр 12—14 кун давом этади. Касаллик одатда ўткир бошланади. Продромал ҳолатлар кузатилмайди, баъзан инкубация охирида озмоз бош оғриши, эт увишиши қайд қилинади. Тана ҳарорати 2—3- кунга келиб юқори рақамларга кўтарилади ($38,5$ — 39°C), баъзан у 1- сутка охирида ҳам энг катта рақамларгача етиши мумкин. Кейинчалик иситма доимий характерда бўлиб, касалликнинг 4—8—12-кунлари бир оз пасаяди. Қаттиқ бош оғриғи, уйқусизлик, ўта жizzакилик, сезги аъзолари (эшитув, кўрув, ҳидлов) гиперестезияси жуда эрта юзага келади. Бемор жуда ҳолдан тойган бўлади. Қасал қўзғалган (сергап), серҳаракат бўлиб қолади, юзи қизарган (гиперемияланган), шишинқираган бўлади. Кўз конъюнктивалари гиперемияланган, баъзан майда қон қўйилган нуқталар кўринади (Киари — Авцин доғлари), склераларга

қон қўйилади. Ҳалқумда диффуз гиперемия, юмшоқ танглайды нукта-нукта геморрагиялар пайдо бўлиши мумкин (Розенберг энантемаси). Тил қуруқ, йўғонлашмаган, кулранг-жигарранг караш бойлаган (Говоров — Годелье симптоми). Фибрилляр тортишувлар қайд қилинади. Тери қуруқ, текканди иссиқ сезилади, дастлабки кунлари тер ажралмайди. Тахикардия, гипотония, юрак тонларининг заифлашуви, нафас тезлашиши, жигар ва талоқнинг катталашуви кузатилади (касалликнинг 3—4-кунидан бошлаб).

Тошма касалликнинг 5—4-кунидан тошиди. У кўп сонли, полиморф, мўл, асосан кўкрак ва қориннинг ён сатҳи терисида, қўлларнинг букиладиган жойида бўлади, қўл кафти ва оёқ панжасини қамраб олади, юзда ҳеч қачон бўлмайди. Тошма розеолёз-петехиал кўринишда бўлади, розеолалар диаметри 2—4 мм, четлари хира тортган бўлади. Баъзи розеолалар марказида майда-майда қон қўйилиши — иккиламчи петеҳиялар пайдо бўлади. Тошма 2—3 кун мобайнода тошиди, кейинчалик аста-аста йўқолиб кетади (7—8-кундан), бунда бир оз вақтгача пигментлар қолади.

Тошма тошиши билан беморнинг аҳволи оғирлашади. Интоксикация кескин кучаяди. Қўзғалишдан кейин одам ғамгин, хаёлчан бўлиб қолади. Орал автоматизм симптомлари (хартумчали, карпоментал рефлекс ва бошқалар) аниқланади, шунингдек, мия пардаларининг таъсирланиши («менингизм») қайд этилади. Бундай ҳолларда эс-ҳуш бузилади, кучли алаҳсираш пайдо бўлади, тошмали тифоз энцефалит рўй бериши эҳтимол (қўллар трепори, оёқ панжалари клонуси, нафас маромининг бузилиши ва бошқалар). Қон айланишининг бузилиши зўрайиб боради. Томир тез-тез уради, кучсиз, баъзан аритмик бўлади.

Артериал босим тушиб боради, айниқса диастолик босим камаяди. Юрак чегаралари кенгайган, юрак тонлари бўғиқ бўлиб, юрак чўққисида систолик шовқин эшитилади. ЭКГ да тищчаларнинг умумий вольтажи, PQ интервалининг узайиши, QRS комплексининг кенгайиши ва Т-тищчали бўлиши, яссиланган ёки салбий Т-тищчаси, юрак олди ва меъда экстрасистолалари, юқори систолик кўрсаткич кўрилади. Веноз босим пасайган. Бу вақтда коллапс ривожланиши эҳтимол: касал ўзини йўқотиб қўяди, терисини муздай тер босган, лаблари кўкимтири, нафас тезлашган, юзаки, томир уриши тезлашган бўлади, диастолик артериал босим паст ёки аниқланмайди, юрак тонлари эшитилмайди.

Қасаллик авжига чиққанда трахеобронхит ва ўчоқли зотилжам (гипостатик типида) аниқланади. Иштаҳанинг ёмонашуви, оғиз қуриб қолиши ва чанқоқлик қайд қилинади. Тил қуюқ жигарранг караш бойлайди, баъзан чуқур ёриқлари бўлади. Қорин одатдаги шаклда, жигар ва талоқ катталашган бўлади. Ич қотишга мойиллик сезилади. Диурез камайган, «ҳарорат кризлари» билан бир вақтда кўпаяди. Қасаллик оғир кечгандан сийдик тўхтаб қолиши мумкин. Сийдикда эритроцитлар ва лейкоцитлар (кам миқдорда) тошилади.

Софайиш тана ҳароратининг пасайиши, қасалликнинг 8—12-куннада лизиснинг тезлашуви (асорат қолдирмаган ҳолларда), аста-секин бош оғришининг камайиши, уйқу, иштаҳанинг яхшиланиши, ички аъзолар фаолиятининг тикланиши билан таърифланади.

Тошмали терламанинг оғир турида иситма 11—16 кунгача (антибиотиклар билан даво қилмасдан) давом этади. Қасалликнинг оғир тури ёши қайтган беморларда кузатилади.

Софайиш даврида 1,5—2 ҳафта мобайнида инфекциядан кейинги астения қайд қилинади. Антибиотиклар тайинланганда тана ҳарорати даволаш бошлангандан кейин 2—3 кун ўтгач асли ҳолига келади.

Асоратлари. Ётоқ яралар, гангrena (бурун учи, қулоқ қовузлости, оёқ панжалари), йирингли отит, паротит, плеврит, веналар тромбози ва ўпка артерияларининг тромбоэмболиялари.

Ташхиси. Тошмалар қасалликнинг 6—7-кунига қадар тошади. Терламага клиникада ташхис қўйиш мумкин. Ташхис қўйишда қасалликнинг ўткир бошлангани, иситма баландлиги, бошнинг қаттиқ оғриши, уйқусизлик, безовталаниш, юз ва конъюнктивалар гиперемияси (қизаргани) ҳисобга олинади. Қасалликнинг 3—4-кунидан бошлаб, жигар ва талоқнинг катталашуви, Киари—Авчиннинг мусбат симптоми қайд қилинади. 4—6-кундан бошлаб характерли тошма тошади. КБР ва ЭГАР ташхисни тасдиқловчи асосий усуллардир. Уларни ишлатиш имкони бўлмаган тақдирда провацек риккетсиялари билан агглютинация реакциялари қўлланади.

Агглютинация реакциялари ва КБР учун 1:160, гемагглютинация реакцияси учун 1:1000 нисбат зардобни бир марта текширишдаги диагностик титр ҳисобланади.

Бошқа риккетсиозлар (каламуш ва кана тошмали терламаси)дан, баъзан гриппнинг оғир турларидан, сиритоз, геморрагик иситма, крупоз зотилжам, ич терламадан ажратилади.

Давоси. Тетрациклини гуруҳига мансуб антибиотиклар энг самарадор ҳисобланади. Левомицетинни ишлатса ҳам бўлади. Антибиотиклар нормал ҳароратнинг 2-кунига қадар берилади. Даволаш курси одатда 4—5 кун давом этади. Интоксикацияни бартараф этиш мақсадида 5% ли глюкоза эритмаси ёки натрий хлориднинг изотоник эритмаси венага томчилаб юборилади. Оксигенотерапия қўлланади (кислород бурун катетерлари ёки ниқоблари ёрдамида юборилади). Қон айланishi издан чиққанда Рингер эритмаси, 10% ли глюкоза эритмаси, преднизолон, мезатон, коргликон ва бошқа препаратлар юборилади. Кескин қўзғалишда барбитуратлар, хлоралгидрат кўрсатилган. Илиқ (37—38°C) сув қуйиб артиниш тинчлантирувчи таъсир кўрсатади. Йирингли-септик асоратларда пенициillin ва унинг унумлари, эритромицин қўлланади. Тўла қимматли овқатланиш (2-ёки 15-сонли парҳез) ва витамин бериб даволаш катта аҳамият касб этади. Беморларни тўғри парваришилаш (тўла ором бериш, ҳаво, қулай ўрин-кўрпа ва кийим-кечак, терини ва оғиз бўшлиғини ҳар куни ювиш) муҳим рол ўйнайди.

Прогнози. Ҳозирги вақтда қулай ҳисобланади. Беморни стационардан тўла клиник соғайганидан кейин, лекин ҳарорат нормал бўлганига камида 12 кун бўлганда гина чиқарилади.

Ўчоқдаги профилактика чора-тадбирлари. Профилактика тадбирлари аҳоли орасида битлаб кетишига қарши қаратилган (турли тиббий кўрикларда педикулёзни аниқлаш, педикулёзи бор шахслар орасида санитария ишловини ўтказиш, кийимларни камерада дезинфекция қилиш). Тошмали терламаси бўлган bemor аниқланганда ва касалхонага ётқизилганда (ёки ана шу касаллик бор, деб гумонсираганда) bemор билан алоқада бўлган шахслар устидан кузатув олиб борилади.

Тана ҳарорати ошиб кетганда ташхисни ойдинлаштириш учун бу шахслар дарҳол касалхонага ётқизилади. Ўчоқда дезинтоксикацион-дезинфекцион чора-тадбирлар амалга оширилади. Тошмали терламага қарши вакцина ишлаб чиқилган, эмлашлар эпидемик кўрсатмаларга кўра қилинади.

ТОКСОПЛАЗМОЗ (TOXOPLASMOSIS)

Паразитар касаллик бўлиб, нерв системасининг сурункали кечиши, лимфаденопатия, жигар ва талоқнинг катталашуви, мушак, миокард ва кўзларнинг тез-тез заарланиши билан таърифланади.

Эпидемиологияси ва патогенези. Кўзгатувчиси Gondii токсоплазмаси ҳисобланган протозой касалликдир. Gondii токсоплазмаси нерв системаси ҳужайраларига нисбатан ифодаланган тропизмга эга. Токсоплазмознинг тўғри формасида ҳомила аниқ ёки касалликнинг турига учраган онадан заарланади.

Клиникаси. Касалликнинг клиник аломатлари она қорнида заарланиш вақтига, инфекциянинг оз-кўплигига, паразитлар (текинхўрлар) вирулентлигига ва айниқса макроорганизмларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Агар бола касалликнинг ўткир даврида (жараён авж олиб кетганда) туғилса, ички аъзоларда патологик ўзгаришлар, сариқлик, гепатосplenомегалия, доғсимон-папулёз ва петехиал тошмалар тошиши, гоҳо ич кетиши аниқланади. Умумий аҳвол одатда оғир, ҳарорат нотартиб характерда бўлади. Кўпинча бола касалликнинг иккинчи даврида туғилади, бунда марказий асаб системаси ва кўзларнинг заарланиш симптомлари яққол кўринади. Энцефаломенингит ҳодисалари турли даражада ифодаланган бўлади. Бола касалликнинг хроник (сурункали) босқичида ҳам туғилиши мумкин, кўпинча бунда марказий асаб системаси ва кўзларнинг қайтмас қолдиқ ҳодисалари (гидроцефалия, руҳий ривожланишдан орқада қолиш, оёқ-қўлларнинг спастик парезлари, мушак тонусининг ошиши, гоҳо пасайиши, гиперрефлексия) аниқланади. Кўзда қуйидаги ўзгаришлар: микрофталмия, туфма катаракта, кўрув нерви атрофияси ва бошқалар кузатиласи. Баъзан бир вақтнинг ўзида ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари қайд қилинади. Касалликнинг сурункали турида қуйидаги симптомлар мажмуйи: гидро-ёки микроцефалия, хориоретинит, руҳий заифлик кузатилиб, булар калла суюги рентгенда текширилганда аниқланади. Периферик қонда гиперлейкоцитоз ёки лейкопения, гоҳо атипик лимфоцитлар, жараён жадаллигини кўрсатувчи эозинофилия кўрилади.

Токсоплазмин билан тери ости синамаси тахминий аҳамиятга эга, у онага ёки 2—5 ёшдан ошган болаларга қўлланади.

Ташхиси. У юқорида баён қилинган клиник манза-

ра ва лаборатория текширувлари ҳисобланган КБР, ПГАР усули, преципитация реакцияси ва токсоплазмин билан тери ости синамаси, муддатидан олдин туриш ва бошқаларга асосланиб қўйилади.

Gondii токсоплазмаси бевосита орқа мия суюқлигида, қон, ҳайвонларда биологик синама қўйиш билан, биоптирганда тўқималарда топилади. Амалиётда асосан метилен кўки реакциясидан фойдаланилади, бу реакция таркибида антителолар сақловчи зардоб билан бириккандада тирик токсоплазмалар метилен кўки билан бўялиш хусусиятини йўқотишга асосланган.

Касаллик юққандан кейин 2 хафта ўтгач, реакция мусбат бўлиб қолади.

Цитомегалия, захм, чақалоқларнинг гемолитик касаллиги, листериоз ва сепсисдан синчиклаб қиёсий ташхис қилиш зарур.

Прогнози. Касалликнинг тури, она қорни ичидаги заарланишнинг ифодаланганлик даражаси ва даволаш бошланган вақтга боғлиқ бўлади. Касалликнинг сурункали турларида прогноз оғир бўлади. Қўшилиб кетган касалликлар, айниқса зотилжам кўп кузатилади.

Давоси. Комплекс даволанади. Касалликнинг енгил ва ўртача оғир турларида хлоридин, сульфадимезин кўлланилганда терапевтик таъсирга эришиш мумкин.

Хлоридин 1 ёшгача бўлган болаларга 5 кун мобайнида суткасига 0,5—1 мг миқдорда берилади (суткалик миқдор шакар ёки глюкоза қўшиб 2 марта қабул қилинади). Сульфадимезин 7 кун мобайнида 1 кг тана вазни ҳисобидан суткасига 0,2 г қилиб тайинланади (суткалик миқдор 4 марта берилади). Даволаш бир неча курсларга бўлиб олиб борилади (камида 3 курс), буларнинг сони боланинг аҳволига боғлиқ бўлади. Даволаш курслари орасидаги танаффус 1,5—2 ҳафта.

Симптоматик даво воситалари — А, В, С витаминалари, камқонликка қарши даволаш (хлоридин курслари орасида ўтказилади), плазма (20—40 мл), қон (1 кг тана вазни ҳисобидан 3—5 мл), витамин В₁₂ юрак дорилари — кофеин ва кордиамин, глутамин кислоталари тайинланади.

Профилактика. Ҳомиладорларни, токсоплазмози бор беморларни аниқлаш ва уларга ўз вақтида даво қилишдан иборат.

ТУЛЯРЕМИЯ (TULAREMIA)

Үткір инфекцион касаллік бўлиб, умумий зақарланиш (интоксикация), иситмалаш, лимфа тугуллари, тери шиллиқ пардаси ва ўпканинг заарланиши билан таърифланади.

Этиологияси. Туляремия қўзғатувчиси — *B. tularensis* ҳисобланади. Микробнинг катта-кичиклиги 0,2—0,7 мкм бўлиб, таёқча ёки кокксимон шаклда бўлади. Микроб аэроб ҳисобланади, споралар ҳосил қилмайди, 37°C да ўсади, юқори ҳароратга сезувчан ва аксинча, қуйи ҳароратга чидамли бўлади.

Касаллик қўзғатувчиси антигенлик жиҳатдан бир жинсли бўлса-да, лекин вирулентлиги хилма-хилдир. Туляремия қўзғатувчиси моноцитларда ва микроорганизмнинг бошқа ҳужайраларида узоқ вақт мобайнинда персистенция хусусиятига эга бўлган ҳужайраро паразитдан иборат. Бу хусусият касалликнинг сурункали турига ўтишига ва зўрайиб кетишига имкон беради.

Эпидемиологияси. Кемирувчилар одамнинг туляремия билан асосий заарланиш маибаи ҳисобланади. Инфекцияни юқтириш усулига қараб, эпидемия авж олишининг бир неча хиллари ажратилади. Қишлоқ хўжалигига кузатиладиган касаллик айниқса доиларни кеч янчигандан келиб чиқади. Асосан қишлоқ хўжалиги ишчилари касалланади. Сув туфайли пайдо бўладиган касаллик ариқ, очиқ сув ҳавзалари, қудуқ сувининг заарланишидан келиб чиқади, бунда туляремия микроблари сув каламушларидан, дала сичқонларидан ўтади. Овқатдан пайдо бўладиган касаллик омборларда, дўконларда, ошхоналарда овқат маҳсулотларига инфекция тушиб қолганда қайд қилинади. Трансмиссив касалликлар — инфекциянинг қонсўрар қўшқанотлилар (сўналар, исқаб топарлар ва иксод каналари) орқали ўтишидан пайдо бўлади.

Патогенези. Туляремия қўзғатувчиси тери қоплами, нафас аъзоларининг шиллиқ пардалари, ҳазм аъзолари, кўз шиллиқ пардалари орқали аъзога осонгина тушади. Қўзғатувчи ўриашган жойидан лимфа йўллари бўйлаб регионар лимфа тугулларига тушади, яллигланиш жараёни ана шу ерда пайдо бўлади. Борди-ю, лимфатик тўсиқ қўзғатувчи йўлинни тўса олмаса, у қонга тушиб, қон оқими бўйлаб барча ички аъзоларга тарқалади. Қўзғатувчи ҳаво-томчи йўли билан ўтганда бронхопневмония ривожланади. Ҳужайравий им-

мунитет реакциялари туляремияда иммунитет ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Клиникаси. Ҳозирги вақтда туляремиянинг қўйидағи умум қабул қилинган таснифи бор.

Жараённинг жойлашувига кўра: а) шиллиқ пардалар ва лимфа тугунлари заарлангандаги туляремия (бубонли, ярали-бубонли, кўз, ангиноз-бубонли бошқа ташқи қопламлари заарланиши); б) асосан ички органлар заарлангандаги туляремия (нафас йўллари, меъда-ичак йўли, бошқа ички аъзолар).

Жараённинг оғир-енгиллигига қараб: енгил, ўртача оғир ва оғир турлари мавжуд.

Қанчалик давом этишига қараб: ўткир, чўзилиб кетган, қайталанадиган турлари ҳам аниқланган.

Туляремиянинг инкубацион даври 1 кундан 21 кунгacha ўзгариб туради, кўпроқ у 3—7 кун бўлади. Қасаллик ўткир бошланади ва қўйидагилар: эт увишиши, бош оғриши, мушакларда оғриқ, баъзан бемор қайтқилиши, бурундан қон оқиши кузатилади. Юз шиллиқ пардалари қизарган (гиперемияланган), инъекцияланган бўлади. Илк ёшдаги болаларда юқори нафас йўлларида кўпинча катарал ҳодисалар қайд этилади. Юрак тонларининг бўғиқ эшитилиши, баъзан систолик шовқин эшитилиши, артериал босимининг пасайиши аниқланади. Ҳазм аъзолари системасида иштача йўқлиги, гоҳо қорин оғриши, қабзиятга мояиллик, деярли ҳамма вақт жигар катталашуви қайд қилинади. Кўпинча касалликнинг 6—9-куннада талоқ катталашади. Ҳаётининг дастлабки 2-йилини яшаётган болалар меъда-ичак йўлида ўзгаришлар айниқса кўп кузатилади.

Асаб системасининг заарланиши, уйқунинг бузилиши, доимо бош оғриши, оғир ҳолларда эс-ҳушнинг хиралашуви, алаҳсираш билан таърифланади. Периферик қонда ўртача лейкоцитоз, чапга силжиган нейрофилёз, тезлашган ЭЧТ қайд қилинади. Қасалликнинг бубонли турида регионар лимфа тугунлари яллиғланиб, катталашади. Инфекциянинг ўрнашган жойига ва бирламчи заарланишларнинг жойлашувига қараб ярали-бубонли, кўз-бубонли ва ангиноз-бубонли турлар фарқ қилинади. Бирламчи ва иккиласми бубонлар тафовут қилинади. Бирламчи бубонли инфекция лимфоген йўл орқали, иккиласми бубонли инфекция эса гематоген йўл орқали аъзога тушади. Бубон сўрилиб кетади, йиринглайди, яра босади, склероз кузатилади.

Болаларда туляремиянинг клиник турларидан кўпроқ ангиноз-бубонли тури учраб туради.

Ички аъзолар заарланганда туляремияда ўпка турини ажратишади. Патогенетик нуқтаи назардан бирламчи ва иккиламчи ўпка заарланишлари тафовут қилинади. Касаллик кўкрак қафаси соҳасида оғриқлар пайдо бўлиши билан давом этади. Бирламчи заарланишлар бронхит ва зотилжам кўринишида ўтади. Ўпканинг иккиламчи заарланишлари бирмунча кечки муддатларда кузатилади.

Асосан меъда-ичак йўли заарланиши билан ўтадиган туляремия қоринда кучли оғриқ туриши билан таърифланади. Бошқа аъзолар заарланиши билан ўтадиган туляремия тури касалликнинг локал ўзгаришларсиз ўтадиган умумий симптомларида намоён бўлади. Умумий интоксикациянинг оғир симптомлари мавжуд бўлиб, кўпинча полиморф тошмалар тошиши, бўғимлар шишиши ва оғриқ бериши билан характерланаиди.

Ташхиси. Одамни туляремия бор-йўқлигига текширишда иммунологик усуллар ҳисобланган агглютинация реакцияси, ПГАР қўлланади. Эрта ташхис қўйиш мақсадларида туляремин ёрдамида тери ва тери усти синамаларидан фойдаланилади. Атроф-муҳит, кемирувчилар ва ҳоказоларда қўзғатувчини аниқлаш учун бактериологик усуллар қўлланади. Туляремияни инфекцион мононуклеоз, ўлат, куйдирги, мелиоидоз, манқа, токсоплазмоз, оденовирус инфекция, бактериал зотилжам (пневмония), тиф-паратифоз хасталиклар, бруцеллёздан ажратиш лозим.

Туляремияни касаллик тури ва кечишининг оғир-енгиллигига кўра даволаш лозим. Ҳозирги вақтда стрептомицин, левомицетин, тетрациклин қаторидаги антибиотиклар энг самарали даволаш воситаси бўлиб ҳисобланади. Болаларга туляремия вакцинаси қилинмайди.

Бубонлар тезроқ сўрилиб кетиши учун консерватив терапия тадбирлари ҳисобланган кулранг симоб суртма дориси билан компресслар қўйилади.

Туляремия профилактикаси аҳолини фаол иммунлаш ва санитария-эпидемиологик ҳамда ташкилий хўжалик чора-тадбирларини олиб бориш йўли билан ўтказилади.

ОҚСИМ (АРНТАЕ ЕРІЗООТИКАЕ)

Иситмалаш, умумий зақарланиш, оғиз бүшлиғи шиллиқ пардасининг афтоz заарланишлари, кўл кафти терисининг заарланиши билан кечадиган ўткир вирус касаллигидир.

Этиологияси. Фильтровчи вирус — оқсим қўзғатувчисидир. Оқсим вируси ўлчамлари 20—30 нм бўлиб лимфа ва афтоz пуфаклар эпителийсида тўпланади ва жуда юқумли ҳисобланади.

Вирус ташқи муҳит омиллари таъсирига анча чидамлидир. Юқори ҳароратда вирус ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. Ҳайвонлар орасида оқсим касаллиги эпизоотик тусда бўлади. Қорамол, чўчқалар ва ёввойи ҳайвонлар оқсимга энг берилувчи бўлади. Одамлар оқсим билан камдан-кам касалланади. Асосан касал ҳайвонларнинг сутини ичган болалар заарланади.

Оқсимда касал ҳайвонлар инфекциянинг асосий манбани ҳисобланади, бунда ҳайвонлар сўлак, сут, сийдик ва ахлат билан ташқи муҳитга жуда кўп миқдорда вирус ажратади. Шу сабабли оқсим тарқалишида қуйидагилар катта хавф туғдиради: сут, сут маҳсулотлари, гўшт, шунингдек, тери, шохлар, туёқ, бу ерда вирус узоқ вақт сақланиб туради. Касал ҳайвонларга қараб турадиган одамлар ҳам оқсим билан заарланышлари мумкин. Оқсим вируси оғиз шиллиқ пардаси, тери, айниқса уларнинг шикастланган юзаларига тушганда юқади. Касаллик кўпроқ ёз ва кузда кузатилади.

Клиникаси. Одамда 3—8 кунлик инкубацион давридан кейин интоксикация симптомлари — иштаҳа пасайиши, эт увишиши, бош оғриши, томоқда оғриқ, оғиз қуриши, лоҳаслик, қувватсизлик, мушакларда оғриқ пайдо бўлади. Оғиз бўшлиғи кўздан кечирилганда кўпинча тил илдизида кичкина ярача ашиқланади. Иситма бошланганидан 1—3 кун ўтгач, оғиз шиллиқ пардасида аввал тиниқ, кейин эса лойқага ўхшашиб суюқлиқка тўлган пуфакчалар ҳосил бўлади. 1—1,5 кундан кейин шуфакчалар ёрилиб, ўрнида чеккалари ғадир будур ва туби тоза, ясси бўлган, оғриқ берадиган эрозиялар пайдо бўлади. Бундай ўзгаришлар тилда, лабда, бурун қанотларида, сөёқ-кўл терисида қайд этилади. Регионар лимфа тугунлари катталашади. Яралар ҳосил бўлгандан кейин ҳарорат аста-секин нормагача пасаяди ва бемор ўзини дурустроқ сезади. Одатда ка-

саллик 2—3 ҳафта давом этиб, аксари соғайиш билан тугайди. Оқсимда юрак-томир системаси томонидан бузилишлар: артериал босим күтарилиши, томир уриш (пульс) нинг секинлашуви, юрак тоналарининг озмоз бўғиқ бўлиши ва чегараларининг кенгайиши кузатилиши мумкин. Қонда эозинофилия қайд этилади. Одамда оқсимнинг хавфли тури кузатилади, бунда юрак фаолиятининг сусайиб кетиши ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади. Болаларда касаллик бир қатор оғир ва узоқ, ҳамма вақт гастроэнтерит симптомлари билан, яъни қусиш, ич кетиши, кўпинча қон аралаш кечади. Уларда интоксикация симптомлари катталардагига қараганда кўпроқ ифодаланган бўлади, терида пуфакчалар пайдо бўлиб, стоматит ҳамма вақт ҳам қайд этилмайди.

Оқсимга ташхис эпидемик ёки эпизоотик маълумотлар бор-йўқлигига, касалликнинг клиник манзарасига ва денгиз чўқаларида қўйилган биологик синамаларга қараб қўйилади. Вирусологик ва серологик усуслар, комплементни боғлаш реакцияси ва бемор зардобида вирусни бартараф этувчи антителоларни аниқлаш усуллари қўлланади. Афтоз стоматитлари, Бехчет касаллиги, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, оёқ панжалари ва қўл кафти терисининг заарланиши билан ўтадиган вирус касалликларидан ажратилади.

Давоси. Оқсимга қарши маҳсус даво йўқ. Одатда симптоматик ва умумқувватловчи даво: ўрин-кўрпа режими, тоза ҳаво, витаминлар, оғиз бўшлиғини риванол ёки маргимуш эритмаси билан чайқаш кабилар буюрилади, йирингли асоратлар бўлганда антибиотиклар тайинланади. Катталарга венага 0,3—0,45 мл дан кунига 2—3 маҳал новарсенал юбориб туриш тавсия этилади. Болаларга ичиш учун 4 кун мобайнида осарсол берилади. Оқсим билан оғриган ҳамма болалар камида 21 кунга албатта касалхонага ётқизилади. Касаллик ўчоғи ҳам албатта дезинфекция қилинади.

Профилактикаси. Оқсим юқмаслиги учун аҳоли ўртасида касалликнинг хавф-хатари ҳақида кенг кўламда тушунтириш ишларини ўтказиш лозим. Борди-ю касаллик пайдо бўлса, уни ўз вақтида аниқлаш ва санитария-ветеринария ҳамда карантин чора-тадбирларини қатъий бажариш касалликнинг бартараф этилиши ва кейинчалик тарқалишининг олдини олиш учун ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлади.

ЭНТЕРОВИРУС КАСАЛЛИКЛАРИ (ENTEROVIROSIS)

Этиологияси. Уч (I, II, III) турдаги полиомиелит вируслари: А гурухига оид (23 та тур) Қоксаки вируслари, В гурухи (6 та тур) ва 32 та турдаги ECHO вируслари энтеровирус (ичак вируслари) га мансубдир.

ECHO ва Қоксаки вирусларининг ўз физикавий-кимёвий хоссаларига кўра, кўпгина ўхшашлик томонлари бор. Бу энг майдада вируслар бўлиб, РНҚ ва оқсил қобигидан таркиб топган. Уларнинг генетик ва инфекцион хоссалари РНҚ билан, антиген спецификалиги — оқсил қобиги билан боғланган. Вируслар ташқи муҳитга чидамлидир. Қоксаки ва ECHO вируслари асосан одам ичакларида яшайди, иқлими иссиқ бўлган мамлакатлар аҳолиси орасида ёз ва куз бошида кузатилади. Болалар энтеровирусларга энг берилувчан бўлиб, уларда туғма ва орттирилган иммунитет бўлмайди.

Ичак вирусларининг антиген структураси анча мурракаб бўлади.

Эпидемиологияси. Беморлар ва энтеровирус ташувчилари инфекция манбай ҳисобланади.

Беморлар ҳаммадан кўра хавфли бўлади, чунки улар касалликнинг дастлабки кунларида бурун-ютқин секрети билан вирус ажратадилар.

Софлом ташувчанлик частотаси 30 дан 90%ни ташкил этади, айни пайтда соғлом болалар орасида у турили шароитлар (ёш, йил фасли) га боғлиқ бўлади.

Энтеровируслар bemor ва ташувчи организмидан ахлат, бурун-ютқин секрети билан ажралиб чиқади ва бу атроф-муҳитнинг кенг кўламда инфицирланишига сабаб бўлади.

Фекал-орал йўл — инфекция ўтиши учун асосий йўл бўлсада, лекин кўпгина олимларнинг фикрича, вирус ҳаво-томчи йўли билан ҳам ўтади.

Патогенези. Юқори нафас йўллари ва овқат ҳазм қилиш йўлининг шиллиқ пардаси Қоксаки ва ECHO вируслари учун кириш дарвозаси бўлиб ҳисобланади. Микроорганизмнинг дастлабки ҳолати патогенетик жараён ривожланишида етакчи ўринни эгаллайди. Организм резистенслигини сусайтирадиган қатор омиллар (толиқиши, совуқ олдириши, иссиқлаб кетиш, ўткир ва хроник касалликларни бошдан кечириш, шикастланишлар) инфекциянинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бу

омилларнинг ҳаммаси у ёки бу етакчи клиник синдром ривожланишига таъсир кўрсатади. Организмнинг иммунобиологик хоссалари ожизлик қилганда вирус организмга тушиб кўпая бошлайди, юқиши босқичи бошланади. Вируснинг бирламчи қўпайиши бурун-ютқин ҳалқаси, ичак ва регионар лимфа тугунларининг лимфоид тўқимасида кузатилади. Бу ерда регионар инфекция босқичи ҳисобланган яллигланиш реакцияси ривожланади. Вирус қонга ўтиши билан вирусемия (интоксикация) босқичи ривожланади. Вирусларнинг токсикоинфекцион хоссалари майда қон-томир деворининг заарланишига ёрдам беради, натижада шиши пайдо бўлиб, аъзо ҳамда тўқималарда, айниқса марказий нерв системасида гемодинамиканинг бузилиши аниқланади.

Инфекцион жараён касаллик ривожланишининг ҳар қандай босқичида ҳам тўхтаб қолиши мумкин, айни пайтда у регионар инфекция босқичида тўхтаб қолади — жараён симптомсиз ўтиб, беқарор иммунитет ишланиб чиқиши билан тугалланади. Вирусемия босқичида клиникада ифодаланмаган жараён локализациясиз қисқа муддатли иситма билан намоён бўлиши мумкин.

Энтеровирус инфекцияси касаллик авж олаётган пайтда ҳаво-томчи йўли билан тарқалиши эҳтимол, кейинчалик эса фекал-орал йўли орқали кузатилади.

Касалликка берилувчанлик анча юқори бўлади, у боланинг ўшига тааллуклидир. Бола 1 ёшлигидан, кўпроқ 3—10 ёшлигидан энтеровирус касаллигига чалинади. Энтеровируслар билан касалланиш ёз-кузда қайд қилинади.

Клиникаси. Энтеровирус инфекцияларининг клиник кечиши жуда хилма-хилдир. Касалликнинг қисқа муддат кечиши, соғайиш билан тугалланиши энтеровирус касалликларининг ҳамма клиник турлари учун хосдир. Тилнинг караш бойлаши, ҳалқум қизариши, юмшоқ танглай шиллиқ пардасининг донадорлиги, бўйин лимфа тугунларининг шишиб чиқиши, қабзиятлар энг асосий симптомлар бўлиб ҳисобланади. Ана шу симптомлар мавжуд бўлганда умумий оғир интоксикация қайд қилинмайди.

Касалликнинг тўлқинсимон, 2—3 ёки 4—5 кун оралаб қайталаниб туриши барча энтеровирус касалларида аниқланади.

Асоратлар одатда кузатилмайди.

СЕРОЗ МЕНИНГИТ

Бу энтеровирус инфекциянинг энг кўп учрайди-
ган клиник туридир. Қасаллик ўткир бошланиб, ҳаро-
рат 40° гача кўтарилади, бош қаттиқ оғрийди.

Менингеал симптомлар энтеровирус сероз менин-
гитлар клиникасида етакчи симптомлар бўлиб ҳисоб-
ланади, булар қасалликнинг 2—3-кунида пайдо
бўлади. Эс-хушнинг хиракашуви, уйқучанлик ёки ортиқ-
ча қўзгалувчалик, бош айланиши, талваса тутиши
учраб туриши эҳтимол.

Кўпинча биринчи кунларда нейтрофиллар лимфо-
цитлар ҳисобига ошган ($500—1000 \text{ mm}^3$ гача) бўлади,
сқсил ва қанд нормал кўрсаткичлар атрофида. Периферик қон томонидан лейкоцитоз билан нейтрофилёз
ва формуланинг чапга силжиши кўрилади. Соғайиш
даврида 15—20 фоизгacha эозинофилия аниқланади.

Сероз менингит қулай кечади. Бемор 7—10 кундан
кейин соғайиб кетади.

ҚАСАЛЛИКНИНГ ПАРАЛИТИК (ПОЛИОМИЕЛИТГА ҮХШАШ) ТУРИ

Энтеровирус инфекциясининг бу клиник тури асо-
сан мактабгача ёшдаги болаларда спорадик кўриниш-
да учраб туради.

Клиник манзара ифодаланган полиморфизм билан
таърифланади. Марказий асад системасидаги зарар-
ланиш жойига қараб, спинал, понтин, булбар турлари
кузатилиши мумкин. Монопарезлар ҳолида ўтадиган
рефлексларнинг пасайиши, оз-моз мушак атрофияси
билан давом этадиган спинал турлари кўпроқ учраб
туради. Парезлар тўла соғайиш фонида пайдо бўлиб,
қўл-оёқларда бир оз қувватсизлик аниқланади.

Эпидемик миалгия. Қасаллик қорин ёки кўкрак-
нинг қуин ярим соҳасида ўткир, юза оғриқ хуружла-
рининг пайдо бўлиши билан кечади.

Клиникаси. Қасаллик ўткир, шиддатли, кўпинча
бирданига бошланиб, эт увишади, ҳарорат 40° гача
кўтарилади, қаттиқ бош оғрийди, кўнгил айнийди, бе-
мор қайт қиласи, бадани қақшаб оғрийди. Биринчи
суткада ёки кўкракнинг иккала томонида ёки тўш ости
соҳасида оғриқ пайдо бўлади. Оғриқ азоб берганидан
бемор йиглайди, бу ҳол bemor ҳаракат қилганида, на-
фас олгудек бўлганида, йўталганида аниқланади. Оғ-
риқ хуружи бир неча дақиқадан 1,5—2 соатгача, бир

нече кун мобайнида давом этади. Қасаллик 2—6 сутка давом этиб, қулай кечади, қайталаниб туради.

ГЕРПЕТИК АНГИНА

Энтеровирус инфекциясининг бу турини асосан Атурухга мансуб Коксаки вируслари келтириб чиқарди. Ҳалқумнинг шиллиқ пардасига герпетик тошмалар тошиши қасалликнинг клиник белгиси ҳисобланади. Бу хасталик билан асосан кичик ёшдаги болалар оғрийдилар.

Ичак ёки гастроэнтеротик тури. Қасалликнинг бу турини Коксаки ва ЕCHO вируслари келтириб чиқарди, энтеровирус инфекциясининг ичак турида ич кетиши етакчи симптом бўлиб ҳисобланади. Илк ёшдаги болаларда учраб туради. Ичак билан бирга одатда юқори нафас йўллари ҳам зарарланади. Ичак инфекциялари ўрта даражада ифодаланганда дисфункция 2—8 ҳафта давом этади.

Қасалликнинг катарал тури (юқори нафас йўллари катари). Этиология жиҳатидан қасалликнинг бу тури ЕCHO энтеровируслари билан боғланган. Илк ёшдаги болаларда учраб туради. Қасаллик ўткир бошлиниб, ҳарорат 38—39°C гача кўтарилади. 1 ёки 2-сутканинг охирига келиб, тумов, йўтал, аксириш, ҳалқумда гиперемия кузатилади. Ўпкада бироз қуруқ хириллашлар эшитилади. Қасаллик 7—8 кун давом этади.

ЕCHO-экзантема — Бостон иситмаси. Қасаллик ҳароратнинг 38—40° гача кўтарилиши билан бошланиб, 2—3 кун сақланиб туради. Иситмалаш жараёнида бош ва ичак оғриги, кўнгил айниши, қоринда оғриқ, ич кетар пайдо бўлади. Катарал ҳолатлар, йўтал, тумов, ангина, конъюнктивит ҳам кузатилиши мумкин. Қасалликнинг 1—2-кунида юзда, гавдада ва қўл-оёқларда оч қизил рангли доғсимон папулёз ёки полиморф тошмалар пайдо бўлиб, улар 1—2 кун сақланиб туради, кейин ном-нишонсиз йўқолиб кетади, пигментлар ҳам қолмайди. Қасаллик енгил ўтиб, батамом соғайиш билан тугалланади.

Митти қасаллик (энтеровирус иситмаси, З кунилик иситма). Қасалликнинг бу тури энтеровирус қасалликлари орасида биринчи ўринин эгаллайди. Қасаллик кучсиз клиник симптом билан кечади. Барча ёшдаги болалар, айниқса мактаб ёшидаги болалар ўртасида кўпроқ учраб туради.

Үткір геморрагик конъюнктивит. Касаллик ҳарорат күтарилиши, бош оғриши, күзда оғриқ турishi, күз ёши оқиши билан бошланади. Склера томирларига кучли қон қуяилиши, шиш ва гиперемия билан ифодаланади.

Ташхиси. Вирусологик ва серологик текширувларга асосланган. Вирусологик текширишлар учун касалликнинг биринчи кунларида бурун-ютқин шиллиги, қон, ликвор, ахлат олинади.

Серологик ташхис. Зардобрлар икки марта: биринчи марта бемор касалхонага ётқизилганда, иккинчи марта эса 1—2 ҳафта ўтгандан кейин текширилади. Касаллик динамикасида вирусларни бартараф этувчи ва комплементни боғловчи антителоларнинг 4 ва бундан ортиқ күпайиб бориши ташхисни тасдиқлайди.

Дифференциал ташхис касалликнинг клиник турига қараб қўйилади. Эпидемик миалгия ташхисида, айниқса эҳтиёт бўлиш зарур, у ўткір жарроҳлик касаллеклари (ўткір аппендицит, ичакларнинг тутилиб қолиши)га ўхшаб кетади.

Давоси. Энтеровирус касаллекларининг этиотроп даволаш воситалари йўқ. Бутун даво патогенетик ва симптоматик воситаларга асосланган.

Беморларга ўринда ётиш режими, тўла сафатли, витаминалаштирилган овқатланиш тавсия этилади. Сероз менингитларда дегидратациян терапия ўтказилади.

Профилактикаси. Махсус профилактика чоралари ишлаб чиқилмаган.

ИНФЕКЦИОН ЭРИТЕМА (ERUTHEMA INFECTIOSUM)

Этиологияси аниқланмаган ўткір инфекцион касаллеклар гуруҳидир. Иситмалаш, умумий интоксикация симптомлари ва эритематоз майдонларга қўшилиб келадиган тошмалар тошиши билан таърифланади.

Этиологияси. Кўзгалувчиси ажратилмаган. Касалликнинг баъзи турларида (Розенберг, Чамернинг инфекцион эритмаси, тасодифий экзантема) у эҳтимол вирусларга мансуб бўлса керак. Тугунсимон эритема қатор инфекцион касаллекларда, айниқса аллергик қайта тузилиши ифодаланган бот, сил, туляремия, сохта силда пайдо бўладиган симптомдир.

Эпидемиологияси. Касаллик спорадик ҳолида учраб туради. Инфекция манбаи ва резервуари маълум эмас. Беморлар атрофдагилар учун хавф туғдирмайди.

Инфекцион эритемалар патогенези ўрганилмаган.

Симптомлари ва кечиши. Эритемаларнинг асосий клиник турлари қуйидагилардан: 1) Розенбергнинг инфекцион эритемаси; 2) Чамернинг инфекцион эритемаси; 3) тугунсимон эритема; 4) кўп турли экссудатив эритема; 5) тасодифий эритема; 6) дифференцияланган эритемадан иборат.

Розенбергнинг инфекцион эритемаси. Уткир бошланиши, умумий интоксикация симптомлари билан ифодаланган иситма (кучли бош оғриғи, уйқусизлик, миалгия, артралгия) билан таърифланади. Касалликнинг 4—6-кунида оёқ-қўлларда доғсимон ёки макропапулёз тошмалар пайдо бўлади. Юзга тошма тошмайди. 5—6 кун ўтгач, тошма йўқолиб кетади, ундан ясмиқсимон ёки пластинкасимон қипиқ қолади. Иситма 8—12 кун давом этади. Аксарият, жигар ва талоқ катталашган бўлади. Айрим беморларда бўғимлар шишиб чиқиши, шунингдек, менингеал ҳодисалар кузатилиши эҳтимол.

Чамернинг инфекцион эритемасида инфекцион давр 9—14 кун давом этади. Хасталик енгил ўтиб, кўпроқ болалар касалланади. Тана ҳарорати нормал ёки субфебрил бўлади. Касалликнинг 2-кунидан юз терисида майда доғлар кўринишида ўзига хос тошмалар пайдо бўлади.

Тошманинг айрим элементлари гавда ва оёқ-қўлларга ҳам тошиши мумкин. Тошма элементлари марказдан бошлаб оқаради. Экзантема анча вақт (2 ҳафтагача) сақланб туради.

Тугунсимон эритема (*Erythema nodosum*) қатор инфекцион хасталиклар (туляремия, бот, силнинг кўринишларидан бири) дан ҳисобланади. Тана ҳароратининг ошиши, оёқ-қўллар, айниқса йирик бўғимларнинг зирқираб оғриши ва ўзига хос экзантема билан таърифланади. Тошма болдири ва елканинг симметрик жойларида, камроқ сон ва оёқ панжаларида пайдо бўлади. Тошма элементлари тугунлардан иборат бўлиб, пайпаслаб кўрилганда оғриқ беради, тери сатҳидан кўтарилиб туради, тери ичкарисида инфильтрат аниланади. Тугунлар устидаги тери ранги аввал қизил, сўнгра кўкимтир ва инфильтрат камайиб кетганда яшилсимон-сарғимтириб бўлиб қолади. Тугунлар З ҳафтагача сақланаб туради.

Кўп турли (полиморф) экссудатив эритема иситма ($39-40^{\circ}\text{C}$), умумий интоксикация симптомлари (бош оғриғи, қувватсизлик, артралгия) билан таърифланади. Касалликнинг 4—6 кунида гавда ва оёқ-қўлларга мўл полиморф тошмалар тошади. Тошма элемент-

лари доғ, папулалардан иборат бўлади. Сўнг тиниқ суюқлик билан тўлган пуфакчалар ҳосил бўлади. Пуфакчалар ёрилиб кетгандан кейин ўрнида олдин қизил моматалоқ, кейин эса қизғишиш пўстлоқ ҳосил бўлади. Беморлар тошма тошган ердаги тери қичишиши ва ачишишидан шикоят қиласидилар. Эритеманинг бир қатор оғир турларида (Стивенсон — Жонсон синдромида) тери заарланишидан ташқари, оғиз, бурун-ютқин шиллиқ пардалари, жинсий аъзолар, кўзда эрозив-ярали ўзгаришлар юзага келади. Касаллик одатда 1—3 ҳафта кечади. Стивенсон — Жонсон синдроми эса 1,5 ой ва бундан кўпроқ давом этади. Ўлим ҳоллари қайд этилган.

Бирданига рўй берадиган экзантемада инкубацион давр 3—6 кун давом этиб, касаллик ўткир, тана ҳароратининг 38—40° гача кўтарилиши ва нисбатан умумий интоксикациянинг ўрта миёна симптомлари билан бошланади. Касалликнинг 3—4 кунида ҳарорат нормага тушади ва айни вақтда юз, гавда ва оёқ-қўлларга экзантема (ёки 1—2 кун ўтиб) тошади. Тошма элементлари майда, оқиш, оч қизил доғлардан иборат (диаметри 5 мм) бўлиб, улар тошади. Тошма қизамиқда ёки қизилчада бўлгани каби тошмани эслатади. 2—3 кундан кейин тошма йўқолади, ундан кейин тери қипиқланмайди, пигмент қолмайди.

Конда касалликнинг дастлабки кунларида нейтропил лейкоцитоз, тошма тошганда — лейкопения, нейтропения, лимфоцитоз қайд қилинади.

Дифференциялашган инфекцион эритема келиб чиқиши маълум бўлмаган, иситма, ўртacha ифодаланган умумий интоксикация симптомлари билан таърифланадиган инфекцион касалликларнинг йиғма гуруҳидан иборат бўлиб, у маълум бўлган қандайдир бирор инфекцион турга хос эмас.

Инфекцион эритемалар ташхиси клиник маълумотларга асосланган. Гоҳо лаборатория усуллари, асосан бошқа инфекцион касалликларни бартараф этиш учун қўлланади. Махсус диагностиканинг лаборатория усуллари йўқ.

Давоси. Инфекцион эритемаларнинг енгил турларида симптоматик даво билан чегараланади. Тугунсимон эритемада асосий касалликка даво қилинади, қўшимча равишда антигистамин препаратлари (димедрол, дипразин, супрастин) тайинланади. Розенберг эритемасининг оғир турида ва полиморф ҳамда экссудатив эритемада кортикостероид препаратларидан преднизон

лон буюрилади, бунда юқори миқдорлардан бошлаб секин-аста миқдор камайтириб борилади ёки бошқа гормонал препаратларининг эквивалент миқдорларини 7—15 кун мобайнида тайинланади.

Профилактикаси. Ишлаб чиқилмаган. Ўчоқда чоратадбирлар олиб борилмайди.

«ВАБО» (CHOLERAЕ)

Ўта хавфли (карантин инфекцияларига тааллуқли бўлган) касаллик бўлиб, меъда-ичак йўли функциясининг кескин бузилиши билан таърифланади, бутун аъзонинг сувсизланиши ва тузсизланишига олиб келади ва кейинчалик барча ҳаётий муҳим аъзолар функциясининг заҳарланиши ва бузилиши билан давом этади.

Этиологияси. Вабо вибриони узунлиги 1,5—3,0 мкм ва эни 0,4—0,6 мкм келадиган таёқчалардан иборат бўлиб, улар кўпинча вабо вергуллари кўринишида бўлади ва анализ бўёқларида дуруст бўялади. Вабо вибрионлари битта хивчини борлигидан анча ҳаракатчан бўлади, споралар ва капсулалар ҳосил қилмайди. Озиқали, айниқса ишқорли муҳитда яхши ўсади. 36—40° ли ҳарорат вабо вибриони ўсиши учун энг қулай ҳарорат ҳисобланади.

Суюқ озиқали муҳитда эритроцитлар гемолизини келтириб чиқармаслик хусусияти вабо вибрионининг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади.

Вабо вибрионлари мураккаб антигенли тузилишга эга. Шунга кўра бир неча серологик гуруҳларга ажратилади.

Эль-Тор вибриони О-гуруҳга тааллуқлидир. Бу гуруҳда, шунингдек, учта серологик тур: Огава, Инаба ва Гикошим турлари фарқ қилинади.

Вабо вибрионлари паст ҳароратга чидамли бўлиб, қиздирилганда нисбатан тез ҳалок бўлади. Масалан, 60° ли ҳароратда вабо вибрионлари 30 дақиқадан кейин, 80° ли ҳароратда эса 5 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Улар турли хил кислоталар таъсирига айниқса сезувчандир.

Эпидемиологияси. Вабо ўткир инфекцион ичак касалларни гуруҳига мансубдир. Лекин бошқа ўткир инфекцион ичак касалларидан фарқли ўлароқ, вабо оғир кечиши, қисқа вақт турли худудларда аҳолининг катта қисмини зааралантириш хусусияти борлиги билан таърифланади.

Вабонинг кўрсатиб ўтилган хусусиятлари уни ўта хавфли инфекцион касаллик деб ҳисоблашга асос бўлади. Эпидемия авж олганда, дастлаб инфекция ўченини аниқлаш лозим, аксарият бу эпидемиялар сувдан тарқалади (сув эпидемиялари).

Одам биттаю-битта инфекция манбаи ҳисобланиб, у вабо вибрионларини касаллик пайтида, касалликдан тузалгандан кейин ёки соғлом ташувчилик ҳолатида ташқи муҳитга ажратади.

Бемор касаллик авж олганда, инкубацион ва реконвалесценция давридаёқ юқумли бўлади. Реконвалесцентлар вибрионларни касалликнинг 18—21-куни ва баъзан 58—60-кунидаги ҳам ажратиши мумкин.

Вибрион ташувчиликнинг уч хили тафовут қилинади: соғлом ёки симптомсиз вибрион ташувчилар; реконвалесцентли вибрион ташувчилар; вабо вибрионларини (яъни инкубацион даврида) ташувчилар. Эпидемия ўчоқларида кўпроқ болалар заарланади.

Патогенези ва патологик анатомияси. Вабода касаллик қўзғатувчиси одам организмига оғиз орқали сув ёки овқат маҳсулотлари билан бирга тушади. Вабо вибрионлари ингичка ичакка кириб олиб кўпаяди. Улар ўт ҳайдовчи системада ҳам кўпайиши мумкин. Вабо вибрионлари ўз ҳаёти давомида экзотоксин ажратади, у изотоник суюқликнинг кўплаб ажралишига (гиперсекрецияга) ёрдам беради. Меъда-ичак йўлида изотоник суюқликнинг тезда йўқолиши — барча касаллик клиник аломатларининг сабаби ҳисобланади. Натижада гемоконцентрация ҳодисалари кузатилади, гиперпротеинемия, лейкоцитоз, эритроцитоз ривожланиб, оралиқ ва бошқа метаболик, токсинли маҳсулотлар тўпланади.

Клиникаси. Болаларда касалликнинг энг ёнгил туридан тортиб то оғир турларигача қайд этилади. Уларда вабонинг турли клиник турларда ва хилларда кечиши ҳар хил омилларга боғлиқ бўлади, бунда болаларнинг индивидуал ва ёшга оид реактивлиги маълум ўрин тутади.

Катталарда касаллик кечишининг турли босқичлари аниқланади. Кичик ўшдаги болаларда эса касаллик босқичини ҳамма вақт ҳам белгилаб бўлмайди. Болаларда вабонинг инкубацион, симптомлар камайган ва клиник соғайиш даврлари фарқ қилинади.

Эль-Тор вабосида инкубацион давр 1—2 кундан 5 кунгача, камдан-кам ҳолларда эса узоқ муддат давом этиши мумкин. Вабода кўпинча ич кетади, гоҳо ич

кетишидан олдин бола қайт қиласы. Камдан-кам ҳолларда болаларда продромал симптомлар күзатылады. Боланинг иштаҳаси камаяди, инжиқланады, қорни оғрийди.

Касалликнинг кўрсатиб ўтилган симптомлари асосан катта ёшдаги болалар орасида учрайди, баъзи беморлар кўнгил айнишидан нолийдилар, бу ҳолат қайт қилишдан олдин пайдо бўлиб, кетидан ич кетади. Қусуқ массаларида дастлаб овқат қолдиқлари бўлиши мумкин, кейин унга ўт, шиллиқ қўшилади, кейинроқ эса улар рангизланади ва гуруч ювиндисига ўхашаш, гоҳо қон аралашган бўлади. Касаллик бошланганда бола кўп қайт қиласы, кейинчалик қусуқ камаяди. Бу ҳол суюқлик йўқотилиши ва сувсизланишнинг тез ривожланиши натижасида күзатылады. Бола кучанаверганидан мадори қурийди, вазни йўқолади, юзи ўткирлашиб, кўзлари ич-ичига кириб кетади, кўзининг таги кўкаради, оғиз қуриб, умумий токсикоз ва эксикоэнзиннинг бошқа типик аломатлари пайдо бўлади. Илк ва кичик ёшдаги касал болаларда токсинли синдром ва сувсизланиш белгилари айниқса тез ривожланади. Боланинг ичи суюқ келиб сарик, сарфиш-яшил рангда бўлиши мумкин. Касаллик бошланганидан бир неча соат мобайнида 5—10—20 мартағача ич келади. Ахлат маёсалари сувга ўхашаш рангиз бўлиб, гоҳо гуруч ювиндисига ўхшайди. Айрим bemорларда эса ахлат массалари гўшт ювиндисини эслатади. Вабода ахлат ишқорли реакция (pH 7,0—9,0) га эга, солиштирма оғирлиги қарийб 1002—1014 бўлади. Касал болаларда суюқлик ва минерал тузларнинг кўп миқдорда йўқотилиши натижасида сувсизланиш ҳолати ривожланади. Бунда илк ёшдаги болаларда оғир сувсизланиш ҳолати катта ёшли болалардагига қараганда тезроқ ривожланади.

Асоратлари. Болаларда вабодан тузалиб кетгандан кейинги асоратлар катталардагига қараганда тезроқ ривожланади ва оғирроқ ўтади. Тез-тез учраб турадиган асоратлардан (каналча некрози туфайли) ўткир буйрак етишмовчилигидир. Қалий ўрни етарлича тўлдирилмаганда гипокалиемия, нефропатия, юрак аритмиялари, паралитик илеус ривожланади. Суюқликнинг ҳаддан ташқари кўп қўйилиши ўпка шищувига олиб келиши мумкин. Даволаш пайтида кома, томир тортишиши, узоқ муддатли тормозланган ҳолат, ифодалангай гипогликемия ривожланиши эҳтимол.

Ташхиси. Вабо ташхисини дегидратацияси ифода-

ланган диареяда тасдиқлаш мумкин. Эпидемия авж олганда ташхис қўйиши қийинчилек туғдирмайди.

Бактериологик усул ташхис қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қасалликни аниқлаш учун ахлат ва қусуқ массалари текширилади. Бунда микроскоопик текширув усулидан фойдаланилади. Диагностиканинг қўйидаги тезлаштирилган усуллари ишлаб чиқилган.

1. Вибрионларни вабога қарши О-зардоб билан иммобилизация қилиш ва микроагглютинациядан фойдаланиш усули (ташхисни бир неча дақиқадан кейин аниқласа бўлади).

2. Натив материални ўзига хос вабога қарши О-зардоб билан макроагглютинация қилиш усули (тахминий ташхис 3—4 соатдан кейин қўйилади).

3. Флюоресценцияловчи зардоллар ёрдамида серологик усулдан (30 дақиқа — 1 соатдан кейин жавоб олинади) фойдаланилади. Вабони ифодалаган диарея билан дегидратация кузатиладиган қатор қасаллуклар ҳисобланган стафилококклар, дизентерия, сальмонеллёзлар, гастроэнтеритлар, вирус этиологияли диареялардан дифференциал ташхис қилинади.

Даволаш. Йўқотилган сув-туз ўрнини тезда тўлдириш давонинг энг асосий вазифасидир. Даво чора-тадбирлари қаторида антибиотиклар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Сув ва электролитлар ўрни бола танаси массаси ва сувсизланиш даражасига қараб тўлдирилади.

Болаларнинг регидратацион терапияси учун қўйидаги таркибдаги эритмалар: 4,5 г натрий хлорид, 4 г натрий гидрокарбонат, 1,25 г калий хлорид, 50 г глюкоза, 1 л апирогенли бидистилланган сувдан фойдаланилади. Гиперкалиемия белгилари аниқланганда таркибida тутмайдиган эритмалар: 6 г натрий хлорид, 4 г натрий гидрокарбонат, 50 г глюкоза, 1 л апирогенли бидистилланган сув ишлатилади.

Йўқотилган сув ўрни тўлдирилгандан кейин энтерал ёки парентерал йўл (соатига 10—15 мг/кг) орқали диарея тамом бўлгунга қадар қувватловчи гидратацион даво қўлланади. Кўкрак ёшидаги болаларни имкон борича тез-тез эмизиб туриш буюрилади. Овқат ея бошлиган болаларга эса тўла сифатли таомлар тавсия этилади.

Антибиотиклар фақат регидратация тамом бўлгандан кейингина тайинланади. З кун мобайнида ҳар 6 соатда 50 мг/кг тетрациклини берилади, шунингдек

10. мг/кг фуразолидон, 30 мг/кг эритромицин ҳам са-
марали ҳисобланади.

Профилактикаси. Заарланган сув ва овқатни
истеъмол қиласлик асосий профилактика тадбирла-
ридандир. Вабога қарши вакцина бўлса-да, у кам таъ-
сир қиласди, чунки у қисқа муддатли иммунитет ҳосил
қиласди.

Вабода тетрациклини қабул қилинади: 10 ёшгача
бўлган болаларга — 50 мг/кг, бундан катталарга —
250 мг/кг ёки бир марта қабулга доксациллин (бола-
ларга — 6 мг/кг, катталарга 200 мг/кг) берилади. Бе-
морларда вабо бөрлигига шубҳа қилинганда уларни
дарҳол ажратиш ва касалхонага ётқизиш лозим.

Алоқада бўлган шахсларнинг ҳаммаси ажратиб қў-
йилади.

ҚАЙТАЛАНУВЧИ КАНА ТЕРЛАМАСИ

Ўткир инфекцион хасталик бўлиб, уни турли ка-
налар орқали ўтадиган боррелиялар келтириб чиқа-
ради ва қисқа муддатли иситма билан кечади.

Қасалликнинг қайталанувчи кана иситмаси, кана
спирохетаси, кана рекурренси, бундан ташқари, тар-
қалиш жойига қараб Марказий Осиё қайталанувчи
терламаси, Шимолий Африка, Осиё, Шимолий Америка
ва Жанубий Америка рекурренси каби синоним номла-
ри бор.

Этиологияси. Кана боррелиозини спирохеталар кел-
тириб чиқаради. Одамда боррелиознинг қарийб 20 қўз-
гатувчилари қайд қилинган, лекин улар морфологик
жиҳатдан (биологик белгилардан ташқари) бир-бири-
га ўхшаб кетади.

Қасаллик вибриони бурамага ўхшаб эгилган ип
ёки бир оз чўзилган бурамани эслатади. Баъзан у ярим
доира шаклида жойлашиб, учлари ўткирлашган бўла-
ди. Йирик бурмачалар сони 4 дан 12 гача, баъзан
бундан ҳам кўпроқ бўлади. Илонга ўхшаб ва штопор-
симон ҳаракат қиласди.

Эпидемиологияси. Аргас каналари боррелиоз қўз-
гатувчиларининг асосий хўжайнин ташувчилари бўлиб
хизмат қиласди. Каналар ўз хўжайнилари — ёввойи сут
эмизувчиларда, қушлар ва рептилияларда яшайди, бу
боррелиялар, каналар ва ҳайвонлар орасида айланиб
юриш учун табиий ўроқ ҳисобланади.

Патогенези ва патологик анатомияси. Кана чаққан
боррелиялар одам организмига тушиб ретикулоэндо-

теслий томонидан қамраб олинади ва улар ана шу ерда күпаяди. Боррелиялар күпаяр экан, етарли миқдорда түпланиб, ретикулоэндотелий түсифини тешиб ўтиб, қонга тушади натижада касаллик келиб чиқади.

Мазкур хасталик патогенезида қуйидаги босқичлар ажратилади: 1) заарланиш босқичи; 2) бирламчи спирохетемия; 3) токсинемия; 4) спиролеталар реакцияси; 5) гуморал ҳужайравий механизмлар реакцияси; 6) токсинемия ҳоллари ва қайталанган спирохетемия.

Клиникаси. Инкубацион давр 4—15 кун атрофика, күпроқ 6—10 кун давом этади. Касаллик ўткир, күпинча бирдан бошланади. Баъзи ҳолларда продромал ҳолатлар — умумий ҳолсизлик, оёқ-қўллар, баданинг қақшаб оғриши, бел ва болдир мушаклари оғриши кўриннишида қайд қилинади.

Тез-тез бош оғриб туриши, шунингдек, оз-моз эт увишиши, ҳарорат $38-38,5^{\circ}\text{C}$ гача ва бундан күпроқ кўтарилиши мумкин. Продромал ҳолатлар 3—4 кун давом этиши мумкин, ҳарорат тушиб тер чиқади, барча оғриқ берувчи симптомлар ўтиб, бемор аҳволи яхшиланади. Боррелиоз клиникаси пароксизмлар бўлиши, эт увишиши, иссиқлаб кетиш, терлаш билан таърифланади. Хуружлар тўсатдан, ҳароратнинг учқун тезлиги каби $39-40^{\circ}$ гача кескин кўтарилиши билан бошланади, кучли бош оғрифи, жунжикиш қайд этилади, кейин бемор қаттиқ иситмалаб, бели, оёқ-қўллари, болдир мушаклари оғриди, безовталанади, уйқусизлик бошланиб, баъзан алаҳсирайди. Томир тез-тез уради, юрак тоналари бўғиқ бўлади, тилни караш қоплаган, иштаҳа бўлмайди. Хуруж пайтида юз қизариб кетган, жигар ва талоқ катталашган бўлади. Хуруж ҳароратнинг жуда ҳам тушиб кетиши ва тез-тез чиқиши билан тугалланади, у 5—6 соат давом этиши, лекин тер камроқ чиқиши ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда хуруж меъда-ичак бузилишлари (қусиши, қоринда спастик оғриқлар ва ич кетар ҳолида) билан давом этади. Хуруждан кейин ҳарорат бирданига тушиб кетади, беморда умумий қувватсизлик пайдо бўлади, лекин оғриқ, ҳолсизлик ўтиб кетади, аҳвол яхшиланади, ҳатто ишлаш қобилияти ҳам тикланади.

Дастлабки хуруж бир неча соатдан 2—4—6 кунга-ча давом этади.

Баъзан эрталабки ремиссиялар бўлган ҳолда ҳароратнинг қисқа муддатга кўтарилиши кузатилади. Иккинчи хуруж 1—6—8 кундан кейин ривожланади ва

у 4—8 соатдан 4—8 кунгача давом этади. Кана боррелиозида ҳарорат касаллик энди бошланганда интермиттирловчи тусда бўлиши мумкин. Қайталанувчи хуружлар сони ўрта ҳисобда 8—10 гача етган, лекин бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин, ҳар бир кейинги хуруждан сўнг унинг кўпроқ давомийлиги қисқариб боради, апиректик давр эса янада узайиб, 10—15—20 кунгача давом этади.

Касаллик З ҳафтадан 3—4 ойгача давом этиши мумкин. Кана боррелиозида енгил хуружлар кузатилиб, беморлар буларни осонгина кўтарган, шунингдек, уларда симптомсиз спирохета ташувчилик ҳам қайд қилинган.

Периферик қонда озроқ гипохром камқонлик (6—10 марта хурож тутгандан кейин), нейтрофилёз бироз ошгани, ўртача лейкоцитоз, нисбий лимфоцитоз, моноцитоз, эозинопения қайд қилинади. ЭЧТ тезлашган бўлади.

Асоратлари. Аксарият кана боррелиозининг оғир ўтадиган турларида — пневмония (зотилжам), сепсис, гепатит, сариқлик, нефрит, отит, кўз заараланиши (ирридоциклизлар, иритлар, шишасимон тананинг хиралашуви) кузатилади.

Ташхиси. Ташхисда эпидемиологик вазият — ҳисобга олинади. Ташхис учун биологик ҳайвонларга касалланган ҳайвонлар қонини юқтириш усулидан (денгиз чўчқалари, оқ сичқонлар) ҳам фойдаланилади. Юқтириб бўлгандан сўнг касалликнинг 1—5-кунида зарарланган ҳайвонларнинг қони боррелиялар бор-йўқлигига текшириб кўрилади. Кана боррелиозини эпидемик қайталанувчи бит боррелиози, безгак, иситма, фалаж, энцефалитлардан дифференциал ташхис қилиш лозим.

Давоси. Антибиотиклар кана спирохетозини замонавий даволашнинг асосини ташкил этади. Левомицетин 0,1—0,15 дан кунига 4 марта, эритромицин 0,15 дан кунига 4—6 маҳал берилади.

Антибиотиклар билан даволаш курси тана ҳарорати барқарор бўлгунча, одатда 5—7 кун мобайнида ўтказилади. Симптоматик даво bemornining умумий аҳволи ва кўрсатмаларга қараб олиб борилади.

Иситма хурожи даврида bemorларга етарли миқдорда калорияли ва осон ҳазм бўладиган овқатлар берилиши лозим.

Асоратларда ва қўшилиб қолган касалликларда

асосий даво зарур бўлган қўшимча даволаш воситала-
ри билан тўлдирилади.

Профилактикаси. Энг аввало каналар ҳужумидан
муҳофаза қилиш ва каналарга қарши кураш чорә-тад-
бирлар комплекси кана боррелиозини профилактика
қилишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

ЎЛАТ (PESTIS)

Жуда оғир заҳарланиш, иситма, лимфатик система,
ўпка ва бошқа аъзолар заарланиши билан таъриф-
ланадиган ўткир инфекцион касалликдир. Ўлат табиий
ўчоқли трансмиссив инфекциялар гуруҳига тааллӯқли-
дир.

Этиологияси. Ўлат қўзғатувчиси катталиги 1—3×
0,3—07 мкм келадиган учи думалоқ таёқчалардан
иборат. Ўлат қўзғатувчиси ҳаракатсиз, споралар ҳосил
қилмайди, капсуласи шиллиқли, грамманфий бўлиб,
барча анилин бўёқлари билан бўялади. Бемор тўқима-
лари, одам ва ҳайвонларнинг янги мурдаларидан тай-
ёрланган суюқ озиқали муҳитларда ўстирилган, бў-
ялган суртмаларда биполяр кузатилиб, микроб охирида
бирмунча қуюқ ва ўрта қисмида кучсиз бўялган бўла-
ди. Одамдаги суюқ ва зич озиқали муҳитларда ҳаро-
рат 25—30°C ва pH 6,9—7,2 бўлганда ўсади.

Эпидемиологияси. Кемирувчилар (каламушлар, юм-
ронқозиқлар, сичқонсимон кемирувчилар, суварақлар),
шунингдек, туялар инфекциянинг табиатдаги асосий
резервуарлари бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги вақтга қа-
дар кемирувчиларнинг қарийб 300 тури ва кичик хил-
лари ҳисобланган ўлат микроби ташувчилари маълум.
Бурга инфекция ташувчиси ҳисобланади. Одамга касаллик
бурга чаққанда, бевосита bemor кишилар, ҳай-
вонлар, уларнинг жасад ва ажралмалари орқали юқа-
ди. Ўлатнинг ўпка турига учраган bemorлар, айниқса
хавфли бўладилар, булар одамларнинг ҳаво-томчи
орқали заарланиши манбалари (ўлатнинг ўпка тури
юзага келади) бўлиб қолиши мумкин. Одамларнинг
ўлатга бериувчанлиги жуда катта бўлади. Ўтиб кет-
ган касалликдан кейин турғун иммунитет сақланиб
қолади.

Патогенези. Ўлат қўзғатувчиси одам организмига
тери, шиллиқ пардалар, нафас йўллари, ҳазм йўли
орқали тушиши мумкин. Лекин тери қўзғатувчининг
кўпроқ кирадиган жойи бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилинган таснифга мувофиқ, одамда ўлат-

нинг қўйидаги клиник турлари: бубонли, тери, бирламчи-ўпка ва бирламчи септик турлари тафовут қилинади. Бактерия тери орқали кирганда, унда гоҳо ўзига хос реакция ривожланиб, яра пайдо бўлади (тери ёки тери-бубонли тури). Аксари ўлат таёқчаси лимфа оқими билан энг яқин жойлашган лимфа тугунларига етиб, уларда ва атрофдаги тўқималарда геморрагик-некротик яллигланиш (бубонли турларни) келтириб чиқаради. Микробларнинг парчаланиши натижасида интоксикация (заҳарланиш)га сабаб бўладиган эндотоксин озод бўлади. Кейинчалик қўзғатувчи қонга тушиб, бутун аъзога тарқалади (инфекциянинг кўплаб тарқалиши) ва қатор аъзолар зарарланиши ва иккиламчи бубонлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Зотилжамнинг қўшилиб келиши, айниқса хатарлидир, чунки бунда касалликнинг ҳаво-томчи йўли билан тарқалиши имконияти пайдо бўлади. Септик ўлат, ўлат микробининг қонга тери ёки шиллиқ пардалар орқали кириб, инфекциянинг тарқалиши ва ички аъзонинг кўплаб уруғланиб кетиши билан таърифланади. Уларда микроблар шиддат билан кўпаяди, септицемия ва ўта оғир заҳарланиш юзага келади. Заарарланишнинг ўпка тури ҳаво-томчи йўли орқали аниқланади. Ўлат микроби нафас йўллари орқали киради. Ўпка тўқимасида сероз-геморрагик яллигланиш юз бериб, некротик компонент ифодаланган бўлади. Лобар ёки қўйилувчан зотилжам ривожланади. Альвеолалар суюқ экссудат билан тўлиб, у эритроцитлар, лейкоцитлар ва ўлат таёқчаларидан иборат. Септик ва ўпка ўлати жуда оғир ўтиши ва ниҳоятда нохуш белгилар билан таърифланади.

Клиникаси. Инкубацион давр 2—3 кун бўлиб, ўлатнинг ўпка турида эса қисқароқ, эмланганда 8—12 кунгача узайиши мумкин. Ўлат одатда бирданига бошланади. Эт увишиб, тана ҳарорати 39° гача ва бундан ортиқ кўтарилади. Токсикоз эрта пайдо бўлиб, тезда зўрайиб боради. Қаттиқ бош оғриғи кузатилиб, бутун аъзои бадан қақшаб оғрийди, кўнгил айнийди, бемор қайт қиласи. Эс-хуш издан чиқади, бемор алаҳлайди.

Бемор аввалига қўзғалган, юзи ва конъюнктивалари қизарган, тил йўғонлашган, оқ караш билан қопланган бўлади. Қон айланиши кескин бузилади, тез-тез томир уради (минўтига 120—140 ва ундан кўпрқ), юрак тонлари бўғиқ, arterиал босим пасаяди. Умумий аҳвол оғир бўлади. Бубонли турда касалликнинг 1—2-кунида лимфаденит (ўлат бубони) ривожланади. Бубон устидаги тери олдин ўзгармаган бўлса-да, кейин қип-

қизил, кўкимтири бўлиб қолади, ялтирайди, ёнида геморрагик суюқлиги бўлган иккиламчи пуфакчалар пайдо бўлиши мумкин. Қейинчалик бубон йирингланади ва ёрилиб кетади. Қасаллик енгил кечгандада бубон тўла сўрилиб кетиши ёки зичлашиши мумкин. Теребубонли турда терида қонли аралашма билан тўлган, қизил-қўнғир рангли, қаттиқ асосли пустула кўриниб туради. Қейин яра ҳосил бўлиб, унинг туби қорамтири струп билан қопланади. Бубонли тур енгил ўтганда, одатда қасалликнинг 6—11-кунидан бошлаб бемор согая бошлади.

Асоратлари. Ўлат пневмонияси (иккиламчи ўпка ўлати, ўлат сепсиси), иккиламчи септик ўлат, ўлат менингити, аденофлегмона ва бошқалар. Ўлатга қарши эмланганларда қасаллик одатда енгил ўтади. Ўлатнинг ўпка тури ўта оғир заҳарланиш, эрта бошланадиган ва зўрайиб борадиган юрак-томир фаолиятининг издан чиқиши, ўпканинг зарарланиш белгилари (ҳансираш — минутига 40—60 нафас), кўкракдаги кескин оғриқ, қон аралашган, суюқ, кўпиксимон балғам ажраладиган йўтал билан таърифланади. Беморнинг ўта оғир аҳволда бўлиши ва ўпкада нисбатан катта бўлмаган физикал ўзгаришлар (қасалликнинг дастлабки 1—2-кунида) мавжудлиги қасалликка хосдир. Илгари ўпка ўлати 2—4 кун ичидаги ўлим билан тугар эди. Ҳозирги вақтда антибиотиклар билан даво қилиш муносабати билан прогноз бирмунча дуруст бўлади. Септик ўлат учун геморрагик ҳодисалар (терига ва шиллиқ пардаларга қон қуйилиши, қон аралаш қусиши, қон кетиши), инфодалангани оғир сепсис манзараси хосдир. Қасалликка даво қилинмаса ўлим билан тугайди.

Ташхиси. Эпидемиологик ва клиник маълумотларга асосланади. Ташхис албатта лаборатория текширувлали билан тасдиқлайади. Бубон суюқлиги (пунктат), яралар, қон, балғам, мурда аъзолари бўлакчалари текшириш материаллари бўлиб хизмат қилади. Материал бактериоскопияси ўтказилиб, унга асосланаб олдиндан хулоса чиқарилади ва якунловчи жавоб одатда текширув бошлангандан кейин камида 5—7 кунда олинади.

Дифференциал ташхис. Туляремия, куйдирги, пневмония, тошмали терлама билан ўтказилади.

Давоси. Даволашнинг асосий қоидалари антибактериал, патогенетик ва симптоматик давони комплекс қўллашни кўзда тутади. Антибиотиклар ўлатга даво қилиш учун кенг кўламда қўлланади. Стрептомицин қаторидаги препаратлар клиник амалиётда энг синал-

ган препаратлар ҳисобланади. Бубон турива стрептомициннинг бир суткалик бошланғич миқдори 1000 000—1500000 ТБ ни ташкил этиб, уни кейинчалик 500000—750000 ТБ дан ҳар 6 соатдан кейин 7 кун ичида юбориб турилади. Даво тамом бўлгач, 2—4—6 кундан сўнг бубондан олинган пунктатни албатта уч марта бактериологик текшириш зарур. Ўлатнинг ўпка ва септик турларида стрептомициннинг суткалик миқдори 4000000—45000 000 ТБ гача, бир марталигини 1000000 ТБ гача оширилади. Препарат ҳар 6 соатдан кейин 7—10 кун мобайнида тайинланади. Даво тугаганидан кейин ҳалқумдан балғам ва шиллиқни олиб, бактериологик текширилади. Антибиотикларни парентерал юбориш билан бир қаторда уларни аэрозоль ҳолида 250000—500000 ТБ дан кунига 3—4 маҳал қўллаш ҳам тавсия этилади. Ўлатга учраган беморларга бир йўла иккита антибиотикни ёки антибиотикларни сульфаниламиидлар билан бирга қўллаб комплекс даволаш бујурилади. Сульфаниламид препаратлари 4 соат ўтказиб 1—1,5 г дан тайинланади. Витамин бериб даволаш, дезинтоксикацион ва умумқуватловчи юрак воситалари, геморрагик ҳодисаларда эса викасол бериш кўрсатилган. Юрак препаратларидан эфедрин, кордиамин, камфора, кофеин, адреналин, строфантин тайинланади. Токсикозда дезинтоксикацион воситалар (гемодез, 5% глюкоза, Рингер эритмаси, реополиглюкин ва бошқалар) қўлланади. Ўлатга қарши маҳсус гаммаглобулин бујурилади. Қасалликнинг бубон ва тери турларида маҳаллий тарзда симобли олtingугурт ёки ихтиол суртма дорили компресслардан фойдаланилади. Зарур бўлганда жарроҳлик давоси кўрсатилган.

Ўлат билан оғриган беморлар яхшилаб парваришга ва тўйимли овқатга муҳтоҷ бўлишади. Ўлатнинг бубонли турини бошдан кечиргандар касалликнинг барча симптомлари йўқолиб кетганидан кейин 10—12 кун ўтгач, шифохонадан чиқариб юборилади. Рековалесцентлар фақат кўп марталик манфий бактериологик текширувлардан кейингина ўша муддатларда чиқарилади.

Профилактикаси. Профилактика усули муайян система бўйича тузилиб, қўйидагиларни кўзда тутади: а) табиий ўчоқларда одамлар касал бўлиб қолмасликлари ва касаллик авж олиб кетмаслигининг олдини олиш; б) заарланган ёки ўлат билан заарланган деб гумон қилинган материал билан ишловчи шахсларнинг касаллик юқтириб қолишлирага йўл қўймаслик; в)

ўлатнинг чет элдан мамлакатимизга олиб келинишига йўл қўймаслик.

Профилактика маҳсус кўрсатмаларга биноан амалга оширилади. Ўлат касаллигига шубҳа қилинганда, бемор аниқланган жамоа, қишлоқ, шаҳар ва ҳоказоларда карантин ўрнатилади. Беморлар ва улар билан алоқада бўлган барча кишилар ажратиб қўйилади. Стрептомицин билан маҳсус ошиғич профилактика ўтказилади. Карантин чора-тадбирларининг барча комплекси қатъяян амалга оширилади. Ўлатни маҳсус профилактика қилиш учун ўлат микробининг Е штаммидан тайёрланган ўлатга қарши вакцина ишлатилади. Беморларга хизмат қилувчи тиббиёт ходимлари ўлатга қарши кийимларда ишлаб, иш тамом бўлгандан кейин тўла санитария ишловидан ўтишади. Ходимлар устидан пухта тиббий кузатув олиб борилади.

Инфекциянинг чет элдан олиб келинишига йўл қўймаслика қаратилгай чора-тадбирлар маҳсус «Халқаро санитария эмлашлари» да кўзда тутилган бўлиб, уларга: порт шаҳарларидан ўтадиган юк, багаж ва транспорт воситаларини санитария нуқтаи назаридан албатта кўздан кечириш, йўловчиларни тиббий текширувдан ўтказиш, ўлат билан оғриган bemорларни ва шу касаллик бор деб шубҳа қилинганларни аниқлаш ва ажратиш, ўлат касаллиги тарқаган зоналардан келувчи шахслар устидан врачлик, кузатуви ўрнатиш, шунингдек, транспорт воситаларини дератизация, дезинфекция ва дезинсекция қилиш каби чоралар киритилган.

БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ УЗИГА ХОСТАШХИСИ

Экзантема синдроми билан кечадиган касалликларга эрта ташхис қўйиш

Экзантема синдроми кўпгина юқумли касалликларда учраб турди ва кўпинча дифференциал ташхис қўйиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бу синдром этиологиясини тўғри аниқлашда қўйидагиларни назарда тутиш лозим:

- 1) bemornинг ёши ва аввал ўтказган юқумли касалликлар;
- 2) профилактик эмлашлар;
- 3) тошма тошиш муддати, унинг динамикаси ва айрим элементлари;

- 4) тошманинг тузилиши;
- 5) тошма ривожланаётган муҳит;
- 6) аллергологик анемнез ва олинган даво;
- 7) тошманинг жойлашиши ва айрим элементларнинг ранги;
- 8) юза шиллиқ пардаларининг кўриниши;
- 9) тошма ўзгариши билан бемор умумий аҳволининг ўзгариши;
- 10) қорин бўшлиғидаги паренхиматоз аъзолар ва лимфатик безларнинг ҳолати;
- 11) барча объектив ва субъектив ҳолларнинг комплекс баҳоси.

ИЛОВАЛАР

ҚИЗАМИҚ

Факультатив симптомлар	Асосий (белгиловчи) симптомлар
1. Қасалликнинг ўткир бошланиши Юқори нафас йўлларида ва шиллиқ пардалардаги катарал ҳолатлар	1. Катарал ҳолат (юқори нафас йўллари ва конъюнктиванинг яллиғланиши) заҳарланиш симптомларининг кучайнишига олиб келади.
2. Заҳарланишнинг секин-аста кучайиши: йўтал, тана ҳароратининг кўтарилиши.	2. Конъюнктивит, ёруғликка қарай олмаслик
3. Ёруғликка қарай олмаслик, блефарит, склерит	3. Катарал даврда Филатов-Бельский-Коплик доғлари
4. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиши (энантема)	4. Ўзгармаган тери фонида доғли папулёз, бир-бiri билан туташ тошманинг босқичли ривожланиши
5. Филатов-Бельский-Коплик доғлари	
6. Қасалликнинг 3—4- кунида доғли папулёз тошманинг пайдо бўлиши	
7. Қизамиқ билан оғриган бемор билан мулоқатда бўлиш эҳтимоли	

Беморни касалхонага ётқизишдан олдинги давридаги тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Уйда ва стационарда bemor атрофдагилардан ажратиб қўйилади.
3. Касалхонага хасталикнинг оғир тури билан оғриган, бир ёшигача бўлган болалар эпидемиологик кўрсатмалар бўйича ётқизилади.
4. Давоси: оғиз бўшлиғи, кўз ва бурунни озода сақлаш лозим. Тана ҳарорати кўтарилиганда иситма туширувчи дорилар (аналъгин, амидонирин ва бошқалар) қўлланади.

КИЗИЛЧА

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Қасаллик ўткир бошланиб, ўртамиёнга заҳарланиш билан кечади	1. Майдо, доғсимон тошма асосан қўл ва оёқнинг устки томонида пайдо бўлади
2. Ўртacha конъюнктивит билан юқори нафас йўлларининг яллиғланиши кузатилади	2. Бўйин, энса микрополиаденити
3. Қасалликнинг биринчи кунидан бошлаб, қўл ва оёқларнинг устки томонида майдо доғсимон, бир-бiri билан қўшилмайдиган тошма пайдо бўлади	3. Конда ўзгариш пайдо бўлади

4. Бүйин орқа томонидаги, энса ва кубитал лимфа безларидаги микрополилимфаденит

5. Қонда лейкоцитлар камайиши, лимфоцитларнинг ошиши, плазматик ҳужайралар күпайиши

6. ГАТР да антителолар титри 4 барвар ошади.

4. Серологик текширишлар натижаси касалликнинг биринчи ва 7—8-кунларида аниқланади

Беморни касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабарнома берилади.

2. Ўйда bemor атрофидагилардан ажратиб қўйилади. Касалхонага ёпиқ типдаги болалар муассасаларидаги тарбияланувчилар, касаллик асоратланган ва ташхис ноаниқ бўлган ҳолларда ётқизилади.

3. Тана ҳарорати кўтарилиганда анальгин, амидопирин буюрилади.

СКАРЛАТИНА

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Касаллик ўткир бошланади. Бош оғриғи, ютингандага томоғда оғриқ кузатилади</p> <p>2. Тана ҳароратининг кўтарилиши, кусиши эҳтимоли бор</p> <p>3. Гиперемияланган фонда майдага нуқтасимон тошма бир вақтда 1—2-кунлари пайдо бўлади. Тошма айниқса қўлтиқ остида, сонда, белда кўп бўлади</p> <p>4. Томоқ шиллиқ пардасининг эрта ўзгариши: катарал, фолликуляр, лакунар, гоҳида некротик ангина ривожланади</p> <p>5. Оқ дермографијам</p> <p>6. Олдинги юқори бўйин лимфа туғуллари қаттиқлашиб оғрийди</p> <p>7. Касалликнинг 3—4-кунидан бошлиб тил қип-қизил тусга киради</p> <p>8. Тахикардия, артериал босим бирмунча кўтарилади</p>	<p>1. Турли даражадаги заҳарланиш билан касаллик ўткир бошланади</p> <p>2. Томоқ шиллиқ пардасининг яллиғланishi</p> <p>3. Гиперемияланган — қизарган фонда майдага нуқтасимон тошма, оқарган оғизбуруни учбўрчаги турли даражада оқ дермографијам билан намоён бўлади</p>

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабарнома берилади.

2. Касалхонада ва уйда касални атрофидагилардан ажратиб қўйилади (клиник ва эпидемиологик кўрсатмалар бўйича).

3. Оғиз бўшлигини парваришлаб озода тутилади.
4. Пенициллин қаторидаги антибиотиклар: эритромицин ва бошқалар, аллергияга қарши даво кўрилади.

ҚУП ТУРЛИ ЭКССУДАТИВ ЭРИТЕМА

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Ўхашаш тошма қайталаради	1. Тана ҳарорати баланд кўтарилади
2. Ўткир бошланади	2. Инфильтрацияланган терида ўртаси ялтираган доғсимон папулёз тошма аниқланади
3. Тана ҳарорати кўтарилади	3. Асосан қўл ва оёқлар шикастланади
4. Қасалликнинг 4—5-куни тошма пайдо бўлади ва кейинги 2—5 кунда яна тошиб туради	
5. Бош оғриши, мушакларда ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлади	
6. Тошма турли кўринишда бўлади: доғсимон, папуласимон, қўшилиб, ёйнилиб кетувчи, айрим папулалар марказида экссудат бўлади. Тошма айниқса қўл ва оёқда кўп бўлади.	
7. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида ҳам тошма тошиши мумкин	

Қасалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Қасалликнинг оғир кечиши қасалхонага ётқизишга кўрсатма бўлади.
2. Қуйидаги маслаҳатлар берилади: тана ҳароратини пасайтирувчи, аллергияга қарши дори воситалари.
3. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати зааралангандага уни калий перманганати эритмаси билан чайиш ва кислородга бойитиш лозим.

СУВЧЕЧАК

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Қасаллик ўткир бошланаб, бемор умумий аҳволи қониқарли бўлади	1. Везикулёз-пуфакчали тошма пайдо бўлади (элементлари бир хонали)
2. Тошма бутун баданга тарқалади ва бошнинг сочли қисмида бир-иккита элементдан тортиб, кўп ҳам тошиши мумкин, 3—5 кун ичida тошма қурийди	2. Қасалнинг умумий аҳволи қониқарли бўлиб, сувчечак элементлари 3—5 кун давомида тошиб туради
3. Биринчи 3—5 кун давомида турли тузилишдаги тошма пайдо бўлади	3. Тери устида турли тузилишдаги тошмалар бир вақт-

Касаллик давомида ҳар бир элемент ўзгаради (доғ, тугунча, пуфакча, қора қўтири), тери устида бир пайтда турли тузилишдаги элементни кўриш мумкин

4. Тошма конъюнктивитда, қаттиқ ва юмшоқ танглайды, милкларда, тилда, лунжнинг шиллиқ қаватиди, ҳалқумда, бурун бўшлигиди, ҳиқилдоқда ҳам аниқланади

да пайдо бўлади (доғ, тугунча, пуфакча, қора қўтири)

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилини хабарнома берилади.
2. Ўй шароитида беморни атрофдагилардан ажратиб қўйиб, даволаш ёки клиник эпидемислогик вазиятни ҳисобга олиб касалхонага ётқизиш лозим.
3. Тошма элементларини 1% ли метилен кўки, 1% ли бриллиант кўки, 5% ли калий перманганат эритмаси билан артиш лозим.
4. Симптоматик тадбирлар кўрилади.

ҚУКИЎТАЛ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Касаллик секин-аста бошланади	1. Касаллик аста-секин цикличик равишда бошланади
2. Кўкіўтал билан касалланган bemор билан сухбат ўтказилади	2. Қатарал даврда умумий аҳвол деярли ўзгармайди, тумов кузатилади
3. АКДС вакцинаси билан эмланганликнинг аҳамияти катта	3. Спазматик даврида хурожсимон спазматик йўтал тулади
•4. Куз-қиши мавсумийликка эга	4. Хурожсимон йўтал даврида bemornинг юзи қизаради, бўйин томирлари бўртиб чиқади, кўзи ёшланаб, қон қуйилади
5. Қуруқ йўтал аста-секин хурожсимон йўталга айланади	5. Пароксизм пайтида ноэ кузатилади
6. Хурожлар оралиғида bemornинг умумий аҳволи яхши бўлади	6. Қонда ўзгаришлар, лейкоцитоз (15×10^9 — 40×10^9 г/л), моноцитоз (60—80%), ЭЧТ нормада ёки озмунча пасайган
7. Юз, қовоқлар шишиши, тери остига қон қуйилиши ва тил тагида ярача пайдо бўлиши кузатилади	
8. Бактериологик ва серологик текширувлар натижаси ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга	

Қасалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабарнома берилади.
2. Қасалхонага 1 ёшгача бўлган болалар ва оғир беморлар ётқизилади.
3. Антибиотикларни барваҳт қўллаш муҳим аҳамиятга эга (левомицетин, эритромицин, пенициллин, симптоматик терапия).

ЭПИД ПАРОТИТ – ТЕПКИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Қасаллик ўткир, тана ҳарорати кўтарилиши билан бошланади	1. Қасаллик безлар шикастлаши билан кечадиган кўринишда кечади: сўлак безлари, қулоқ олди безлари, меъда, тухумдонлар, кўкрак безлари шикастланади
2. Тепки билан қасалланган бемор билан суҳбат ўтказиш аҳамиятга эгадир.	2. Куз-қиши мавсумийликка эга
3. Қасаллик фақат безлар, марказий асад системасининг алоҳида зарарланиши, марказий асад системасининг маълум бир без билан биргаликда зарарланиши кўриннишида кечиши мумкин	3. Марказий асад системаси шикастланиши билан кечадиган кўринишда менингит, менингоэнцефалитлар кузатилади
4. Конда лейкопения ва лимфцитоз, ЭЧТ бир оз кўтарилади (15—20 мм/соат).	4. Бир вақтнинг ўзида ҳам марказий асад системаси, ҳам безли аъзолар шикастланишида: серозменингит-тепки, менингоэнцефалит-панкреатит кузатилади

Қасалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабарнома берилади.
2. Қасалхонага кўрсатма бўйича ётқизилади.
3. Симптоматик терапия тайинланади.

СҚАРЛАТИНАСИМОН СИНДРОМЛИ СТАФИЛОКОКК ИНФЕКЦИЯСИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Заҳарланиш симптомлари ажраблиб туради: тана ҳарорати баланд бўлади, лоҳаслик, ҳолсизланиш кузатилади	1. Қасалликнинг 4—5- куни стафилококк инфекцияси чақирған яллиғланиш ўчигида майдануқтали ва дөгсимон тошмалар пайдо бўлади

2. Қасаллникнинг 4—5- куни стафилококк инфекцияси чақирган яллиғланган жойда, қизарган терида майда нүқтачалар ва доғсимон тошма пайдо бўлади
3. Томоқнинг шиллиқ қаватида тарқоқ яллиғланниш, лакунар ёки фолликуляр ангина ривожланиши мумкин
4. Тил караш боғлаб, 3—4- куни тозаланади ва тил сўргичлари бўртиб туради
5. Тошма тошган кўпгина жойларда пўст ташлаш қатлам-қатламли бўлади

2. Заҳарланиш симптомлари айниқса ажралиб туради, тана ҳарорати узоқ вақтгача баланд бўлади
3. Заҳарланиш симптомлариининг пайдо бўлаётган тошмага алоқаси йўқ, яъни параллел эмас

Қасалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Бемор клиник кўрсатма бўйича қасалхонага ётқизилади.
2. Патогенези — ривожланиш механизми ва этиологиясига қараб даволанади.

ТОШМАЛИ ЭНТЕРОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Қасаллик ўткир бошланади. Та на ҳарорати юқори кўтарилади, бош оғриғи, мушакларда оғриқ, юқори нафас ўйлари яллиғланниши, меъда-ичак функцияси зарарланиши мумкин</p> <p>2. Қасаллникнинг 1—2- куни бирданнга доғсимон ёки доғсимон папулёз тошма ўзгармаган тери қопламида пайдо бўлади. Тошма 1—2 кун давомида тарқоқ ҳолда кўриниб туради</p> <p>3. Оғиз бўшлигининг шиллиқ қаватида энантема: пуфакча пайдо бўлиши мумкин, шиллиқ қават доғсимон кўринишда бўлади</p> <p>4. Бўйиндаги лимфа безлари катталашади.</p> <p>5. Қораталоқ катталашади.</p>	<p>1. Скарлатинасимон ёки майда доғли тошма тери қоплами ўзгармаган ҳолда пайдо бўлади ва тарқоқ жойлашади</p> <p>2. Бошқа аъзо ва системалар ҳам шикастланади: герпетик ангина, мушакларда оғриқ, гастроэнтерит, серозли менингит манзараси кузатилади</p> <p>3. Қасаллик енгил кечади, асосий симптомлар тезда йўқолади ва bemor тузалади</p>

Қасалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Бемор уйда ва қасалхонада атрофдагилардан ажратиб қўйилиади.
2. Симптомик ва патогенетик даволанади.

ПОЛИОМИЕЛИТ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Асосан 7 ёшгача бўлган болаларда учрайди	1. Касаллик ўткир, тумов, бош оғриғи, юқори ҳарорат, қорин оғриши билан бошланади
2. Полиомиелит билан касалланган беморлар — вирус ташувчилар билан мулоқат аҳамиятга эгадир	2. Фалаждан олдинги даврда тананинг ҳар хил жойларида, умуртқа поғонасида кучли оғриқ «бўйин», «уч оёқ» симптоми кузатилади
3. Полиомиелитга қарши тўла эмланганлигига эътибор бериш керак	3. Менингеал симптомлар: Керинг-Брудзинский, қўл ва оёқда қалтирашлар бўлиши мумкин
4. Тана ҳарорати кўтарилади	4. Фалаж даврида асосан оёқ, баъзида эса қўл, бўйин мушакларининг фалажи ривожланади
5. Касаллик ўткир бошланади	5. Серологик реакцияларда полиомиелит антителоларининг 4 маротаба ортиши қайд этилади
6. Заҳарланиш белгилари, вегетатив бузилишлар, менингеал симптомлар кузатилади	
7. Орқа мия суюқлигига ҳужайра оқсилли диссоциация фалаж даврида оқсил-ҳужайрали диссоциация билан алмашинади	

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Беморни касалхонанинг бокс бўлимига тезда ётқизиш керак.
3. Симптоматик терапия қўлланади.

СОХТА СИЛ (ПСЕВДОТУБЕРҚУЛЁЗ)

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Касаллик ўткир бошланиб, заҳарланиш белгилари яққол кўриниб туради	1. Тана ҳарорати узоқ вақтга қўтарилиб туради (10—12 кун)
2. Юқори нафас йўллари яллиғланади, конъюнктивит, кўз шиллиқ қаватининг қон томирлари зўриқади, йўтал ва тумов пайдо бўлади	2. Касалликнинг 3—4- куни ўзига хос жойларда тошма пайдо бўлади
3. Томоқ шиллиқ қаватида бодомча безлари яллиғланади, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шишади, тил караш боғлайди, ютинганда оғриқ пайдо бўлади	3. Қоринда, мушакларда оғриқ пайдо бўлади, диспепсик ўзгаришлар, жигар ва қораталоқ нинг катталашиши кузатилади

4. Касалликнинг 4—5- куни нуқтасимон, доғсизмон папулёз тошма бирданига пайдо бўлади. Тошма танада, қўл ва оёқда, кўпинча симметрик жойлашади («қўлқоп ва пайлоқ» синдроми)

Тошма кўкимтири рангда бўлади, бўғимлар атрофига жойлашади. Тошма тошландан 3—7 кун ўтгандан кейин тери пўст ташлайди

5. Қорнида оғриқ, ич келиши бузилади

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Қасаллик оғир кечса, бемор касалхонага ётқизилади ёки уйда атрофдагилардан ажратиб кўйилади.

2. Левомицетин ва симптоматик дори-дармонлар тайинланади.

АЛЛЕРГИК ТОШМА

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Анамнезда кўрсатилиши бўйича тошма бирон-бир овқатдан, дори-дармондан ёки бошқа аллерген исeteъмол қилингандан сўнг пайдо бўлади	1. Бемор турли хил дори-дармонларга ва озиқ-овқатларга ўта сезгир бўлиб қолишини назарда тутмоқ лозим. Аллергенларни аниқлаш эҳтимоли бор
2. Тошма полиморф ҳолда кўпинча эшакеми характеристида бўлиб, тери қишишади. Тошма ўзгармаган тери қолламида симметрик ҳолатда жойлашиб, тарқалмасдан бирданига пайдо бўлади ва тарқалмаган шиши пайдо бўлади	2. Тошма полиморф ҳолда бўлади. Аллергияга қарши даволаш бошлангандан сўнг тошмалар тезда йўқолади
3. Беморнинг умумий аҳволи кўп жиҳатдан аллергия қандай ривожланишига боғлиқ бўлади	3. Шиллиқ қаватлар деярли хеч қачон шикастланмайди

Беморни касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Организмга аллерген тушишини тўхтатиш лозим.
2. Аллергияга қарши дори-дармонлар тайинлаш керак.
3. Меъда ва ичакларни ювиб тозалаш зарур.
4. Касалхонага кўрсатмалар бўлса ётқизиш даркор.

МЕНИНГИТ СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ

Кўпинча юқумли касалликлар марказий асаб системасини шикастлайди ва менингит синдромини юзага келтиради. Бу синдромга тўғри этиологик баҳо бериш ва тахминий, асосий ташхис қўйиш учун қўйидагиларни назарда тутмоқ лозим:

- 1) касалланиш вақти;
- 2) аллергик анамнез;
- 3) бундан олдинги бўлиб ўтган касалликлар;
- 4) қўлланилган дори-дармонлар ва уларнинг фойдаси;
- 5) эпидемиология анамнез;
- 6) касалликнинг ўткир бошланиси;
- 7) бош оғриши ва оғриқнинг жойлашиши;
- 8) қайт қилиш сони ва сабаблари;
- 9) беморнинг ўринда ётиш вазияти;
- 10) ўта сезигирлик хусусиятлари (ёруғликка қарай олмаслик, тактиль эшишиш ва бошқалар);
- 11) болалар бошидаги катта лиқилдоқнинг аҳволи (бўртиб ёки пучайиб туриши, пульсацияси);
- 12) шайтонлаб қолиш (унинг давом этиш даври ва характеристири);
- 13) асосий менингеал симптомлар, энса мушакларининг тортишиши; (Кернинг — Брудзинский симптомлари ва бошқалар);
- 14) рефлекслар ҳолати;
- 15) бош мия нервлари (айниқса кўз томондан);
- 16) йирингли яллиғланиш жойларининг борлиги.

МЕНИНГОКОҚКЛИ МЕНИНГИТ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Касаллик ўткир бошланади</p> <p>2. Тана ҳарорати 39—40 °C даражагача кўтарилади бир-иккى ойлик чақалоқларда иситма бир озгинна кўтарилади (37 °C)</p> <p>3. Бош оғрифи</p> <p>4. Қайта-қайта қусиш овқат истеъмол қилиш билан боғлиқ эмас, беморнинг аҳволи қусиш натижасида енгиллашмайди</p> <p>5. Безовталик ва ўта сезигирлик ривожланади</p> <p>6. Шайтоналаш</p> <p>7. Менингеал симптомлар (энса мушакларининг регидлиги, Кернинг ва Брудзинский симптомлари), менингеал вазият</p> <p>8. Ўзоқли симптомлар (кўпинча ёш болаларда), бош мия нервларининг шикастланиши</p> <p>9. Эмадиган болаларда лиқилдоқнинг таранглиги ва бўртиб чиқиши, осилиш симптоми, ўтириш симптоми, қўлларнинг қалтираши</p> <p>10. Орқа мия люмбал пункцияда ликвор юқори босим билан тез-тез томчилаб тушади ва лойқа кўринишида бўлади</p>	<p>1. Касаллик ўткир бошланади</p> <p>2. Тана ҳарорати баланд кўтарилади</p> <p>3. Қайта-қайта қусиш</p> <p>4. Бош оғрифи</p>

Касалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабарнома юборилади.
2. Тезлик билан касалхонага ётқизилади.
3. Иситма туширувчи дорилар берилади.
4. Шайтонлашта қарши кураш олиб борилади.
5. Пенициллин тайнинзиди.

МЕНИНГОКОККЕМИЯЛИ МЕНИНГИТ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Менингит симптомлари (юқорига қаранг) 2. Заңарланиш симптомлари айниңса ажралып турады 3. Геморрагик тошма — некротик юлдузчаларга үхаш тошмалар әнд күп думба, сон, болдирида жойлашади. Аксарият геморрагик тошма розеола ёки розеола-папулали тошма билан биргә учрайдый 4. Артритлар, бурситлар 5. Тахикардия 6. Қон босими пасаяди 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Менингит (юқорига қаранг) 2. Юлдузчаларга үхаш геморрагик тошма 3. Артритлар

МЕНИНГОКОКК ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ИНФЕКЦИОН ТОКСИК ШОК

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Жуда ўткір, шиддатлы бошланади ва жадаллук билан кечади. Эт жунжикиб, иситма 40 °C га етади 2. Бом өгриғи қайд этилади. 3. Құпинча қон қусиши аниқланади 4. Безовталик, шайтонлаш күзатылади 5. Цианоз қайд этилади 6. Қасаллук бошланишидан бир неча соат сүнг күп геморрагик неврозли тошмалар пайдо бўлади 7. Менингеал синдромлар бўлиши мумкин 8. Сутканинг охирига бориб, тана ҳарорати кескин пасайиб, субфебрил бўлиши мумкин 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўткір ва жадаллук билан бошланади. Иситма 40 °C га етади 2. Жуда күп ва барвақт геморрагик ва невротик тошма пайдо бўлади 3. Цианоз 4. Тахикардия, ипсисимон пульс, қон босимининг пасайиб кетиши кузатилади

9. Юрак уриш товуши бўғиқланади, тахикардия, пульс ипсимон бўлиб қолади, қон босими камайиб кетади
10. Ҳансираш, олигурия қайд этилади
11. Гипотония кузатилади

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Тез ёрдам бригадасини чақириш лозим.
2. Айрим тадбирлар ўтказилгандан сўнг, беморни касалхонага ётқизиш керак: левомицетин, сукцинат (70—100 мг/кг суткалик миқдорининг 1/4 қисми) юборилади, преднизолон (5—8 мг/кг, суткалик миқдорининг 1/2 қисми) юборилади.

ПНЕВМОКОККЛИ МЕНИНГИТ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Нафас йўллари яллиғланади	1. Касаллик ўтқир бошланади
2. Иситма кўтарилилди	2. Энцефалит симптомлари эрта пайдо бўлади. Ҳушдан кетиш, қўл-оёқ мушакларининг тортишиши, бош мия нервлари шикастланиши парез ва фалажлар кузатилади
3. Касаллик ўтқир бошланади	3. Менингеал симптомлар аниқланади
4. Менингеал симптомлар барвақт пайдо бўлади	4. Пневмония ривожланади
5. Тез ҳушдан кетиш қайд этилади	5. Орқа мияни люмбал пункция қилганда ликвор лойқа бўлиб, нейтрофилли цитоз, суртма бактериоскопик текширилганда граммусбат кокклар аниқланади
6. Кўпинча узоқ давом этувчи оёқ мушакларининг тортишиши	
7. Бош мия нервларининг эрта шикастланиши, парез ва фалажлар қайд этилади	
8. Беморнинг ранги оқаради, цианоз кузатилади.	
9. Ҳансираш нафас аритмияси аниқланади	
10. Кўз қорачиғи торайиб, ёруғлилкка жавобан таъсир сустлашади	
11. Клиникада пневмония аниқланади.	
12. Орқа мияни люмбал пункция қилганда ликвор лойқа бўлиб,	

нейтрофилли цитоз, суртмани бактериоскопияда текширганда грам-мусбат кокклар аниқланади

Касалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Бемор касалхонага ётқизилади.
3. Күрсатмалаρ бўйича иситма туширувчи дорилар буюрилади, шайтонлашга қарши кураш олиб борилади.

ПФЕЙФЕР-АФАНАСЬЕВ МЕНИНГИТИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<ol style="list-style-type: none">1. Касаллик кўпинча рапит, отит, гайморит, пневмония билан бошланади2. Қасаллик аста-секин ёки ўткир бошланади3. Токсикоз кескин намоён бўлиб, кўпинча парентерал диспепсия ҳолида кузатилади, натижада церебрал гипотензияга олиб келади4. Менингеал симптомлар аниқ на-моён бўлмайди5. Ланжлик, безовталиқ қайд этилади6. Талвасалар, қайт қилиш кузатилади7. Ҳаракат издан чиқади8. Орқа мияни люмбал пункция қилганда ликвор лойқа бўлиб, нейтрофилли плесцитоз аниқланади. Бактериоскопия қилганда грамманфий таёқчалар кўринади	<ol style="list-style-type: none">1. Токсикоз — заҳарланиш оқи-батида иситма кўтарилади, дис-пептик ҳолатлар кузатилади2. Менингеал симптомлар қайд этилади3. Орқа мия пункция қилинади ва флорани аниқлаш учун экилади

Касалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га зудлик билан хабар берилади.
2. Бемор касалхонага ётқизилади.
3. Күрсатмалар бўйича: иситма туширувчи дорилар тайинланади ва шайтонлашга қарши кураш олиб борилади.

СЕРОЗЛИ МЕНИНГИТЛАР

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<ol style="list-style-type: none">1. Қасаллик ўткир бошланади2. Қасалликнинг биринчи кунлари қайта қусиши қайд этилади	<ol style="list-style-type: none">1. Қасаллик ўткир бошланади2. Иситма кўтарилади

- | | |
|---|---|
| 3. Иситма күтарилади ($37-39^{\circ}\text{C}$) | 3. Қайт қишлиш кузатилади |
| 4. Бош огрийди | 4. Менинггеал симптомлар аниқланади |
| 5. Менинггеал симптомлар озроқ даражада намоён бўлади ёки биргина симптом кузатилиши, кўпинча улар умуман бўлмаслиги ҳам мумкин | 5. Инфекцияларга хос аниқ симптомлар пайдо бўлади |
| 6. Сўлак безлари катталашиши мумкин (агар тепки — паротит бўлса). Бошқа безли аъзолар ҳам катталашиши мумкин | |
| 7. Энтеровирусли инфекция бўлса, унинг бошқа белгилари ҳам намоён бўлади (герпетик ангини, меъда ичак касалликлари, тошмалар) | |
| 8. Орқа мияни люмбал пункция қилганда суюқлик босим билан оқади | |

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС та шошилинч хабар юборилади.
2. Бемор касалхонага ётқизилади.
3. Иситма туширувчи дорилар буюрилади ва шайтонлашга қарши кураш олиб борилади.

БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ НАТИЖАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ИККИЛАМЧИ МЕНИНГОЭНЦЕФАЛИТЛАР

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Ўткир, айрим ҳолларда тўсатдан бошланади	1. Қасаллик ўткир бошланади
2. Касалликнинг белгилари 3—8-куни пайдо бўлади	2. Эс-Ҳуш йўқолиб туради
3. Иситма баланд (39°C) бўлади.	3. Узоқ давомли ва қайта шайтонлаш кузатилади
4. Бош огрийди	4. Ўчоқли бузилишлар аниқланади
5. Бемор қайт қиласи, ланж бўлади, кўп ухлайди, кома, қўзғалиш ҳолати кузатилади	
6. Шайтонлаш, қўл-оёқ трепоми қайд этилади	
7. Гипертензия аниқланади	
8. Ўчоқли бузилишлар, геми- ва монопарезлар қайд этилади. Бош мия нервлари шикастланади, пирамида белгилари пайдо бўлади	

9. Гиперкинезиялар аниқлашади
10. Ҳиқычоқ тутади
11. Бемор нафас олиш мароми бузилади
12. Томир уриши билан қон босими ўзгарувчан бўлади
13. Қизил дермографизм кузатилади

Қасалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Бемор тезлик билан қасалхонага ётқизилади.
3. Суткасига 2—3 марталик миқдорда преднизолон буюрилади.
4. Лазикс (0,5—0,1 мл) тайинланади.
5. Шайтонлашга қарши кураш олиб борилади.

АНГИНА СИНДРОМИ БИЛАН УТУВЧИ ҚАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ

Кўпгина қасалликлар ангина синдроми билан кечади, уларни бўғма (дифтерия) дан ажратса олиш лозим. Бу синдромнинг этиологиясини тўғри аниқлаш ва тўғри ташминий ташхис қўйиш учун қўйидагиларни назарда тутиш керак.

1. Қасалликнинг ўткир бошланиши.
2. Ютинганда оғриқ пайдо бўлиши.
3. Заҳарланиш даражаси, унинг жойланиши, тарқоқлиги, пардзанинг табиати (фибринли, йирингли дэтрит), шакли.
4. Тонзилляр лимфатик безларининг катталашиши ва оғриши.
5. Бўйинда шиш пайдо бўлиши, унинг табиати.
6. Паренхиматоз аъзоларнинг ҳолати (жигар, қораталоқ, лимфатик безлар).
7. Профилактик эмлашлар.
8. Эпидемиологик вазият.
9. Барвақт бактериологик ва гематологик текширишлар.

ЛОКАЛ ТОМОҚ БҮФМАСИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Ютинганда бир оз оғриқ сезилади	1. Оз миқдорда заҳарланиш кузатилади
2. Иситма 38 °C гача кўтарилади.	2. Таңглай бодомча безларида фиброз қоплами пайдо бўлади (оролсимон ва ёйилган), қоплам, лакуналар билан боғланмаган бўлиб, қийинчилик билан олинади
3. Томоқ шиллиқ қавати қизаради, парда қоплами атрофи кўкимтириусга киради	3. Тонзилляр лимфа тугунлари бир оз катталашади
4. Парда қатлами зич, қаттиқ бўзилади	4. Ҳақиқий ташхис қўйиш учун

либ, қийинчилик билан олинади ва қоплам олинганда унинг таги қонаиди

5. Тонзилляр лимфатик тугуллари бир озгина катталашиб, оғрувчан бўлади

дифтериянинг токсиген штаммлари ўсиб чиқиши лозим

ТОМОҚНИНГ ТОКСИК БУФМАСИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
1. Касаллик ўткир бошланади, заҳарланиш симптомлари яққол намоён бўлади, ҳарорат баланд кўтирилади, тери қопламлари кескин оқарип кетади, ланжлик, анорексия, қайт қилиш кузатилади	1. Заҳарланиш яққол намоён бўлади
2. Томоқ шиллиқ қопламида кул ранг, кўчмайдиган қоплам аниқла-нади	2. Томоқ шиллиқ қопламида фиброз қоплам пайдо бўлиб, танглай бодомча безларидан ташқарига тарқалади
3. Томоқ шиллиқ қоплами шиша-ди	3. Бўйинда турли даражада шиш пайдо бўлади, шиш оғри-майди, тери қоплами ўзгармайди
4. Томоқ шиллиқ қоплами қизара-ди	4. Томоқ ва бурундан олинган суртмада дифтерия тасдиқла-нади
5. Нафас олиш қийинлашади	
6. Тонзилляр лимфа безларининг катталашиши, бўйин тери ости қопламида шиш қайд этилади	
7. Оғиздан ширин маза, ҳид кела-ди.	
8. Буйрак усти безлари, периферик асаб системаси, юрак ва буйрак эрта шикастланади	
9. Эпидемиологик вазият кузати-лади.	

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар юборилади.
2. Бемор албатта ва тезлик билан касалхонага ётқизилади.
3. Томоқ ва бурундан дифтерияга суртма олинади.
4. Хабарномада контактлар ва клиник ҳолатлар кўрсатилади.
5. Бемор уйда қолган ҳолда, аллергик анамнезни назарга олган ҳолда дифтерияга қарши зардоб юборилади. Симптоматик даво ўтказилади.

ФОЛЛИКУЛЯР АНГИНА

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. 1—3 күн давомида иситма күтарилады, бош оғрийди, бемор қайт қылады</p> <p>2. Ютинганда оғриқ аниқ сезилади</p> <p>3. Томоқ шиллиқ пардаси қизаради</p> <p>4. Бодомча безлари шишади.</p> <p>5. Шиллиқ қават тағидан йирингелаган фолликулалар сарғыш оқ дөглар сифатида күрінади</p> <p>6. Тонзилляр лимфа түгүнләри оғрувчан бўлади</p> <p>7. Қасалликка асосан беморнинг узоқ муддат совуқда қолиб кетиши сабаб бўлади</p>	<p>1. Кучли заҳарланиш аниқланади</p> <p>2. Танглай бодомчаларида йирингелги фолликулалар күрінади.</p> <p>3. Ютилганда томоқда кучли оғриқ сезилади</p> <p>4. Тонзилляр лимфа түгүнләри катталашиб, оғрувчан бўлади</p> <p>5. Томоқдан олинганд суртмада дифтерия таёқчаларий аниқланмайди</p>

ЛАҚУНАР АНГИНА

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Юқори тана ҳарорати, бош оғриши, титраш күзатилади</p> <p>2. Бодомчаларда лакуналар билан бояланган, осонлик билан олинадиган, оқ, сариқ, яшилсизмөн қопламлар қайд этилади</p> <p>3. Томоқ қизаради</p> <p>4. Тонзилляр лимфа түгүнләри катталашади</p> <p>5. Қасалликка беморнинг узоқ вақт совуқда қолиб кетиши сабаб бўлади</p>	<p>1. Лакуналар йўлида йирингли қоплам бўлади</p> <p>2. Кучли ифодаланган заҳарланиш белгилари топилади</p> <p>3. Ютинганда томоқда оғриқ сезилади</p> <p>4. Қопламлар осонликча олинадиди</p> <p>5. Томоқдан олинганд суртмада дифтерия таёқчалари аниқланмайди</p>

ВЕНСАН АНГИНАСИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Сузмасизмөн некротик масса билан қопланган чўқурча ҳосил бўлади, устида фибриноз қоплам бўлиши мумкин. Некроз танглай равоқлари ва кичик тилчага тарқалган бўлиб; кўпинча бир томонлама шикастланади</p> <p>2. Лимфа түгүнләри катталашади, қаттиқлашади ва оғрувчан бўлади</p>	<p>1. Томоқ шиллиқ қопламида некротик яра ва яраги парда пайдо бўлади</p> <p>2. Заҳарланиш жуда суст ривожланади ёки умуман бўлмайди</p>

3. Тана ҳарорати субфебрил бўлади	3. Суртмада урчиқсимон таёқчалар ва спирохеталар аниқланади
4. Ютингандан оғриқ ўртача бўлади	4. Томоқдан олинган суртмада дифтерия топилмайди
5. Оғиздан бадбўй ҳид келади	

ЛЕЙКОЗДА УЧРАИДИГАН НЕҚРОТИК АНГИНА

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Томоқ шиллиқ қопламида некротик жарайён икки томонлама бўлиши мумкин, бодомча безларидан ташқарига ҳам тарқалган бўлади</p> <p>2. Томоқ шиллиқ қавати бир озгина қизарган бўлиб, қизартган оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати ва тери қоплами жуда рангиз бўлади</p> <p>3. Оғиздан ноҳуш ҳид келади</p> <p>4. Беморнинг умумий аҳволи оғир</p> <p>5. Барча гуруҳдаги лимфа тугулари катталашади, бўйин лимфа тугулари оғувчан бўлади</p> <p>6. Жигар ва талоқ катталашади</p> <p>7. Томоқдан олинган суртмадан дифтерия таёқчалари топилмайди</p>	<p>1. Танглай безларида гангреноз парчаланиш белгилари кўринаади</p> <p>2. Узоқ вақт иситмалаш</p> <p>3. Гемограммада ўзгаришлар аниқланади</p> <p>4. Стернал пункция ўтказилади</p>

ЮҚУМЛИ МОНОНУКЛЕОЗ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Қасаллик аста-секин бошланади</p> <p>2. Бурундан нафас олиш қийинлашади</p> <p>3. Барча гуруҳдаги лимфа тугулари, айниқса л/т катталашади, оғувчан бўлмайди</p> <p>4. Томоқдан олинган суртмадан дифтерия таёқчалари топилмайди</p> <p>5. Танглай муртаги йирингли ва фибриноз яллиғланади</p> <p>6. Эпидемиологик вазият ҳисобга олинади</p>	<p>1. Узоқ давом этувчи иситма кузатилади</p> <p>2. Полиаденит, айниқса бўйин безлари яллиғланади</p> <p>3. Томоқда фибриноз яллиғланни қайд этилади</p> <p>4. Гепатолиенал синдром аниқланади</p> <p>5. Конда мононуклеарлар топилади</p>

Қасалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Бемор клиник-эпидемиологик вазиятга асосланиб қасалхонага ётқизилади.

2. Дифтерияга бурундан ва томоқдан суртма олинади.
3. Томоқда фибриноз яллиғланиш йұқолгунча күндалик кузатув олиб борилади.
4. Антибактериал ва симптоматик терапия ўтказилади.

Диарея (ич кетиши) синдроми билан кечувчи касалликларга барвақт ташхис қўйиш

Диарея, яъни ич кетиши синдроми болаларда жуда кўп касалликларда учрайди. Бу синдромга этиологик ташхис қўйишда қўйидагиларга:

- 1) бемор боланинг ёши;
- 2) юқумли касаллик билан касалланган bemor билан мулоқатда бўлганлиги;
- 3) касалликнинг бирон-бир таом истеъмол қилиш, парҳез бузилиши билан боғлиқлиги;
- 4) шу касалликнинг келиб чиқишига боғлиқ бўлган инфекция ўчорининг бор-йўқлиги;
- 5) овқат тури;
- 6) ич кетишдан олдин қўлланган кимёвий ва антибактериал терапия;
- 7) ахлатнинг ҳолати (ҳажми, суюқ, сувли, ҳазм қилинмаган парчалари бор-йўқлиги, ранги);
- 8) заҳарланиш белгиларининг (иситма, қусиш) кучлилиги ва давомлилиги;
- 9) токсикоз турига эътибор бериш керак.

ДИЗЕНТЕРИЯ (ИЧБУРУФ)

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Дизентерия билан оғриган бемор билан мулоқатда бўлиш 2. Қасаллик ўткир бошланади 3. Заҳарланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши (1–2 кун), иштаҳанинг сусайиниши, кўнгил айниши, қусиш (кўпинча бир маротаба) қайд этилади. Оғир турлари — нейротоксикоз синдроми: такрорий қайт қилиш, гемодинамиканинг бузилиши, олигургия 4. Қоринда оғриқ, кўпинча чап ёнбаш тарафда, ич келишдан олдин оғриқ кучаяди 5. Сигма тортишади, тенизмлар кузатилади, анус бўшашибади 6. Ич суюқ келади, патологик қўшимчалари бўлади 7. Копрограммада — шиллимшиқ лейкоцитлар, кўриш майдонида эритроцитлар аниқланади 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қасаллик шиддатли ўткир бошланади 2. Тана ҳарорати кўтарилади, бемор қайт қилиши мумкин 3. Ботма-бот тортишиб қорин оғрийди 4. Сигма тортишади, тенизмлар бўлади

Касалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Бемор ажратып қўйилади.
3. Кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда bemor касалхонага ётқизилади.
4. Даволашдан олдин бактериологик текширувга ахлат олинади.
5. Симптомик терапия (гипертермия, шайтонлашга қарши курш) ўтказилади.
6. Бемор уйда даволанса: парҳез, антибактериал препаратлар, нитрофураилар, сульфаниламидлар, аксихимолинлар, витаминлар тайинланади.

ЭШЕРИХИОЗЛАР

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<ol style="list-style-type: none">1. Колиинфекция билан касалланган bemor билан мурлоқат2. Шиддатли ёки аста-секин бошланади3. Асосан 1 ёшгача бўлган болалар касалланади4. Заҳарланиш, тана ҳарорати ошиши, иштаҳа камайиши, кекириш, тез-тез қусиши, безовта бўлиш ёки ҳолсизланиш кузатилади. Bemornинг ранг-рўйи синиқсан, мушаклар тоиуси сустлашган бўлади, гемодинамик ўзгаришлар, олигурия, оғир ҳолатларда буйрак усти безларининг етишмовчилиги ривожланади.5. Сувсилизланиш аломатлари пайдо бўлади, вазн камаяди, тери ва шиллиқ пардалар қуруқлашади, сўлак қуюқлашади, тил қурийди, bemornинг юз чизиқлари ўтқиравшади, бошдаги катта лиқилдоқ ичига тушиб кетади	<ol style="list-style-type: none">1. Ҳарорат кўтарилади, тез-тез қайт қилиш кузатилади2. Эксикоз ва токсикоз аломатлари ривожланади3. Қорин дам бўлади4. Тез-тез ич кетади. Ахлат суюқ, сувли, кўп ҳажмда, оч яшил рангда, шишасимон шилмишикли бўлади5. Бактериологик текширувда ЭПКИ аниқланади

Касалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Бемор касалхонага ётқизилади.
3. Ахлатни, қусуқ массаларини бактериологик текширувдан ўтказилади.
4. Ҳар 10—15 дақиқада 10—15 мл дан чой ичириб турилади.
5. Йильтма туширувчи дори-дармонлар тайинланади.
6. Касаллик оғир кечганда гормонлар, гликозидлар буюрилади.

САЛЬМОНЕЛЛЕЗ

Меъда-ичак турида қўйидаги симптомлар кўпроқ учрайди.

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Сальмонеллэз билан касалланган бемор билан мулоқат 2. Шиддатли, ўткир бошланади 3. Заҳарланиш кузатилади, тана ҳарорати ошади (5—7 кун), нейротоксикоз, кичик ёшдаги болаларда эса токсикоз кузатилади 4. Ахлат кўп ҳажмда, суюқ, сувсимон, тўқ яшил рангда, шилимшик ва қон бўлиши мумкин 5. Жигар ва талоқ катталашади, шилимшик лейкоцитлар, эритроцитлар бўлади</p>	<p>1. Шиддатли, ўткир бошланади 2. Ҳарорат кўтарилади, қайтқилиш кузатилади 3. Кўп ҳажмда ич келади. Ахлат ботқоқ рангида, шилимшикли, унга қон қўшилиши мумкин 4. Жигар, талоқ катталашади 5. Бактериологик текширувда сальмонеллалар ўсиб чиқади 6. Генерализацияланган турларда зотилжам, менингит, отит, сийдик чиқариш йўллари зарапланиши қайд этилади</p>

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Бемор ажратиб қўйилади.
3. Бемор касалхонага ётқизилади.

СТАФИЛОКОКК ЧАҚИРАДИГАН ЭНТЕРОКОЛИТ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Ўткир ёки аста-секин бошланади 2. Страфилококк билан касалланган она ёки ўзга bemor билан мулоқат (мастит, страфилодермия) 3. Заҳарланган таомлар истеъмол қилинганда ривожланади (творог, сут, қаймоқ) 4. Страфилококк инфекциясининг ўчиги мавжуд бўлади 5. Ич бузилиши белгилари узоқ давом этади. (ич кетиши, ахлатда шилимшик, қон) 6. Парентерал йирингли ўчоқлар ҳосил бўлади 7. Қайталашга мойиллик қайд этилади. 8. Токсикоз ва эксанкоз ривожланни мумкин</p>	<p>1. Асосан 6 ойгача бўлган болаларда ривожланади 2. Страфилококк билан касалланган bemor билан мулоқат 3. Страфилококк ўчоғининг мавжудлиги ёки янгисининг пайдо бўлиши 4. Ич кетиши, ахлатда шилимшик ва қон қўшимчаларининг пайдо бўлиши кузатилади 5. Ахлат, қусуқ массаларида, парентерал йиринг ўчоғларида страфилококк аниқланади</p>

Касалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. СЭС га шошилинч хабар берилади.
2. Бемор ажратиб қўйилади.
3. Бактериологик текширув (ахлат, қусуқ массалари, йиринг) ўтказилади.
4. Она бактериологик текширувдан ўтказилади, бурун ва томоқдан суртма, она сути, йирингли ўчоқ суюклиги текширилади.

АЛИМЕНТАР ДИАРЕЯ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Анамнезда нотўри овқатлантириш, боланинг ёшига тўғри келмайдиган таом бериш, кўп овқат бериб қўйиш ҳисобга олинади</p> <p>2. Бир ёшгача бўлган болаларда кўпроқ учрайди</p> <p>3. Ич кетиш 6—8 мартадан ошмайди, ахлатда тиниқ шилимшиқ, ҳазм бўлмаган овқат бўлаклари топилади</p> <p>4. Умумий ҳолат ўзгармайди</p> <p>5. Копрограммада кўп ҳажмда ҳазм бўлмаган клетчатка, нейтрал ёғ, крахмал аниқланади</p>	<p>1. Нотўри овқатлантириш</p> <p>2. Бир ёшгача бўлган болаларда кўпроқ учрайди</p> <p>3. Ахлатда тиниқ шилимшиқ, ҳазм бўлмаган овқат бўлаклари топилади</p> <p>4. Сув-чой парҳези яхши натижা беради</p> <p>5. Копрограммада меъда-ичак йўлининг ҳазм қилиш фаолияти бузилмаганлигини кўрсатувчи ўзгиришлар аниқланади</p>

Касалхонага ётқизишдан олдин күриладиган тадбирлар

1. Сут-қатиқли парҳез, ёшга мувофиқ овқатлантириш, ферментотерапия белгиланади.

ИЧАК ДИСБАКТЕРИОЗИ

Факультатив симптомлар	Асосий симптомлар
<p>1. Узоқ муддат антибиотик қабул қилинади</p> <p>2. Узоқ муддат давом этувчи, тўхтовсиз, дам-бадам қайталовчи ич кетиши кузатилади. Антибактериал терапиядан bemor яна ҳам оғирлашади</p> <p>3. Бактериологик ва серологик текширувларда патоген ичак гуру-</p>	<p>1. Антибиотиклардан нотўри фойдаланиш, вирусли касалликлар, ўткир меъда-ичак қасалликлари қайд этилади</p> <p>2. Ич бузилиши узоқ тўхтовсиз давом этади</p> <p>3. Ичак микрофлорасининг мувозанати, таркиби ўзгаради лак-</p>

ди микроблари ва уларнинг антигенлари топилмайди

4. Копрограммада мөъда-ичак йўлининг ҳазм қилиш фаолияти бузилганлигини кўрсатувчи ўзгаришлар аниқланади

5. Замбуруғли дисбактериозида тери бичиљиши, оғиз шиллиқ қаватининг чақа бўлиши кузатилади

тоза, позитив ичак таёқчаси миқдори камаяди, унинг гемолитик штаммлари пайдо бўлади, бифидобактериялар сони кескин камаяди ёки умуман йўқолади

Касалхонага ётқизишдан олдин кўриладиган тадбирлар

1. Антибиотик қабул қилиш тўхтатилади.
2. Сут-қатиқ маҳсулотлари истеъмол қилинади.
3. Витаминотерапия (С, В) буюрилади.
4. Ферментотерапия ўтказилади.
5. Бионрепаратлар (бифидумбактерин, бификол, қолибактерин, лактобактерин) тайинланади.

РОТАВИРУСЛИ ГАСТРОЭНТЕРИТ

Факултатив симптомлар	Асосий симптомлар
